

ТЕАТРА

КЕҢИШ ИҢИГИ

Кырданов

АЗАМАТ
КОРЖОБОВ

821
К-59



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

15.12.2014
20.10.2014

1272

Азамат ҚОРЖОВОВ

ТЕҒИБА КЕҒИНИНИНГ КҮНДАЛИГИ

Қисса

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI ILMU VAZIRLIGI
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
1-FILIALI

Тошкент
«ИЛОД-PRESS»
2018

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAKSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5У)6
Қ 59

Тақризчи:

Муҳаббат Йўлдошева

ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Қоржовов, Азамат.

Телба келинининг кундалиги: Кисса / А.Қоржовов. — Т.: ИОД-
PRESS, 2018. — 224 б.

ISBN 978-9943-5234-9-4

У камоқхонада кўзини очди. Панжера ортисига қандай келиб қолганини эслагўмайди. Айттишларича, ўта оғир жиноятларни содир этган экан. Бироқ хўдожўй оилада тарбия топган тақводор, раҳмдил, назиккина қиз эди-ку. Қандай қилиб ҳаёти тубдан ўзгариб, жиноят ботқоқига ботди?

Дарвоқе, келин бўлиб тушган қишлоғида уни «телба» деб ҳисоблашарди. Ҳамма телба дейдиган келин эса ҳибсхона ермуҳасиди кундалик тушиб, қора ўтмишини ёдга олади...

ISBN 978-9943-5234-9-4

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5У)6

© “ИОД-PRESS” нашриёти, 2018

I БОБ

Кўзларимни оқсам тўрт девор,
Тўрт деворда қирқ ийлалик умрим...

Бугун кундалик ёзишга киришганимнинг биринчи кўни. Кўзларим қоғоздаги ёзилмаган, лекин кўзимга кўринаётган сатрларда. Шу кўринмас сатрларни бўяб чиқяпман. Ҳақиқатан ажабтовур матн тизилди:

Баланд деворлар...

Тиканли симлар...

Минораларда соқчилар...

Аллақадардан менга ўхшаган хотинларнинг фарёди эшитилади, аммо мен хотиржамман...

Кеча кимдир «жаҳондаги энг даҳшатли аёл» деб атаганини эшитдим. Ҳа, у мени шундай деб атади. Кулдим. Ер шаридаги кўрқинчли бир дўзах тубига — камоқхона тагидаги камерага келтирилганимдан бери бугун илк марта кўлимга қалам олганман ва ҳеч қаяққа қарамай (камерада қарайдиган манзара-нинг ўзи йўқ) жим ўтириб ёзипман. Дафтаримни «Кундалик» деб атаيمان. Аслида бошимдан кечирган қора кунлар битилган қисса, оддий қилиб айтганда, қатта бир китоб. Бошимдан кечирганларим ҳақидаги кундаликни келгусида ўқир эканлар, кимдир «Бахтсиз аёлнинг қисматномаси», «Бир шўрликнинг аччиқ ҳаёти», ҳатто «Қотил келиннинг жиноятлари» деб атаар. «Телба келиннинг кундалиги» ёки «Савдойи жувоннинг бошига тушган савдолар» ҳам дейишар. Мен савдойи ҳам, қотил ҳам эмасман. Кўйди-чиқди, уриш-жанжал, турли бошқа низолар сабаб кимнидир ўлдириб қўйиб, камоққа тушган аёллар ҳақида кўп эшитганман. Уларнинг тоифасига кирмайман.

Мухими, нимани билсам, нимани кўрсам, ўша-

ни ёзаман. Бир журналистга «Менинг ҳаётим ҳақида китоб ёзинг», деганимда, ваъда берди-ю қайтиб қорасини кўрсатмай кетди. «Ўзим ёзсам-чи» дедим. Балки дарду фамимни аввалроқ қозоғга туширганимда, бир оз енгиллашиб, бу кўйларга тушмасмилим? Мана, ҳозир ёзипману ҳақиқатан ҳам енгиллик сезипман.

Ўзи мента нима бўлди? Қачон эсим кирди-чиқди бўлиб қолди? Ҳаёт — бетога томошагоҳ. Ўзимни четда ҳис қиламан. Вужудим мендан ажралиб кетгандек. Бетонага айланган ҳаётга истеҳзо билан кулиб қарайман. Ҳа, яна куламан. «Жаҳондаги энг даҳшатли аёл» дейишгандаги каби... Борлик ва жамики тириклик алганечук кулгилли!.. Ҳамиша кулгилли дёлмасам-да, барибир кулиш мумкин...

— Нега кулипсиз, Нитора? — сўради назоратчи хотин кўлимга кишан тақиб.

— Ўзим шунчаки... — деб багтар кулгим кистади.

— Кулиш керак, фақат ўз ўрнида, — деди у. — Ҳозир сизни Бешинчи терговхонага олиб бораман. У ерда махсус комиссия тўплаган. Сизнинг тақдирингиз-ни ҳал қиладиган кишиларни кўрасиз. Тагин уларнинг ҳузурда ҳам кулманг.

— Нима учун?

— Ораларида Тошкентдан келган шифокор ҳам бор. Эрингизни қандай ўлдирганингиз ҳақида сўраганларида, жилмайсангиз, биласизми, ахволингиз чатоқ бўлади. Анави иккинчи одамни ҳам қандай ўлдирганингизни сўрашади. Улар савол беришганида кулманг. Айниқса, қотилликлар ҳақида гап кетганида, кулиш у ёқда турсин, афсусланиб йинланг. Сизга маслаҳатим шу.

— Нима учун кулмаслик керак?

— Яна сўрайсиз-а? Наҳотки, тушунмаяпсиз? Аксинча, сиз йинланг, афсузда эканингизни айтинг, кечириларини сўранг. Агар кечирим сўрамасан-

гиз, оқибати фожиянгиз билан яқунланади. Тушундингизми? Олди қилиб айтсам, барча жиноятларингизни тўплаб, ҳукм чиқарилса, отишга ҳукм этиласиз. Бахтингизга бизда ўлим жазоси йўқ. Рухий жиҳатдан соғлом эмаслигингиз ҳисобга олинмайди. Бир оиланинг намунали келини эдингиз. Яхши кунларингизни эсланг! Қачон ва нима учун бунчалик ёвузлашиб, ақлингизни йўқотиб қўйганингизни, майли, ҳозирча ёлға олманг. Ёки умрбод унутганингиз маъкул.

— Нега кечирим сўрайман?

— Сиз қотилсиз, ахир.

— Кимларни қачон ўлдириб қўйганимни эслол-майман-ку, шунда ҳам қотил бўлиб қолавераманми? Назоратчининг эркакларникидек хунж юзи янада бадбашара, қора кўзлари ола, оқ тишлари сўйлоқ бўлиб кўринди. Рўмол ўрамагани-чи! Аёл ҳам шунақа беибо бўладими? Аёл эмас, эркак бу, нақ эркакнинг ўзгинаси. Бетон деворлару қалин панжаралар ораси-да ишлаб эркаклашиб кетган. Йўқ, эркак эмас. Агар эркак бўлганида, шу ўтган кунлар ичида унга ҳам бирор ёмонлик қилишга уринардим. Кишан кўл-оёғимдадир, оғзимда эса кулф йўқ. Тишлайман... Кутурган итдек тишлайман...

Шу пайт негадир тилим алжиради:

— Менинг айбим йўқ... Айтинг, кўйиб юборишса, уйимга кетаман... Уйим ҳам энди йўқ... Отанамникига кетаман... Уша ер яхши... Бу ерлардан чарчадим, опа...

Назоратчи хотин кўлимдаги кишаним маҳкамми ё омонатгина турибдими, текшириб кўрди.

Кулоғим остида акс садо янграб турарди:

— Сиз икки кишини ўлдиргансиз...

— Икки кишини ўлдиргансиз...

— Икки кишини...

У бекорга камерадан чиқармасиданок кўлимга

кишан тақмади. Кишаннинг овози ёқимсиз епир-тиллади. Качон қарама, шу аҳвол. Мен шу қадар хавфли, шу даражада ёвуз махлукманми?

Тўсатдан ўпкам тўлиб, йиғлаб юбордим.

— Ўзингизни босинг, Нигора, йиллар ўтиб, бу кунларни унутасиз, — юпатди назоратчи. — Ҳозир сиз билан гаплашишди. Харҳолда бекордан-бекорга бунақа бўлиб қолмагансиз. Сиз жабр кўрган ожиза аёلسиз, шунисини ҳисобга олга, камроқ беришар. Айтдим-ку бизда ўлим жазоси йўқ деб. Қолаверса, сиздан кўп ўтирганлар бор бу «борса-келмас»да.

— Улар ким? — ҳикиладим мен. Кўз ёшларим маҳбусона кўкиш либосимга томиб, қора доғлар ҳосил қилди.

— Бири ички ишлар идораси подколковниги, учтаси терговчи, яъни бири прокуратура ходими, бешинчиси Тошкентдан келган. Кўзойнакли эркак, руҳий касалликлар бўйича мутахассис. Орасида адвокатингиз йўқ. Чунки бу шунчаки олдий тергов эмас, сизни ўрганишмоқчи, ақл-хушингиз жойида-ми, йўқми, яна бир марта ўзингиз билан гаплашиб кўришмоқчи. Тайинланларим эсингиздан чиқмасин. Хонага кирганингизда зинҳор-базинҳор кулманг, жазавага тушманг, ақл-хушли уй бекасидек мулойим бўлиб ўтиринг.

— Мен анавиларни сўрадим... Ҳалиги...

— Кимларни?

Негадир бошим ила кун ботиш томонга ишора қилиб, гудрандим:

— Уларни...

— Анниқроқ гапирсангиз-чи!

— Ўлганларни, — дедим тилим зўрға айланиб.

— Ўлдирганларим кимлар эди, демоқчимисиз?

— Ҳа, — дея бош силқидим.

Шунда бошим ўзимга бўйсунмай қайта-қайта сил-

кинаверди, тилим «Ҳа, ҳа» дер, ё алҳазар, кўз ёшларим кўриб, лабим жилмаяр, ҳеч ўзимни тўхтатолмас эдим. Назоратчининг ростмана жаҳли чиқди.

— Мен уларнинг айбоқчиси эмасман, — деди билатимдан маҳкам қисиб. — Сизга опалик қилиб, ўз ишимни хавф остига қўйиб, маслаҳат берсам, нега ўзингизни телбаликка соласиз? Агар шу қилиқни иккинчи қаватда, комиссия олдида ҳам тикрорласангиз, умрбод қамоқда ўтирасиз. Ҳолдингизга маймунлар йиғлайди. Одам ўзини сал бўлса-да қўлга олиши керак.

Миям лўқилларди. Эслашга уриндим. Ҳатто, бу қамоқхонага қандай келиб қолганимни ҳам эслолмадим. Ўтган кунлар мобайнида ҳушим ўзимда бўлган, шунинг учун руҳий касаллар шифохонасига эмас, турманинг аёллар бўлимига келтиришган, ammo кўп ўтмай «Балки у чиндан ҳам телбадир?» деган савол туғилган ва маҳсус комиссия тузилган. Ҳозир шу масала бўйича мени бешинчи терговхона-га олиб боришмоқчи.

Кўз олдимдан бўри лип этиб ўтди. Кўзлари совуқ боқарди, оғзидан буғ уфрурилларди.

— Бўрини эсладим, — дедим.

— Назоратчи эшик сари етаклади.

— Эрингизнинг исми Бўри. Демак, исминни эс-

ладингиз.

— Йўқ, ҳақиқий бўрини кўряпман... Сўқмоқда... Ушш кеча қалин дарахтзорда эдик. Олдинга қараб чопиб кетяпман... Ҳаво совуқ эди... Уни нега ўлдирганман? Тушунмаяпман... Ҳа, мен бўридек олдин ким эдим?..

— Оилангиз учун қасос олмақчи бўлгансиз.

— Эрингиз оилангиз эмасди, — деди назоратчи.

Бошим гувиллаб, кўз олдимни секин-аста пар-

да қоллади. Турманинг тош полидан кўз узмай кетарканман, юрагимни бир ўй тилдаларди: «На-хотки, ўз эримни ўлдирганман? Бу ҳам етмагандек яна битта одамни... У... у ким эди? Иккинчи кўрбон ким?.. Энди нима бўлади? Мен шўрликка нима бўлади?»

— Ростдан ўлдимми? — сўрадим тўхтаб.

— Юринг, маҳбус, — олдинга ундади назоратчи.

Каршимиздан харбийларникига ўхшаш кийимда-ти бир эркак келарди. Назоратчи хотин мени девор-га қаратиб қўйиб, у билан саломлашди.

— Бешинчи терговхонагами? — деди Ҳалиги эркак.

— Ҳа, шундай. Ўзингиз-чи? — деди жавобан на-зоратчи.

— Ерғўлага.

— У ерда маҳбусларингизнинг аҳволи қандай?

— Бир нави. У яна йиғладими?

— Эслолмаяпти.

— Меники ҳам хотинини ўлдирганини эслол-маганди, эслатиб қўйишди.

— Баҳона топиб, карперга тиккансизлар-да?

— Йўқ, алдашди. Хотинининг хиёнати акс этган сохта видеотасвирини кўрсатишди. Экранга қараб фазобланганини кўрсангиз эди.

— Менинг маҳбусимнинг асаби яхшимас, — деди назоратчи. — Уни даволатмасалар, касали ўтиб кетиб, бир умр ҳеч нарса ни эслолмайди. Қаранг аҳволдига! Эс-хуши жойидамас. Аҳволи шу бўлса, мени ҳам ўлдирарди.

— Эс-хуши жойида бўлганида шунча ишларни қилармиди! Унинг бу ерда қолиши ҳаммамиз учун хавфли. Биринчи ўринда сиз учун.

— Аммо ҳозир мен билан опа-сингилдек.

— Ишонманг. Бу аёл ҳозир нимани ўйлаётганини қаердан биласиз? Қисқаси, эҳтиёт бўлинг. Менга шундай туюлаётгани, қамоқхонадан қочиб кета

олади. У сизу бизга ўхшаган одаммас. Бир кун келиб одаммаслигини яна бир марта исботлайди. Бекор-га бошқалар кўрбон бўлмаса гўрга эди.

— Уни йўқ қилибгина кутуламиз демоқчимисиз?

— Ачинарлиси, унинг яна қирқ йиллик умри бўлиши мумкин. Қирқ йил кўриқлаш осон дейсизми?

Уларнинг суҳбатини эшитиб, бу қамоқхонага кеча ёки ундан аввалги кун эмас, қирқ йил бурун келганимни эслагандек бўлдим.

Қирқ йил!

Қирқ йил...

II БОБ

*Ёр-ёр айтар ер қариди янгаларим,
Егилди омад сўраб тангаларим...*

Бугун яна кундалигимни давом эттирипман. Яна сатрлар, сатрлар...

Уша кунни Бешинчи терговхонанинг иккинчи қантгида беш дақиқа кўтиб туришимизни буюриш-ди. Назоратчи мени яна деворга қаратиб қўйиб, тик оёқда куттирса керак деб ўйлагандим, йўқ, йўлакда-ти яккаю ягона ўриндиққа бошлаб борди. Бу суяк-дан ясалган ўриндиқ эди.

— Утиринг, — деди у.

Мен қуролланган икки баҳайбат эркакка қараб қўйдим. Улар мenden кўз узмай туришарди. Маҳбус тинийдиган машинада ҳам, бу ерда ҳам менинг ҳар бир халти-ҳаракатимдан бохабар бўлишда давом этишарди. Хойнаҳой, кучлари етмаган тақдирда отиб ташлаш учун тўшпонча тақиб олишибди.

— Утиринг, — деди яна назоратчи.

Утирдиму кўзларимни юмдим.

— Ухламанг.

— Эслаш учун кўзларимни юмдим, — дедим мен. Шу пайт мўъжиза юз берди. Лоп этиб ёшлигим

Эдимга тушди, аниқроғи, келинчаклик даврим. Эсладим, эсладим, уч опа-сингилнинг ўртанчаси эдим. Хаммамиз ёқаси ёпик, енгги ва этаги узун кўйлақларда, рўмоғ ўраб юрадлик. Бари остин-устун бўлиб кетган кунлардан сал аввал менинг тўйим бўлганди... Кулоғимга «ёр-ёр» садолари оқиб кирди:

*Хай-хай ўян, жон ўян, ўланчи қиз, ёр-ёр,
Вадасида турмаган ёлғончи қиз, ёр-ёр...*

Димоғимга дошқозондан таралган туғун иси урилиб, хотин, бола-чақанинг ғала-ғовури эшитилди. Кўзимни очдим. Энди кўзим ўнгида икки баҳайбат соқчи ва назоратчи хотин эмас, олисларда қолган тўйим манзараси жонланди. Хотин-қизлардан нари-да костюм, оқ кўйлақ, дўшти кийган маҳалла эркаклари, қариндош йигитлар ҳам кўринди. Бир ажойиб тўй эди. Мен тўй оломони орасидан ўзим кўришни истатган одамни ахтардим. Унинг қораси ҳеч қаерда кўринмасди...

— Бир нуқтага тикилиб қолди, — деди эркак.

— Киприти ҳам қилг этмангги, — хавотирланди иккинчиси.

— Нитора! — деб чакирди назоратчи.

Тўйим кунни ўтмиш тубига равона бўлиб, мен яна Бешинчи терговхонанинг иккинчи қаватида кўлим кишанланган ҳолимга қайтиб қолдим.

— Ичкарига кирамиз, — деди назоратчи. Икки эркак икки ёнимдан келиб, биллақларимдан тўтишди.

Остона ҳатлаб, бошимни кўтардим. Икки ёнимдаги икки янга ўрнида икки баҳайбат соқчи тургани фазабимни кўзгай бошлаганди. Бироқ мен ўтмишдаги тўйимдан ахтарган одам бу ерда — кабинет тўридаги эркаклар қаторида ўтирарди. Энди у аввалги йигит эмас, камиди фан доктори. Эғнида ўзига ярашган яп-янги костюм. Кўзойнаги ҳақиқий раҳбарларники. Йиллар ўтиб, тўлишибди, оппоқ бўлиб семиривди, оиласи ҳам бахтдан сармаст бўлса керак.

— Нитора, соғингиз яхшимми? — сўради у.

— Сен сўрагандан бери яхши, — деб негадир кенсириб жавоб бердим. Бунинг устига лаб-лунжимни ҳам йигитпиролмадим. Ғалати илжайдим шеклиги, назоратчи хотин дарров елкамга кўлини кўйиб, шивирлади:

— Тўғри муомала қилинг.

— Хмм... — деди костюмли эркак.

Мен эса унинг исминни эсладим.

— Эргаш, тўйим кунни қаерда эдинг? — дедим кўларига тикилиб.

— Немим ёдингизда экан. Бу — яхши, — деди у.

Эркакнинг юзига ғазаб билан боқдим. Афсуски, унинг юз-кўзи хушсураг эди, истарали эди. Шунга нимга бўлти? Балки у ҳалдан ташқари бахтли бўлгани учун истарали кўринар? Менинг турқим совуқлиги айбимми? Холбуки, турқим совуқлиги ҳали аниқмас, ўтмишми каби мавҳум. Кўнглим айтяпти: мен тўғилман. Хамманг тентаксан.

— Шунча воқеалардан кейин исмингни эслаганимга хайрон қолипсанми? — дедим унга. — Мени қардинг, тўғримми? Шу аҳволда кўришни истадинг, шундайими? Тошкентда ўқиб катта одам бўлиб кетибсан. Бахтлisan, озуларинг ушалган. Лекин... Миям яна дўжиллади. — ...лекин катта хаёто қилдирсан! Сен қанчалик бахтли бўлма, мени енга олдингсан. Сендан анча олисламан ва бутунлай бошқа оламман. Сиртим кир бўлса ҳам, ботиним тоза. Мен шундайлигимча қоламан! Такдирни эмас, ўзимни улартириш керак бўлган кун келса, бидиб кўй, иккинчиси ҳам ўзгартирмайман! Сени ўлдирмайман, омон қоласан. Хоҳлаганингча яшайсан бу ғалдор дунёда. Битта шарт билан ўлдирмай-ман! Кулма!... Устимдан кулма!... Келишдикми, Эргаш?

Кўларим ёшланди. Назоратчининг гапи эсимда эди. Ҳеч қачон дол-вой солиб йиғламаслик! Ҳеч

качон юзимни тирнаб, юмдалаб, оғзимдан тутук сачратиб, кўзларимни олайтириб, жинниларга ўхшаб думаламаслик!

Аmmo қотиллик учун кеչирим ҳам сўрамайман. Мен ўлдирган иккинчи одам кимлигини билиб олсам, бас. Йўк, йўк, у отам бўлиб чиқса-чи? Билиб олганимдан не наф? Юратим сабрсиэланяпти, холос.

Дигимда шу сўзлар жаранглади:
Астафдирулло...

Астафдирулло...

Бирдан жимиб қолдим. Кўл-оёқларим қалтираётганини сездим. Кишанларим шиқирлади. Хонадаги ҳар бир оламга, ҳатто деворга илинган бир амакининг портретига ҳам қарадим. Негадир шу онда портретга кўзимни қисгим келди. Кейин портрет мен ҳақимда ёмон ҳаётга бормасин деб тишимини тишимга босдим. Хонада битта ўлик бор эди. У ҳам мана шу — портрет. Портрет ва қабртошнинг фарқига энди ақлим етди: портрет деворга илинади, қабртош эса мазор устига ўрнагилади.

— Худойбердиева Ниғора, сиз... — деб мурожаат қилди менга милиция подполковниги.

— Ким у? — дедим атрофга аланглаб.

Эҳ, бошим яна тикиллагга киришди. «Бунча

тикилдамасант, эссиз бош!»

— Сиз Худойбердиева Ниғорасиз, — деди подполковник. — Икки кишининг ўлимида айбланиб, қамоққа олингансиз. Менга шу нарса ёқмайптики, суддан олдин ўзингизни фалати тутасиз. Мана, ҳозир ҳам айтасиз, Худойбердиева Ниғора ким деб. Албатта, бу сизсиз. Жиноят кодексининг...

— Ўртоқ подполковник, илтимос... — дея Эргаш унга узроҳ қаради. Сўнгра меҳр инган нигоҳ ила менга тикилди. — Ниғора, сизга осонмас, тушунаман. «Тўйим кунни қасрда эдинг?» деб сўрадингиз. Мен одамлар орасида эдим.

— Астафдирулло, — дедим мен.

— Нега истиғфор айтмасиз? — сўради Эргаш.

— У отам бўлиб чиқишидан кўрқяшман.

— Ким отангиз бўлиб чиқади?

— У, — дея мен кун ботишга ишора қилдим.

Хонадагиларнинг барчаси — соқчилар ҳам — кун ботиши томонга хайрон бўлиб нигоҳ ташладилар.

— Қисққа ишора қилимасиз? — секин, бир оз ваҳима қилиш сўради Эргаш.

Низаримда, у менинг руҳий аҳволимдан ҳақиқатан ҳам хавотирда эди.

— Улим юз берган томонга, — жавоб бердим кўнрирдан кўз узмай.

— Улим қайси томонда юз берган?

— Кун ботиш томонда, даяшман-ку, қулоғинг эши-пининг?

Подполковник ва бошқа терговчиларнинг юзи ёришиб, бир-бири билан кўз уриштиришди, қорин қосгомли терговчилардан бири дафтарига алтанимини ёзиб кўйди.

— Демак, уларнинг ўлиқларини кун ботиш томонда кўргансиз, тушунарли, — Ковоқ уйди Эргаш.

Аннан қасрда эканини айтолмасизми, Ниғора?

Мисолан, дарахт, тепалик, йўл, машина, нимани эс-ласасиз?

— Антайми?

— Антинг.

— Антайми?

— Антинг, Ниғора.

Мен хонадагиларга кўз югуртирдим ва даҳшатли бир сирни пайқаб қолдим. Афтидан мен ўлдирган одамларнинг мурдалари ҳали-ҳануз топилмаганга ўхшайди. Булар томоша кўйиб, мендан алдаб сўраб оқибетландилар.

Либим кулди. Истеҳзоли кулди.

— Улар ўлди, — дедим таваккалгайта. — Бирини бол-та билан ўлдирдим, иккинчисини отиб ташладим.

Аниқки, бу гапимни шунчаки тусмоглаб, аламдан сўзлаган эдим. Бировни болта билан ўлдирганим ё отганим эсимда йўқ эди, лекин вазият бирдан ўзгариб, полполковник ёнидагиларга пичирлади:

— Кўрдингизми, унинг эс-хуши жойида, ҳаммаси-ни биллади, тушпа-тузук эслапти.

Шериклари бош силжиб маъқулланди.

— Йўқ, Нигора, шоманг, — ташвишга тушиб колди Эргаш. — Умрингизда милтиқ ушламагансиз. Нега отдим депсиз? Ов милтиги қандай ўқланиши туғул, тепкиси қаерда эканини билмайсиз-ку?

— Биламан, ҳамма нарсани биламан. Тўйларда ўйнаганман. Тўйларда ош ҳам еганман. Лазгига ўйнаб берайми? Хоҳласанг, бармоқларимни кирсилатаман. Котиллик ҳақида гап кетаётгани ёдимдан кўтарилиб, рақс тушмоқчи эдим, назоратчи хотин яна елкамга кўлини кўйди.

— Ундай қилманг, Нигора, — деди қулоғимга. — Буларга тушурсангиз ҳам, менга тушурманг. Ахир, опа-сингил тутиндик-ку. Мени шарманда қилманг.

— Сиз бу хонага кириб келаётганингизда куёшни кўрмагансиз, — деди Эргаш. — Унинг қайси томонга ботишини қандай билдингиз?

— Чунки Ер шари шарққа қараб айланади, натижада Куёш фарбага ботади, — сўзладим ишонч билан.

— Хўп. Сиз ҳозир дунёдаги энг қаттиқ кўрикланадиган турманинг ер ости камерасидан бу ерга ёпик машинада келтирилдингиз. Куёшни кўр-мадингиз, қандай қилиб фарбни аниқладдингиз? Ер шарининг қаяққа қараб айланганини билгиш фарбни билгиш дегани эмас.

— Мен дуб эмасман, сезаман.

Эргашнинг қоллари хийл чимирилди.

— Унда нега тўйингиз кунни менинг қаерда эканимни сезмадингиз?

— Нима?

— Тўйингиз кунни қаерда эканимни нега сезмадингиз?

Эргаш мени мот қилган эди. Тўғри-да, нима учун тўйим кунни уни одамлар орасидан ахтариб толовдим? Паранжи орасидан фақат уни кўриш учун атрофга алангламаган эдимми? Пешонамдан ранг хайрлашаётган отамни, йиғлаётган онамни, хотин-халажлару бола-бақраларни — барини тасаввур қилдим. Эргаш отамнинг жияни, яъни аммасининг ўлигини ўғли эди. Ҳа, бир оз узоқлашган қариндош эдик. Мен унга турмушга чиқиш у ёқда турсин, узоқдан бир бор кўриш учун жонимни беришга таянч эдим. Юлдузим юлдузига тўғри келмай, охирти шувчаларда бизни ажратиб юборишди. Ўртада Бўри нафисо бўлди. Мен ундан учта бола кўрдим... Икки кат, бир ўғлим бор эди... Қизларим ҳам, ўғлим ҳам қол ёш эди...

Бох, болаларим ёдимга тушди. Менинг болаларим! Менинг дилбандларим! Бечора жигарбандларим!

— Болам... Болаларим... — Кўл-оёқларим, иягим, ўрт муъам ростмана тиграй бошлади. — Улар менга нима қилишяпти?... Қанча бўлди уларни кўрмаганимга?... Мен кетишим керак... Кўйворинглар! Кўйворинглар мени!... Илтимос... Утиниб кўрайман... — Кутилмаганда хўнграб йиғлаб юбордим. Соқчилар айнан шу тапимдан кўрқинчар экан. Шарфта икки ёнимдан келиб, билакларимдан маҳкам ушлашди.

— Ававал саволларга тўғри жавоб беринг, — деди кимдир.

— Қанақа савол? Шундай пайтда саволга баҳо беринг? Менга болаларим керак, тамом-вассалом!

Мен онаман, онаман, онаман!.. Улар қани?.. Нега ҳеч нараса билмайман?..

— Саволларга жавоб йўқ экан, фарзандларингизни...

— Нималар деспсан?!
Бошимни кўтариб, ким менга шарт кўяётганини аниқлаётмадим. Харҳолда, Эргаш эмас. Ё подполковник, ё ёнидаги терговчилардан бири.

— Саволларга жавоб берсангиз...
Билдимки, буларнинг тош қалблари ҳеч қачон эримайди. Сўнгги чорани қўлайман.

— Ҳаммантгни ўлдириб бўлса ҳам бу ердан кетаман, — дедим тишларим фижирлаб. — Болаларим... менинг болаларим қани?.. Уларни топмасам, биттанг ҳам тирик қолмайсан! Айттинглар, улар қаерда?

— Қизини отганини эслаётти шекилли, — шивирлади подполковник ёнидаги прокуратура ходимига.

Шу онда кўзимга яна қоронғи ўрмон кўринди. Куз эди чоғи, аммо ер қордан оқариб ётарди. Бир машғум кеча эди. Мен қонга беланган ҳолда уй тарафта югурдим. Ялангоёқ эдим. Кимдир мени ўша кеча дўшпослаганди. Мендан юз қадамлар нарида биров қочиб борарди. Менданми ёки менинг ортимдан келаётган касданми, билголмадим. Ногоҳон ўқ узилди... Гумбурлаб кетди ов милтиғи... Қочиб кетаётган шарпа йиқилди. Вужуди у қадар катта эмасди. Ерпарчин бўлиб йиқилаётганида, жажжи кўллари ҳавода қандай силкиниб тушганини аниқ кўрдим. Юрак-бағрим қон бўлди. Фарёдим олис ўтмишдан портлаб чиқиб, кулоқларимга, сўнгга юрагимга урилди.

У кичкина одамча эди.
Кичкина қизча эди...

— Нима дединг?! — дея подполковникка хезландим. — Қайтар гапингни, ифлос! Ким отди?.. Кимни ўлдиришди?.. Қизимнимми?! Гапир!..

Икки соқчи икки кўлимдан омбурдек қисиб тўхатиб қолишди.

— Ёлгон! Бари ёлгон! — чинкирдим мен.

— Нигора, бардам бўлинг... — деди Эргаш.

Бу гап менга таъзия билдириш билан баравар эди. Ҳаммани ўлдириб, бирорта ҳам соқчини қолдирмай кириб ташлаб, оздликка чиқиш фикри миямга тикмоқдек яраклади. У ёққа — хурликка чиқсамгина одамлар менга сўзлаб беришди, нима воқеалар юз берганини тушунтирашди, оилам соғ-саломат, кичим ҳам омон. Кўнглим сезяпти, қизимни, ўз келинни, она қизимни мен отмаганман. Биров отсам ўлмаган, яраланган, холос.

Бироқ ўша кеча у йиқилиб, бир чизик бўлиб қолганди. Ишқилиб, ўлмаганмикан?

— Кўрмасам бўлмайди... кўрмасам бўлмайди... Вужудим шунақа титрадики, соқчилар менга нақамроқ ёпишдилар.

Бор кучимни тўпладим. Бор кучимни кўлимга олдир, оёғимга тўпладим. Кўзларимни чирт юмдим. Кўларимдан ёш эмас, бир томчи қон думалаб тушди. Қонларим бўрттиб, танимда ёввойи бир шижоат тўлдиди.

Олиб кетинглар уни!.. Тез!.. — бақирди подполковник.

Кўлимни бўридек очдим. Подполковникнинг оғзини мурданикидек оқариб кетган эди. Тонинининг битта зарби-ла чап ёнимдаги соқчининг оёқ панжасини мажақлаб ташладим, кейин ифти башарасига тиззамда бир зарба бериб, йиқитдим. Унг ёнимдаги соқчи эса кўлимни қайришини оғиндан билардим. Шу сабаб худди томоғидан оғинга бўғалитгандек кишанли кўлимни кўтардим. Говиники, у кўлимни пастга босиб қайирмоқчи.

Шунда яна бир чинкириб, ёввойи кўчларимга...

17
1-FILIALI

17
1-FILIALI

ни чақирдим-да, ақл бовар қилмас тезлик билан оёғидан қучиб, бахайбат тавдани девор томонга суриб бориб, гурсиллатиб деворга урдим. Кишанли кўлимни бўйнидан ўтказиб, бүгдим, бўғавердим. Унинг тўшпончасини филофидан сугуриб олиб, кўзимга кўринган барча тирик жонни отиб ташлашим учун тўрт-беш сония керак эди. Буни улдалардим. Мени ақлим эмас, иблис бошқараётган эди.

Хоната отилиб кирган бошқа соқчилар ундан ажратиб олишолмади. Кўлларимда аёлнинг эмас, кутурган хўкизнинг қучи тўпланган эди. Танимдан калтак ўтмаётганди. Соқчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун бошимга уриб-тепиб хушимдан кетказишди. Бир, икки, уч... етти... Йигирманчи зарбадан кейин кўлларим бўшашиб, кўз олдим қоронғилашди. Қулоғимга энди на шовқин-сурон, на милтиқ овози эшитиларди. Янгаларим ёр-ёр айтишарди. Бироқ бу ёр-ёрлар ён-веримдан эмас, ер қабридан эшитиларди. Нима бўлпти шунга? Тўйим-да янга бўлганлар аллақачон вафот этиб кетишган. Барибир тўйимдаги ёр-ёр бир ажойиб эди-да...

Мен жилмайдим.
Соқчиларнинг мушт ва тепкиларидан моматалоқ бўлган юзимга қулги ярашдими, йўқми, айтолмайман, ҳарҳолда шишиб кетган лабларимдан юмалаб ўтган қон томчилари қитиғимни келтирди.

Яна бир нарсани эслайман. Тўйим кўни устимдан шўровий тангаларни сочипган. Тангалардан бири тошта урилиб, жингирлаб кетгани ва оёқларим остига думалаб келгани ҳамон ёдимда. Унда шўро давлатининг тербини кўрганман.

Ўтмишда думалаган танга овозини ҳозир яна эшитдим. У қамокхонанинг бетон йўлакларидан думалаб, аллақадарга туйнуждан канализация қувурига тушди. У ерда ҳам думалашда давом этиб,

қомоли-юмалгай кенг бир хонада тўхтади. Хона иккид каби осуда ва файзли эди.

Ха, оғозлик йўли бор эди. У ҳеч қачон йўқ бўлмаган. Ибларим ҳамон жилмаярди.

Ким менинг оиламни ўлимга маҳкум этган бўлса, мен ҳам уларни ўлимга ҳукм этдим, бир кун келиб, ҳаммангни топаман, сизларга жаҳаннамдан кей тибёр, — дедим ва қаттиқ уйқута кетдим.

III БОБ

*Қизим деган, изим деган, отам бор эди,
Отам десам, юрагимда мотам бор эди...*

Аёл қиладиган иш эмасди...

Қунадалигимнинг навбатдаги бобинни шу сўзлар оғино бермоқда:

«Ха, аёл қиладиган иш эмасди».

Ростдан шундай. Аёл бошим, аёл юрагим ваҳшиллашиб, Бешинчи терговхонада бир эмас, икки эркакни — ўзининг соқчилик вазифасини соқчилик ҳамда бемехрларча бажараётган икки кўни қисб соҳибини ўлдириб қўйишимга сал қолди. Қамокхонага келмасимдан бурунги хунрезликлар етмасиди? Йўқ, етмайдиганга ўхшайди. Аслида қонга эмас, меҳрга ташна эканимни ҳеч бири, яна ўрғаш ҳам англаб етмади. Қолаверса, тилим қонга алжирмасин, қотилликларни виждоним ила юннимга олмайман. Ҳозирги жазава давримда қонга одам у ёқда турсин, бутун бир оломонни ҳам қониллатиб қўйишим ҳеч гап эмасдек туюлади. Намдан қуяман? Тўйим кўни эсимда-ку, ахир! Ниронжи ёпинган қандай ҳалим, қандай салим, қандай илмли, иймонли қиз эдим. Чумолига ҳам нор бермайдиган келин бўлганимни ҳам, мана, элас-элас эслайман. Қунадалигимни ўқитганингиз сайин

Ўтмишимдаги барча сирлар очилиб бораверди, зеро мен шўрлик сатрларга тикилганим сари улўф бир фожиам сирлари ҳам ўз саҳифаларини очаётганини кўриб, даҳшатга тушмоқдаман.

Менким, Нигора Худойбердиева...

Менким, Нигора Худойбердиева...

Йўқ, бир гапни такрорламастим керак. Мухими... Йўқ, муҳими ҳам эмас. Хуллас, Бешинчи терговхона воқеасига қайтаман. Кеч. Улар менга нима ёкмаслигини билмай, кеч қолишди. Бешинчи терговхона деса аввалбоддан кўнглим айнирди. Назаримда, бундай терговхоналарга уч-тўрт марта эмас, юзлаб марта келтирилгандим...

Хоҳлайсизми, Биринчи терговхонани эслайман.

Мени паранжита чирмаб, узатиб кетишган кўни мутлақо бегона дунёга тушиб қолдим. Эримнинг дўстлари махлўқлар экан. Ер шарига ўзга сай-ёралардан одам киёфасида махлўқлар тушиб, бемалол кўчаларда юрганига, тўйларда давраларни тўлдириб ўтирганнига, гоҳ хаҳолаб кулишса, гоҳ бир-бирини қўланса сўзлар билан сўжиб, мушт-лашишларига, айримлари ўзбекча дўшти кийиб, костюми остидан белбоғ боғлаб олганларига хайронутол қолдим. Бу келин телба экан, дунёда ҳеч қанақа махлўқ йўқ деманг. Тўғри, «махлўқ» сўзининг маъносидан келиб чиқсак, ўзим ҳам махлўқман, лекин мен бошқа махлўқлар — ваҳимали дарактзорларда учрайдиган қонхўр мавжудотлардан сўйламоқдаман. Бирини арок ичиб, гезариб тикилса, иккинчиси ситарет туғунини пурқар, учинчиси тили тагига нос ташлаб, менга кўзларини лўқ қилиб қаради. Ота-онам менга бундай бағбин дунёни, номаҳрамга олайиб қарайдиган эркакларни кўрсатмаган эди. Йигитлар қачон бунчалик манкуртларга айланиб қолгани менга қоронғи. Бироқ, энг муҳими, мен манкурт эмасдим. Эр уйига етиб келиб, илк марта қадам кўйишимдан

инида тўй оломони орасидан бир хотин ажралиб чиқиб, кулолимга бир ҳақиқатни айтди. Қандай ҳақиқат бегоним? Мен қутмаган ҳақиқат эмасди, қутгандим. Тўшимга кирмаган десам-да ёлғон бўлади. Келинлик паранжисига ўранган вужудимдаги безовта юрагим ширеклигини тўйдан аввал сезган, «ишқилиб, барини қилишга бўлсин, мени оловда айлантирмасинлар», деб қилиқсираб турганим бир таҳликали дам эди.

Келинжон, — деди бегона хотин ўшанда кўзларини чақчайтириб. — Ҳозир сени олов атрофида етти марта айлантираман. Барча гуноҳларинг тўкелсин, жин-ажиналардан фориг бўлиб, эр уйига олдани туғилгандай пок бўлиб кирасан. Сенким, эй келинжон, бир кун келиб барибир гуноҳларингни олов тоғинида. Агар эрингнинг табаррук уйига муносиб келинчак бўлмасанг, ёнасан, бүгүн турмушинг ша-рифига ёқилган шу оловда ёнасан.

Уй, Сапи тентак! — қичқирди хотинлардан бири. Нарироққа бор! Келинчагимизнинг бошини нима-дир деб қотиряпсан?! Қани, тўйдан туғунчагингни ингани бўлсанг, тўёққинангни бир шиқилла-чи! Хотинлардан бири унинг кўлларидан туттиб, тўй оломони орасига судраб кетди. Кейин бу қора хотинни қирқ кун кўрмадим.

Хафрийат... — дедим ичимда.

Бироқ янглишган эканман. Нотаниш янгалар мени олов атрофида етти марта бўлмаса-да, уч марта айлантириб, ўтга тобинтирмоқчи бўлишди. Инимнинг енгидан тортиб, йиғламсирадим:

Итимос, янгалар, уларга айтинг, олов атрофида айлантириб, рақс тушмасинлар. Гуноҳларим оловда тўқилмайди. Уни тўқувчи бошқа зот бор... Инимон, ундай қилмасинлар... Менинг эътиқодим бошқа...

Итим гапимни эрим томондагиларга етказган вақти тўй оломони уввос солиб юборди:

— Нега айланмас экан? Айлантгиринглари!

— Узининг урф-одатини ўзининг кишлоғида қилди! Бу кишлоқнинг номини Бойжанжал деб қўйбди! Хали ҳеч қайси келин бойжанжалликларни бўйсундирмаган!

— Биз келин бўлганимизда, ким нима деса, индамабмиз-а! Ҳозирги ёшлар чатоқ-да, чечал! Нима эмиш, оловда айланмасдан уйга кирармиш!

Хуллас, улар мени оловда айлантгиринглиб, Бўрининг безатилган уйига олиб киришди. Харҳолда, кимдир «бисмилло» деб кирсин, дегани кулоғимга чалинди. Анча енгиллашиб, чимилдикда ўтирганимда, хабар келди: «Келинчак тайёрми? Куёв ташқарида кутяпти, саҳнага бирга чиқади!»

Кимга ёлғон, кимга чин, мента бир тўда кашқирсифат хотин-қизлар ташланиб, паранжимни ечиб олдилар-да, кўкси очик, енги йўк, елкаси белгача йиртик алламбағло либосни кийдирдилар. Уларга шундай буйруқ бўлганини айтладим. Кўнглимга қарамадилар, юрагимга қарамадилар, ҳатто юзимга ҳам қарамадилар. Билакларим, бўйним, елкам тутул, кўксим ҳам яримигача очилиб қолди.

Йиглаб юбордим. Умидим Бўридан эди. Бўри бунга ўлса ҳам кўнмайди, деб ўйладим.

— Келинчагим Малдоннага ўхшаб кийинишини бир умр орзу қилганман, — деб у дераза тагида кимгадир гапиратгани кулоғимга чалинди. — Айтинглари, тезроқ кийинтиришини! Ота уйида қандай қиз бўлгани билан ишим йўк! Энди у менинг хотинимми, бас, бошқаларнинг хотинига ўхшаб, эл қатори яшайди! Эскичага ўрганган кўнглил янгичага ҳам ўрганайди. Бундай хурсандчилиқни худло берган. Энг муҳими, худло кўнглимизда.

Дунёга вақтинча яшашга келган икки қўлди, икки ки оёқли, икки кўзли, икки кулоқли, ҳатто икки қалбни ва икки юзли бандалар менинг — эндигина ке-

лилик уйига умид-да қалам қўйган келинчакнинг келин малъава аёларишдан чарчамасдилар. Сўнгги келин Бўридан эди, аммо у нима деди? Шуми мен кутган содағат, орзуиймдаги бахт?

Келинларнинг кўзига тик қарамаганим, ҳеч кимга сан қалтармаганим, этаги ва енги узун қўйлак кийиб, бошимдан рўмолимни ечмай юрганим, эркак-аёл арилашиб, майхўрлик қилиб, сигарет тутунини кўриб, бир-бирини қучиб, атрофга нос туфлаб, беҳаёлим эр уйида мукофотга раво кўрилмади. Оловда оловнинг кераклигини отам айтган. Отамнинг келини мен учун қонун. Бир умрлик ёстикдошим келин индан эшитди-ку. Бу бир-икки йилдан кейин эмас, шунинга қадалим етган чоғда.

Хато, хато, хато... — пичирлади лабларим.

Билки ҳозир қамоқхонанинг ер ости камерасида кетриб, ясабларим панд бериб ўтмиш манзараларини тўлиқ тасвирлаётгандирман. Хотирамда келиннинг тўйлар ҳовлида қилинарди, ҳаммаёқ пайван бўлиб кетарди. Келин-куёв «ЗАГС»дан ўтгач, «Малдонна»да тўйхонага, яъни томорқасига темир стол-столлар «П» ёки «Ш» шаклида тахланган ҳовлига қилинарди. Келинчак эр уйига туш чоғи етиб келиб, келиннинг келинчакка икки-уч соат чимилдикда нафас олганиб, чой-пой ичиб оларди. Куёв эса ташқарида «Малдонна» билан тўй базмига тайёргарлик кўрарди. Келин-куёвлар кўйилган давра тўрида ердан ярим метр кўтарилган саҳна қурилган бўларди. Саҳнанинг икки четига икки устунни кўмиб, яна бир тарафни кўндалангига миҳлашарди, сўнг унга тилик қилинарди. Келин-куёвнинг исмлари шу тиламга келиннинг «Хуш келибсиз!» Бўривой ва Нигора-ларнинг келиннинг тўйига!» деб ёзилгани эсимда. Ёзувнинг

ёнида шампан виноси акс эттирилган бўлиб, рюм-кага вино томчилари куйилмоқда эди. Ким бу тасвири пахтада акс эттирганини билмайману, аммо Бойжанжал қишлоғи аҳли аллақачонлар маънавийт ва санъатдан ўзалиб, манкуртлашиб кетганини юрак-юракдан туйганман. Ахир, мен ва Бўрининг никоҳ тўйимиз эди. Бу тўйнинг шампан виносига зигирча, йўқ, зигирча эмас, атом зарраси-ча алоқаси бормикан? Одамлар алоқаси бор, деб ўйлашарди. Нафақат ўйлашарди, шампан виносисиз никоҳ тўйини тасаввур ҳам қилишолмасди. Улар кандай хатога йўл қўйишганини ҳали-ҳануз англаб етмаганларига ишонаман. Бугун Қамоқхонада ёлғиз ўтириб, ушбу сатрларни ёзар эканман, ишонч ила айтаманки, Бойжанжал аҳли ҳамон ўша-ўша. Ўртада мен йўқлик қабрига қуладим, оиламдан жудо бўлдим. Уларнинг эътиқодига қарши чиқмадим, аммо менинг ҳам эътиқодимни эъвозлаш керак эмасмиди? Бойжанжалликларга фарқи йўқ. Ичиб муштлашса ҳам кўзи очилмайди, ичиб автоҳалокатга учраса ҳам фафлатда яшайверади. Улар мени умр бўйи телба деб ҳисоблашади, телбалитгича ўлиб кетди, дейишади. Ҳа, айниган кўлмак эди бу қишлоқ. Мен дунёнинг мағзини кичик қизчалитгимда англаб еганимда, наҳотки, улар қирқ-эллик йилда ҳам ҳеч вақони тушуниб етишмади? Ёки менинг ўзим алашганларданманми? У ҳолда бирортасини ўз йўлимдан юришга мажбурладим-ку.

Оппок орзуларим бор эди. Оппок дунёда яшардим. Тўсагдан қора дунёнинг ўртасига отди-лар. Тахминан пешинларда ҳовлидаги столлар тўлик безатилиб, «артис» деб аталадиган кўшиқчилар ўз ўринларига жойлашиб, сентизаторларни тин-фирлата бошлашди. Ментга оқ либосни кийди-риб, чимилдиқли хонадан чиқарганлариди, бўсага хотин-халаж, йигит-пигитларга тўлган эди. Хар-

қолди, ярим яланғоч оқ либос устидан ҳарир мато ташилоб кўйишган, юзимни ҳам ҳарир чачвон қалбонг оломондан, чалга-ярим бўлса-да, беқитиб турарди.

Никоҳларимдан дув-дув ёш оқиб, террамга нажот қанлида мултираб қарадим. Во дариғ, кўзлари бузилган, бирлариники чақчайган йигитлар ярим қалба ҳосил қилиб ўраб олишди. Ён ва орқа тирефларимдагина аёллар истеҳкоми қолди, холос. Чиройли экан.

Охуға ўхшарканми?

Ной-вў, ёш нарса-ку? Бўри чағоқ!

Хуркяшти...

Брут дунёга келганимдан бери ментга эркак зооти бўлганим қарамаган, гап отмаган, шилқимлик қилмаган эди. Не тонгки, ўша машъум тўй куним қурбонжар никоҳи остидаги бир тўда эркакларнинг нигоҳлари ва тап-суълари ҳамласида қолдим. Қалблар баданимга ноҳос тегиб кетган онда ток тиредек сесканиб, ўзимни қаяққа олиб қочибни билмадим. Ақлдан озмаслик учун ўзимни нима деб олганим керак эди? Қайси маданиятта мослашини лозим эди? Мадоннанинг кийими эмиш?

Мадонна!... — бўқирлиди улар.

Дунямда бошқа исм жаранглади:

Малина... Малина опа... Малина опажон...

Дароқе, мен Малина опа деган аёлни танирдим. Ёш кўлида хар доим хотиржамлик, виждонлилик, фаритиллар мени кечирсин, ҳатто фаритгаллик кўрлишиб турарди. Тўғри, Малина опа инсон дунёдан эди. Кун келиб, ажали етса, у ҳам қора тўра тушиб, секин-аста тулпроққа айланади. Жа-нонғ олдига бировга қаттиқ гапирганини, ерга туф-ганини, гийбат қилганини, шарақлаб кулганини ҳеч ким кўрмаган эди. Шу аёл ҳақиқий жаннати бити ўйлардим, ҳақиқатан, жаннати бўлса керак.

Агрофимдагилар «Магонна! Магонна!» деб уввос солганида, мен бутунлай бошқа аёлни — Мадина опани эслаганим бежиз эмасди. Эркак зотига тик қарамаслик кераклигини, қиз бола ўз ибоси, ҳаёси, хулқи, меҳнатқашлиги, ширин сўзи билан қиз бола эканини ота-онам минг мартаглаб уқтирган бўлишса-да, мен аслида аёл қандай бўлишини тўй-маъракаларда, кўча-кўйларда Мадина опата зимдан сер солиб, тақтид қилиб, кўпроқ зоти покдан ўрганган эдим. Мадина опанинг яланғоч тиззаларигаю ярим очиқ кўксига бирорта эркакнинг кўзи тушмаганди, кўзи тушиши учун айтилмиш жойлари очиқ бўлиш керак-да. Кийинишда ҳам бекорга Мадина опата таасуб солмагандим. Ҳам замонавий, ҳам ҳасили. Идеалим эди шу Мадина опа. Маст-адастлар кўчада Мадина опани учратиб қолишса, бақир-чақирни тўхтатиб, уэр сўрашарди. Ичкиликлари учун туноҳта ботишаётганини билишар, лекин Мадина опани ха-фа қилишса, дўзахнинг тубига тушиб кетишлари-ни кўнгиллари сезарди. Уларда тафаккур касал эди, кўнгилининг бир чети соғ эди. Шу соғ жойи сезарди.

...Дўппи кийган, қора костюмги Бўри келиб, ёнимда турғач, янгалардан бири:

— «Подружка» қилиб олинг, — деб кўлимини Бўрининг тирсагидан ўтказди. — Вой-ей, бу келинимиз жуда бўш чиқдимиз дейман-а? Одам ҳам шунчаллик уятчан бўладими? Каранглар!

Созандалар вангиллатиб музикани бошлаб юборишди-ю кичик оломон бизни ташқарига суриб кетди. «Тўйлар муборак» детан кўшиқ кулоғимга «Кўйлар муборак» дейилаётгандек эшитиларди. Ҳа-да, куёв ўз исми билан Бўри эди, мен кўйдек ювош, кўйдек итоаткор. Оломон ҳам Бўри эди. Ёлғиз мен кўй. Орузларим учун курашолмаётгандим. Курашиш кераклигини ўшанда миям англаб етмаганди, но-

ғавонди бошимга тушган янгича маданият, янгича баён, янгича дунё олдига довлдираб қолгандим.

Стел-стулларга яқинлашганимизда, Бўри ва мен бугун эркаклар қуршовида қолдик. Улар бизни оч қайнонлардек чор тарафдан ўраб олишиб, шайтон сэм тушида кўрмаган қилиқлар кўрсатиб, ракс қозиллар. Тинимсиз хуштак чалишарди. «Ҳа, Бўри! Бугун никоҳ кечанг!» деб бепарда овозларда беваришларини эшиттандан кўра ер ёрилиб, ер остига кириб кетганим маъкул эди. Бугун бир халқ, ўйна келган жамики эркак-аёл қариндошларим олдига шармандаю шармисор бўлдим.

Синов... Дунёнинг синови... Тезроқ туғасин синовлари... — дерди титроқ лабларим.

Бўлар ҳолиyasi экан. Саҳнага чиқиб, ўз стулларимнинг эгалаб, ўтирган ҳам эдикки, аллақайқ-дан бир доғули хотин келди-да, аввал юзимдаги шарф чиммагани, кейин этнимдаги ҳарир ёппиңққни кечиб олди:

«Бугунча ёввойи-я бу келинимиз! — дея саҳнадан тушиб кетди.

Оломоннинг кўз ўнгида қушпа-қундузи ярим янғоч қолдим. Тош хайкалга айландим. Вужудим кайроғидек совиб кетди. Миям дўқиллаб оғриб, кечира эканимни гоҳ билиб, гоҳ билмай ўтирдим. Ҳа, бу бир ёмон туш эди-ю уйғонолмаётгандим. Ўшан ўйласим, эсдан оғиш. Ўша кундан бошланган эди. Бу ноқарлар гирдобида чиндан ҳам секин-аста аввалгига айланиб бораётгандим.

«Эди, мени кимларга бердингиз?» — деди ичимдаги синов.

Бундан кўра ўлдириб кўя қолсангиз бўлмасмиди? — деди иккинчи овоз.

«Эижоним, қаердасиз?» — сўроқлади яна бир овоз. Бошимни кўтариб, тўй даврасидан отамни ах-

тардим. Отам тўйда йўқ эди. Отам мени Бой-жанжалдаги махлуқлар ўртасига ёлғиз ташлаб, қочиб кетгандек туюлди. Тўғилганимдан кечяги кунгача мени тарбиялаб, охир-оқибат қайси гуноҳим учун шу кунларни қизига раво кўрганини мушоҳада этолмадим. Умиримда биринчи марта падари бўл-рукворимдан хафа бўлдим. Бундан кўра умрбод эрта тегмай, бир хужрада ибодат қилиб, тарки дунёда яшаганим авло эмасмиди?

Кечикдим. Мен бу дунёнинг дўзахига тушиб бўлгандим. Тўй даврасига қараш дахшат эди. Ҳозир аниқ тасвирлаб беролмайман. Айрим манзаралар эсимда. Аёллар, эркаклар аралаш-қуралаш бўлиб ўтириб, қадах кўтаришар, хаҳолаб кулишар, баъзилар эса бирор хотиннинг кўлидан ушлаб, даврага тортиб, хумордан чиққунча ўйнардди. Хотинларнинг эрдари кўрмаганга олиб қадах устига қадах кўтарар ённки қаслма-қаслига ўзи ҳам бирорта бегона хотинга ёпишиб, ўртага чиқарарди-да, кўлларини ёйиб, раққоса қизлардек белини биланглаптиб, ўйинга тушарди. Агар либослари бир хил бўлганида эди, қайси бири эркак, қайси бири аёл эканини хагти-ҳаракатидан иблис ҳам фарқлаёлмасди. Кулиб қараб турганларни ҳам кўрдим. Менга эмас, бегона эркак билан ўйнаётган ўз хотинига.

Мана, ўйинчи жувон сувсизликда қолган балиқдек тўлғана-тўлғана сархушликдан эшилган кувёнаварлар орасига кирди. Иккала кўли пулларга тўлди. Жувоннинг кўкси ҳам тўлларга тўлди. Уйланган ҳам кўл солди, бўйдоқ ҳам. Хотиннинг гувоҳлиги-да ҳам кўл солди, ота-онасининг шохидлигида ҳам.

Бирдан янада шўх, янада тезлашган мусиқа жа-ранглади. Йипитлар оғизларидан сув оқиб, кўзларини олайттириб, дўшпиларини қийшайттириб, маймун-дек ўйинга тушишда раққосани ортда қолдиришди. «Маймундек» деб ёзпману бу асло муболағи

эди. Улар чиндан-да маймунга тақтил қилишди: текларини кенг очиб, кўлларини елкадан пастга тушириб ёйиб, бошларини олдинга-орқата ўйнатиб, ёналарини қиланглаптиб, оғизларини маймунча-гина чуқиб «у-ув», «у-ув» деган товушлар чиқаришди. Бунинг устига айримларининг оғизларида сигарет ҳам чуқлиниб турарди. Оғзида сигарет, ер тепиб ёниётган одам боласини кўриб, тил тортмай ўлиб қолганимга хайрон эдим.

Алҳазар, биттаси ўртага палос ташлаб, шу палос-да ётиб ўйнади. Ўйнади деб ҳам бўлмайди, ётиб палос кўл-оёқларини силкиб, тутқаноғи туттандек титирчилди. Ҳамма кулди. Ҳамма қарсақ чалди. Ҳамма пул сочди, танга сочди. Ҳозир эслаб юрагим ёни ёнидайти. Бу шармандали томошаларни бо-ларар ҳам кўраётган эдилар. Норасида болалар, келувар қизчалар... Эҳ алашган қавм! Мамлакатнинг келуван ялдолига энг аҳмоқона томошани кўйиб қарашаётганди. «Сизларни-ку шўро мухити за-вароли, аммо сиз нега бегуноҳ болаларни заҳар-ламурдасиз?» деб фарёд ургим келарди.

Аллоҳ... — дея олдим зўр-базўр. Авоин тамом бўлиб, жойимда мастдек тебрана ёнидаганимда, оғзининг четиди нос юқи қотиб қолган икки йипит саҳнага тандираклаб чиқди. Улар рўшарамда гезариб, сигарет тутунини пуфлаб, бир четга чирт-чирт туфлаб олишиб, сўнг Бўрига қарашаётганди:

Ув, Бўри жўра, кўша қари, табриклайман!
Кувсинг-чи анавидан!..

Улар шу вақтгача шарбат ва гул вазалари панаси-ни кўринмаган ароқ шипасини очиб, тўртта пиёлага келдилар. Иккитасини ўзларига олишди, учинчиси-ни Бўрига тутқазишди. Бўри олди. Бўри қадахни қўлга олди. Бу кўз олдимда юз берди. Бугун никоҳ қилинган бўлиётган одам кўлига олди, ҳа, кўлига қадах

олди. Ҳшанда жоним узлиб, тўй саҳнасида ўлгим тушинини орзу қилдим. Йиллар ўтиб, оиламга нима таҳдид солишини олдиндан сезмаган эсам-да, худди шу кўл чўзиш ҳалокат эканини ақлу шуурим айтиб туради.

— Хато, хато, хато... — пичирларди ҳамон тилим. Акддан озаётган мен шўрликка ҳам пиёла тутилди. Кўлимни ҳам қимирлатмадим. Халити икки йигит Бўрини кучоқлаб, чўлп-чўлп ўлди. Уларнинг оғзидаги нос юқи Бўрининг дунжигга кўчди. Кулоғига нимадир дейишди. Кейин Бўри менга пиёла узатди. Аҳволимга ачиниб, сув куйиб берди, деб пиёлага кўл чўздим. Олган захотим ёнимда фаришга пайдо бўлди. Бу фаришга фақат мента кўринди. (Унинг ботини қамокхонада кейинчалик танишганим на-зоратчи хотинга ўхшарди.)

— Ташла, Нигора! — деди у. — Ичиш тутул, яна уч сония кўлингга ушлаб турсанг, оловда ёниб кетасан! Сента ва фарзандларингга раҳмим келгани учун айтяпман. Бу маст қилувчи ичимлик эмас, оғулир! Жаннатдан жудолик пагтаси вазифасини бажарувчи нарсал! Мастлик ҳақиқий ишқда кўринади! Ароқ ичиб маст бўлиш аслида мастлик эмас, алаҳсирашдир. Мастликни ишқдан ахтар... ишқдан ахтар... ишқдан ахтар...

Кўларим даврага боқди. Бутун давра менга тикилган эди. Барчанинг кўлида пиёла, хатто чолларнинг ҳам. Бешинчи терговхонада Эргашга «сезаман» деганимда, «Нега тўйинг кўни қаерда эканимни сезмадинг?» деди. Мен ота уйдан узатилиб кетаётганимда, ховлимиздаги қариндошлар орасидан Эргашни ахтариб тополмаган эдим. Бироқ эр уйдаги тўйда кўлимда ароқ тутиб турган танг вазиятда сездим. Шундай аниқ сездимки, аланг-жалаанг қараб, ниҳоят, «Ш» шаклидаги тўй столларининг

қатинчи, энг чекка қатори охирида ўтириб, кўлида пиёла тутган Эргашга кўзимга тушди. Эргашнинг кўзларида ёш филтилларди. У келибди. У менинг туғимга келибди. Кўлида қадах...

Давра бирдек қадах кўтарди. Эргаш аччиқ жонмайиб, ичма дегандек секин бош чайқалди. Давра билан фаришганинг гапи бир эди. Эргашнинг юзиде ҳам фаришганикидек ёғду бор эди. Мен беттар қарахт холга тушдим. Вужудим кўзга айланиб фаришнинг кўлига тикилдим. Кўрдим. Пиёласидан бете чиққинини кўрдим. У ароқ эмас, чой тутиб фаришди. Менинг кўлимдаги пиёла-чи? Ундан на бет чиқди, на минерал сувнинг шарчалари!

Мен эноб қарадим пиёламга. Димоғимга бадбўй сива ўрилди.

Менинг-да энди, келин, — иршайди биринчи дини.

Менинг тилак сўзимдан кейин ичмасангиз, икки пиёла ҳам рози эмасмиз, — хириллади иккинчиси. — Келин, олинги! Гуноҳига у дунёда ўзим жавоб бераман! Кўлимга шайтон кўринди. Пиёла кўлимдан тўшди. Бирдан кўнглим ағдарилди. Тўй саҳнасида тўшди, юзлаб меҳмонлар олдида ўқчиб юбордим. Динроқдаги столдан янгалар чопиб чиқиб, мени тегно қолишмаганида, турсиллаб йиқилардим.

Тўй ирмигача зўрға ўтирдим. Барибир бўлмади. Тўй туғимасдан бизни саҳнадан тушириб, мени пиёлиликка кузатиб кўйишди. Бўри:

Тўйим тўйдайд бўлмади! Қасал қизга уйландим-ми мен? — деб жанжал қилганида, бир неча эркак:

Жини! Ундай демал! Ана, тўй давом этипти! Е, ич, ич!

Бўри томорқасидаги базм ўртасига кириб, шунақа сарай ўзинга тушлики, маймунлар ҳам хайратда қолди. Раққосага утсиз қилқиллар қилиб ўйнагач,

Биз томондан келган қолган-қутган меҳмонлар ҳам «Омин» деб туриб кетишди.

Эр-хотин қовушишини қирқ кун орқага суршти уринишларим самарасиз яқунланди. Бўрининг танил-га кириб олган ёвузлик қирқ кун тарқ этмаслигини янгаларга тушунтирдим. Бу ёвузлик қирқ кун унинг қонига сақланади, тамом, фарзанда ҳам ўтиб, келгусида оиламизда Бўридан ҳам баттар ёвуз бир одам туғилишини айтдим.

— У ростдан телба шекилли? — шивирлади Бўрининг янтаси ёнидаги аёлга. — Нега сурштирмай келин қилдиларингиз, чечя? Бунинг мияси айниб қолганга ўхшайди.

— Нима бўлса бўлди, Бўри бечора пешонада бори-ни кўради, — хафа оҳангда сўзлади аёл. — Отаси ислом динидан дарс бераман деб, миясини зўриқтириб қўйган.

Қамоқхонадан қишанлаб чиқиб, мени вилоят Ички ишлар бошқармасининг Бешинчи терговхонасига олиб боришгани ҳақида ёзиб, туйқус Биринчи терговхонани эслатганимдан маъни шукки, эримнинг ўз терговхонаси бор эди. Бўрининг терговхонасини ҳаётимдаги Биринчи терговхона деб атаيمان.

— Сен бу ёққа кел, — деб имлади бир кунни Бўри. Ичкари хонага кирдим.

— Нигора, гапимга яхшилиб қулоқ сол, — деди Бўри кўрсаткич бармоғини ўқталиб, — бутун уйга жўраларим хормага келади. Агар тўй кунидагидек хунар кўрсатсанг, аяб ўтирмайман. Шусиз ҳам тўйни бузиб, мени шарманда қилдинг.

— Ҳўп, — дея бошимни эгдим.

— Мунгаймай кўзларимга қара! — У иягимдан кўтарди. — Дастурхон безатилади. Ҳамма нарса қўйилади. Нимаики буюрсам, олиб-югуриб бажа-расан. Хотинлари ҳам бирга келишади. Узингга қараб, чиройли бўяниб ол.

Ҳўп,
Бўрининг қишлоқда магнитофонни қўйиб, рақс танловинан олаб урфлигини эшитгандирсан?

Эшитганиман.

Нарасини-чи?

Нўқ.

Менга қара, гап бундай. Хуллас, мен жўрала-дан уйланишда, ҳазилкашларнинг шефи бўлган-дан Нима эркаклик қилган бўлсам, улар кўтаришган. Мен ҳам кўтаришим керак. Ибод деган дўстимни танловининг?

Нўқ.

Анави... юзида холи бор йитит... У уйланганида, бир тула синфдошлар уйига борганимизда, хотини билан палёста тушганиман. Биз — ҳаммамиз жуда келин уртоқлармиз. Ораларимиздан қил ҳам ўтмай-ди қурсан, хотинлари билан ҳам дўстмиз. Тагин-дан бўлмасуур ҳаёлларга борма. Кўнглимизда кир йўқ. Индорнингинг туттиб, базмни расво қилма дейтман. Ҳар ким хоҳлагани билан ўйнайди.

Нима учун?

Биринибр тушунмадинг-а, гапчя?! Сени Ибод дедирини мумкин. Чақирганда борасан.

Менин? Нега чақиради? — Кейин эримнинг га-питини даҳшатли мазмунни англаб, сесканиб туш-ганимни кўнглидан халос бўлиб, ортта чекиндим. — Сиз... сиз инчалар дейсиз?

Нега ҳамма нарсаинг ёмон томонини кўрасан-а? Бирер ёмон гап айтдимми?

Бирга уйна демокчимисиз? Хеч қачон!

Мени шарманда қилмоқчимисан, Нигора? Эер Бўрининг хотини ёввойи, қолоқ, томи кетган экан, деб қулиб кетишди-ку, ахир! Шунақаларнинг қилиши ўзим қулиб юрардим. Бировнинг устидан қилиши учун ўзи ҳам қулгига қолди, дейишди! Қилиши билд масҳара бўламан! Шунга хоҳлайсанми?

— Сиз ва ўртоқларингиз... ҳаммангиз давола-
нишларингиз керак, — дедим чекинар эканман.

— Нима? — хайрон бўлди Бўри устимга бостириб
келаркан.

— Сизларга касаллик юккан. Дўхтирлар даво-
лайдиган касаллик эмас. Қалбларингиз касал, ҳа,
кўнглиларингизга ёмон бир иллат тушиб, яримини
чиритиб юборган.

— Ҳчир овозингизни, отинча!

— Кечирасиз, отинча эмасман. Эрим ўз хотинини
бегона эркак билан вальсга туширишига йўл
кўёлмайман, холос. То тирик эканман, бошимда
эрим бор экан, бирорта эркак кўлларимдан тутиб,
мени кучолмайди. Чунки...

— Нима «чунки»?!

— Чунки дунёни гўзаллиги билан қабул қилган-
ман, чиркинлиги билан эмас. Дунёқарашимни ҳеч
қачон ўзгартиролмайсиз! Дунёқарашим гўзаллик
томон ўзгарса ўзгарадими, сиз айтган чиркинлик са-
ри ўзгармайди! — шундай деб тиз чўқдим. — Мендан
ор қилсангиз, нафратлансангиз, уялсангиз, майли,
хозирроқ бўғиб ўлдиринг! Лекин фарзандларим дунёни
келадиган уйга тўнғизликни асло яқинлаштирман!
Мен одамман, ахир! Одам авлодиман!

Бўри юзимга бир тарсаки туширганди, бурним-
дан қон оқди. Бўрига лафз қилгандим, ўлдирса ҳам
қаршилик қилмаслигим даркор эди.

— Хали шунчақами? — деди у ёқамдан бўғиб. — Унда
эшит! Сенга нега уйланганимни эшит! Отанг нима
учун сени менга берганини эшит!

— Отам сизни яхши йигит деб ўйлаган, — дедим
мен.

— Хе йўк, мен ёмон эмасман, сен ҳам, отанг ҳам
овсарсанлар, холос, — Бўри голибона ипшайди.

— Отамга тил теккизмаманг!

Кўп қизларни кўрдим, синадим, суриштирдим.
Бир янда энг рўзғорботи, оилаботи, кир куй-
гани сени экансан. Қариндошларинг қандай бўл-
ганини, ота-онангни кўндирришлари керак эди. Буни
кўри, ишнимиз ўз-ўзидан юришиб кетди. Отангнинг
сен ёрдам берворди. Бир оғиз сўрабди, ичмайдими,
печмайдими, деб. «Йўк, ичмайди, чекмайди, ўз
тарбияси билан ферма очди, тадбиркор йигит»,
дебди меникилар. Отанг ишонбди. Отанг ишон-
ганини тақдирда ҳам, тадбиркорлигим ёққан. Тушу-
рирманг?

Отанг ёлгончи ва мунофиқлар йўк деб янглиш-
ган Анон шу.

Ким ёлгончи ва мунофиқ? Оғзингга қараб гапир,
бу бу «ишни битириш» санъати дейилди!

Отангнинг кўзига қарашга юзингиз қандай
тўнган? Отам, майли, бир банди оқиз. Отамдан
ишқа ютнинг юзига қандай қарашингизни ҳеч ўй-
лов кўрганимисиз? Нега сиз виждонлар қийналади-
ган кун беришгизга ишонайсиз? Қачон шунчақа бўлиб
қолганингиз? Ёмон гўдак бўлиб туғилмагансиз-ку, ахир!
Отанг пулга ўч, мансабга учалдиган одам! Ис-
тиқдайман!

Хато қилдингиз.

Биз келажати бор оиламиз, — ҳақоратларда давом
етди Бўри. — Отанг қизини бадавлатроқ жойларга
беришганилардан эканига яна қандай далил керак?
Биз биринчилардан бўлиб ферма очдик. Яқин
келажатда энг катта, энг бадавлат фермер бўламиз.
Бизни отанг олдиндан яхшилаб ҳисоб-китоб қилиб
ишкан.

Келажак? — деб хайронликдан кўзларимни пир-
питрим. — Бу кўраётган кўнглиларингизнинг кела-
гани нима эканини, наҳотки, тушунмайсиз? Кела-

жак деганда мен жаннатни тушунаман. Фермантни кенгайиб, молларингиз кўпайгани сизга ҳеч қандан хузур бермаслиги мумкин. Агар...

— Нима агар?

— ...агар кўнглингиз келажакдан хотиржам бўлмаса, кўрган ҳар бир кунингизда «ишқилиб, ўлиб қолмай», «ишқилиб, худло кечирсин-да», «балки омалим чопиб жаннатга тушарман» деган хавотирда яшайсиз. Пенсияга чиққанда, намоз ўқийман, ишим юришиб кетса, ҳажга бораман, дейсиз, кимларгалир садақа, эҳсонлар қилиб, келажакни сотиб олишга уринасиз. Барибир хавотирингиз аримайди. Сабаби, сиз нотўғри яшаётганингизни ич-ичингиздан яхши биласиз. Биласизу танлаган йўлингиздан қайтмайсиз. Ҳатто, мени дўстингизга бериб турмоқчисиз, вальсга тушишга бўлса-да, бериб турмоқчисиз. Бунинг даослик эканига ақлингиз етмайдими? Бугун дўстингиз ёнига чақирганда борсам, сиз тамом сиз. Шунга ҳеч қачон унутманг! Даослигингизнинг кечирилиши даргумон!

Бўри ёқамдан кучлироқ бўғиб, кўзларимга нафрат акс этган нигоҳини қадади. Унинг кўзлари тубидан қачонлардир яхши одамга айланмиш мумкинлигидан аломатлар ҳам йўқ эмасди. Мен шу аломатларни кўрдим. Кўнглим ёришиб, жилмайдим. Бечора эрим ўзи туғилиб ўстан Бойжанжал Қишлоғининг жамики бузғунчи одагларини тарбийларини кўриб катта бўлганди. Дунёда имон, эътиқод борлигидан қишлоғидати ўрта мактабда ҳам тавлим беришмаганди. Нима қилсин шўрлик? У ўйлардики хотиннинг гапига кирмаслик лозим, ичиш, чекиш керак, дўстларимнинг хотинини кучиб, вальсга тушдимми, энди улар ҳам менинг хотинимни кучиб вальсга тушадилар ва ҳоказо. Кўглаб тушуначалар Бўри ва бошқаларнинг дунёқарашида нотўғри

шунданки, шу ҳолида қотиб қолганди. Масалан, «агар сўй» деганда биринчисига шўрва, иккинчисига надон келтириладиган, дастурхонга яхна гўшт, саватар кўйилган ва албатта овқатдан олдин арак тортиладиган, майхўрлик авжига чиққанида, қанда туриб, аралаш-қуралаш ўйнайдиган базмни келтиришарди. Масгликда меҳр жўшиб, бир-бирини кўздан айланди, «дўстлигимиз абадий бўлсин» деб тилек тилашлар, ўзининг ширакайфлигини шу афтага атайин намойиш этиб, тўйнинг ўртасида рақсга танга гердайиб туришлар ўсмиридан тортиб қоринига олат ва орзу эди. Ҳатто, улар шунанга келиб, кўнгли Қишлоқдаги айрим кишилар тўйда арак кўлмаси, «Курумсоқ», «мулла», «сўфи» деб қорини омақтни егандан жўнаб қолишарди. Тўй вақти етмасдан одамларнинг кетиб қолиб, базмининг қориндан кўрққан мезбонлар илжи бориша меҳмонларнинг кўнглини овлашга чирандилар. Асли-дан келиб қолганларнинг тўйларига борганда, қоринга, арак бор экан, деб биринчи овқатини қориндан туриб кетиш аълороқ иш эканини англаб қолганлар. Ҳа, шундай бўлиши мумкин эмасми? Қоринни, инсон ўзига ёққан нарса дастурхонда қоринини кўриб, меҳмондорчиликни тарк этар экан, ақли-соғли келиб, унинг тўйида, аксинча, қанда ёқамдан нарса дастурхонда борлигини кўриб, биринчи тарк этишлари нақадар ўхшаш-ку.

Шу тобора эримнинг кўзларига тикилиб юракдан қоринимки, Бўрининг ҳамқишлоқлари орасида агар қорини кўлиниса, ўз хатоларини англаб етадиган қоринлар анча-мунчани ташкил этишга, шулардан қорин эрим эканига амин бўлдим. Уларнинг фотиҳи шундики, бирорта мурабийлари йўқ эди. Қоринларини гаплар бу қишлоққа эзмалик бўлиб қорин келар, китоблардаги насихатлар шунчаки

харфлар жамланмасы эди. Хар ким ұз билганын ұлғайып, армиядан ҳам ұз билганы дунёқарашын жоқтириб келип, умр бүйи ет ұлқаларын ет қояларын халқи орасыда ёйып яшаганди. Агар ажалдари дан беш күн бурун ұлиб кетишмаса, кўпчилиги ёйи қайтганда гўзал инсонга айланишларидан ростдан ҳам умид қилса бўларди. Гўеки улар дунёда ё Европа, ё Арабистон томонлардаги урф-одатлар бор, иккисидан бирини танлашимиз керак, деб фикр қилардилар ва шимолдан келган шамолга кўксини осонгини тутиб кўя қолардилар. Европаю араб юртларини кўй, ота-бобонининг ҳам урф-одати, маданияти, маънавияти бор эди, дейдиган кимса топилмасди. Маданияти ва маърифати кучли бўлганки, донни кеттан уламолар, алломолар, файласуфлар, шоирлар етишиб чиққан эди, деб дарсликларда ёзишса ҳам қувваи ҳофизаларига етиб бормасди. Бойжанжал кишлоғи маст бўлиб автоҳалокатларда ўладиган марҳумларни, ичиб олиб муштлашиб қамокқа түшадиган маҳбۇсларни, бировларнинг хотинларини йўлдан урадиган зинокорларни, тўйдан олдин икки қижат бўлиб қоладиган енгилтақ қизларни, мол-мулк таллашиб юзкўрмас бўлиб кетадиган ака-ука, оғи сингилларни етказиб берадиган аҳоли пункти бўлиб тулоларди мента. Энг қизиги, бунни қишлоқ аҳлининг ўзи туппа-тузук кўриб, англаб яшарди...

— Нета қуляпсан, тентак? — ўшқирди Бўри.

— Сиз аспида ёмон одам эмассиз, — дедим мен. Қалбнингизни даволай олсам, кун келиб, ҳаммасини тушунаси.

Бўри мени бир силтаб хонанинг бурчагига итқинди-да, чиқиб кетди. Қалтақ еб, бурним қонаганини уйдагилар кўрмаслиги керак эди. Дарҳол ювинини уй юмушларига кўмилиб, кунни кеч қилдим. Бўри

менга бир оғиз гапирмай дўқондан аввал рангли парванелар, кейин вино-ароқлар кўтариб келди. Янубно бориб, эшик олдида йўлини тўсдим-да, тиз чўйдим.

Ушбу фикрат менинг ўлигим устидан ўтиб ароқ оғри ервенди!

Хонанинг юртанлар — Кайнотам, Кайнонам, Қайноарим, Кайнесингилларим, ферманинг бир-икки ервенди, кўшин хотинлар — барчаси тахтадек қотиб қолди.

Абдух! Касал! — илондек вишилди Бўри ервендин ола-қула қилиб. — Ҳамманинг олдида парванга қуляпсан. Тур дедим сента!

Бу бомба, — дедим қўлидагиларга ишора этиб. Ервендинги яшайдиган уйга, фарзандларингиз а тур е, мараз! — Бўри мени бир тепиб, ёнимдан тиз кетмоқчи эди, яна йўлини тўсдим.

Хоп, уришманглар-а, уришманглар!... — Қайнонам биз томон дўжиллаб чопиб кела бошлади. Шу кунларни ҳам кўраманмикан-а, мен бечора?! Ервендинг бўлгандан бери уриш-жанжалдан бош-темени чиқмайдди, уятсизлар!

Бўри аввал онасига, кейин бошқаларга алам билди берди. Афтидан эримнинг гапини шу вақтгача қайтарди: «Биз икки қилмаган, у хотиннига гапи қайтарганиларни азалдан калака қилиб юрган, қайнонамга ўзи шу кўйга тушган эди.

Кейин ўлансан, ифлос!» — бақирди Бўри мента. — Мен унинг устидан ўтсам бўладими, томи кет-ган! Кейин онасига ҳам ўшқирди: — Касал кўйдай қайнонам, соғлари узун, бошидан рўмол тушмайди, қайнонамга гап қайтармайди, хақиқий хотин бў-лади, деган махлукнингиз шуми?! Бугун охириги қайнонамнингизми! Агар яна йўлимга тўсиқ бўлса,

уриб ўлдираман! Ёки жавобини бераман! Менин жинни хотиннинг кераги йўқ!

Кечкурун сигирлар соғилиб бўлгач, бирин-кетин жуфт-жуфт бўлиб Бўрининг дўстлари хотинларини эргаштириб кириб келишди. Шоҳона безатилган орқа уйнинг деразаларини очиб кўйишди. Марк нитофон овозидан шўх кўшиқлар янгради. Эркин ва аёлларнинг кулгани, қадахларнинг жаранги мен ётган хонага ҳам эшитиларди. Дўстларининг хотинлари ошхона тарафга ўтиб, Кайнонага юзми юз бўлишди.

— Нитора яхшимми? Кўриб чиқсак дегандик. У бекасининг ўзи бу ёқда кўрпа-тушак қилиб ётса, биз уйда байрам қилсак фалати экан-да, — дейишди келинлар.

— Ҳеч қандай фалати томони йўқ, — деди Кайнона. — Нитора дори ичган, ҳозир қаттиқ уйқуда. Атир ўтиришни бузиб, кетиб қолсаларинг, Бўри катти жанжал ясайди. Энди-и, кўнгилга олманглар-да, сени ичиб, ўйин-кулгини қилиб, боламнинг зиёфатини бошқаларникидан кам қилмасдан ўтказиб кетинлар. Ҳўпми, асал келинларим?

— Ҳўп, хўп, муможон, — деб келинлар чуғурлашди эрлари ўтирган хонага шошилишди. Кечки ўн биргача бақир-чақир, ўйин-кулги тинмади.

Отамни ўйладим. Падаларим нечун бундай хатон йўл кўйдди? Бойжанжал қишлоғи ҳақида отам муккадам бирор ножўя гап эшитмаганига қандай ишонмай? Ё қариндош билан қудда бўлмайман деб мени бу ёқларга узатиб юбордимми? Эргаш ҳам мен учун курашмади. Нега?

Уйқуни чақирриш учун кўзимни юмдим. ...Кўзимни очганимда эса қатта-қатта тошлардан бунёд бўлган улкан қамоқхонанинг қайсидир бурчагидаги кимсасиз хонада гўжанак бўлиб ётардим.

IV БОБ

Бир бир зиндон бурчида кўз ёш тўккан аёл бор, бу аёлда ўтмишдан қолган сирли хаёл бор...

Ҳа, кўзимни очганимда, қатта-қатта тошлардан бунёд бўлган улкан қамоқхонанинг қайсидир бурчагидаги кимсасиз хонада ётардим. «Қардаман?» деб сўрадим ўзимдан. Кейин кечати воқеалар, яъни қамончи терговхонадаги жанжал кўз олдимдан лип-лип ўтди: назоратчи хотин мени кишанлаб, камерага олиб чиқди, қамоқхона машинасида йўл юрдик, қамончи терговхона йўлагигаги ўриндикда бир оз тирчим, ичкарига кирдик, бешта одам тизилган, бирини мен аввал учратганим, ўзини подполковник ёки бабо» деб таништирган киши, учтаси нотаниш, қамончи эса Эргаш...

Қамоқ иши қилсанг бўлмасмиди? Келиб-келиб сени оғини сен текширишга келдингми? Кўрганни эртан йўқ! Сендан нафратланаман...

Мен, негадир сени яна кўргим келяпти. Никондорга кенат эмас, тарбиямдан чекинмиш ҳам эмас. Шайхонин тошдеворлардан чарчадим, бетонлардан чарчадим, нотаниш турқлардан чарчадим. Унутма, сени бунга дунё тупроқларига кўмиб келганман. Шайхонин билан гаплашмоқچиман...

Камера ичига аланглайман. Бешинчи терговхонадан жанжалимдан сўнг темир қафасга эмас, бир хонага қамаб кўйганлари нимаси? Деразалари катта, панжаралар ҳам бошқача, оралари очик-очик, оққа бўялган. У ёқда — аввал яшаганим эртан камерсида деворни ўргимчак ини қоплаб, шайхонинг бўёқлари кўчиб тушганди. Янги камера-

да хид ҳам ўзгача. Ҳаммаёкка дориларнинг бадбўйи уриб кетибди. Эргаш турма бошлиқларига бирор нима деган шекилли.

Хм-м... Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент, икки карра икки тўрт, оқ рангнинг тескараси қора, Рамазон ойидан бошқа ойларда тутилган рўза нафл, ло илоҳо илғоллоҳ...

Шукр, эс-ҳушим жойида, мана, эслапман, кали-ма ҳам келтирипман.

Тош қаравотимдан туриб, бир четга — ёзув столим-га судралиб бориб, тирсақларимни таядим. Қизик, ёзув столимни қачон олиб киришди экан? Узок ухлабман. Тинчлантирувчи укол қилишдимикан? Билақларимда ўнлаб игналарнинг изи... Кўнглим ҳам айниб турибди... Укол қилишдан ташқари алдақана-ка таблеткаларни ичиришганга ўхшайди.

Ёзишга киришдим: Бўрининг уйидаги келинлик даврим гурбат ва қийноқларга тўла эди. Бирор кун ҳаловат кўрмадим. Улар рўзгоримиз обод, ҳаммамиз соғ-саломатмиз, бундан чиқди, биздан бахтли инсонлар йўқ деб ўзларининг устидан ўзлари хукм чиқариб кўйишганди. Назаримда, фермалаги моллар ҳам шунанга ўйласалар керак: емишимиз бор, соғломмиз, сутимиз вақтида оқиб турибди, бузоғимиз ҳам эмяпти, мўраптимиз, мў-ў, мў-ў... маъа-а-а!

Йўқ, охиргиси эчкиники. Агар эчкининг маъра-ши билан молнинг мўрашини аралаш-қуралаш қилиб ёзсам, кундалигимни ўқитанлар ростдан тел-ба дейишади.

Мен соғман.

Ҳеч кимни ўлдирмаганман.

Кимда-ким эзгуликдан тарбия олган бўлса, умр-бод кушта ҳам озор бермайди. Мангирки, манкуртлар бор-бўлини тортиб олишса ҳам...

— Бўри, менинг маънавий қотилим бўлиб чиқ-

диларинг, — деди оғзим. — Бахтимни тортиб олдиларинг, имонимга кучларинг етмади...

Телба келиннинг кундалиги

Шу пайт темир эшикдаги печканинг эшикчасига ўхшаш дарча очилиб, соқчи мўралади. Ёзувдан тўхтаб, кўзларимни тош девордаги бир нуқтага тикиб, жимгина кутдим. Эшикка атайин қарамадим. Кўзимнинг қири ила ён томонни кўрипман, соқчи ҳам жим қузатяпти. Ҳозир тўйнуқни ёпиб қўяди ёки қимдир камерага қиради. Қайси воқеа юз бераркан? Иккинчиси воқеа бўлди. Қулфлар узок шикирдади ва оғир эшик ғийқиллаб очилди.

— Худойбердиева, туринг жойингиздан! — амр этди соқчи.

Ручкани дафтар устига ташлаб, оёкка қалқдим. Шунда негадир кўзгуга қарагим келди.

Кўзгу!

У мени ўз ойнасида кўрсатади. Нега олдинроқ ҳаётимга келмади? Ўзимни кўришим мумкин. Ҳа, мен ўзимни ўз кўзим билан кўришим мумкин! Кўзгуга қарасам танийман, ўзимнинг ташқи кўринишим-ни кўриб, ўтмишимни тўлиқ эслайман, эслайман, эслайман...

— Кўзгу, — дедим соқчига бошимни буриб.

— Нима? — қулқларига ишонмагандек сўради соқчи.

— Менга кўзгу беринг!

— Эй худойим, фақат менинг сменамда эмас! — дея соқчи эшикни гўмбурлатиб ёпиб, йўлак охиридаги кимгадир хитоб қилди: — У кўзгу сўраптити!

Бир неча киши тапир-тупир югуриб келди. Кўзгунини беқор тилга олдим-да. Менимча, авваллари ҳам кўзгу сўраганман ва Бешинчи терговхонадагидан-да фожияли воқеа юз берган.

Улар эшик ортида гўнғир-гўнғир қилиб, алданималарни маслаҳатлашишди. Тахминимча, ичка-рита бостириб киришга тадорик кўриб, ким қандай

Харакатланышни келишдилар. Муқаддам қамоқ-хонада кўзгута боғлиқ қандай машашани содир этганимни эндигина эслашга уринмоқчи эдим, эшик фийқиллаб очилди.

— Хонангизда кўзгу бор, кўрпачангизнинг тагида, ана, қаранг, — деди соқчи.

Ортимга ўтирилганим заҳоти, иккитаси отилиб кириб кўлларимга ёпишди, учинчиси бошимга қоп кийдирди, оламни зулмат қоплади. Кўл-оёқларимга кишан уриб, қамоқхона йўлагига етаклаб чиқишди.

— Қоп нима учун? — сўради бир одам.

— У соқчидан кўзгу сўради, — деди соқчилардан бири. — Психиагр маслаҳат берди, бундай пайтда энг тўғри чора бошига ёруғлик ўтказмайдиган қоп кийдириш экан.

— Жин урсин! — фиғони фалакка чиқди келган кишининг. — Охирти пайтларда бунга нималар бўляпти-я?! Яна кимнидир ўлдирди, кутулади. Яхшиланиш ўрнига оғирлашяпти. Оғирлашганда ҳам ёмон оғирлашяпти. Аёл бўлса ҳам калтак ўтмаса, электр токидан кўрқмаса, уқоллар ҳам дарров таъсир этмаса! Ким ўзи бу махлуқ? На одам зотиға, на ўзга сайёраликка ўхшайди! У ёққа — руҳий касаллар шифоҳонасига юбориш керак эди. Хар кунни беш маҳал уқол қилишса, жонсиз кўғирчоққа айланади. Кўғирчоқлар шу вақтгача кутурган итдек қопганини ҳеч ким кўрмаган.

Кўзгута қараганимда, нима содир бўлганини хотирамда тикламоқчи эдим, бўлмади. Миям бўм-бўш ва қоп-қоронғи эди. Соқчиларнинг етовида кетавердим, кетавердим, ахийри вентилатор фирриллаб турган сокин ва шинам бир хонага кириб келдик. Оёғим тагида юмшоқ гилам билқиллади.

— Олинглар уни, — таниш овоз эшитилди.

Қопни сўғуришгач, бошимни кўтардим ва рўпарамдаги одамга қарадим. У ким эди дейсизми? Бир

қарасам отам эди, бир қарасам Мадина опанинг эри. Икшироқ тикилиб, кўзларимга ишонмадим: у эрим эди... Бўри эди!...

Наҳотки, тирик бўлса? Ахир, ўша куз кечасида, бир бехосият куз тунида ўлдирдим, ўлдириб қўйдим-ку, Модомики, ўлдирмаган эканман, мен қамоқхонада нима қилиб юрибман? Йўқ, йўқ, мен эмас, у нима қилиб юрибди?

Кўзойнақ тақишим керак шекилги. Бу одамни тиниёлмай қийналдим.

— Ўша кеча қизимни отиб ташлашди... — дедим мен.

У индамади.

— Кейин уйим ёнди.

— Тўйим кунни бир тентак хотин оловда айланишим кераклигини айтганди. Гапини эслайман: «Сенким, эй келинчак, бир кун келиб гуноҳларингни олов тозалайди. Агар эрингинг табаррук уйига муносиб келинчак бўлмасанг, ёнасан, бўгун турмушинг шарафига ёқилган шу оловда ёнасан...» Мана, ёнишман... Ҳалигача ёняшман...

— Наҳотки, мен Бойжанжал қишлоғида қарор топган қонун-қоидаларга қарши чиққаным учун жазоландим? Оловда айланмайман деганим биринчи жиноятим эдимми? Жиноят тушунчаси дунёқарашдан келиб чиқса, у ҳолда бойжанжалликларнинг юзлаб, минглаб қилиқлари менинг дунёим учун жиноят эмасмиди? Урф-одат инсоннинг муқаддас эътиқодига қарши бўлмаслиги керак...

— Кизларим бор эди... Ўғлим бор эди...

Қаршимдаги одам ҳамон жим. Мен эса уқол ва дориларнинг таъсирида бўлса керак, ҳалим бўлиб

қолгандим. Болағарим ёдимга тушди, аммо Бешинчи терговхонадагидек жанжал кўтармадим. Балки энди ҳеч қачон сочимни юлмасман, бировларга озор етказмасман. Дийдор кўришадиган Улуғ Кунгача сабр этади бу Нигора... сабр этади бу Нигора...

— Мени бахтсиз қилдиларинг, — ғўлдирлади тилим. Ха, бахтсиз етдиларинг, кўлларингдан шу келди, холос. Ўзларингнинг чиркин дунёқарашларингни деб, кайф-сафони деб, биз ҳам яшаб қолайлик деб, бошимга етдиларинг. Мен ҳаммангиздан хафаман. Эҳтимол, хафатарчилик қисматга чўзилар. Сизларни жаллодлар деб атайман. Қазоларинг келгач, тўпроқ тағидаги сокин мазордан умид етманглар: ер туфлаб ташлайди, дейман. Шундай дейману яна раҳмим келади. Азоб чекишларингга юратим чидамайди. Нигора деб аталган шу вужуд ўзимга ҳам, бошқаларга ҳам бахт келишига сабабчи бўлишини хоҳлайман.

— Қандай яхши қиз эдинг-а, Нигора... — деди тилим.

Бирдан миям тиникроқ ишлаб кетди. Кимга гапиряпман? Рўпарамдаги одам ким? У жони йўқ бир тулуп бўлса, унга сўзлаб кулгига қолмапманми? — Кимсан?

Яна қарадим. Юзидagi ҳар бир чизик, ҳар бир нуқтага тикилдим. Тўхта, бу одам Эргаш эмасми? Рўпарамдаги бу одам ҳақиқатан Эргаш-ку. Не сабадан бунча довдирапман? Дорилар кучлилик қилдимми?

— Эргаш, сенмисан?... Ух-х-х-х... — дея дамим чиқиб кетди.

— Салом, Нигора, яхшимисан? — ҳол-аҳвол сўрашди у қадимгидек сенсираб.

Бошим ғувиллади, бўм-бўш миямда оғриқ турди. «Мен қаердаман?» деган савол янгради. Сўнгра савол бошқачароқ янгради: «Сен қаердасан, Нигора?»

Кейин ўзимга ўзим жавоб бердим:

— Сен қамоқхонадасан.

Эргаш жилмайди. Афтидан у менга гапиряпти деб ўйлади.

— Қамоқхонада эмасман, — деди ёшлик чоғларидегидек самимий оҳангда. — Сен ҳам қамоқхонада эмассан. Атрофингга бир қара, қандай ёруғ, қандай гўзал хона. Истасанг деразадан ташқи оламга ҳам мўрағлашинг мумкин. Бошингга қоғ кийдиришни мен бюрмаганман, балғумон бўлма. Фақат ҳозирча кўзгү беролмайман. Дунё ўзарди. Дунё шундай ўзардики, маънавийт шамоллари юзингга урилмаса, менга айт. Ислом ҳам хуқуқларига эга бўлди, ёвузлар қамайди, сен истаган дунё, сен истаган гўзал демократия, гўзал мамлакат, гўзал халқ майдонга чиқяпти.

— Ҳеч қачон! — дедим мен. — Сен алдаб кўрсатмоқчи бўлган дунёга қайтиб қарамайман!

— Майли, майли... Бешинчи терговхона олисларда қолиб кетганини айтмоқчи эдим, холос. Умид қиламанки, энди сени ҳеч қим кўрқитиб тергов қилмайди. Ёмон кунларингни ўйлама. Дунёда яхши инсонлар кўп, жуда-жуда кўп.

— Қамоқхонада эмасман дегинг, бўлмаса, қаердасан?

— Ростини айтмайми?

— Айт!

— Шаҳар шифохонасидамиз. Бу шифохона асаб касалликлари шифохонаси ҳам дейилади. Сен каттик асабийлашгансан, шунинг учун ўзингни қамоқхонадаман деб тасаввур қилипсан. Гапимга ишонмасанг, ёнингдagi аёлдан сўра.

Англадимки, мен яна терговхонадаман, улар мендан сир олишолмагач, авровчи психиатр ёрдамидан фойдаланишмоқчи. Бегона шифокор бўлса ҳам бошқа гап. Улар Эргашни сафарбар этишди.

Тошкентдан етиб келди. Эргаш шинам терговхонани ҳеч қандай терговхона эмас деб ишонтирмоқчи. Ҳақиқатан бу терговхона шинам ва салқин эди. Сарғиш гулли яшил гилам ўзига оҳанрабодек тортади. «Алвидо, бетон поллар!» деб хайкиртинг келади. Фақат кўзгү йўқ. Вентиллятор ишлапти, тивақда гуллар барқ уриб очилган, хув ана олгин қафас. Ундаги куш ҳозир сайрайди.

— Как-ку... как-ку... как-ку...

Эргаш чуқур нафас олганди, елкалари кўтарилиб тушди. Кўзойнагини оҳиста ечиб, опшок рўмолчасида артди. Рўмолчани танидим. Қирқ йил аввал ўзим софға қилгандим. Ана, четига тиккан каштамнинг қизил ишлари ҳам кўринди. Унда «Э» ҳарфи акс этган. Эргаш бугун ҳисларим билан ўйнашмоқчига ўхшайди. Акс ҳолда қирқ йил аввалги рўмолчани атайин намойиш этмасди.

— Сен куш эмассан, Нитора, — жиддий тортди у. Сўнг кўзларимга ачиниб боқди. — Телба ҳам эмассан. Нега ўзингни бундай тутяпсан? Қачондан бери кушга ўхшаб сайраб қолдинг? Тиббий текширувлардан соғлом чиққансан-ку, ахир. Асабларинг чарчагани рост, лекин касал эмассан. Айтмоқчиманки, адоий тамом бўлган руҳий касал эмассан. Сени бу ерга мен ўтказдирдим. Қамоқхонага ўхшаб кетса ҳам, аслида қамоқхона эмас. Соқчилар шунчаки хавфсизлик учун кўйилган санитарлар.

— Как-ку...

— Бас!

— Как...

— Нитора, сенга ярашмаяпти! — столни урди Эргаш.

— Нимани ўйлаётсам, тапириб юборяпман, — дедим мен.

— Кулоқ сол, Нитора, сенинг асаб тизимингда шу

вақтгача илм-фанда кузатилмаган ҳодисалар рўй берапти. Муаммо фақат ўйлаган нарсангни тапириб юборилингда эмас. Бу мендек психиатр учун икки қарра икки тўрт дегандек осон масала. Сен ҳозир қаккушга ўхшаб сайрадинг. Тўғрими?

— Тўғри.

— Нега сайрадинг? Менга тушунтириб бер, илтимос!

— Қафасдаги куш ҳозир сайрайди, деб ўйладим. Кейин у сайради.

— У эмас, сен сайрадинг.

— Менми?

— Ҳа, ҳамма гап шунда-да. Илмий ишим айнан сенинг касаллигингни талқик этиш эди. Илмий талқикотни бошлаганимда, сен касал эмасдинг. Эринг, фарзандларинг — баринг эл қатори бир оила бўлиб яшардинглар. Сен билан ишим йўқ эди, фан-ни ўйлардим. Мен ўрганаётган фан сенга керак бўлиб қолиши тушимга ҳам қирмаган. Биз танишлигимиз учун мени чақиртиришгани йўқ. Сенинг хасталигинг бўйича мутахассис бўлганим учун келдим бу ерларга. Илмий тилда гапирсам, тушунмайсан. Олдий айтганда, сенинг руҳинг ўзинг тасаввур қилган дунёга ўтиб қолган. Илм-фанга номавълум жиҳати шундаки, танангда ўта хавфли жисмоний куч пайдо бўлган. Бу кучингни ишга солсанг, одам ўлдириб қўйишинг ҳеч гап эмас. Сен спорт билан шугулланмагансан, тергов натижалари шунни кўрсатадики, ҳатто оғирроқ жисмоний меҳнат ҳам қилмагансан. Намоз ўқигансан, рўза тутгансан, уй юмушларини бажаргансан. Ҳатто, эринг фермага ҳам юбормаган. Лекин... лекин сен қўлга олинганингда ўзингни номавълум дунёнинг жангчиларига ўхшаб тутгансан. Ҳали-ҳануз шундайсан. Бу ердаги барча ходимлар учун сен хавфлисан, ҳаёти учун хавфлисан. Ташқи оламга

Күйиб юбормасликларини ҳам энди тушундингми? Яна бир гап... — Эргаш кўларимга ўтқир нигоҳини қалади. — Сени яширинча тайёрларикдан ўтган ҳам дейишди. Мен ўз билимимни ишта солиб уларга иботлаб бермоқчиманки, сен жангари эмассан, ҳеч қандай тайёарликдан ўтмагансан, экстремизм, террорчилик, диверсия — бари сента бегона. Сенинг оламинг ташқи оламдан минг чандон тўзал. Кушта ҳам озор бермайсан, чумолига ҳам. Доим ибодатда яшаган одамни кўр-кўрона жангари дейиш қатта бўҳтон. Террорчи деган тавқи лавнатни муҳрлаш-моқчи эканини эшитиб чидаёлмадим. Ўзим кел-олмасам ҳам, илгим фойда беришини истадим. Сени билмасам экан! Тушунмасам экан! Спорт кўрсатувларини кўрганмисан?

— Кўрганман.

— Боксни, дзюдо ни биласанми?

— Ҳа.

— Улар нима?

— Бокс — уриш, дзюдо — кураш.

— Шу спорт турлари билан шуғулланмагансан. Бу

— ҳақиқат.

— Ҳа, ҳақиқат.

— Сен жароҳат етказган соқчилардан бири саккиз йил бокс билан шуғулланган саксон килоли йигит эди, иккинчиси дзюдо бўйича ички ишлар ходимлари ўртасида ўтказилган Республика мусобақаси чемпиони бўлган. Вазни саксон беш кило. Боксчини бир зарбада кулатдинг, дзюдочини деворта турсиллатиб уриб, кишан билан бўғиб ўлдиршингга сали колди. Бошқа соқчилар ёрдамга келмаганида, уни нариги дунёга жўнатардинг.

— Мен пик этиб кулдим.

— Ёвузлик ҳақида гап кетаётса, нега кулдингсан?

— Нариги дунёга мен жўнатмайман. Буни ҳеч қачон унутма, дўхтир!

— Кўл-оёқларинг мушакларини шифокорлар қайта-қайта текширишди. Кизиғи, сенда чемпионларни ерга кулатадиган жисмоний куч йўқ. Бироқ ўтмишингдаги оғир кунларни эслаб жазавата тушганингда, сени тўхтатиб қолиш жуда қийин бўляпти. Нималар қилиб кўйганингни англамайсан. На карцердан кўрқасан, на қалтақлашлардан, на соғлитингдан, ҳаётингдан ажралиб қолишдан. Қисқаси, касаллитингнинг жумбоғини ечишим керак. Сен нозик хилқат бир ожиза аёл эдинг. Аёллитингга қайтишинг шарт. Мен кўлимдан келганича ёрдам берман. Қайтмасанг, кеч бўлади. Ҳаётда яшайдан мақсад қайф-сафо дегувчиларни манкурт деб атагансан. Унутма, агар аёллик лагофатига қайтмасанг, сен улардан ҳам багтар манкуртга айланасан.

— Демак, анавиларни ҳам аслида мен ўлдирмаганман. Кўлларим билмасдан ўлдириб қўйган. Сен, Эргаш, Тошкентдан келиб, мени оқламоқчисан. Ҳаммасини тўғри тушунибманми?

— Нигора, сен ростдан қотил эмассан.

— Қотилман! Қайтадан ўлдирингга ҳам тайёрман!

— Ҳеч қачон бундай қилолмайсан. Ўзингни ўзинг йўқ қилишинг осон йўлини танлагансан. Қотиллик қилдим дейсан ва ўлим жазосига тайинлашларига эришмоқчисан. Отиб ташлашди деб умид қилгансан. Мақсадинг, дунёдан кутулиш. Ахир, динда ўзини ўлдиринг гуноҳ. Сен бошқача йўл тутгансан.

— Ҳа, ўлимдан умидим бор.

— Ўлим жазоси йўқлигини биласанми?

— Менга фарқи йўқ.

— Сента айтишган-ку.

Шу пайт кўз олдим жимирлаб кетди. Ростдан мента кимдир айтганли. «Бахтингизга бизда ўлим жазоси йўқ», деганди... Тўхта-тўхта, Эргаш бир дақиқа ав-

вал нима деди? «Гапимга ишонмасанг, ёнингдаги аёлдан сўра... Ёнингдаги аёлдан сўра...»

Ёнимда аёл йўқ эди-ку! Эркак соқчилар олиб келишди.

Шунда назоратчи хотинни унуттиб юборганимни эслаб, ялг этиб ўнг томонимга қарадим. «Ассалому алайкум» деб юборишимга сал қолди. Не тонгки, ўнг ёнимда назоратчи хотин худди Эргаш боя жилмайгандек чиройли кулимсираб турарди. Бешинчи терговхонага бирга боргандим. Тўполондан сўнг изсиз йўқолиб қолганди. Бугун унинг зоҳири худди ботини каби чиройли эди. Тобора эркакка ўхшаб бораётганидан аччиғим чиқарди гоҳо. Хайрият, юзи тиниқлашибди, ҳатто қаеридир Мадина опага ўхшаб қолибди. Балки яширинча намоз ҳам ўқиётгандир.

— Шу опам менга ўлим жазоси йўқлигини айтганди, — дедим назоратчига ишора қилиб.

Негадир Эргаш назоратчи хотинга қиё ҳам боқмади.

— «Шу опам» деганинг ким?

— Назоратчи.

— Қаернинг назоратчиси?

— Камоқхонанинг.

— Кўк кийимдами, оқ кийимдами?

— Қора.

Эргаш пешонасини ишқалди.

— У билан гаплашма, Ниғора, — деди у. — Сен учун энг яқин дўст менман. Шунга келиша оламизми?

Назоратчи хотинга нигоҳ ташладим. У оғирвазмин, ақлли ва сабрли эди, бизни жимгина кузатмоқда эди. Менга яна эски гапини айтди:

— Биз опа-сингил тутинганмиз, унутмагансиз деб ўйлайман. Қотиллик учун эса кечирим сўранг, виждонингиз енгил тортади. Ўтган сафар айтганим-

ни қилмай тўполон кўтардингиз. Бу одам севгидан кўйгач, ҳасётини илм-фанга бағишлади. Илмий иши сизнинг касаллигингизни ўрганиш бўлиб чиқди. Ҳар бир фаннинг ўз предмети бор...

Миям ғувиллади. Эргашга ўхшаб мен ҳам пешонамни ишқалдим.

— Ҳуш? — деди Эргаш.

— Кечирим сўрайман, — минғирладим мен.

— Нима учун?

— Одам ўлдирганим учун.

— Қотилсан деб у айтдими? — ўнг ёнимга имо қилди Эргаш.

— Опамнинг айби йўқ... У хизмат вазифасини бажарпти... Худди сен каби... Биласанми, Эргаш, кимсан? Бошимга кулфат тушиб, энг қаттиқ кўриқланадиган камоқхонага келтирилганимда, «Ниғора билан ўзим шугулланаман, у менинг қариндошим, ёшлигимдаги севгилим, мени кўрса, йиғлаб ҳамма нарсани тапириб беради» деб хомтаъма бўлиб бу ёкка чопдинг. Сеннинг предметинг эмасман. Мен тобутлагиман. Кабристон предметиман.

— Илтимос, ўзингни қўлга ол! — ниҳоят, Эргашнинг ҳам жаҳли чиқди. — Тухмат қилишсан! Тухмат қандай гуноҳ эканини мендан яхши биласан!

— Тухмат қилган бўлсам, кечир. Айт-чи, бугун нега мени бу ерга чақиртирдинг? Сезапманки, илмий ишингдан ташқари сенда қандайдир мақсад яширин. Бир ишнинг ҳеч қачон битта сабаби бўлмайди.

Эргаш стулга чўқиб, менга қулайроқ ўтириб олишни таклиф этди. Иккимиз юзма-юз ўтирдик.

— Оёқ-қўлингдаги кишанларни ечишни сўрашмдан наф йўқ, — деди Эргаш, — барибир руҳсат беришмайди. Мухими, сен тириксан ва соғ-саломатсан. Бугун касаллигини ҳам йўқ деб ҳисоблаймиз ва ҳаёдан ўтмишга қайтамиз. Ўтмиш ўзга

Бир дунё шаклида ҳамиша мавжуд. Келажакни йўқ қилиш мумкин, лекин ўтмишни йўқотиб бўлмайди. Ўтмиш, бу — ўлим дегани. Шунинг англашинг керакки, Нигора, сен фақат ҳозир тириксан. Ўтмиш давринг аллақачон ҳаётдан кетган. Фақат сенинг эмас, ҳамманинг ўтмиши ўлган. Агар ўтмиш тирик бўлса, уни ўз кўзимиз билан кўрадлик, томоша қилардик, хилдардик, кучоқлардик, бирга-бирга йиғлашардик.

— Адашпасан, истаган вақтимда ўтмишга қайта оламан, — дедим бош чайқаб. — Ўтмишим тириклиги учун ҳам бу ерданман. Бошқалардан фарқим ҳам шу.

— Унда ўтмишингга боқ-чи, мени илк марта қаерда кўргансан?

— Сўмоқнинг бошида бир аҳволда турибман. Сени илк марта учраган дамларимни кўришим учун ўтмишимнинг ичкарасига киришим керак. Хали-вери малорим етмайди у ёкка боришга... Коронғилик... Коронғилик...

— Кел, унда сен ҳақингда мен сўзлаб бераман, — деди Эргаш мунгли бир қиёфада.

— Сўзла, — дедим томоғимга тикилган аччиқ нарсани ютиб.

— Ез кунларининг биринида маккажўхори уватида шмак тераётганимда, отам раҳматли чақириб қолди, — деб ҳикоясини бошлади Эргаш. — Куёш ботишдан аввалги ажиб бир дам эди. Сигирларимиз подадан қайтишидан аввал охурларини ўтга тўлдириб кўярдим.

«Велосипелнинг созми?» — сўради отам.

«Ха, соз, — деб оғилхона айвонидати қора «Урал»га кўз ташладим. — Бирор жойга борасизми, ота?»

«Сени юбормоқчиман, — деди падари бузрукжоврим. — Мулласойга бориб, Абдумурод тоғамнинг уйдан Курьони каримни олиб келишинг керак. Бориб келгунингча қоронғи тушиб қолса ҳам,

начора. Менга атайлаб Тошкентдан сотиб олибди. Ўзим борай десам мазам йўқ».

Ўшанда ҳаётимни ўзгартириб юборадиган воқеа юз бериши хаёлимга ҳам келмай, қўл-бетимни ювдим-да, кийимларимни алмаштириб, велосипедда олис Мулласой қишлоғига жўнадим. Саккизинчи синф ўқувчиси эдим. Сен эса еттинчи синфда ўқирдинг. Узоқлашаётган қариндошлар бўлганимиз учунми, қишлоқларимиз олислиги вазиданми, ўша кунгача кўришмаганимиз, бир-биримизни танимасдик. Эҳтимол, гўдақлигимизда тўй-маъракаларда оналаримиз қўлларида кўтариб юрганида, бегубор нигоҳларимиз тўкнашгандир, аммо эслолмаймиз. Ҳаётлигимизда илк марта қаерда учрашганимизни, бир-биримизга жажжи кўзчаларимизни тикиб, гўдақларча гўдраниб кўйганимизни Қиёматда билиб, Аллоҳ мўъжизасидан ҳайратлансак керак.

Шундай қилиб, велосипелимни учуриб, отамнинг махус топириғини бажариш учун йўлга чиқдим. Мулласойгача тўртта қишлоқ оралаб, кейин кенг дала ўртасидаги туپроқ йўлдан яна уч-тўрт чақирим юриш керак эди. Ота-онам билан бир неча марта тоға юртга — сенинг бобонгникига тўй-тадбирларга борганим эсимда. Тўрт қишлоқ йўли ҳам, уларнинг орасидаги узумзорли, тутзорли йўл ҳам асфалт эди. Албатта, асфалт йўлда тез юради одам. Куёш қизариб, уфққа ёнбошлаётганида, қишлоқларни ортда қолдирдим ва дала оралаб ўтган туپроқ йўлнинг бошига етдим. Бугдойи ўрилган даладан қайтаётган тўқ моллару, шошқалоқ кўй-кўзилар, аккумуляторсиз эски тракторлару эшакли одамлар учрайдиган йўлнинг адоғида — олис кун чиқарда яшил дарахторларга бурканиб, Мулласой кўзга ташланди. У сенинг қишлоғинг эди, Нигора. Сен тугилиб ўсган макон. Боғалик чоғларингга ҳам гўзали

диёр эди, ҳали-ҳануз афсонавийдир. Ҳар гал у ерга борганимда, сени эслайман, сенинг сиймонг ҳар бир тўлда, ҳар бир дарахтда, умуман, қишлоғинг шакл-шамойилгида гавдаланаверади. Бир йилгит шундай деганди: «Қачонки, Мулласой қишлоғи ёнидан ўтсам, бир вақтлар шу қишлоқда яшагандек, йўлларим-та интизор бир маллак бўлгандек, йиллар ўтиб, барчаси ўтмишининг қайтмас тубига шўнғиб кетгандек, армон ҳислари сузиб юргандек туюлавереди». Кўрдингми, демак, қишлоғингда ўзига тортадиган нимадир яшайди, нимадир илоҳий, битта сен ва мен учунмас, бошқалар учун ҳам...

Шимимнинг почасини қайриб, велосипедни жадал учирмоқчи бўлсам-да, ўнқир-чўнқир тўпрок йўлда бунинг иложи йўқ эди. Ариқлар, ўйдим-чүқурлар, балчиқлар, кўлмаклар тез-тез учарди.

Юра-юра нобоп йўлдан чарядим ва чап томондаги хиёл яхшироқ йўлга кўзим тушди. Бу йўлга даштнинг майда тош аралаш сарғиш тўпроғи тўшалган эди. У Мулласой томонларга чўзилган ихота дарахтзорига туташиб кетганди. Мендан икки-уч ёш кичик бир бола эшагига беда ортиб, «их, их-э» деб жониворни аёвсиз савалаб келаётган экан.

«Хой дўстим, манави йўлдан борсам, Мулласойга тезроқ етаманми?» — деб сўрадим ундан.

«Етасан, — деди у сенсираб. — Фақат кўприк бўзилмаган бўлса ўта оласан! Кўприк бўзилган бўлса, канот керак».

«Авваллари мана бу тўғридаги йўлдан борганман. Карасам, бу ёқда ҳам йўл бор. Янги йўлми?»

«Ҳа, янги, кўрмайтсанми? Ҳаи Мулласойга борадиган йўл кўп. Даланинг ўртасидан кетсанг ҳам Мулласойга етасан. Хув ана, мулдаларнинг қишлоғи кўриниб турибди-ку».

«Раҳмат», — дедим мен тош аралаш тўпрок қотиб қолган йўлга бурилиб.

Эндигина велосипеднинг педалини босиб, тезликни оширгандимки, ҳалиги бола хуштак чалди. Тормоз бериб, бир оёғимни ерга тирадим.

«Нечанчи синфсан?» — қичқириб сўради у.

«Саккиз. Сен-чи?»

«Мен мактабни битирганман, — бурнини тортди бола. — Эшагим саккизинчи синф, шунни айтмоқчийдим».

У эшагини савалаб, жўнаб қолди. Ҳаляти бола экан. Нима ҳам дердим? Йўл кўрсатганига раҳмат деб, велосипедимни елдек учирдим ва даладарни шамолдан химоя қилиш учун қад ростлаган азим тоғлар пойига етдим. Йўл Мулласой томонга бир оз чўзилгиб, кейин яна чапта — икки чақиримча наридаги оқ бетон бинолар ва қаққайган артезиан минораси сари эниб кетганди. Афтидан йўл қишлоқ хўжалик техникалари учун бунёд этилган кўрғонники эди. Агар юраверсам, Мулласой ўнг томонида қолиб кетарди. Яна йўл сўрай десам, яқин-атрофда одам зоти кўринмасди.

Шу дамда қишлоғинг тарафда трактор тариллаб, тўпрок кўтарма олдига бир кўриндино, тележжасини эргаштириб кўздан йўқолди.

«Трактор юрган йўлга етсам, марра меники», — дедим ва велосипедимни етаклаб, бугдойи ўрилган даладан кесиб ўта бошладим. Бугдойнинг илдизда қолган қаттиқ повлари велосипед филдирегини тешиб, «босоножжа» деб ағаладиган пойабзалимдан ҳам ўтиб, оёғимни жароҳатлаши мумкин эди. Шу сабабдан жўяклар оралаб, эҳтиёт бўлиб юрдим. Ниҳоят, дала этагига эсон-омон етиб, тўпрок уюмларидан ошиб, шувокзор ва янтоқзор устидан чиқдим. Тиканлар оёғимни шилмаслиги учун шимимнинг почасини туширдим. Барибир тоғларнинг уйига бир аҳволда етиб боришимни ўйлаб, ўзимдан хафа бўлдим. Содламан-да! Нега

анави боланинг гапига кирдим? «Эшак саккизинчи синфда ўқиса ўқир, аммо унинг устидаги бола аслида ҳақиқий эшак», деган ёмон ҳаёллар ҳам кўнглимга келди.

Янтоқзор майдонни ортда қолдириб, бағандроқ туپроқ кўтармага еганимда, Куёш ботиб, оқшом чўкди. Алашмасам трактор мана шу тепаликнинг ортидаги йўлдан ўтган эди. Мулласой томонда Курбақалар қуриллади, узоқларда итлар ҳуриб, эшаклар ханграб, бузоғини сўраган ситирларнинг мўрашлари эшитилди.

Бир амаллаб туپроқ кўтарма устига чиққанимда, кўл чўзса етгулик масофада чироқлари порлаб Мулласой кишлоғи намоён бўлди. Аммо йўлдан ёмон тик жарликдан иборат зовурдан ўтишим керак эди. Бу биз томонларга борадиган катта каналнинг шохобчаси бўлиб, шоша-пиша қазилганидан, йилма-йил ўпирилиб, жарликка айланганди. Жарлик тубидан узун-узун қамишлар ўсиб чиққанди. Кўз илгачан ергача тоҳ ўнгимга, тоҳ сўлимга боқдим ва ҳеч қаерда кўприкдан нишона кўрмадим. Ярамас бола бекорга қанот керак демаган экан. Зовурга тушиб, жарликдан иборат кирғоққа велосипедни кўтариб, чиқиш у ёқда турсин, велосипедим нарвонга айланиб қолса ҳам, ўтишим дарғумон эди. Трактор зовурнинг нариги тарафидаги йўлдан ўтганди. Йўлдан нарида бўлгойи ўрилган дада, ундан сўнг икки қатор толар, кейин узумзор ва... Мулласой. Узоғи билан, бир-бир ярим чақирим, холос.

Энг тўғри йўл — эшакли бола учраган йўлни топиш, далани кўндалангига кесиб ўтиб бўлса ҳам, ўша йўлга қайтиб чиқиш эди.

Нитора, айт-чи, мен нима қилганман ўшанда?

— Калима қайтаргансиз, — дедим панжара ортига тушганимдан бери илк бор уни сизлаб.

Эргаш аввалтидан ҳам чиройли жилмайди.

— Тўғри айтдинг, — деди у, — калима қайтардим. Шунда юрагимга бир енгиллик келиб, бу адашпининг ҳам хосияти борлигини англаб етдим. Бугун кўлларим Қурьони қаримни кўтариб, отамга элтиб бериши керак эди. Мени оддий бир эшакли бола йўлдан аллаштириб, ҳалок этиши мумкин эмасли. Ҳаммасига ақлим етди, ҳаммасини тўғри қабул қилдим ва:

«Ё Парвардигори олам...» — дедим.

Шу пайт тақдир мента зовурнинг нариги ёқасидан чопиб келаётган ажабговур махлۇқни кўрсатди. У оксоқланиб, лўжиллаб чопарди. Аёл либосида эди. Бошида рўмоли, эғнида узун кўйлақ-лозимми бўлган, ақлу хуши учган қирқ ёшлардаги оғзин хотин эди.

Мени кўрмади. Зовурнинг бу ёғида одам зотини учрагачан деб ҳаёлига ҳам келтирмади.

«Ассалому алайкум, янгал!» — деб хитоб қилдим.

У югуриб бораётиб, атрофга аланглади, кўзлари яна мени кўрмади.

«Хой янгал!» дедим кўлимни оғзимга қарнай қилиб. Шунда ғалати хотин таққа тўхтаб, Ойдан тушган мавжудотни учрагачандек бақрайиб қолди. «Бор-е!» дегандек кўл силтаб, югуриб кетмоқчи бўлди, лекин сониялар ичида тафаккур қилиб, изига қайтди-да, тўғримга келиб тўхтади. Дам мента, дам ўртадаги жарликка қараб, таралдулданди. Фаҳмладимки, аёл руҳан соғлом эмасли. Шунга қарамай, яхшилик ташвишида эди.

«Ув-в-в... А-а-у-у-у...» — тушунарсиз товушлар чиқариб, чопиб келган томонига ишора қилди.

«Йўл борми? Қандай ўтаман?» — дедим мен.

Аёл титраган мисоли бош чайқаб, икки чаққасини ушлаганча фарёд урди.

«Нима бўлди?» — дея велосипедимни ташлаб, жарлабига келдим.

Пастликда лойқаланган зовур бир тўлқинланиб, бир гирдоб ясаб, бир сокинлашиб ваҳм билан оқиб ётарди.

«У... У... Чўк... Чўкади... Чўкади... Хозир... Хо... Хо...» — деб мени имлаб чақирганча, изнга кайтиб югурди. Фалокат юз берган эди. Кимдир чўкмоқда. Мендан бошқа ёрдам берадиган одам йўқ. Хойнаҳой, тракторчи бу хотинни телба деб ўйлаб, тўхтамасдан ўтиб кетганга ўхшайди. Қош қорайиб келипти. Юлдузлар чиккунча, бу ёқда — тақдир осмонида бир банданинг юлдузи сўнади.

«Ёрдам бераман! Каерда у?» дея унга ёнма-ён йўналишда жарлик бўйлаб чопдим. Тезда аввалгиданда хавфли гирдобсимон ҳавза олдида йўлим тутайди. Икки соҳилнинг жарлиги ўпирилиб, бу ерда гирдобли ҳовуз пайдо бўлган эди. Сув ўртасида бир дарахтнинг илдизи қорайиб кўринса-да, лойка оқим бўралиб-бўралиб, қулқуллаб-қулқуллаб оқарди. Агар сувга тушгудек бўлсам, ё гирдоб мени домига тортиб кетади, ё оёғим нимагадир илакишиб, фарқ бўлшим тайин эди.

Аксига олиб, ҳалиги хотин ўз йўлидан ўнгга эниб, кўзимга кўринмай қолди. Чўкаётган одам зовурнинг нариги томонида ирмоқлардан ҳосил бўлган кўшимча жарлик тубидаги сувда эканини англадим. Бунинг учун катта зовурдан сузиб ўтишим керак эди. Қирғоқдаги дўнгликчага чиқиб, бўйнимни чўзиб-чўзиб қаралим ва хотин чопиб кетган ерда, зовурнинг нариги томонида қора тоғлар сари узанган жарлик-ни кўрдим. Қулоқ тутсам, яна фарёди эшитилди. Фурсат фанимат эди. Бир таёқни олиб, ўртасига тизза кўйиб, қарсиллатиб синдирдим. Бир бўлагини ташлаб юбордим, иккинчиси тайёр қозик эди.

«Ё Аллоҳ, ўзинг мадаккор бўл!» — деб Қирғоқнинг нисбатан қия жойидан сувга сирғалиб тушиб, жон-

жаҳдим билан нариги қирғоққа суздим. Тор ўзанда тез оқаётган сув ҳалок этиши ҳеч гап эмасди, аммо мўъжиза юз берди: нариги Қирғоқнинг жарлигига елдим. Сўнгра қирғоқни пайпаслаб, қамиш ва янтоқ илдизларини, энг муҳим, сал нишаброқ жойни ахтариб, оқим бўйлаб оқдим. Қулайроқ жойга етган онимда, илдизларни чангаллаб, ёғоч қозикни жон-жаҳдим билан санчдим. Ушлаш учун уяча ясадим. Кейин юқорига тирмашиб, қозикни янада багандроққа санчдим. Шу кўйи минг бир азобда тепага чикканимда, уст-бошим шалаббо вайлоқ, кўйлагимнинг тутмалари узилган, тирноқларим ачишмоқда эди. Муҳими, тирик эдим, зовурдан ўтишни уйдалагандим.

Ҳалиги хотин мени кўриб, имлаб чақирди, ортидан югурдим. Юз қадамлардан сўнг зовурдан бошланиб, Муғласойнинг тоғлари томон чўзилган жарликка етдик. Бу жарлик ҳам сувни нотўғри тақсимлаш, ариққа етарли сувни оқизмаслик натижасида ернинг ўпирилишидан ҳосил бўлганди.

«Ана, ана!» — деди хотин пастта кўлини битгиз қилиб.

Жарлик тубида бир соҳибжамол қиз ярим белгича суяқ сарғиш лойга ботиб ётарди. Хар қимирлаганида, оёғи лой тубидаги қияликдан тойиб, тобора чуқурроққа силжиб, лой бўғзи сари яқинлашарди.

У сен эдинг, Нигора!

Санокли дақиқалардан кейин ҳаётинг шами сўниши мумкин эди. Отам мени Қурьони қаримга юборганида, сени ҳалос этишга ҳам юборган бўлиб чиқди. Эшакдаги тарбиясиз болага ҳам Хулдонинг раҳми келиб, яхшилик қилмишга сабабчи қилдимми ённки эшаги тез юриб, у билан мени йўллар айро тушган нуқтада учраштирдими, бу ёғини ҳам ҳозирча билгилмаймиз.

«Кимирлама! Каттиқ ердан махкам ушла! Тирноғингни ботириб бўлса ҳам!» — қичкирдим мен.

Агрофга аланглаб, на узун таёқни, на коримизга ярайдиган бирор тузукроқ нарсани кўрдим. Велосипедим ёнимда бўлганида эди, гилдирагидан ушлаб, пастга тушираддим, сен иккинчи гилдирагидан тутардинг.

«Мол... молини... из... излаб... Йиқилди... йи... қил... ди...» — деди хотин.

Ушанда сигирингни ахтариб юриб, фалокатга йўлиққандинг. Дудук хотин эса ҳамроҳинг эди, иккаланг кеч бўлганида, бу ерларга келиб қолгандинглар. Кўнглимдан ўзимнинг шимимни ва ҳалиги хотиннинг кўйлагини ечиб, арқон яшаш фикри ҳам ўтди. Бирок бу арқонни яшаш учун хотиннинг кўйлагини ечиб олгунча сен чўкиб кетардинг.

Тракторни эсладим. Унинг тележкасида нимадир қорайиб кўринганди. Модомики, трактор ҳам тақдир йўлларимизда мени бу ёққа чорлаган белги экан, яна нимадандир умид бор эди. Уйлаш керак, умид қилиш керак. Зеро, дунёда ҳеч бир нарса бежиз воқе бўлмагай.

Трактор ўтган йўлга чопиб чиқиб, икки тарафга ялт-юлт қараб, узокда бир шохга кўзим тушди. Теляжкадаги ўтинлар орасидан узун тол шохи тушиб қолганди. Югуриб бориб, шохни олиб келдим-да, фадир-будир учини сента тутдим. Сен ўлим ботқоғидан секин-аста суғурилиб, жарликдан туртиб чиққан куруқ ерга ўтиб олдиг. Кўркув ва чарчоқ сени холдан тойдирганди. Сента кўпдан-кўп далда берувчи сўзлар айтдим. Бошингни кўтариб, яна шохдан тутинг ва ҳаёт майдонига тирик чиқдинг. Юрломдинг. Сени кўлларимда кўтариб, Мулдасой қишлоғига йўл олдим. Ҳамроҳ хотин эса биздан олдинда дўкиллаб чопиб борар, тинимсиз йиғлар, ҳар ўн-ийтирма қадамда бизга қараб кўярди. Мен

нарчагандим, қадамларим суслаганди. Хотин биздан анча илгарилаб кетди. Аксига олиб, ҳеч бир трактор, арава, эшак учрамади.

Толлар тагига етганимда, қоронғи тушди. Сенинграниб кўйдинг, лекян кўзингни очмадинг. Ўлиб қолишингдан кўрқдим. Шундай эса-да, ҳали кўп яшашингни ҳам юрагим сезарди.

Бир пайт қоронғилик кўйнида чопиб келаётган уч-тўрт эркакнинг шарпаси кўринди. Улар бизга етган заҳоти, бири кўлимдан сени олди.

«Нима бўлди?» — дағдаға аралаш сўради мендан. Кейин жавобимни кутмай, сени ерга ётқизиб, томбирингни ушлади, кўзларингни очиб кўрди.

«Йиқилиб тушибди, — дедим мен, — жарликка...»
«Танимадим? Кимнинг ўғлисан?» — деб бири мента яқинлашди.

«Абдурахим аканинг ўғли Эргашман, — деб жавоб бердим. — Мулласойга, Абдумурод тоғамникига келдаётгандим».

«Ие, Эргаш жиян-ку!» — деди сенинг устингга энгашиб, биринчи ёрдам кўрсатаётган одам.
У сенинг отанг Абдумурод тоға эди.

Мента бошдан-оёқ уст-бош беришди. Яқинда олинган «Сура» велосипедини «Москвич»га ортишди. (Ўзимнинг велосипедимни эртага топиб, ўрнига оладиган бўлишди.) Онанг ўлимдан кутқарганим учун узундан-узок дуо қилди. Дуо ҳали-ҳануз кулоқларим остида жаранглайди. Кучли психиатр бўлиб етишган эсам-да, дуо мента қаердан эшитилаётганини ҳозиргача билмайман, билтолмайман.

Ушандан сўнг Мулласойдаги тоғалар қишлоғининг қаҳрамонига айландим. Кейин тоғаларнинг хонадонидаги тўйга бордим. Тўйлар ҳовлиларда ўтказиларди. Шундай бир одаг бор эди: қариндошларнинг ўғиллари тўйларда чой, нон, ов-

Кат ташиб, бошдан-охир хизматда бўлишарди. Қизлар ҳам хизматдан бенасиб қолишмасди. Эсингдами, ўшанда сен коса-товок юваётгандинг. Мен патнис кўтариб, ювилган косалардан тўрттасини олганимда, кўзларимиз тўқнашди.

«Ассалому алайкум, ака, яхшимисиз?» — дединг сен.

«Валайкум ассалом», — дея олдим аранг.

Жарликлагги воқеадан сўнг ўн чандон гўзаллашиб, гўски пари кийфасига кирган эдинг. Кўзларингги ерга тикканингда найза-найза киприкларинг жон олар даражада сента чирой бахш этарди. Камсукум ва дилрабо, камгап ва шўх эдинг, етти икдим маликалари ҳам сен каби бўлмас эди. Мен — бўз йитит бундай сеҳрли овозга, бундай ширин муомалага, бундай хусн-малоҳатга бардош берадиган ҳолда эмасдим. Юрагим жиз этди... Юрагим фақат сендан иборат бўлиб қолди... Биринчи муҳаббатим эдинг, Нигора!... Ҳеч кимни сени севганимчалик севмадим, севолмасам ҳам керак...

— Энди бу гапларингизни кўйинг, — дедим мен Эргашнинг хикояси шу жойга етгач. — Биз бошқа-бошқа олам вакилларимиз. Ўтмишни эслаш асносида бўлса ҳам, менга ишқдан гапирманг. Сизга айтишганими, йўқми, камерамда ўтириб, кундалик ёзипман. Дафтаримни «Телба келинининг кундалиги» деб атадим. Айтган ҳар бир гапингиз аслида кундалигимда рўй берипти ва ким ҳозир шу сатрларни ўқийтган бўлса, у ҳам кундалигимнинг ичига кириб қолган ҳисобланади. Кундаликдан ташқаридаги олам мана шу сатрларни ўқимаётган одамлар учунгина мавжуд.

— Олам мангу экан, сен ҳам мангулик ичидасан, яъни олам ичида яшайсан ва шундай экан, сен ҳам мангусан, — деди Эргаш. — Ўша дамлардаги

таассуротларимни гапирдим, холос. Бугун қаршимда хотирасини йўқотган, рухий хасталикка йўлликқан, оиласидаги муаммолар туфайли эзилган бир бечора бемор кийфасида ўтирибсан. Сени илк марта қаерда учратганимни-ю қандай севиб қолганимни айнан ўзингга гапириб беришдан мақсадим шуки, ҳеч бўлмаса, ўша даврлар ёдингга тушар, дея умид қилдим. Ўтмишда сенда ёвузлик туғул, ёмонликнинг мигти заррачаси ҳам йўқ эди. Мана шу ҳақиқатни етказмоқчиман...

— Эргаш ака, — дедим бошимни эгиб, — сиз айтган воқеаларни элас-элас эсладим. Бугун икки нарса ҳақида билмоқчи эдим. Мени нега сизга эмас, Бўрига узатишди?... Ва нега менга кўзгу беришмапти?

— Қулук сол, Нигора, — ух тортди Эргаш, — бизнинг тақдиримизни айро туширган воқеанинг илғизи сени кутқарган кунимга бориб тақалади. Ўшанда кўлимда кўтариб келаётганимда, йўлимдан чиққан одамлар орасида отанг билан бирга Абу Манноп деган киши ҳам бор эди. У «Танимадим? Кимнинг ўғлисан?» деган кимсадир. Беш вақт намоз ўқирди, рўзани қанда қилмай тутарди, умрида ароқ ичмаган, тўйларда ароқ кўймаган отанг каби ҳудожўй эди. Бироқ ҳар қандай художўй инсонни ҳам ибодатдан ташқари ҳаёт майдонида тўлик эзгу амалларни қилади деб бўлмас экан. Тақдир бизнинг ўртамизга Абу Манноп деган душманни юборганди. Сента кўзгу берилмаётганига ҳам унинг аллоҳаси бор. Энди Абу Манноп тарихини эшит...

— У киши ҳам ёлмига тушди. Отамнинг қалин уяхонларидан эди. Хушчақчақ юрганни, бировга очик чеҳра билан гапирганини кўрмаганман. Абу Манноп ака ўзини одамлардан олиб қочарди. Хотинига кўп озор беради, деб эшитганман... Хотини ким эди-я?... Исми... исми... Ё бошқамикан? —

Асабларим таранг тортилиб, кўзларимни юмдим. —

Хаёлимнинг четида турибди... У... У...

Эслаш учун чирангандим, миямнинг тутуни чи-
киб кетаёзди.

— Исмини унутдингми? — деб Эргаш багтар
асабийлаштирди. — «М».

— «М»?

— Исми «М» билан бошланади.

— Мадина опам!... — қичқириб юбордим мен.

— Кўрдингми, сен кўп нарсани эслоласан. Рухинг
бошқа оламга ўтиб, хотирангга ҳам салбий таъсир
кўрсатган. Мухими, барчасини ортга қайтарса бў-
лади.

— Мадина опам яхши аёл эди... Эри... эҳ, эрига
ўхшамасди... — хаприкчиб кетди юрагим. — Умуман
ўхшамасди... Мадина опам бирор марта ёмонлик
қилмаган, ҳа, ҳеч кимга ёмонлик қилмаган... У
аёлдан кўп нарса ўрганганман... Эри... Абу Манноп
ака нега бизга душман бўлган, тушунолмайман...
Ёмон одам эмасди шекилли... Уз фойдасини кўп
ўйларди, шунисини биламан, холос.

Эргаш менга кўзойнаги ортидан тикилиб қолди.
Сўнг:

— Нитора, — деди, — Мадина опанг сентга
совчиликка борган.

— Ёдимда йўқ.

— Сени кимга сўраб борганини айттайми?

— Қариндошларидан бирига. Хойнаҳой, сизга эмас.
— Адашдинг, уз эрига хотинликка сўраган. Агар
эри сени тан маҳрамликка олса, Мадина опа ик-
кинчиз бир умр опа-сингил бўлиб яшашингиз
кутилаётган эди. Сенинг дунёқарашинг ҳам, Мадина
опанинг дунёқарашинг ҳам, қолаверса, отангинг, Абу
Маннопнинг — барча Муллаасой қишлоғи аҳлининг
дунёқарашинг бунга олаётган деб қабул қилаётганлиги.
Эргашнинг нигоҳида ачинини ҳам, истеҳзонни

ҳам кўрдим. «Мадина опа кўтлаб солиҳа аёллар
ҳаётида муқаррар юз берадиган кундошлик онлари
яқин экан, кундошнинг ўзи танлаб кўя қолгани маъкул
бўлган», деб ўйладим. У шундай аёл эдики, эрининг
истагини ҳалол деб топса, Қарши бормасди. Бирок
Абу Манноп аканинг баайни мента уйланиш истаги
каминнага жумбоқ эди. Нега айнан мен? У турғиштан
сингилдек кўрмасмиди? Қачон тан маҳрамини қилиш
ўйи тушди кўнглига?

— Шўро замони тугади, энди бир хотинлиги тизим
ҳам барҳам топиб, ҳар ким ўзи хоҳлаган боши очик
жувонни ёки турмушга чиқмаган қизни хотиннинг
устига никоҳлаб олиб, таъминлаб қўйса, ҳеч қандай
ёмон томони йўқ, деган гаплар Муллаасойдаги тўй-
марракаларда кўп гапирдиларди. — Эргаш узундан-
узок жумлаларни қаторлаштирди. — Билакларини,
оёқларини, бўйнини кўз-кўз қилиб юрадиган
кўшни қишлоқ аҳли устидан сенинг қишлоғинг
одамлари қилишарди, ҳатто даослар деб атаб,
бавзан жанжаллашиб ҳам қолишарди. Қишлоғинг
одамлари улардан ароқхўр, динсиз, миллатсиз авлод
туғилади, муслмончиликнинг ўрнига қандайдир
жамоа маданияти устуңликка эришади, ҳамманг
дўзахда қуясанлар, дейишар, эрсиз қолиб кетган
жувонлар ёки ўтириб қолган қизлар никоҳлаб
олинмаса, кимдир йўлдан уриб, бузилиб кетади,
деб ҳисоблашарди. Ўн еттига кирдимми, ажрашдимми,
эри вафот этдимми, қишлоғингда кўп ҳам қисмат
ҳақида бош қотириб ўтирилмасди. Кимтадир ни-
коҳланади, тамом. Уларнинг гапларига айрим да-
лиллар бор эди. Масалан, майхўр одамларнинг
фарзандлари ҳам тўйларда ичиб, чекиб, маст бўлиб,
худди отасидек муштлашишса, қишлоғинг аҳли
«Биз айтмадикми сизларга, кўзларингизни очинглар»,
дейишарди. Эри билан ажрашиб, энди ўзим учун
яшайман, деган мақсадда ялтир-юлтуурларни кийиб,

Ишдан кимнингдир машинасида кечроқ қайтган жувонларни кўрсатишиб, «ана, фоҳишага айланиб қолти» дейишарди. Инсон хуқуқлари, эркинлик деган тушунча бор, буни биласиз.

— Кишлогим муҳити ёдимда, — деб истеҳзо ила бош силкидим. — Сиз айтатган қавм фарзанди эдим, намоз ўқиб, рўзаларни хатосиз тутардим, отамнинг айтганлари қонун эди, лекин туҳматчи эмасдим. Бировни кофир демаганман, фоҳиша демаганман, инсоний хуқуқларини поймол ҳам қилмаганман. Ороҳлантирган бўлишим мумкин, ишлари хато дегандирман, эҳтимол. Сиз шаҳарда ўқиб, хар хил одамлар орасида кўп юриб, бизнинг кишлоқ маданиятини ерга уриб тапиряпсиз. Одатда, энгиллар бировларнинг маданиятига хурмат билан ёндашишлари лозим эмасми? Унутманг, ака, бу дунёда одам эркин яшаши керак! Эркин яшашга менинг ҳам ҳаққим бор, шундайми?

— Албатта.

— Унда эшитинг! Эркинлик, бу — поклик дегани! Кимки нопок экан, у эркин эмас, бўлажак тутқундир. Бу дунёда қамалмаса, у дунёда барибир туттилади. Эркинлик, бу — рўзасини тутиб, намозини ўқиб, гуноҳлардан қутулиб, кўнгли у дунёдан хотиржам бўлиб, фақат яхши ишлари қилиб яшаши! Ҳеч кимдан қарзи йўқ, ҳеч кимга ёмонлик қилмаган одамгина эркиндир! Эркинлик ота-боболаримиз, она-момоларимиз ўратган ўғитларни чин қорақдан қабул қилиб, содиқ бўлиши! Яна қандай тавриф берай? Мен эркинликни шундай тушунаман! Бошқача эркинликни ўтсам ҳам қабул қилмайман! Сизнинг гапингиздан эркинлик деганда истаган кийимини кийиб, ҳатто кўкси очик кийимни ҳам ўзига дойик деб, ситарет чекиб, шароб ичиб, хоҳлаган қилиғини қилиб юриш мумкин, деган ҳид сезилгити. Шу

эркинликми? Шу эркинлик сизга, хотинингизга, қизларингизга, келинларингизга керакми? Бутун мамлакатга, бутун Ер шарига керакми? Кўрапман, сизлар учун керак! Марҳамат, ўшанақа эркинликларни истаганларингизча олаверинг. Чунки у бизга керакмас, биз учун у чиқинди. Жаҳолат даврида чиқиндига чиқариб ташлаганмиз. Бир минг уч юз йил аввал «мусор»га чиқариб ташлаган бузқўчиликларни бутун қабул қилипсиз. Чунки бу бузқўчиликларни сизлар ўйлаб топмагансизлар, у аввал бор эди, ҳа, бор эди, бор эди...

— Йўқ, Нигора, мени нотўғри тушундинг...

— Тўхтанг! Сизлар мени телба деб қабул қилипсизларми, бир нарсани унутманглар! Менинг дунёқарашим, бу — меники! Менинг дунёқарашимни телбалик деб атасангиз, у ҳолда мен учун сизларники ўз-ўзидан телбалик деб ҳисобланмайди? Сиз психиатр, мен жинни эканман, хўп, хўп, аммо битта нарсани мушоҳада қилинг! Менинг ҳаётим сизларнинг кўзларингиз билан қаралса, қора рангта экан, мен учун у ок рангта. Ранглар мос тушмаптитми? Жуда соз! Бундан чиқди, менинг ҳаётимдан туриб қаралса, сизларники қора бўлиб кўринади. Хўш, қим эркин? Айтинг, қим эркин? Менми ё сизлар?

— Ҳаммани битта қолипга солма...

— Шуннақами? Сизнингча, мен сизларни битта қолипга солиб, мента ўхшанглар дейтманми? Қачон?! — Бирдан азабим жўшиб, қичқириб юбордим: — Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!... — Кейин ўзимни туютолмай хўнграб йилгадим. — Қамоқхоналарингизга тиқиб кўйиб, нима истайсизлар?! Ўзимнинг ҳаётимни эркинлик деб ҳисоблаганим учунми? Ахир, сизларнинг ҳаётингизни қайси ақл, қайси имон билан эркинлик дейман? Сизлардек яшаган куним Оллоҳим жонимни олгани минг марта яхши-ку!

Эргаш юпатмоқчи бўлиб ўрнидан кўзгалган эди, кишанларимни шақирлатиб, пўтиса қилдим:

— Яқинлашманг менга! Гап бошладингизми, энди охиригача эшитинг! Эркинлик ҳар бир одамнинг ўзида, ҳаётида, турмуш-рўзғорида яшайди. Мен ўз уйимда эркин эдим, сизлар ҳам ўз уйингизда эркин эдиларингиз. Мен... мен... ахир, сизларни ўзимга ўхшатиш учун куч ишлатмадим-ку! Қачон изимдан юринглар деб тарғиб қилдим? Қачон бирортангизни паранжига чирмадим, рўза тутишга давват қилдим, ибодатга мажбурладим? Қилдимми шуларни?! Йўқ, йўқ! Ҳар ким ўзининг эркинлигидан фойдаланиб, ким эркинликни қандай тушунса, шундай яшаб келаятганди. Бирок сизлар менга юборган Бўри деган шахс оғзимга ароқ қуйишгача, ўласи қилиб дўппослашгача борди, мени ўз ўртоғига, Ибодга бериб туриб, ўзи эса унинг хотини билан рақс тушмоқчи бўлди. Рўза туттирмасликка, ибодат қилдирамасликка, хижобимни етгиришга уринди. Сиз Тошкентдан келгунингизча, бу ерда мени террорчи деб тумон қилишган экан, сизлар эмасмисизлар менинг ҳаётимга, менинг дунёқарашимга босстириб кирган босқинчилар? Гапиринг! Мен руҳий касал эканман, атар шу руҳий касаллик бўлса, мен абадий руҳий касал бўлиб қолишга тайёрман.

— Бўри сенинг эринг эди, Нитора, — ачиниб бош чайқади Эргаш. — Уни сенинг ҳаётингга биз юбормаганмиз, мисол учун, айнан мен юбормаганман. Отанг сени унга турмушга берди. У сенинг шаръий эрини! Биз бу ерда шу ҳақда гаплашаётгандик, сен ўзинг қизишиб кетяпсан. Унутма, мен сен тарафдаман. Сенга ҳеч қандай хушуматим, фаразим йўқ. Мақсадим, сени ўзинг хоҳлаган ўша эркинлик-ка олиб чиқиш. Бугун бу ерда қилган ишларингни кўриб, сени таниёлмай турсам-да, ўтмишда қандай гўзал қалб соҳибаси бўлганингни бот-бот такрорлаётга-

ним бежиз эмас. Хозир айтган гапларим қишлоғинг муҳитини кўз олдингда жонланттириш эди, холос. Абу Маннопнинг хотини ўз эрига сўраб келганида нима деб жавоб берганингни айтайми?

— Мен... ўзим... — дедиму миям бўшаб, хувиллаб қолди. Бошимни эгдим. Кўз ёшларим кишанларимга томди.

— Нитора, — пичирлади назоратчи хотин қулөгимга, — психиатрни ҳақорат қилдингиз. У ва оиласига, маданияти ва эътиқодига тил теккизмавнг. Ахир, сиз тарбия кўрган муслима аёлсиз! Мадина опадан қандай ўрганган бўлсангиз, бошқа қиз-жувонлар ҳам сиздан андаза олиши керак. Шунини унутмангки, дунёқарашингиз хозир иккинчи масала. Қамокхонага сизни биринчи масала бўйича, яъни қотиллик учун келтиришган. Мен эмас, сиз қотилсиз.

— Мадина опангнинг таклифини чиройли рад этдинг, — деди Эргаш. — Чунки қалбингга мен яшардим, мени севардинг. Мадина опадан кўп нарсани ўрганганман деляпсан. Унинг эрига турмушга чикмадинг ва опа-сингил бўлиб яшаматгансан, бирга ишламагансан. Балки кўнғироқлашиб тургандирсизлар?

— Ҳе, йўқ, опани бу ишларга аралаштирманг. У билан гаплашмаганман... Юриш-туришга, ўзини тутишга қараб ўрганганман... — кўз ёшларимни артдим. — У аёл мен учун идеал эди, бундан кейин ҳам идеаллигича қолади. Сизларнинг хотинларингиз ҳеч қачон идеал бўлолмайди... Хотинларингиз ҳаромдан рашк қилиши яхши, лекин... ҳалолдан ҳам рашк қилиши... Ҳаммасини бир гўр деб билади...

Эргаш кулимсираб, ух тортди ва:

— Сенга уйланганимда устимга хотин олиб бераркансан-да? Обобо, отамнинг тоғасининг қизи-ей! — деди. — Мен ҳам мусулмонман, алҳамдугиллоҳ, аммо иккита хотиннинг асло кераги йўқ.

— Ха, чунки сиз иккинчи хотин учун жавоб беролмайсиз. Танлаган йўлингиз бир хотинли тизим... Битта хотин ва кўчада ўнлаб кўзи сузуклар...

— Сенингча, Абу Манноп икки хотинга муносиб элими? Ўша соқолтойга сен керак эмасдинг. У вақтинча никоҳлаб олиб, вақтинча яшаб, кейин жавобингни берарди. Абу Манноп учун жория катори бўлардинг. Бу — аччиқ ҳақиқат! Тагин яна дод солма! Абу Манноп диний экстремизмда айбланиб камалганларнинг бадавлат Кариндошларидан, муридларидан поралар олиб турган. Бу поралар эвазига у «фалон киши яхши одам, маҳалла фаолларидан эди, қамоқдан чиқарсанглар, биз қафилликка оламиз, иккинчи марта адашмайди» деб хатлар ёзган, тегишли ташкилотларга югурган. Пули кўпая бошлагач, иккинчи хотин олишга ҳаққи борлигини Мадина опангизнинг миясига куйишга киришган. Айрим содда бойлар «ҳожидега, манави пулни масжидга атагандим» деб бериб куйишса, катта қисмини чўнтакка уриб юборган. Бу маълумотларни орган ходимларидан эшитдим. Ёлгон десам, Абу Манноп қандай қилиб пулдорга айланганига ақлим етмайпти. Қайси пулга бойиб кетди? У пулга муҳтож бевадаларга, есирларга, етимларга ёрдам бериш савоб деб, шу савоб баҳонасида баъзи чиройлироқ хотинларни яширинча никоҳига олиб, вақтинча яшаган. Бу ҳам энди аниқланди. Кейин шартнома асосидаги жория хотин жонига теккач, жавобини берган. Яширин никоҳидаги хотинни «кўчага ташлаб кўймай», ўзига ўхшаган ҳамтововига тавсия этган. Ҳаз навбатида ҳамтовови ҳам олдинги никоҳидаги бирор офатижонни унинг ўрнига тавсия қилган. Ичмаганнимиздан кейин, чекмаганнимиздан кейин дунёвий лаззатларнинг қайсиларидандир татиб кўришимиз керак-да, дейишган.

— Нафратингиз чексиз экан.

— Нафрат эмас! Хоҳлаган номаъқулчилигини қилмайлими мента десал! Улар, минг афсуски, экстремистларнинг пулдор Кариндошларидан олдинган поралар, масжидга деб берилган ҳадялар, яна қанақадир тушумлар эвазига шу ишларни қилган. Мадина опа пок аёл. Эрининг қилмишларидан беҳабар бўлган. Абу Манноп фақат сени, яъни турмушга чиқмаган ёш қизни унга айтган. Нигорага уйланмоқчиман, сен рози бўлишинг керак, акс холда эрингнинг шаръий истақларига қарши чиқиб, гуноҳга ботасан, деган. Аввалги жориясифат хотинларини сир тутган. Аслида сен Абу Маннопнинг дунёда кўз очиб кўрган иккинчи хотини эмас, ким билади, қирқинчи хотини бўлармидинг! Ишонмайсан-а? Абу Манноп академ бу қилиқлар чиқмайди, демоқчисан-а? Шунақа бир ғалати ғояси бор экан: оилангда яшайдиган биринчи хотининг, бу — ҳақиқий хотин, фарзандларинг онаси. Унинг жавобини бериб, кимгадир тавсия этмайсан. Анави пулга муҳтож есир жувонлар эса вақтинчалик хотинлар. Уларни жория ўрнида кўрса бўлади, алмашса бўлади ва ҳоказо...

— Ва ҳоказоми? — дедим лабимни тишлашдан тўхтаб. — Абу Манноп акани мисол келтириб, мандан нима куляпсиз? Йиғлаб, афсусланаймий? Унинг номини эшитиб, еғжиним келсинми? Ёки ҳамма мусулмон эркаклар шунақа маънавий бузук экан, черковга бориб чўқинган маъқул, энг яхшиси, ҳеч қайси динга эътиқод қилмай, даҳрий бўлиш керак, дейми? Рухшунос бўла туриб, нега ақлингизни йўқотяпсиз, Эргаш ака? Диннинг яхши ёки ёмонлигини Абу Манноп акага қараб белгилайманми ҳеч замонда? Ёшлигингизда тушпа-тузук одам эдингиз-ку? Ким йўлдан урди? Дарвинми?

Эргаш менга ажабланиб қаради. Мен эса уқоллар таъсирида ўзимни нисбатан анча босик тутатганимни англаб ўтирардим. Ҳатто, «Дарвинми?» деб ҳазиломуз киноя қилишга-да тилим айланди. Шу тобда Эргашга ҳам, соқчиларга ҳам — бирортасига ҳужум қилиш ниятим йўқ эди.

— Биз нега турмуш қурмаганимизни ўзинг сўрадинг, — деди Эргаш. — Мен Абу Манноп ҳақида сўз очдим. У бизни икки томонга ажратиб юборгани учун азбаройи ёмон кўрганимдан эмас, далилларим бўлгани сабаб ҳақиқатни тапиряпман. Абу Манноп ҳалдидан ошиб кетди. Охир-оқибат сени кўз остига олди. Тўй-маъракаларда «эркак киши балғоғатга етгач, дарҳол уйланиши лозим, шунда маънавий бузғилиб, ҳар хил зинолардан сақланади, ўттиз-кирк ёшида рўзгорини тиклаб олгач, яна бир қизга уйланса бўлади, динда тўртта хотинга руҳсат берилган, лекин биз — факирларга иккитаси ҳам етади, шунда дунёда фоҳишалар ҳам йўқолади, зинолар ҳам», деб одамларнинг онгига сингдира бошладди. Бу гапни кўплаб эркакларга мойдек ёқарди. Ўттиз ва қирқ ёш оралиғида ўн етти-ўн саккиз ёшли хурлиқота уйланиш орзулари эди, бунинг устига ташаббусга хотини ҳам бош кўшиб, «дадаси, шариат қоидаларини тўлиқ бажарипсиз, мукофотига энди ёш бир қизга уйлансангиз, ўзим уни сингтимдек кўриб, рўзгор юмушларига ўргатсам», деб турса. Қалай, бир қарашда романтик ҳаётми? Ҳа, унинг тарғиботидан мақсад — сен эдинг. Отангни ҳам ғоявий тайёрлаб борарди. Совчи келганида, отанг «ис, укам деб юрганам нега қизимни иккинчи хотин қилиб олмоқчи?» деб ғазабланмаслиги учун замин керак эди. Диндан фойдаланиб, уни ниқоб қилиб, отангни авради.

— Унга турмушга чиқмадим, шунда ҳам Абу

Манноп акага хусуматингиз борлиги сезиляпти, — деган эдим, Эргаш давом этди:

— Қулоқ сол, у отангни менга қарши туҳматлар ва ғийбатлар билан қайрашга киришди. Хўл кийимларинг устидан қучоқлаб, қўлимда кўтариб борганимни қишлоқда гап қилиб, гўёки сени номусини йўқотган, бетона эркакнинг қўли теккан қизлар қаторига қўшиб қўйди. Шу йўл билан Муллаасой қишлоғидаги диндор йипитларнинг сени хасму ҳалол қилиб олишга бўлган идеал орзуларини синдирди, ниҳоятда айёрлик билан синдирдики, отанг уни ғийбатларда айблагмади. Тоғаларники-та тўйга борганимда, сен коса-товоқ юваётганингни айтдим. Қозон бошида учрашиб, бир-биримизга маъноли қараганимизни ҳам Абу Манноп назардан четда қолдирмаган экан. Ўша тўйдан сўнг отангга мени ошқора ёмонлаш учун енг шимарган. Мо-домики, отанг художўй, тақводор банда экан, жиянининг ўғли қизининг бошини очикчасига айлангириб юришга йўл қўйиши асло мумкин эмаслигини бот-бот уқтирган. Бунга йўл қўйиш жарлик воқеаси ҳақидаги миш-мишлар ростлигини исботлайди, деган. Яна бир воқеа шу эдики, синфдош дўстларимнинг кўпчилиги тўйларда ва базмларда қадах кўтаришарди. Биз — ичмайдиган, чекмайдиган йипитлар камчилик эдик. Базван жўшиб кетган сархуш ўртоқларим «Ҳамма қадах уриштириши шарт» дея, бизнинг ҳам қўлимизга стакан тутказишарди. Стаканда минерел сув ёки лимонад бўларди. Абу Манноп отангга менинг қадах уриштираётганимни кўрсатишга эришди. Эсингдами, тўйингда ҳам қадах кўтаргандим. Пиёламда иссиқ чой бор эди, холос. Хуллас, Абу Манноп галага қозонди, отангнинг мендан кўнгли қолди. Қолаверса, сени менга узатиб, қишлоқда «жарлик воқеаси»

мавзуси кўтарилди, умрбод ёмон гўмонга, гап-сўзга қолишни ҳам истамади. Шу орада Бойжанжал кишлоғидаги фермернинг ўғлидан — Бўридан совчи бермай, учинчи шахсга — Бўрига узатиб, можарога нукта қўйди.

— Охирги саволим бор, — деб бошимни кўтардим. — Нима учун охирги савол? — деди Эргаш.

— Биз бутундан кейин гаплашмаймиз, балки учрашмасак ҳам керак, — дедим мен. — Яхши-ёмон гапирган бўлсам кечиринг. Отам мени Бўрига узатиб, унинг яхшилик томонга ўзаришидан умид қилгандир ёки куёвининг ёмон жиҳатларини эшитмагандир, сурштирмагандир. Танамдан жоним чиққунча ўз дунёимга (сизларга ҳаётим, рухий касаллиқми, учинчи оламми бўлиб туюладиган дунёга) кетаман. Вужудимдан ташвиш чекманг. Бетон деворлар билан қуршалган қамоқхонанингизда қолади. Айтинг, танамга кўпроқ укол қилиб, кўпроқ дори бериб, қамоқхонанинг энг зах, энг қоронғи зиндонига ташлашсин. Зора, жоним эртароқ ўзилиб, руҳим ўзимнинг дунёимни, вужудим эса сизларнинг дунёингизни тарқ этиб, чин дунёга рихлат қилсам. Қўрқадиган битта нарсга — ўлим эдимми? Йўқ, ўлимдан ҳам кўрқинчлисиз... озодликдан маҳрум бўлиш туйғуси... Энди иккиси ҳам йўқ... Оилам ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади... Оиламни мен эмас, Бўри еди... Бўрининг ортида турган уни тарбиялаган му-зорлар қолди шайтон базмларидан.

— Совуқ гаплардан гапирма, Нигора, — деб Эргаш аччиқ ютинди, кўзларида ёш филтиллади. — Соғайишингдан умид бор, шифокорлар кечаю кундуз ҳаракат қилишяпти, нега бунчалар тушкунсан? Умид қилсанг, даво топишинг тезлашади, Мулласой

кишлоғига қайтасан, ҳаётинг бошланган, эсингни таниган, болалигинг ўтган, дўгоналаринг билан ўйнаган, илк бор бахтни таниган, ўзингни таниган, Хулони таниган маконингни кўрасан. У ерлар сажда-тоҳ каби муқаддас эмасми? У ердаги халқ авлиёлар каби пок эмасми? Наҳотки, уларга талпинмасанг?! Шунни унутма — бахт ҳозирча сени тарқ этгани йўқ. У сўнгги иплари билан борлигинга боғланиб турибди. Мақсадим — бахтни бўлиб қолишингга ёрдамлашиш. Мен билан гаплашмоқчи, кўришмоқчи эмассан. Терговчи, номаҳрам эркак, ёшликдаги сеvgили, яна нималар деб ўйласанг ўйлайвер. Мени унутмасанг бас. Мулласой кишлоғи сентга очик, менга эса... умрбод ёпилган.

— Ҳа, ҳаммаси тамом бўлган, Эргаш ака... Видо-лашаман...

— Сен қотил эмассан! Бегуноҳлигинг исботланади! — Болаларим йўқ, эрим йўқ, уйим ҳам ёниб кул бўлди, дунёқарашим қораланди, менга бошқа бахт керак эмас.

— Тавба де, тавба...

— Жаллодлар тавба қилишсин.

— Жаллодлар ҳам йўқ, Нигора! Сен қотил эмассан, бошқалар ҳам! Қизларингни кўришни истайсанми?

Фарзандларимни тилга олиб, оловга мой селди. Кишанларим шақир-шукур қилгач, қўл-оёғимга кўз ташладим ва вужудим қора терга ботиб, қал-тираётганини кўрдим. Адашмасам, дориларнинг кучи кетиб, кутуриш қайтадан хуруж қилаётганди. Кўз олдимдан лип-лип этиб кимнингдир жанозаси кўни ўтди. Ховлимиз одамга тўла эди.

— Саволинг нима? — шошиб сўради Эргаш.

— Рўмоғча... — тилим қовжираб қолди.

— Қанақа рўмоғча?

— Қўлингиздаги... Қўлингиздаги... Ҳих... Ҳих... — Аксига олиб, бўғзимдан йўталашга ўхшаш «ҳих»

деган товлуш кетма-кет чиқди. Кўзларимдан қонга ўхшаш қизғиш томчилар томди.

— Рўмолчани бутун эртадаб марҳум хотинимнинг шафидан топдим, — деди Эргаш. — Уни бир вақтлар сен сова қилгандинг, эслайсанми?.. Хозир ёрдамга дўхтир чакираман...

Жаноза кунни эди. Фарёд уриб, сочини юлгудек йиғлаётган оқ рўмолли хотинлар, чопони устидан белбоғ боғлаган дўшпили эркаклар кўзимга кўринди. Уйда оқ суртга ўралган иккита мурда ётарди...

— Болаларим... — деб ингранган эдим, тишларим гижирлади.

Вужудимга ёввойи куч тўпланди. Назоратчи хотиннинг ранги қув ўчиб, ортига чекинди ва девор орасига сингиб, кўздан йўқолди. Хона живирлаб, фалати тўлқинланди, алвон тусга кирди.

— Хаммаси туш... хаммаси рўё... — гудранди тилим. — Йўқ... йўқ... Уларнинг ўлишини хоҳламайман... хоҳламайман...

Яна бир неча сониядан кейин ўзимни бошқариш бутунлай ихтиёримдан чиқиб, Эргашга қолгондек ташланиб, бўғиб ўлдириб кўйишим ҳақидаги хаёл миямда ялғ этиб чакнади. Хаёлимга келдими, воқе бўлмоғи ҳеч гап эмасди.

Сониялардан сўнг Эргаш ўлади. Ўрнимдан сакраб турдим. Эргаш аллақачон вафот этиб кетгандек, қаршимда арвоҳи ўтиргандек туюлди.

...Ўлимни шартта деразага бурдим. Ойнаю ромларни синдириб ўтсам, у ёғи бегоён чўл... Кимсасиз чўл... Киймагача ёлғиз кетавераман, кетавераман...

Деразага ўқдек отилганим ёдимда, дераза ойнасида лаҳзанинг бир бўлагига ўз юзимни кўрганым ёдимда, нета мента кўзгү берилмаслигига Абу Маннопнинг алоқадор эканлиги ҳақидаги гап ҳам ёдимда...

Ўз аксимни кўрдим.
Менда хижоб йўқ эди...

Ойна синганини эшитдим. Қулоғим чиппа битиб, алвон дунёни зулмат қоплади...

У БОБ

*Чорраҳада бир дорга ослганди афши,
Шу афшига юзида кулиб турар фоҳиша...*

Кундалигим...

Кундалигимдаги сатрлар...
Кўлимга қалам олиб, кундалигимда ўз-ўзидан акс этаётган қорамтир сатрларни бўйи бошладим...

Ушанда ҳақиқатан, ойна жаранглаб синди. Алвон дунёни зулмат қоплади. Бироқ туш каби фалати эди: на бўлган воқеата, на бўлмаган воқеата ўхшарди.

— Мен қаердаман? — деб сўрадим ўзимдан, лекин овозим чиқмади.

Хушим ўзимга қайтиб, кўзимни очдим. Ташқаридаги чироқдан ёғоч шифтга ёруғлик тушиб, ним ёритганди. Бу Бўрининг уйи эди. Мен Бўрининг уйида — олис келинлик давримда кўрпа-тўшак қилиб ётардим. Кимдир ҳовлида Бўрини маҳкам қучоқлаб, деразадан нарироққа тортар, Бўри эса:

— Барибир шарманда қилди, ифлос! — деб бақирарди. — Кўйвор, Барда! Ўлдираман уни!

Бўрининг тириклик даврига қайтиб қолгандим. Ёстиқдан бошимни кўтариб, қарахт ҳолда ўтирдим. Бутун эримнинг ўртоқлари хотинларини эргаштириб, бизникига меҳмонга келишганини эсладим. Жанжалга қараганда, хаммалари уй-ўйларига тарқалган, нариги кўшнининг Барда лақабли ўғли эримни бошқа хонага ётқизиб, тўполонни бостирмоқчи. Барда ўртоғи эмасди, эримдан уч ёш кичик. Қачон қараманг, қаерда базм, май, улфат бўлса, тиржайиб ётиб келиб, хизматни қилар, уят-андишани йиғиштириб, энг паст ишлар эвазига ҳам ўша ерда ўраллашиб юраварарди.

Эрим юлқиниб, чангалидан чиқди-да, ойнаси синган деразадан бош сўкди.

— Ҳа, касал! — деди кўзларини олайтириб. — Моховга ўхшаб ўтирибсанми елғиз, битта хонада! Нега чиқмадинг? Уйимга келган меҳмонларга нима учун бир оғиз «кел» демалдинг?! Бир оғиз... бир оғиз-а!.. Сенингча, шу тарбия-да, а?! Фикрингча, биз гуноҳкор, сен жаннатисан-да, а? Шунчалик жирканасанми? Аслида улар сендан жирканалилар! Билиб кўй! Сен ваҳхобийсан! Сен зомбисан! Сен энг мараз хотинсан!

— Аллоҳ инсоф берсин! — дея олдим мен.

— Аллоҳ сента инсоф берсин, ярамас! Ақл ўргатишни кўзингга кўрсатиб кўяйми, касал товук! Уйга ароқ олиб келдинг, сигарет чекдинг, жураларинг бир-бирининг хотини билан валъста тушар экан, деган баҳонада сен — Муллаасойнинг тентаги, ирқчиси бўлиб қолдингми? Дин баҳонасида ирқчилик қилпсан! Фашист бўлмоқчимисан? Гитлерхонмисан? Яна нима дей? Кўлингга бомба берса, ҳаммамизни портилатар экансан-да, а? Э, одам бўлмай маймунга айлангур, махлук! Каёқланам сента уйландим, ит!

Бурчакка судралиб бориб, тиззаларимни кучоқлаб ўтирдим. Ҳаммаси тезроқ туташини истардим. Агар Барда Ҳозир маст эримни кўйиб юборса, у деразадан ошиб кириб, мента ташланиб, қонимга белаб дўтпослар эди.

— Сабр ва фақат сабр... — деди тилим.

Кайнотам ва Кайнонам шовқин-суронни эшитиб, ташқарига чиқишди.

— Ичмай ўл, эшпак! — сўкди Кайнотам. — Бор, четдаги хонага кириб ёт! Сен бола билан эртага гаплашаман! Алкаш! Мол!

— Бўрижон, отангнинг айтганини қил, — ялинди Кайнонам. — Бунақа ичмас эдинг-ку? Биров бир нима делими?

— Барда, анқаймай олиб бор уни! — ўшқирди Кайнотам кўшнининг ўлига. — Ярим кечаси элнинг тинчини бўзиб, шарманда қилдиларинг! Сигса ичинглар-да!

Кайнотам синган ойнага яқинлашди, аммо ичкарига қарамади. Кайнонам эса уф торттанча дераза олдига келди-да, секин мўралади.

— Келин, уйғоқмисиз? — деди норизо оҳангда.

— Ҳа, эна, — деб жавоб бердим.

— Дераза ойнасига ёстик кўйиб кўйинг. Сиз билан ҳам эртага гаплашамиз.

Эртасига уй юмушларини қилиб юрганамда, мени ошхонага чақирдишди. Бу умримда кўрганым Иккинчи терговхона эди. Бир четда Бўри бош эгиб ўтирарди.

— Гапирадиган гапимни қисқа қилиб айтаман, ферманинг хужжатлари бўйича «район»га боришим керак, — деди Кайнотам мента қарамасдан. — У ёғини энангиз тушунтиради, келин. Охири пайтларда сиз ўзингизни ота уйдагидек тутпсиз. Биламиз, Муллаасой қишлоғининг ҳаммаси на-мозхон, муллаваччалар. Сиз қишлоқдан тугул, уйингиздан ҳам чиқмагансиз. Уйингизни дунё деб қабул қилгансиз. Дунё фақат Абдумурод Қудамнинг уйи эмас, бу ёқда бошқа дунёлар ҳам бор, Ер шар шаклида, уни афсоналардагидек тўртта фил ёки инсонният тарбиясини тўртта соқолли араб кўтариб тургани йўқ. Тушунамизки, сизлардаги тўйларда ароқ кўйилмайди, ароқ кўйилган тўйларга борилмайди, бу аслида шахсий иш. Амир Темур даврида ҳам ичишган, Амир Олимхон даврида ҳам. Ичадиган ҳам, ичмайдиган ҳам қадим замонлардан бери битта мамлакатда тепша-тентг яшаб келган, битта тўй-маъракада битта халқ бўлиб ўтирган. Май, шароб, бўза деб эшитгансиз, тўғримми?

— Ота, сиз... — дея ўз эътирозимни билдирмоқчи эдим, қайнонам томоғини қириб, огоҳлангирди:

— Жим, қайнота гапирипти!

— Айтмоқчиманки, спиртли ичимликлар аввал ҳам бор эди, бундан кейин ҳам бўлади, — давом этди қайнотам қалта соқолини силаб. — Бу билан бутун дунё, бутун инсоният пиёнистага айланиб қолмайди. Кимга тўғри келмаса, ичмасин, чекмасин, онасига раҳмат. Кимдир амир бўлиб, кимдир кулол бўлиб, кимдир шайх бўлиб, кимдир деҳқон бўлиб етишиб чиқаверади, отасига раҳмат. Агар келажакда отин ойи бўлмоқчи бўлсангиз, марҳамат, ҳеч ким йўлингизни тўсиб...

Энди гапни Бўри кесди:

— Мента отин ойи бўладиган хотиннинг кераги йўқ! Олдий одам бўлсин, олам гулистон! Эл қатори олдий хотин...

— Оббо, иккаланг ҳам тарсиллаб гап кўшмасанг бирор жойларинг қамайиб қолади! — ғазабланди қайнотам. — Одамга ўхшаб гапта кулоқ солинглар! Мен айтган гап қонун! Бундан кейин Бўри уйга ароқ олиб келиб ичмайди! Ичгиси келса, тўйлардами, жураглариининг уйдами, «район»даги ошхоналардами ичади. Шунда ҳам ҳар доим ичмайди! Бир-бир, ора-чорада! Мен сента, Бўри, умуман ичмайсан деганим билан барибир фойдаси йўқ, шунинг учун инсоф сари барака деб шарт кўйяпман! Эшитдингми?! Келин ҳам дунёни мундоқ англаб, қайси асрда яшаётганини тушуниб, мабодо Бўри ичиб келса, алдаб-сулдаб жойига ётқизади. «Харом нарсани ичиб, дўзахга тушасан» каби гаплар йиғиштирилади! Муслмончилик аста-секин! Шундан кейин ҳам уришсаларинг, мендан яхшилик кутмайсизлар! Келишдикми?

— Ичганимни бир марта юзимга солса... — Бўри кўлини «икс» қилди.

— Бўри! Кўп жириллама! — хонтахтани урди қайнотам. — Менинг уйимда жанжал чиқмаслиги шарт! Сулоламда ажрашиш бўлмаслиги шарт! Мана, энангдан сўра! Сендайлигимдан кечаги кунгача ичардим, лекин жанжал қилмаганман, икковингта ўхшаб, биримиз тоғдан, биримиз боғдан келмаганмиз. Эр-хотин бир-бирини тушуниб яшаса, бахт ҳам ўша оилата қаттиқ ўрнашади. Бутун ичган одам эртан-индин тавба қилиб, намоз ўқиб, рўзасини тутар, ёшликда нималар бўлмайди! Бўлди, мен кетдим. Иккаланг ҳам ҳақдингни билиб яша! Худо аввало кўнгилда, қороздаги қоидаларда эмас.

Қайнотам чиқиб кетгач, сўз қамчисини қайнонам олди.

— Энди менинг гапимни эшитинг, — деди худди тентакка тикилгандек анграйиб, — биз сизни кимсан — Абдумуродбекнинг кизи эканлигингиз учун келин қилганмиз, девонанинг авлоди деб эмас. Отангизни эл хурмат қилади. Мулла қатори, эшон қатори одам. Сиз Бойжанжалда нима томошалар кўяётганингиз-ни Мулласойдаги қудамлар билса, элта шарманда эмасми? Келин деган уйга меҳмон келса, қоронғи хонага кириб, эшикни кулфлаб, бетини кўрсатмай ётиб оладими?! Кеча номусларга ўлдирдингиз-ку! «Бўривойнинг хотини телба экан» деган гапни мен ҳам, Бўри ҳам кўтаролмаймиз. Соғлом одам четдан бундоқ қараса, сизни ҳақиқатан соғ демайди, жинни бўп қотти, дейди. Элнинг орасида юриб, қанчадан-қанча художўй, тақводорларни кўрдик. Меҳмони ароқ ичаётса, уйдан қувмаган, юзини терс бурмаган, чидаган, сабр қилган, ичида «менинг айбим йўқ, худойим кечирсин» деган. Нимага? Чунки меҳмон — атоий худо, меҳмон — азиз, ҳар қандай меҳмоннинг сийи бор. Уни хафа қилиш — гуноҳ! Меҳмон-ку, майли, ҳар замонда келади. Эрга гап қайтариб, эрни

Гуноҳкор деб ақллилик қилишга бало борми?! «Эринг — пиринг» деган гапларни бекорга айтишмаган! Эрни эр қилолмаган, эрини эркалиқларини, қилиқларини кўтаролмаган хотин ҳам хотинми? Хотинига мос тайёр эр ҳеч қаерда йўқ! Ичәди эмиш! Нима, ўғлим пиёнисталарга ўхшаб ҳар кун ичәди-ми? Тоштан-туттанини кўчага сарфлайдими? Керак бўлса, Бойжанжалнинг йигитлари Мулласойнинг мулаваҷчаларидан ақдли, ўқимишли, меҳрибон! Мана, қайнотангиз ҳам айтди, вақтида ичтанлигини! Устига хотин олмади, тўй-ҳашамларни тақикўтамади, Самарқанду Бухорога, Тошкенту водийларга саёҳатга бордик бир гага хотинлар. Бирортасига тўсқинлик қилгани йўқ. Мулласойликларни эшпитиб юрибмиз. Бир хотинни иккита қилган араблар руҳсат берган деб! Иккинчиси хотинини матога чирмаб яқин қариндошининг тўйига ҳам юбормайди эркак-аёл бир даврада ўтиради, бирга ўйнайди деб! Бу — ҳаёт! Ҳаётда эса одамлар билан келишиб яшаш керак. Кўшнинг ўрис бўлса, сен ўрислашма, кўшнингдан ҳам кечма. У ўрис бўлиб яшасин, сен ўзбек. Урф-одатини қабул қилма, ўзаро иноқ бўлиб яш! Шўкрки, биз ҳам мусулмонмиз, сиз ҳам. Биз ҳам ўзбекмиз, сиз ҳам. Битта «район»да яшаймиз, ҳамма урф-одатимиз бир хил. Нега ўзингизни бошқача тутасиз, ақлим етмай гарангман. Ахир, ҳамма нарсани Худо яратган. Ейдиган, ичәдиган нарса борки, Худодан бошқа яратувчи яратмаган. У яратган нарсадан болам бир оз тативса, татибди-да. Ё нотўғри гапирдимми?

Эгилган бошимни оҳиста-оҳиста силқидим.

— «Ха» деганингизми, «йўқ» деганингизми? — сўради қайнонам.

— Кечирасиз, охирги гапнингизни тушунмасдан гапириб кўйдингиз, — дедим мен.

— Нимани тушунмабман? — қайнонамнинг ранги гезарди.

— Ҳамма нарсани Худо яратган, У яратган ҳамма нарсадан татиб кўриш керак деганингиз катта хаҳо. Тавба қилинг, эна.

Бўри жаҳл билан оёққа қалқиб, эшикка юрди.

— Э, ўл-е, «катта хаҳо»! Тавба қил эмиш! Айтдим-ку бу отинчәлигидан қолмайди! У мен учун бир тийин! Бўккунча ичәман! Мана шу зомбига ўхшамаслик учун бундан кейин оловга сигинаман, чўкинаман, фермадаги сигирларни маъбуда дейман! Муҳими, шунга ўхшамасам бас! Қариндошларидек оқ дўппи кийиб, соқол кўйиб, ҳар гапимда «иншаллоҳ» деб турмасам бўлди!

Эшик қарсиллаб ёпилиб, ойнаси зирилгади.

— Биринчи ва охирги марта гап қайтарганингиз шу бўлсин, келин! — деди қайнонам бўш пиёдани хонгахтага дўқиллатиб ураркан. — Нега мен тавба қиларканман? Олдин ойнага бир қаранг-чи, кимга ўхшайсиз? Ураган рўмингиз ўрисларнинг «бабушка»лариникидан зиғирча фарқ қилмайди. Урнимда бошқа қайнона бўлганида аллақачон жавобингизни бердириб, ўғлини онаси ўтмаган замонавий қизга уйлантирарди.

— Мен қарши эмасман...

— Заҳарингизни сочманг! Бу уйда диний қоидаларингизнинг бирортасини ҳам пеш қилманг! Бирортасини ҳам! Хоҳласам, мен ҳам олиб келиб ичәман ўша зормандасини! Ҳаммаизни сиз ичшига мажбур қилган Ҳисобланаसиз, уқдингиз-ми, хурматли авлиёхон?! Ўғлим тўғри айтяпти...

— Ҳамма нарсадан татиш яхшимас, ахир, эна, — зорландим мен. — Наҳотки, ўйлаб кўрмайсиз? Пичоқ билан товқни, кўйни, сигирни сўядилар, дуч келган тирик жонни сўйиш оғир жиноят-

кү! Аёлдарни ҳам Худо yaratган деб, учраган аёлни хотин қилиб кетавермаслигини биласиз-кү! Биров она, Биров опа-сингил, Биров бошқанинг хотини. Ичадиган неъматлар ҳам шундай. Бирини ичиш мумкин, иккинчисини ичиш тугул, ушлаш...

— Учиринг овозингизни! Боринг, уйни тозаланг! — эшикни кўрсатди қайнонам. — Кейин кирларни ювинг! Бизни ўз йўриғига йўрсаздадиган «даҳо»лар ҳали туғилмаган! Туғилмайди ҳам! Ўргилдим сизнинг ақлингиздан!

Улар устимдан хукмронлик ўрнатдилар. Қайно-там ҳам энди менга хайрихоҳ эмасди. Битта ютуғим — Бўри уйга ароқ олиб келмай кўйдди. Бироқ ҳар икки-уч кунда «бир байрам қилдик», «чарчаганимиздан оз-оз ичдик», «фермадаги Қоп-лон деган итимизнинг туғилган кўни бўлди» деб ширакайф ҳолда келар, тўшагини алоҳида қилиб ётар эди. Мен маълум вақт сабр қилиб туришга қарор қабул этгандим. Бўри ароқ ичса-да, тўнғиз тўштни ҳаром ҳисоблаб, эмасди. Охириги вақтларда базм дастурхонига нафақат мол ва кўй гўшtidан, балки чўчка гўшtidан ҳам кабооб тортилганини эшитдим. Кийимларини юваётганимда эса го-ҳида ғалати қизғиш бўёққа кўзим тушарди. Бу лаббўёқнинг ҳам, ёғоч ёки темир бўёқнинг ҳам юқи эмасди. Хонадонимизга бир фалокат яқинлашаётганини кўнглим сезди. Ҳақиқатан, кунларнинг бирида (пешиндан сўнг эди) тандирга ўт ёқаётганимда, мотоцикл овозини эшитиб, ким келди экан дея қаралдим. У Барда эди. Катак кўйлагининг тутмаларини ечиб, этагини тутиб олган, оғзида филтрсиз сигарет, патак сочлари чангдан оқарган. Бир қарашда файрагли кўринар ва қандайдир ишни қойиллатиб, хонадонимизга фойда келтирганга ўхшарди.

— Ўв янгал! «Братъ» қани? — шанғиллаб сўради бир оёғини ерга тираб, мотоциклни ўчираркан.

— Дам оляпти, — деб жавоб бердим мен.

— Одам ҳам шунча ухлайдими? Тўшки уйку етади. Чақиринг, чиқсин! Фермата ем керак деганди. «Разъезд»да биттаси ҳовлисига қирқ тонна кунжара тўқдирибди, бориб кўрамиз.

— Четдаги саккиз болорли уйда. Ўзингиз уйғота қолинг.

— Хўп бўлади-да!

Барда мотоциклни тиргакка тираб, уйга қараб гайритабийи қадам ташлаб юрди. Фаҳмладимки, у ичган эди. Эрим ва улфатлари тоҳида кечқурун эмас, ундан олдинроқ — пешиндан кейин аллақайси далаглардаги шийпонларда ёнқи туман марказидаги ошхоналарда ичиб, кечқурун спирт сасиб, алжираб, димоклари чоғ ҳолда қайтишарди. Ўша кун мен учун энг бахтсиз кун бўларди. Бўри билан ёнма-ён ўтириш тугул, у кирган хонадан нафас ололмасдим. Ярим кечатгача намоз ўқиб, эримга инсоф сўрардим. Унинг кўзлари тубидаги қачонлардир инсофга келишни аниқлагувчи учқунлар менга ҳамон умид бахш этарди.

Ҳаял ўтмай уйкусиратган эрим Барда билан ташқарига чиқди. Барда югуриб бориб офтобани сувга тўлдириб келиб, эримнинг қўлига кўйдди. Ҳар кунгидан бошқача ювинди. Кўзгута ҳам кечатгидан кўра синчқовроқ қараб, дам чап юзини, дам ўнгини тўтди. Барда кулиб, бир нима деганди, эрим мен томон бош ирғатандек бўлди, кўшнни йигит дарров оғзини юмди. Тандирга ўт қалар эканман, уларни тоҳ ошқора, тоҳ яширинча кузатиб, муаммо фақат майхўрликда эмаслигини аниқладим. Урғада аёл хотидан бўлмиш яна бир фитначи бор эди. Бўрининг кийимларидаги қизғиш бўёқ лолақизғалдоққа ўхшаш рангнинг чечакнинг нуқси эди. Барда ҳаммасини

биллади, ҳеч қачон мента айтмайди, аксинча, унинг ўзи ўртада югурдак ва хондир.

Ана, эрим ичкарига кириб, очик дераза ортида ўзи-га атир пуркаганини ҳам кўрдим. Адамбабман. Ҳеч замонда у кунжара савдосига атир сепиб борадимми? Тамом, эрим мастлик келтирувчи ичимликлардан ича-ича зино йўли сари тубанлашибди. Фикримча, бундайлар аввал пана-пастқамда сигарет чекиб улғайишди, балогатта етганларидан сўнг шайтоний ичимликлардан татиб кўришди, кейин секин-аста тўнғиз гўшти ейдиганларга айланади, кўп ўтмай эса зино даври бошланади. То вужуддаги ёғлар қуриб, ҳайвоний қучлар ўтмишда қолиб, келажакка эшелон-эшелон гуноҳларни юбориб, ҳассага таянганларидан тўхтайдилар. Китоблардаги илоҳий башоратлар бунчалик тўғри чиқмаса-я!

Ҳозир ўтмишимдаги ўша воқеага тўхталиб, ушбу кундалигимни битар эканман, Бўрининг хиёнатини ўйлаб, кўп эзilib, кўп йинглаб, руҳим саргардон кезишни одат қилди ва ҳаммасини, ҳатто ўзим иштирок этмаган воқеаларни ҳам ўз кўзим билан кўргандек бўлаверипман. Назаримда, Бўри ва Барда мотоциклда кетган кўни нималар рўй берганини ҳеч кимдан эшитмагандекман, гўёки ўша кўни уларнинг изидан руҳдек учиб, уларни кутаётган енгилтак жувоннинг ичига жин каби кириб олгандекман ва ҳаммаси кўз ўнгимда рўй бергандек...

Ҳа, тандирхона деворига суянган вужудимдан учиб чиққан руҳим мен ҳеч қачон кўрмаган, исминини ҳам билмаган жувонни ахтариб топиб, вужудига кирди ва мен унга айландим-қолдим. Бегона бир гулзор ўртасининг ичкалигино кўксимнинг туртиб чиққани уч чақирим наридан билिनарди. Кийимимдан хушбўй

атирнинг иси анқирди. Чап кўзимга сочим жамалак бўлиб осилиб тушганди, пуфладим-да, бошимни кўтардим. Девор билан ўралган йигирма сотихча ҳовли ўртасидаги мўъжазгина гулзор эди, ўртада тор йўлак. Нафис қўлқопчалар кийгандим, ўнг кўлимда ер юмшатадиган қичкина чўт.

Йўлакдан юриб, гулзордан чиқиб, ҳовлининг гиштли саҳнига — ишқом тагига келдим-да, эски умивальник олдида тўхтадим. Кўлимдаги чўтти ташлаб, умивальникнинг кўзгусига боқдим. Пардоз-андоз қилган йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги, лаблари қалин, бодомқовок, соҳибжамол бир жувоннинг танасига кириб қолгандим. Ҳойнаҳой, эрим йўқ эди: ё ажрашганман, ё ўлиб кетган.

Очик эшик яқинидаги тумбада телефон жингиллади. Кўлимни тез-тез ювиб, сочикка артганча телефонга шошилдим. Бу — рақамлари ёриллатиб терилдиган симгли сарғиш телефон эди.

— Ало, — дедим мен. Ё тавба, овозим шунақа ширалли, шунақа нозли эдики, уялганимдан атрофга ялт-юлт алангладим. Фақат фоҳишалар бегоналарга шундай нозаланиб, сузilib сўйлайди деб ўйлардим.

— Соммалайкум, кўғирчоқ! — деб саломни бузиб тагаффуз қилди бегона йигит.

— Кимсиз? — сўрадим кўрқиб.

— Танимай қолдиларми? Мен Бардаман.

— Барда? Қайси?

— Бойжанжалдаги, албатта. Нима, дунёда мендан бошқа Барда ҳам борми? Қайси деб сўрайсан-а?

— Бўлди, танидим. Бўри аканикига кетгандингиз, мотоциклда.

Барда хахолаб кулиб юборди.

— «Братъ»га саломингни ва учрашувга розилигингни етказиш учун кетганимни биласан, лекин мотоциклим йўқ эди, қасқдан эшитдинг? Ахир, уни ярим соат олдин йўлда ўртоғимдан олдим-ку.

— Кўрдим.

— Кўйсанг-чи! Қаёқдан кўрасан! Хуллас, идорадан кўнгироқ қиляпман. Фермага кирмадик, Бўри аканинг отаси молларни текшириб юрган экан, тагин ушланиб қолмайлик дедик. Баҳонанинг зўри чиқди. «Разъезд»ни эшитгансан-а?

— Эшитганман.

— «Разъезд»да биттаси кепакфурушлик қилади. Тунув кўни қирқ тонна ем олиб келаман деганди. Каерда эдинг дейишса, ерни баҳона қиламиз.

— Кимга баҳона қиласизлар? Хотиннигами?

— Айтганман-ку, хотини сал жиннироқ, Бўри ака билан деврли иши йўқ. Муҳими, Бўри аканинг отасига ишончли баҳона керак. Отаси эзиб юборади, нақ Гитлер.

Барда билан гаплашар эканман, бейхитиёр уйдаги катта тошойнага кўзим тушди. Танноз гўшакни қўлогига тутганча ишва билан сузгилиб, яна дент, бир кўлини белмига тираб, ишшайтанча сўзлашарди. «Вой!» дея гўшакни ташлаб юбормоқчи эдим, жувоннинг кўли менга бўйсунмади, руҳим бу танада шунчаки томошабин, анқов меҳмон эди.

Туф, туф, туф, жувоннинг вужуди тентак экан, дарҳол оғзига сақич солиб, чалпиллатиб чайнаганча хиринг-хиринг кулди.

— Нега куляпсан, кўғирчоқ? — деди Барда.

— Нега кулмайин? Гитлер сақич номими? Аканингизнинг отасини нимага ўшатыпсиз ўзи, а?

— Ие, Гитлери танимайсанми? Мактабга «борганский»?

— Борганман, жа аьлочи эмасдим.

— Американинг пойтахти қаер? Айт-чи!

— Ким билмайди? Телевизорда АҚШ, АҚШ деб кўп гаптиришди-да, Американи кўрсатишди. Китоб ўқимасам ҳам ойнаи жаҳонга термуламан, Барда ака. Американинг пойтахти АҚШ.

Барда хихилаб кулди. Сўнг:

— Ўтган гап бирор диний калима билмайман десанг, ишонмабман, — деди. — Тушунарли, ҳаммаси тушунарли.

— Ўзингизни ақлли қилиб кўрсатмай кўя қолинг. Ушанда уйимга етмасдан қоронғи кўчага ташлаб кетдингиз. Кўрққанымдан калима қайтарай десам, бир каторини ҳам ёлламаган эканман. Калиманинг ўрнига чўқинмоқчи бўлдим, нима фарқи бор, ҳамма худло бир-ку. Шу ишим учун ҳалигача устимдан куласиз-а? Бировнинг устидан кулиш яхшимас. Ундан кўра айтинг-чи, аҳмоқона баҳонага Бўри аканинг хотини ишонди деб ўйлайсизми?

— Ишонадим, ишонмайдим, Бўри акага у сариқ чақа. Ўзи шунча деган. Хотинидан эмас, отасидан кўрқадди. Онаси, оналари, қариндошлари — ҳаммаси Бўри ака тарафда, отаси эса «брат»ни ўтирғизиб-турғизади. Ажрашмайсан деб туриб олган. Бўри ака менга «ажрашмасам ажрашмабман-да, энди машуқа ва май ошнам бўлади, ҳаётда ўзимни шулар билан овутаман» деди. Мана, гапига риоя қилипти.

— Шу гапни хотиниға нега айтмаган?

— Чунки хотини нима деб жавоб беришини билалди.

— Хотини нима деб жавоб бералди?

— «Сизга зерикарли кўринаётган бу ҳаёт Яратганининг бир неъматиди, ундан фойдаланиб қолиш ўрнига ўзингизни машуқа ва май билан овутиб, қаерга етиш учун вақт ўтказипсиз? Албатта, дўзахга. Ҳаёт тезроқ ўтсин, унинг тез ўтмаётгани учун кўпроқ ёмонларга овунай, тезроқ оловда кудлитган маконга етиб олай деган сиздек сўқир бандга ачинаман» дейди. Ўлай агар, бошқа гап айтмайди. Хотинининг касофатига Бўри ака уйида ароқ ичолмайдиган бўлиб қолди. Жўраларини ҳам чақиролмайди. Хотини ҳаммани кофирга, даюсга чиқариб, жанжал қилади.

- Вой-бў, Бўри акага раҳмим келяпти.
- Бўри ака унга кўнгил кўйиб ўйланмаган. Акасининг хотини сал бешошроқ чиққани учун кенжамизни солиҳа қизга ўйлантирамиз дейишган. Шу сабаб Бўри ака бир адашди, Каттик адашди.
- Солиҳа? Хотинининг исми Солиҳами?
- Хотини намоз ўқийди. Намозхон хотинлар «солиҳа» дейилади-ку, нима эшитмаганмисан?
- Ие, хотини ҳалитдан намоз ўқийдими? Мабодо, Бўри акангиз пенсияга чиққан кампирга ўйланмаганми?
- Ҳали ёш. Кўрсанг, нақ отин! Рўмолларни шунака ўрайдики, хайрон қоласан. Мен ўйлансам, сента ўшаганини топаман. Қадди-қоматини кўриб, бутун қишлоғим у таниш-билишларим ҳасад қилишсин. Бўри аканинг хотинининг исми Нигора. Менинг хотиним янмага ўшаб узун киймайди. Шимга ҳам, қалта кўйлак кийишга ҳам руҳсат бераман.
- Жуда замонавийсиз-да, Барда. Аммо менадан тўзалгани топиб бўлсиз.
- Жим... Бўри ака келяпти, ҳозир гўшакни бераман, кечати гап — гап! Баҳордаги воқеани айтиб кўйма, хўпми? Эшитса, «ўзингдан қолганни мента тикиштирибсан» деб теримга сомон тикади.
- Бир неча сониялар ўтиб, гўшакнинг нариги тарафидан Бўрининг овози эшитилди.
- Салом. Гулчи, бу мен — Бўриман. Яхшимисиз? Эрим уни сизлаб гапирди. Овозида ҳам қандайдир ҳаяжон, интиқлик зухурланди.
- Салом, ака, — деди танноз эримга нозланиб, — укангиз роса бошимни қотирди, нега унақа?
- Бардами? Эшпак-ку. Нималар деб хангради?
- Нега унақа дейсиз? Одам ҳам ханграйдими?
- Гулчи, мен фермерман, айрим гапларим чорвачиликка кетиб қолса, кўнглингизга олмайсиз.

- Келишлиг-а? — Кейин у қулваччасига буюрди: — Барда, нарёққа бориб тур... — Кўшнни йигит узоклашди шекилли, эрим деди: — Ўзи ишларингиз икшими, жоним? Соғиндим сизни.
- Ишдан гаплашаётгандик, ака, — нозланишни кўймади жувон. — Мен гул этиштираман, сиз мижозимсиз. Охирги пайтларда кўп гул оляпсиз.
- Тўғри, касбларимиз ҳар хил, кўнглимиз эса бир, асалим. Сиз гул этиштирасиз. Гул — тўзаллик рамзи. Мен учун эса у молнинг емиши.
- Гулчининг вужуди қаҳ-қаҳ уриб қулди. Менинг рўҳим анг-танг эди. На энгилтақ жувоннинг вужудини тарқ этади, на тийиксиз танани ўз ихтиёрига олади. Дунёда Гулчи ва Бўри каби инсонлар борлигидан хайрон у ҳасратда эдим. Иккиси ҳам имонини еб кўйиб, борган сари суюлмоқда эди.
- Муҳими, сизни ёқтириб қолдим, — деди эрим.
- Гулларингиз икки-уч марта юрагимни қизилта бўяди. Кўйлагимни ҳам. Уйда битта рўдапо хотиним бор, кир юваётиб кўйлагимга анқайиблар қаради, роса қулдим
- Хотинингизни севмас экансиз, тулзоримдан сотиб олган шунча гулни нима қилдингиз? Ишқилиб, молларингизга бермадингизми?
- Аслида ўсимлик зоти борки, моллар учун, аммо сизнинг тулларингизни фермадаги тувакларга солиб кўйдим. Ферма қип-қизил тулзорга айланди. Ишонасизми, йўқми, молларимнинг кўзлари шахло бўлди, киприклари қайрилди, елинлари...
- Уятсиз!
- Уэр, фермам мисоли бир парник бўлганидан кейин сутлар кўпайди демокчи эдим.
- Барда айтдики, тулларимни менинг бизнесим юришиб кетишини ўйлаб сотиб олган экансиз.

Мақсатингиз мента ёқди, ака. Яхшиликларингизни қандай қайтаришни билолмаяшман.

— Яхшиликни қайтариш жуда осон, ҳаммаси кўлингизда, жоним, — деди эрим овози титраб.

— Янгамта хиёнат қилмасиз, — эркаланди жувон.

— Ҳамма эркаклар нега шунақасизлар?

— Хотиним кўнглимни олишни билмайди. Ёвво-йи! Ваҳхобий!

— Неча ёшда?

— Ҳали еттида.

— Ҳали бола экан-ку.

— Гулчи, бировларни кўя турайлик, уйдан қачон чиқасиз?

— Қачон чиқай?

— Ҳозироқ! Биз ҳам ўн дақиқаларда темирйўл вокзали орқасидаги кўчанинг чорраҳасида бўламиз.

— Ҳўп, ака, сиз нима десангиз шу.

Гулчининг вужуди ҳаммомга кириб, эркақчасига апил-тапил ювиниб, бурнини ҳам тозалаб, ичкарига хонага йўл олди. Шафда Европада ўйлаб топилғиб, Америкадан оқ йўл тиланган ва Осиёда тикилган алдамбало қалта-қулта, тўр-пўрли кўйлақлар, симли сийнабанду симсиз қалта иштончалар тахт эди. Тез-тез кийинди, атир-упаларни аямасди, руҳим бўғлиб, қарахтланди. Қора чулки илондек эди. Айниқса, қалта қизил кўйлагига шундай тор эдики, шундай белини қисардики, ҳалемай вужуднинг ичак-чавоғи чиқиб кетадигандек эди.

Кейин сумкачасини елкасига илиб, пошналарини тақиллатиб, ҳовли саҳнидан дарвоза томон юрган эди, рўпарасидан тўппа-тузук ўзбекча кийинган, рўмоғи ўраган, олтимш ёшлардаги икки аёл чиқиб қолди, қувониб кетдим.

— Ҳа, қизим, йўл бўлсин? — деди бири. (У онаси экан.)

— Гул дўқонидаги Рисолатнинг туғилган кўни, шунга кетяшман, ая.

— Соат нечи бўлди?

— Уч.

— Бир соатда уйда бўл.

— Кун ботгунча келаман.

— Тезроқ қайт! Дадангдан гап эшитмай!

Гулчи дарвозага етиб тўхтади, пошнасига нимадир ёпишган эди. У чап оёғини кўтариб, елкаси оша пошнасига қаради. Каттакон кўнғиз мажақланганча қапишиб қолган экан, чўп олиб, тозалади. Бу вақтда иккинчи аёл Гулчининг онасига деди:

— Кизингга эга чиқса берворганинг маъқул. Эрдан қайтиб келган ёш хотин кўча-кўйда хурсанд юрса ҳам гап-сўз бўлади, хафа юрса ҳам. Кийиниши жуда замонавий-да. Уялиб кетдим.

— Икки болали, топармон-тутармон эр чиқувди, тегмалди. Бировнинг боласига оналик қилмасмиш. Майли, рўзғори бузғилиб, охирига пайтларда роса юраги эзлиб юрганли, туғилган кўнларга бориб яйраб кела қолсин.

Гулчи оёғини тушириб, қалта кўйлагининг этагини текислаган бўлди-да, дарвоза ҳатлаб кўчага чиқди. Такси тўхтатиб, вокзалга элтиб кўйишни буюрди. Вокзалга келгач, темирйўл устидан ўтган кўприкка чиқди. Юришлари нозли-нозли олифта жувонга ўткинчи йигитлар ишшайиб қарашар, ҳатто отаси қатори эркаклар ҳам киши билмас сўкли нигоҳини бир қалаб ўтишарди. Жувон қачон бундай андишасиз махлуққа айланганини тушунолмадим. Боз устига у ҳозир эрим билан учрашишга кетяпти. Ўртада никоҳ йўқ, ака-сингиллик йўқ. Мақсад нима? Наҳотки, зино ботқоғига ботишса? Бўри ҳаром оёғини уйга босиб, наҳс изларини қолдириб, келажак авлодига ҳам қасофат юқтирмайдими? Қандай қилиб уларни

тўхтатсам? Афсуски, ўтмишни ўзгартирадиган куч йўқ, лекин...

...Лекин темирйўл устидан ўтган кўприкдан туман маркази кафтдек кўринди ва масжид гумбазига кўзим тушди. Жувонни масжид йўлига буриб юбориш ҳақида ўйладим. Бироқ бу айтишга осон эди. Жувон шум хаёллари, ярим яланғоч кийими, тахорати дарров бузилган бадани билан ўла қолса ҳам масжид йўлига бурилмасди. Суяк, қон, тери, тўқима ва суюқ миядан иборат биологик робот ўз бошқарувини йўқотиб, шайтон измида эди. Унинг мияси билкиллаб қайнаб, хузур-ҳаловат, кайф-сафо хусусидаги ўй-хаёлларни тинимсиз ишлаб чиқариб, вужудни ўша онларга етказишга шошилтирарди. «Хаммасидан куйиб кетдим, ўзим учун ҳам яшашим керак» деган фикр мияда суюлиб ҳосил бўлгач, ингичка асаб тўқималари орқали кўл-оёқ, юз, тил, кўз ва бошқа аъзоларга хабар йўлларди. Аъзоларнинг ўз миялари бўлмаса нима қилсин? Улар ўзлари учун яшашнинг ҳалол йўллари борлигини мушоҳада этолмасди.

Жувон бир-бир қадам ташлаб зиналардан тушди-да, вокзал орқасидаги чорраҳага етди. Тўрт томон йўл эди. Эрим ва Барда ҳали келмаган чоғи, ҳеч қаерда кўринмасди. Шу пайт менда бир фикр туғилди. Жувоннинг вужудига жин каби кириб олган мен — мазлума бандла бу таната аник-тиник буйруқ беролмас эканман, айрим руҳий ҳолатларга солишим — уни тентакларча кулдиришга, ҳунграгиб йиғлатишга, ақлдан озгандек рақсга туширишга, алмойи-алжойи сўзларни гапиртиришга уринишим мумкин эди. Зора эрим «савдойига дуч келибман» деб хиёнат йўлидан қайтса.

Бироқ жин ҳам, шайтон ҳам эмасдим. Бошқача йўл туттишга қарор қилдим: жувоннинг виждонини

ахтариб топмоқчи бўлдим. Кўнгли чўқиндилари тагидаги бадбўй хаёллар тагида тоза виждон кўмилиб ётарди. Урвоқчалик виждони қолмаганида, томорқасида меҳнат қилиб, гул етиштирмасди. Қолаверса, виждонни бир уйғотсам, Гўлчига кейинги гап учрайдиган эркакларнинг оилалари бузилмайди, болалари егим қолмайди, мендеклар ҳам изтироб чекиб, умрини захар-заққумда ўтказмайди.

— Бузукчилиқдан бошқасига бўйни ёр бермай, жамиятдаги энг тубан сўқмоқлардан юрар бир аёл! — деб қичқирдим.

Гўлчи эшитмади. Мен унинг танаси олдида пашшадек эдим.

— Гўзал вужудинг умрининг энг дуржун авж нуқтасига етди, ҳалемай қариллик сари оғиб, гўзаллик, куч-қувват, сочингдиги қора ранг тарк этади, қаддинг букилади, мозорга яқинлашсан, ўшанда қилмишларингдан афсусланасан! — дедим мен.

Гўлчи пашша фингилладими дегандек кўл силтади. — Эрим тугул, анави мишиқи Барда билан ҳам тапшлашсан, сенинг охиринг вой, Худодан кўрк, — деган эдим, жувоннинг аллақасери, эҳтимол, юраги санчиб, таққа тўхтади.

Мен уни осонгина ва соддагина усулда кўлга ололмасдим. Жамият ёрдамга келмаса, бари бир тийин эди. Рўпарада ёш келин-куёв кўринди. Йипит оқ кўйлак, қора шимда, келинчак узун зарли кўйлак, ялтирок оқ дўппида. Гўлчи уларнинг либосларига эмас, юз-кўзларига тикилди. Жуфтлик беҳад шод ва бахтиёр эди. Гўё бахт бандаларга тақсимланар экан, севги ва садоқатга, ишонч ва садоқатга, сабр ва садоқатга, одамийлик ва садоқатга, яна нималардир... ва садоқатга қаралган эди. Гўлчи ҳам бир вақтлар келинлик либосини кийганди. Севганмиди? Ишонганмиди? Сабрли бўлганмиди? У на ўз ота-онасига,

на эрига садоқат кўрсатганди. Эндликда Бетона бир эрканинг ўз завжасига садоқат сақлашига халақит бериб, шайтон сингари йўлдан урмоқда эди.

Жуфтлик ўтди-кетди. Кўёв йўлакда учраган жувоннинг турмуши бузилганини, эндликда кўчадаги бирор эркаклан меҳр ахтариб юрганини бир қарашда пайқайди, келинчак ҳам кўёв каби ўйлади, фақат бир гапни кўшимча қилди: «Астафидулло... Шундай кўйга тушишдан ўзинг сақлагин...»

Жувоннинг рўтарасидан энди севишган йигит ва киз кулишиб келмоқда эди. Қизнинг нигоҳи Гўлчига тушган заҳоти йигитнинг биллигига осилиб, нимадир деб пичирлади. Хойнаҳой, «нарйти йўлакка ўтайлик» деди шекилли. Иккиси ҳам галати кийинган хотинга ижиргангандек қараб, йўлни кесиб ўтди-да, одамлар орасида кўздан йўқолди.

Уларнинг нафрати мени Кувонтирди. Ким кўйибди Гўлчига бировнинг эрини йўлдан уришга? Аксинча, эркак билан учрашувга чиқатганини билмас экан, бошқа гап эди.

Хавл ўтмай йўлакда икки киз пайдо бўлди. Улар ўн икки-ўн уч ёшда эдилар. Бири Гўлчининг пардоз-боқиб, «Икковимизга ҳам шунақа кийимлар бўлиб қолса-я», деди. Юрагим шув элди. Наҳотки, норасида кизлар шу жувонга хавас қилишса? Оналари қачон қизалоқларини хиёнатчиларга хавас қилдирган қилиб ўстиришга улгуришди?

Хайрият, иккинчи киз Гўлчидан дарров юз ўгириб, афгини бужмайтирди ва: «Э, мен бунақа кийим қиймайман», деди Катъият билан. Гўлчи унинг гапини эшитди, юзидagi ифодани кўрди, хўрсинди. Жувон уф тортиб, тоқатсизланди. Виждони тўлиб фониб кўйган эди-да. Унда ҳам ота бор, тоға, бор,

амакилар бор. Гўлчи ва ўн минглаб бошқа жувонлар ҳали маҳалла-кўйдан, қавму қариндошдан бутундай ўзилгиб, ўртада улкан уммон ҳосил бўлмаганди. Бирортаси учраб қолса-ю «Бу ерда нима қилиб юрибсан?» дейишса, «Гул дўқонидати Рисолатнинг туғилган кунига бораётгандим» деб ёлғон айтишга Гўлчининг тили айланмаслиги учун яна озроқ фурсат зарур эди. Шунни хоҳлардимки, кўча имонли, инсофли одамларга тўлиб қолса. Бири бахтли оиласи билан хуш-хандон ўтса, бири рўзорим, болам-чакам деб нимадир олиб кетаётган бўлса, бошқаси эса ўз дўсти ёки дўгонаси билан эгзулик мавзусида сўзлашса ва Гўлчи эшитса, «мен ҳам тинчгина уйимда ўтирсам-чи» деса...

— Қарларда қолди булар? — тўнғиллади жувон истар-истамай.

«Наҳотки, у олдий бир ҳақиқатни англаб етмаса?» деб ҳасрат чекдим. Кимнинг қандайлигини эл биллади-ку. Гўлчи бекорга ажрашмаган. Унинг эри пиёнистадир, гиёҳванддир, хиёнатчидир, оғзи шалок, қалтақловчи зўравондир, не бўлганда ҳам, жувон ўзини қўлга олиши, сабр қилиши, олоби, ахлоқи, меҳнати билан кўтиши даркор эди. Биринчи бахт қайтмаса, иккинчиси албатта келади. Эл айтмайди-ми, фалон уйда хушрўйгина, олобли, кўл-оёғи чаккон жувон бор, эрининг тутуриқсизлиги учун оиласи бўзилди, деб. Хотини ўлган ёки ажрашган эркаклар унта уйланишга хавасманд бўлишмайдимми?

Афсуски, у оилали эркакларнинг вақтинча машуқаси бўлишлик йўлида юлдузга айланаётганди. Қизиги, шу нухсага илақинаётган ўша ноинсоф эркак мента бетона эмас, эрим Бўри эди. Йўлда Барданинг мотопкили ағанаб, эримнинг оёғи синса, бу учрашув юз бермасли балки. Бироқ сархуш Барда уни чорраҳага эсон-омон етказиб келди.

Эримнинг атир уфурган шамоли чорраҳага етмасдан аввал негадир тўрт тарафдан иршайган-тиржайган ёш йигитлар ва аллақачон маънавий бўзилгиб, энг жирканч хиёнатларга қўл урган кимсалар кўзга ташланди. Улар ўтган-кетган қиз-жувонларга сурбетларча суқланиб қараш у ёқда турсин, гап отишар, исмларини сўрашарди. Гулчининг юраги гуп-гуп урди. Кийиниши ва пардоз-андози манқурт қавмининг хирсини кўзғатиб, атрофида тирликапалак қилиши тайин эди. Эри бор пайтлари кўйлак-лозим, бошда рўмоли, бу кўчаларда эмин-эркин юрган Гулчи хозир қаяққа қочиниши билолмай тараддулданди.

Чорраҳанинг бошқа томонидаги йўлакдан эллик-олтмиш ёшли эркаклар Гулчи томон келаверишди. Гулчи жинча енгил тортди. Ҳеч курмаса, қудандали эркакларда инсоф бордир, дегию хато қилди. Тўйхонадан чиққан кайфи тароқ эркаклар бир-бирига бақириб-чакириб ҳазиллашган кўйи яқинлашаверишди. Ёш йигитлар ҳам, улар ҳам Гулчинини кўриб қолишган ондаёқ янада суюлиб, оғизларининг таноблари қочинди. Чорраҳада муҳит ўзгарди. Чорраҳада бахтсизлик ва гумроҳлик фолиб чиқди. Худо кўрсатмасин, шу тобда дунёқараш шаклланмаган, илмсиз ва устозсиз ўсмирлар келиб қолишсами, жамиятнинг келажаги хавф остида қолиши ҳеч гап эмасди. Ҳаётдан завқланиш учун анави йигитлардек ялғо қилиб юриш керак, анави кимсалардек майхўрлик билангина маза қилиб яшаш мумкин, шунда хув анави жувондек соҳибжамоллар сеники бўлади, деган фикр уйғониши муқаррар эди.

— Фшу-у-у!... — дея Барда хуштак чалди.

Жувон Барда ва эримни кўриб, қувониб кетди-да, улар сари шошилди.

— Сен, Барда, мотоциклингта айтган жойимда кут, биз таксида кетамиз, — деди эрим югурдагига.

Эрим такси тўхтатди. Рулда мўйлови оқарган, лўпши кийган, оддий бир инсон ўтирарди. Иккиси орқа ўриндиққа чўкишди. Чўкишганданок эрим Гулчининг оппоқ қўлларидан тутиб, кафтлари орасига олди. Иккисининг ҳам қўллари қизиб, баданларига ўзларига хос ёқимли хис ёйилди.

— Кўринмайсиз? — деди Бўри.

— Хозир кўриняпманми? — эҳтиросли шивирлади жувон.

— Кўриняпсиз, — деб эрим бир қўлини белидан ўтказди.

— Жим... Одам бору...

Таксичини йўтал тутди. Йўтали кучайиб, бўғриқиб қизарди. Кейин оғир-оғир нафас олиб, ортига қаради.

— Икки киши... икки кишимисизлар?

— Ҳа, — деди эрим ва Гулчи билан кўз уриштирди.

— Неча киши бўлиб кўриняпмиз, ака?

— Уч киши.

— Йў-е!

— Кечирасизлар, мазам қочяпти шекилли... Сизларни олиб кетолмайман...

Таксичи мени сезиб қолган эди.

— Кўзингизга ростдан учта бўлиб кўриндикми? — деди эрим тушайтиб. — Чарчабсиз, ака. Бориб ухланг.

— Эшикни тезроқ ёп, илтимос, ука, — жеркиб берди таксичи. — Бундай юрмай, тавба қил... тавба қил...

Гулчининг эндигина кўтарилдэгган кайфияти сополдек синди. Қарасам, Бўрида ҳам виждон чўғлари милтилляпти. Таксичидан мингдан-минг рози бўлдим. Аммо қувонишга эрта эди. Улар таксичининг бир оғиз аччиқ гапи таъсирида тузалиб қоладиганларга ўхшамасдилар. Иккиси ярим истаб, ярим истамай «Жунуна» ресторанига киришди. Ўртадаги столни банд қилишга чўчиб, чекадаги —

пардалар ёнидаги кўздан пана столни эгалладилар. Бу ер одамлардан пана бўлса-да, шайтондан пана эмасли.

Официант дастурхонни безади. Виждон уларнинг нафақат кайфиятларини, балки вужудларини ҳам оғирлаштириб қўйганди.

— Ичамиз, чарчаб кетди одам, — деди эрим рюм-кага иблис сувидан куйиб. — Қандай яшашни билмаяпман. Ичсам виждоним қийналади, ичмасам яшашнинг қизиги йўқолади... Хайронман...

— Эшитдим, хотинингиз намоз ўқир экан, — Гўлчи қадаҳни кўтарди. — Дардингизни тушунаман. Турмуш ўртоғининг дунёқараши тўғри келмаса, ҳар кунги ақл ўргатаверса, одам қандай яшашни билмайди. — У қадаҳни бир кўтаришда, яримлатди. — Кўнгил бошқача ҳаётни тусайди, ақл бошқа нарсани талаб қилди. Менимча, сизда ҳам шунчақа, топдимми?

Бўрининг виждони симиллаб оғриди, лекин чангалдаги соҳибжамолни нафс отлик хислар салтанатининг лашқари қўйиб юборишни хоҳламасли. Шундай офатижон ўзи истаб учрашувга чиқди, Бўрига яна нима керак. Эрим бундай им-коният ҳамиша насиб этавермаслигини, эртага жувон учрашувни рад этишини, бирор бойвачча одамга турмушга чиқиб кетишини ўйлаб, ботиний жазаваланди. Агар шу дамда кимдир «Ҳаёт қизиқми?» деб сўраса, «Ҳа, мана шундай ўтирганмиз учун ҳам қизиқ», деб жавоб берарди. Гўё Гўлчи қабиллар бўлмаса, умри гурбатда ўтишига ишонарди. Нега? Жавоби оддий эди: у Гўлчига ўхшаш ишонарди. Билан яшаш бахт, мабодо бундайларга уйланолмаса, шу тоифага мансубларни илтириш омад деб қон-қонига сингтиб улғайганди. Менга уйландиyo ўйлаган бахтини тополмади. Мен унинг қавмидан бўлган эркакларга оёқларимни, кўлларимни, бўйнимни

кўрсатмадим, валъста тушмадим, бирга ўтириб қалаҳ чўкиштирмадим, аксинча, майхўрлик ва даослик базмларига қарши чиқдим. Бўрининг мияси буни қабул қилолмади, дунё кўзига қоронғи кўринди. Мен унга ёлгон бахтни бермайман, беролмайман ҳам. Кўра-била туриб ўз эримни ёлгон дунё чоҳларига қандай ҳам итариб юбораман, ахир?

— ...одамдай яшолмаяпман, — деди Бўри.

— Мен ҳам одамдай яшолмаганман-да, шунинг учун дардингизни тушунаман, — деди Гўлчи.

Тавба, улар «одамдай яшолмаяпман» дейишдими? Бир жиҳатдан тўғри. Одамдай яшолмаяпдилар. Юриш-туришлари одамларникига эмас, кўпроқ одам кўринишли хайвонларникига ўхшашпти.

— Нега ажрашгансиз?

— Эрим қалта қийишга қўймасли, бўянишимга ҳам қарши эди, — деди жувон хўрсиниб. — Уйда ҳар кунни жанжал-тўполон. Ёшлигимда қалта қиймасам, тўй-ҳашамларда сакраб-сакраб, айланиб-ўргилиб ўйнамасам, нега эрга тегдимۇ нега яшашман? Қиз боғалик даврингга уйингдигилар, ҳарҳолда, «бу қиз бола нарса» деб авайлаб-асрашаркан. Эрга тек-канинглдан кейин ҳам ўйнаб-қулмасанг шу ҳам ҳаётми? Мактабда ўқиб юрганимдаёқ айтганман битта эрнинг қовоқ-тумшугига қарамайман деб! Биласизми, Бўри ака, эрим тўйимда оқ фата кийдирмади, хижобага ўхшаш алламбало қийимда саҳнага чиқдим. Шу ҳам ҳаётми?! Ажрашиб кутулдим ифлосдан. Оқ фата киймаганим бир умрлик армоним. Мабодо хотинингиз тўй саҳнасида паранжини очмайман деб илғамладими?

— Йилгали, — хўмрайди Бўри.

— Ха-ҳаҳ-ҳаҳ-ха-а!.. Буларнинг бари шунчақал! — кўли жувон.

— Тўйим бузилди... — Бўрининг овози худди

матраётгандек қалтираб чиқди. — Тўйнинг ярми-да саҳна бўшаб қолди... Хотиним ўзини касалга солиб, тўй тугамасдан чимилдиғига кириб кетди... Ўлгудек ичиб, ўртада жўраларим билан тентак бўлиб ўйнадим...

— Мен ҳам эркак бўлганимда шундай қилардим! Гулчи хиринг-хиринг кулди. Бўри ситарет тутатди. — Мен ҳам чекишни бошлайман, ҳаммаси жонга тегди, опкелинг, — кўл узатди жувон. Иккисининг оғзидан дўзахда яхши ёнмаган ўтинларнинг тутунни уфуритди. Гулчинини йўтал тутди.

— Эрингиз намоз ўқийдими? — сўради Бўри. — Намоз ўқишини билмасдан эрта тегибман, — сўзилди Гулчи. — Ичмайди, чекмайди дейишганди, лекин мулавачча эканини айтишмаганди.

— Ие, у мулла эдимми? — Йўқ, ичмагандан, чекмагандан кейин ким дейман? Мулла дейман-да. Тирноғидан сочининг учига-кайд қилиб юборадиган даражага етдим! Мана бундоқ бўлдим ўша оиладан! — Гулчи кўлини томоғига арра қилди. — Вой-й-й, рашқини айтмайсизми? Жамик деган синфдошим бор. Ўзи ўғил бола бўлса ҳам, мен билан худди қизлардек яқин сирдош эди. Жамик билан телефонда кулишиб гаплашаётганим-ни эшитиб қолди, рашқ қилиб жанжал кўтарди эр ўлгур. Мен Жамик билан юраманми? Жамик ўртоғим-ку, ахир! Қолоқлар эса хотин киши номаҳрам эркак зоти билан сирлашдиими, тамом, бу хиёнат деб ҳисоблашар экан. Кейин... мен почамлар билан ўпишиб кўришаман. Бошидан шунақа. Почамлар меҳмонга келганида, кўл бериб, ўпишиб кўришдим. У юзимни, бу юзимни тутдим. Меҳмонлар кетгач, қайнонам билан эрим жанжалнинг эшагини бошла-са бўладими! Улар почамлар эди, ўйнашларим эмас!

Эримнинг аёл қариндошлари ўзларининг поччалари билан шунчаки кўл бериб ҳам кўришмас эканлар. Балого қолган мен, мен, мен!

— Бизда «сўпи» дейишади.

— Кимни?

— «Мулла» деганингизга айтишман-да.

— Байрамларни кўнгилдагидек нишонламасликларига ҳеч чидаёлмадим, — дардини дастурхон қилишда давом этди жувон. — Уларнинг уйида Янги йил ёки сажкизинчи мартда эмас, ҳар жума байрам эди. «Нега жума кўни байрам қиласизлар? Мен китобда жумани «қора жума», хосиятсиз кун деб эшитганман», деганимни биламан, яна балого қолдим. Ким жумани «қора жума» ёки хосиятсиз кун деса, у мусулмон эмас эмиш, европаликларнинг тарбиясини олган чўчка экан. Эртадан-кечгача роботга ўхшаб тўғри юр, бегоналар олдида кулма, беш марта ибодат қил, вой-вой-вой, рўзани айтмайсизми! Мен бир гал эрим билан рўза тутганман. Бошим шундай айланганки, ўз ўқидан... аниқроғи, ўз бўйнидан чиқиб кетиб, узилтиб тушишга сал қолган. Ошхонага, бир товоқ овқат олдига етиб олиш учун деворга суяниб борганман. Икки кун овқат ёлмай касал бўлиб ётиб, рўзадан кутулдим. Келгуси йилгача мени рўза тута оладиган аёл қилиб тарбияламоқчи эди, ажрашиб кетдим. Мана энди эркинликка чиқдим. Сиз қачон бутунлай эркинликка чиқасиз?

Бўри бошини икки тарафга лиқиллатиб:

— Аллақачон ажрашиб кетардим, отам кўймапти, — деди.

— Энди нима қиласиз? — Гулчи эримга чиройли жилмайди.

— Сизни топдим-ку, жоним.

— Яширинча учрашадиган иккинчи хотин бўлмайман, айтиб кўяй, — ҳамон жилмайдди Гулчи.

— Уйингіздегі хотинчангізні хайдавринг. Уни йүкотиш жула осон. Бирорта жұрантгізге ұрғатинг, кечаси келсин. Иккісини ушлайсиз ва отангізге «келинингізні хиенат устида ушладим» деб айтасиз. Отангіз хиенатдан кейин хам бирга яшаттирмас?

— Хм-м... — дея эрим ұйга толди. Афтидан, уй-ғонаеттан виждони ичкилик таъсиріда анча-мунча қарахтанғанди.

— Хуш? — шивирлади жувон жолу күзлариди ишк-ваьда этиб.

— Майли, лекин... лекин аввал бирга яшаб кұрайлиқ... сиз билан... — деди эрим.

— Нима деганингіз бу?

— Шу атрофда бир уй бор, узоқмас, мачит орқаси-да, — деди Бұри. — Фермадаги молларинг сүтини топширишга комбинатта келганимда танишиб қол-танман. Ёмон кампирмас. Оғзига маҳкам. Битта ұғли бор, алқаш. Унга ароққа пул бериб уйдан чиқариб юборамиз.

— Уша жойни Барда айтдимиз?

— Барда эмас, — ранги ұзғарди эримнинг, — ұзим... ұзим биламан... Айтдим-ку, сүт согтишга келганимда танишиб қолганман...

Энг ёмон воқеа хали олдинда эди. Рухим жин каби Гүлчининг ичига кириб, хиенатта томошабин бүлиб турғанида, вужудим тандирхона деворига суянганча хаслға толған эмасмиди, бир вақт кимнингдир йўталғанидан сесканиб тушдим. Күзимни очиб, эрим ва Гүлчи учрашаётган ресторандан тан-дирхонага қайтиб қолганимни кўрдим. Йўталған кимса Бўрининг ұртоғи Ибод эди. Унинг күзлари-га тикилиб билдимки, эрим бу дунёда бир жувон-ни йўлдан ураётғанида, тақдир чархпалаги менинг хузуримга бошқа бир эркакни шайтонга хамрох қилиб юборғанди.

— Хорманг, — деди Ибод тандирхонага бир қалам ташлаб. — Карасам, оловга термулиб, хасл суриб турибсиз.

Рўмолим сурлиб, пешонам очилиб қолғанди, дархөл манглаймни ёшиб, бош этиб салом бердим.

— Волайкум ассагом, Ниторахон, — деди Ибод «валайкум»даги «а»ни атайин «о» деб талаффуз қиларкан. — Нон ёпяпсизми?

— Ха, уйга кирипг, эркаклар ичкарида.

— Кўрдим, Бўри мотоциклда келди Барданинг орқасига минташиб. Кайнотангіз фермада. Уйда мишиқи болачалар бор, қайноғантгізинг ұғиллари. Улар билан нимани таппашаман?

Ибод ментга эрим белги сифатиди айтқан ұша майда холини қашиб, уй томон ұғринча қараб олди-да, секингина иккинчи қадамни ташлади. Шунда унинг вужуди тандирхонага кириб, уй тарафдан кўринмайдыган нуқтага етди. Иккімиз куппа-кундузи күздан пана жойда юзма-юз қолдик. Бу хол Бўрининг бошқа ұртоқлари ва уларнинг хотинлари билан юз берса, хеч қандай файритабийилти йўқ эди. Улар дўстларинг хотинларини «мўйниса» деб аташарди ва қанчалик хазиллашмасин, хазил хазилгигича қоларди. Менинг эса қавмим бошқа эди. Хижолатдан ер ёрилиб, ерта кирмадим. Косов-эди. Ни олиб тандирга ўтирилгандимки, бүлмали. Ибод шартта косовни ушлади. Вужудимга бошдан-оёк мұз юғурди.

— Сиз идеал аёлсиз, — деди у. — Менинг хотиним ким? У Бўри билан келинчаклик даврида вальс тушган, тасаввур қилипсизми, ёш келинчак эрининг дўсти билан вальста тушган. Мен аҳмоқ эканман, келинчак-чи? У сизга ұхшаб рад қилишга нега ақли етмади? Тўғри, биз — синфдошлар ұрталдан қил ұтмайдыган қалин дўстлармиз, лекин... лекин

Яқинда эшитдим... почамнинг бир ўртоғи бошқа бир ўртоғининг хотини билан гап бўлиб ажрашибди. Бизда ҳам... мана шу қишлоқда ҳам... юрадиганлар борлигини кеча эшитдим.

— Буларни нега мента айтяпсиз?

— Сизнинг танлаган йўлингиз тўғри чиқди, — деб Ибод аччиқ ютинди. — Май ойидаги ўтиришимиз-ниг бошида мен ичмадим, чекмадим. Қушдай енга чиқиб, қайтиб кирсам, ўша ўтириш кўни ташқари-ичиришибди. Кейин ҳаммалари хотинимга виноган экан. Ичимдан зил кетди, Нигора. Қандай қилиб ичганимни, сигарет чекганимни билмай қолдим. Сиз... сиз нега бундай поккиза аёлсиз?

— Кечирасиз, келганингизни уйдагиларга айтшим керак, — дегандим, Ибод йўлимни тўсди.

— Гап шу ерда қолсин, — деди удағаллашган оҳангда, — Бўри сизга хиёнат қилпти. У кимё посёлкасидаги Бутун Бардага эргашиб униккига кетди. Қасос олишни хоҳлайсизми?

— Қарғиш урган кимсаларда ўчим йўқ, — деб жавоб бердим. — Энди эса йўлимдан қочинг, ака.

— Муомалаңгизга беш кетаман-да. Агар сиздек хотиним бўлганида, бошимга кўтариб юрардим. Ўлай агар, намоз ўқиб, рўза тутардим. Хижобада юришингизга ҳечам қаршилик қилмасдим. Уйимда ароқ ичирмасдим, сигарет чектирмасдим...

— Охириги пайтлари хотиним гаплашпти, ким-

лигини аниқлаётманман, — дея Ибоднинг даблари тезариб, кўзлари нурсизланди. — Тунов кўни Ок-тутдаги опасиникига кетиб, икки кунда келди. Авваллари опасиникида бир кун ҳам ётиб қолмасди.

— Аллоҳ инсоф берсин сизга, йўлимдан қочасизми, йўқми?

Ибод ошқора илжайди, кўзлари қисилди.

— Сиз, — деди у, — эрингизга хотинлик хизмати-ни қилолмаганингиз учун у кўчадан бошқа меҳр-ахтариб юрибди. Майли, дон олишсин, лекин менинг хотинимга яқинлашса, ёмон бўлади. Тағин бу гапларни Бўрига айтманг, сиз билан хафалашиб қоламиз. «Қаерда айтди?» деса, «Тандирхонада дарлашлик» дейсизми? Сиз демасангиз, мен дейман. Бу гапларни ўзимга яқин олиб гапирдим, Нигора...

— Майдалашманг! Уйланаётганингизда кўзингиз қаёқда эди? Худодан кўркмайдиган бузилган қиз эканини, номуссиз эканини нима учун энди айт-япсиз? Яқинларингизга эмас, мента айтяпсиз? Уялинг, Ибод ака! Вақтида тавба қилиб, дилингиз-ни, тилингизни покланг.

— Э, у номусли эди, бузўқи эмасди.

— Хотинингиз ота-онасиникида яшаган кезлари номусли эдимми? Сизни шундай тушунайми?

— Бўлмаса, қандай тушунасиз?! Ҳамма билан юрган суўқоёқ қизга уйланаманми?

— Хотинингиз ота-онасининг уйида иффатли, ҳаёли, имонли қиз бўлган, турмушга чиқиб, бузила бошлаган. Демак, уни эрим ёки бошқалар эмас, сиз ўзингиз бузгансиз. Буни икки қулөгингизга қуйиб, умрбод унутманг.

— Мен? — Ибод кўзларини чақчайтирди. — Ўз хотинимни ўзим бузаманми? Кечирасиз-ку-я, кўзингизга даос ёки кўшмачи бўлиб кўринаманми?

— Ўз тилингиз билан айтяпсиз-ку, ота-онасининг тарбияси остида яхши қиз эди, менинг уйимга келиб, тарбиямни олиб, бузилишни бошлади, деб. Айб қайси оилада? Ота-онасининг оиласидами, синикидами? Ўз қўлингиз билан хотинингизни бошқа эркаклар билан вальс тушишга берганмисиз? Зиёфатларда ичишга йўл очганмисиз? Бировлар

жуфти халолнигизга бепарда хазилдар қилишга шароит яратганмисиз? Ҳайлаб кўринг-чи, ота-онаси хотинингизга қизлик даврида шу ишларни қилишга ижозат берганми? Йўқ! Шундан кейин ҳам айбони фақат хотинингиздан ахтаришни ўйлапсизми?

Афтидан илоннинг думини бостан эдим. Бироқ Ибод аччиқланган кўйи гапга нуқта қўйиб, қорасини ўчирмади. Мақсади узокроқ таплашиш, ўзининг ниятини сездириш, жирканч режаларини юқтириш эди.

— Сиз-чи? — деди у. — Нега ота-онангизникида ҳам рамкангиздан чиқмагансиз, эрингизникида ҳам чиқмапсиз?

— Менинг тарбиям, диним, эътиқодим бир умрга етадиган, юракка бир марта ўрнашадиган ва қайтиб чиқмайдиган ўзгармас, мангу эътиқод. Уни ислом деб кўйибди. Сиз ва хотинингиз ота-она уйида нимадан таълим олгансизлар? Ҳингизга бориб, ўйлаб кўринг!

— Сўзлашингизга беш кетаман-да! Хақиқатан «отин ойи» деганларича бор экансиз. Менинг хотинимнинг эътиқоди қанақа? Билсак бўладими? Христианми ё бутта сигинидами?

— Илтимос, кетинг!

— Саволимга жавоб эшитмасдан кетмайман!

— Хотинингиз ота-онасиникида қандай тарбия олган, эътиқодлари қанақа, билмайман. Тундуғишимча, у ота-онасининг уйдан чиқиб кетгунча бўлган муддатта мўлжалланган тарбияни олган. Сизлар уни «дунёвий тарбия» деб атайсизлар. Эр уйи одоблари, қабр ҳаёти ва бошқаларни билмагани учун охирти пайтларда ўзини йўқотган.

— Қизик, қабрда ҳам ҳаёт бўладими?

— Ҳэр, сиз билан ортиқ таплашолмайман, — деб қосовни ташлаб, Ибодни айланиб ўтмоқчи эдим, у кўлимдан тутди.

— Гуноҳга ботяпсиз! Кўйворинг! — илтижо қилдим мен.

— Кўрипман, сиз бахтсизсиз! Барибир Бўри билан ажрашиб, бирорта муллага эрга тегиб кетасиз! Уша мулла менман.

— Кўйворинг!

— Қичқирасизми? У ҳолда бутун Бойжанжал қишлоғига шарманда бўласиз. Эрингиз ажрашади...

— Кўнглингизда озроқ имон бўлса, кўйворинг! Менга акадексия, қайноғалексия. Уялмайсизми?! Қандай гуноҳга ботаётганингизни аяглаб етлапсизми? Номаҳрамга, ўз дўстингизнинг хотинига, намозхонга, бегуноҳ оғизга, муслимага тегиняпсиз, туҳмат қилмоқчисиз. Унутманг, Адлоҳ сизни ҳозир кечирмоқчи бўлиб тургандир, иншааллоҳ. Битта хато билан дўзахийга айланиб қолишингиз хавфи яқин, жуда-жуда яқин. Бунинг устига, фарзандингизни ҳам ўйланг. Мен қарғамасам ҳам, норозилигимнинг ўзи қарғишга айланади. Қарғиш сал-тал зарар етказди, дёлмайман. Эҳтимол, икки дунёингизни ҳам куйдираар. Ҳз тақдирингизни таваққалга қўйиб, оғир жазоларга гирифтор этманг.

Ибод титради, аммо кўлимни кўйиб юбормади.

— Мен кечаман... Хотинимдан, боламдан... Ажрашаман... Сиз ҳам ажрашинг, Нигора... Агар ажрашмасангиз, Бўрини қаердадир ўлгудек ичиниб, маст қилиб ташлаб кетаман-да, кечаси уйингизга қираман... Ҳа, ҳа, шундай қиламан! Овоза бўлганингиздан кейин Бўри бир кун ҳам яшамайди. У менинг хотиним билан вальсга тушган, сиз эса мени рад этдингиз...

— Имонсиз эканингиз. Минг афсус...

— Ҳақорат қилманг, Нигора! Сизни ёқтираман. Мени сиз тарбиялайсиз. Бирор кун бозордан нарса олишим керак, деб «район»га чиқинг. Мачит ор-

қасидаги маҳаллада бир кампир бор. Ҳшаникига кириб, маслаҳат оламиз, хўпми? Буни тузоқ деб ўйламанг, кампир яхши... жуда яхши!... Ҳгли ичади, Ҳшанга куяди... Сизга кўлимни ҳам теккизмайман...

— Кўйиб юборинг!

— Ваъда беринг, кўйиб юбораман. Ҳудони Ҳртага кўйиб қасам ичинг...

— Сиз... сиз нималар деётганингизни биласизми? — деб кўзларимдан дув-дув ёш тўқдим. — Яратган Элангизни Ҳртага кўймоқчимисиз? Гуноҳ иш учун-а?! Кинотни яратган, йўқдан бор қилган Зот олдида сиз қанчалар майда ва ожиз жонзот эканингизни биласизми Ҳзи? У зотни Ҳртага кўйиш тўғул...

— Ҳеч ким сизга ёрдам беролмайди! — деди Ибод тишларини гижирлатиб. — Ҳатто, худо ҳам!

— Тавба қилинг, тавба қилинг!

— Нега йиғлайсиз? Мен сизни... — Ибод кучоқлаш учун талпинган ҳам эдики, ердан чиқдим, кўқдан тушдим, Сапи тентак пайдо бўлиб, бошига таёқ билан бир урди.

— Ҳа, кал, бу ерда нима қилиб турибсан? — деди у. — Тандирга нон қилиб ёпиб юборайликми сени, пишмаган хамир?! Келиннинг кўлидан ушлаб, кўр-китяпсан! Ҳе Ҳ-Ҳ-л...

Ибод ортига тисарилганча тандирхонадан чиқди. Сапи тентак рангим мурданикидек оқариб кетганини кўриб, кружкадаги сувни сепиб, юзимни иш-калади. Ҳўнграб йиғлаб юборгандим, кучоқлади. Сўнгра пишган нонларга турмулиб, фамга ботди.

— Бир вақтлар мен ҳам нон ётардим, — деди бошини лиқиллатиб, — кейин нон ёптирмай кўйишди. Нима учун? Чунки мен тентак бўлиб қолдим. Айтишларича, отам раҳматли жуда қаттиқкўл, мирғазаб бўлган-миш. Бир беванинг бир ховуч бугдойини очарчилик йилларида тортиб олиб, қаттиқ хафа қилганида,

«сени қарғайман, давлатнинг одамисан, лекин қизинг менинг ҳолимга тушсин» деган экан. Мен ҳам давлатнинг одамиман-ку, ёлғонми? Давлатнинг қизи бўлмай, кимнинг қизиман? Бегонамасман, Ҳчам бегонамасман... Нон ёполмайман, умримда яхши иш қилмаганман, ҳамма мени ёмонлайди... Йиғлама, уни Ҳайдавурдим... Бировга айтсам, тилим узилиб тушин.

— Йўқ, сиз ёмон эмасиз, — дедим уни яна кучиб.

— Кейинги сафар келинг, биргаликда нон ёпамиз.

— Тўйинг кўни эсингдами? — У менинг кучоғимдан чиқиб, кўзларимга қувонч-ла тикилди. — Оловда етти марта айланасан, деб роса кўрқитгандим. Нима учун? Сени ҳам қишлоққа тушадиган анави келинлардан бири деб ўйлабман. Оловда айлан, айлан, айлан, деб баттар қиламан, деганман. Йўқ, сен бошқача экансан. Тўйинг ўтиб, чиқланг чиққанда ҳам уч-рашиб қолгандик. Эсладингми? Ҳшанда кечирим сўрамагандим, мана энди сўрайман. Мени кечир, Жаннат келин! Мен бир тентак хотинман! Олов Ҳеч нима. Олов шунчаки бир баҳона. Энг қизиги, оловдан катта нарсалар давлатдан ҳам катта. Бир нарсани сўрашга келгандим. Мен ҳам оловда ёнаманми?

— Олов Ҳар бир тирик жонни кўйдириб кўйиши мумкин. Ундан ақлни ишлатиб фойдаланиш керак.

— Кўйсанг-чи, боғчага борадиган боламанми? — деди Сапи тентак. — Менга катталарнинг гапини гапир! Дўзахдаги оловда ёнаманми? Шунга сўрашга келди-и-и-им... Ҳи-Ҳи-Ҳи-и... Тагин бировларга айтиб кўйма, хўпми? Тўйинг кўни сени хафа қилганим учун дўзахга тушаманми? Шундан гапир!

— Оловда ким ёнишини фақат Аглоҳ билади, — деб Сапи тентакни юпатдим. — Айниқса, хозирги яхшилигингизнинг савобини Аглоҳ зиёда қилади, иншалағоҳ, опажон! Муғласойда сизга Ҳшпаган

Бир опа бор эди. Бир кунни сигиримни ахтариб юриб, оёғим тойиб жарликка йиқилдим. Жарлик туби бўтқата айланган лой эди. Ҳалиги опа мени кутқаролмаслигини билгач, дол-фарёд солиб, чор тарафга югуриб, ёрданга одам чақирди. У бўлмаганида умрим тутарди. Кейин опани бутун кишлоқ хурмат қила бошладими, деб ўйлапсизми?

— Ҳа, ҳа, ҳа, — деб бошини қайта-қайта ирғади Сапи тентак.

— Йўқ, у аввалдан шусиз ҳам хурматга эга аёл эди. Нега? Чунки бизнинг Мулласой кишлоғи ахли ўз мазҳабидан бир қадам ҳам чекинмасди. Мунофиқ деб эшитганмисиз? Улар ҳеч қандай мунофиқ эмасдилар. Бир инсонда хасаллик борми, устидан кулмасдилар. Уша опани ҳам барчамиз бирдек ардоқлардик. Бойжанжал кишлоғига келин бўлиб тушганимдан кейин кўрдимки, одамлар хасаларнинг устидан кулиши, дўстининг хотинига кўз олайтириши, ота-бола бир дастурхон атрофида ароқ ичиши, эрлар ўз хотинларини ярим яланғоч кийинтиришлари, тиззаси тугул сонини, сони тугул кўксинининг яримигача намойиш этиши мумкин экан. Менга бу кишлоқ гоҳида дўзах бўлиб туюлади. Битта гўлурт чўппини ёқаётганида, бармоқларига салгина олов тегса, вой-войлашадию нега бу илохий сигнал эканини англаб етишмайди? Гўлурт чўппининг куйдиришига чидаёлмаган ўша одамлар куппа-кундузи хотинларига хиёнат қилишади, бир-бирини алдашади, мушталашади, сўқинишади. Ахир, қаерда ёзиб кўйибди дўзахни алдаш мумкин деб? Дўзах олови гўлурт чўппининг куйдиришидан милён баравар азобли эмасми?!

— Ҳа, олов ёмон, жуда ёмон. Тўйинг кунни оловда айланмайман, деб йиғладинг, сени узоқдан, одамлар орасидан кузатиб, баравар йиғладим, — Ҳиринглади

Сапи тентак. Сўнгра мени нари итариб, кўл чўзди: — Нон бер, Жаннат, нон бер!

Ибод калтак егач, фойиб бўлган эди. Мен Сапи тентакка битта нонни култиқлатиб юбордим ва ортидан дуо қилдим. Тақдир Сапи тентакни юбормаганида аҳволим чатоқ эди.

У ёқда Бўри ва Гўлчи нима бўлди дейсизми?

«Жунуна» ресторанидан чиқиб, такси тўхтатишди. Бу сафар имонли таксичи эмас, бармоқлари орасига сигарет қистирган, шапқасини қийнайтирган бир такасалтанг учради. У ўз араваси билан нафақат икки гумроҳни, ўзини ҳам кўшиб дўзах сари шовилтирадиган йиғит эди. Мусиқа ҳам баланд. Мусиқа ҳам одамни хузур-ҳаловатда яшаб қолишга, соҳибжамоллар билан айш қилишга, қаҳвахоналарга кириб, пиво симиришга ундарди.

Эрим ва машуқаси орқа ўриндиқда бир-биридан бўса олишди. Таксичи орқани кўрсатадиган ойдан уларга иршайблар қаради.

— Мачитдан ўтиб тўхта, ука, — деди Бўри манзилга яқинлашгач.

Бўри таксичига келишилгандан кўп пул берди.

— Чиқिशларингизни кутиб турайми, акажоним? — деди йиғитча.

У икки гумроҳнинг нима мақсадда келаётганию бир соатга қолмай чиқилишни тушуниб етганди. Бирок Бўрига унинг турки ёқмади. Одатда, бир гумроҳга иккинчи гумроҳнинг турки ёқмаслиги бу дунёда тез-тез учраб турадиган ҳол эди.

— Қани, сур, — деди эрим, — биз қачон чиқамиз, худо ҳам билмайди.

Такси ванғиллаб жўнаб қолгач, иккиси кампир яшайдиган маҳалла кўчасига кирган ҳам эдиларки, шу пайт масжид томондан бир ит чопиб келиб, Гўлчининг оёғидан тишлади. Гўлчи дол солган са-

йин ит ириллаб, биғиллаб, сўлақларини оқизиб оёғига баттар тиш ботиради. Бўри аввал тепиб, кейин тош отиб итни хайлаб юборганида, кеч бўлган эди: Гүлчининг оёғи конга беланди. Ерга ўтириб қолиб, оёғини ушлаганча вой-войларди.

— Тишладими? — бақирди кимдир кўрқинчли овозда.

Бўри қайрилиб қараб, кўйлагининг тутмалари ечилганча ҳаллослаб келаётган, сўйилли нотаниш кимсани кўрди.

— Сизнинг итингизмиди? Расво қилди-ку! Хе... — сўжинди Бўри.

— Меники бўлса сўйил кўтариб қуваманми?! — Кимса кўлидаги темир бўлагини ташлади. — Ит кутурган экан. Хотинингизни тезда дўхтирга олиб боринг!

Мен ҳамон ўзимни Гүлчи деб хис этардим, ҳамон унинг ичида жин каби яшардим. Кўп ўтмай исит-мам чиқди. Шифокорлар билатимга ва киндигим остига аллақандай уколлар санчишди. Тўшақда алаҳсираб ётарканман, Гүлчининг вужуди ўлса, дунё тўзаллашиб қолмаслигини англадим. Ёмонлар ўсиб чиқаверади, эрим хиёнат қилаверади. Масаланнинг қалити бошқа ерда эди. Одамларни ёмон йўллардан қайтаралдиган жуда катта эзгу куч керак эди.

У — соғлом жамият.

У — соғлом жамиятнинг пойдевори бўлмиш соғлом оила.

У — соғлом оилани сақлаб турадиган ягона СЎЗ — имон...

Хўнг-хўнг йиғладим. Кимдир келиб бошимни силлади. Кўп ўтмай яна иситмам чиқди. Алаҳлаб ётдим. Билмадим, ярим кечаси эди чоғи, кўзимни очдим. Кўл-оёғим ва юзим доқа билан боғлаб ташланганди. Шунда англадимки, бу вужуд Гүлчиники эмас,

ўзимники. Мени ит тишламади, мен икки кишининг ўлимида айбланиб қамоққа олинганман. Эргаш билан гаплашётганимда фарзандларимни эслатди. Эргашни ўлдириб қўймаслик учун ўзимни деразага урдим. Ойна синганини эшитдим. Аъзойи баданимни ойна синиқлари кесиб юборган эди...

VI БОБ

*Зиндоннинг қалти маҳбусда эмас,
Маҳбус озодликдан бошқани демас...*

Кундалитимни ёзипман.

Кундаликни энди хаёлан ёзипман.

Йўлакнинг чироғи сутранг ойнадан ўтиб менинг фэйзсиз хонамини ёритиб турарди. Телефон жиринглағач, уйқусираган соқчи бир нималар деб фўнғиллаб жавоб берди. Сукунат чўкди. Мен қаработ четига ўтириб, жароҳатларимга боғланган докаларни ечдим. Қон қотиб қолган яраларимнинг докаларини эса ечиб бўлмади. Оғриқ зўридан инграб юборсам, соқчи уйғониб кетиши мумкин эди.

Эшикни секин итаргандим, унсиз очилди. Йўлакка мўраладим. Оқ халатли соқчи деворга суяниб, бошини бир томонга қийшайтириб ухлаб қолганди. Эргаш мени дунёдаги энг кучли кўриқтанадиган қамоқхонадан бу ёққа ўтказдириб катта хатога йўл кўйган эди. Тамом, ҳаммаси тамом.

— Бугун қамоқдан қочиб, барчасига ойдинлик киритаман, — дедим ўзимга ўзим. — Алвидо, бадбўй хоналар... Бу ерларга тирик қайтмайман...

Оёқ учида йўлакка чиқдим. Мен ётган хонанинг эшигига шифохоналардагидек ойна ўрнатилган бўлиб, ички томонига панжара қоқилганди. Хойнаҳой, яна ойнани синдириб, ўзимга шикаст етказишимдан ва қочиб кетишимдан чўчишган шекилли. Бироқ

Эшик ташқаридан тамбалазмаганига хайрон қолдим. Балки соқчининг ёдидан кўтарилгандир, балки яна орадан кунлар ўтган, мен ўзимни рисоладагидек тута бошлаганим учун назорат сусайтирилгандир.

Йўлакнинг соқчи ўтирган ўнг томони — тўрт қадамлар нари панжара билан тўсилган, чап тарафнинг охирида эса яна бир сутранг эшик каминани кутмоқда эди. Мушукдек пусиб, пилдиратганча эшикка етдим. Афсуски, у така-так берк экан. Калит тирқишидан мўралаб, ялтирок полли чарофон йўлакни кўрдим. Янглишмасам, бу бино қамоқхона эмас, шифохона эди. Хавфли маҳбусни эшиги кулфланмайдиган палатада, бунинг устига уйку элиттан санитар йитиг назоратида қолдиришлари мумкинми? Асло. У ҳолда қамоқхона қаякка йўқолди? Эртанинг илтимосига кўра судсиз, хукмсиз, ҳе-йўк-бе йўк шифохонага ўтказишмас, ахир.

Миямдан ёрдам кутдим. Ҳайлаганим сайин бошим хумдек шишиб, тошдек қаттиқ оғриқ турди. Миямда нимадир гувиллаб, бурним ҳам шишэртгандек туюлди. Эшикка ҳолсиз суяндим ва сирғалганча полга ўтириб қолдим. Бошимни чапталладим. Кўраётганларим кўрқинчли тушми, иллюзиями, англолмалдим. Балки мен ўлгандирман? Кўраётганларим дарбадар арвоҳимнинг кечмишларидир? Ёинки Бешинчи терговхона, Эрташ билан аллақандай кабинетда учрашим — булар бари турли йилларда, турли маконларда содир бўлган воқеаларми? Урталати даврларни эслаётмай ҳалакманми?

Бир пайт қаяқдандир қадам саслари эшитилди. Бошимни кўтариб, диққат-ла кулоқ тутдим. Йўлакда, мен чиққан палата эшиги билан ёнма-ён, ўнг деворда яна бир эшик бор экан. Шошилишда уни пайқамай, тўғридаги шу эшикка етиб келибман. Овоз

Йўлакдаги ўша эшик ортидан, қандайдир пастликдан яқинлашиб келарди. Баданимга титроқ югурди. Дунёни зулмат қоплаган, фақат шу бинодагина чирок ёниқ эди. Бино мандан бошқа бирорта ҳам тирик жонсиз ҳувиллаб ётарди. Баногоҳ қадам саслари... Кимлиги номаълум мавжудотнинг яқинлашуви...

Кўлларимга боқдим. Мен қамоқхонадагидек кучли эмасдим. Нозик бир аёл, ўша Нитора, ўша келин, ўша ожиза эдим. Бурчакка судралиб ўтиб, тиззаларимни кучоқлаган кўйи кутдим. Қадам саслари эшикка яқинлашди. Кулф шиқирлади. Эшик очилиб, оқ халатли барваста эркак кўлида қоғоз билан кириб келди. У йўлакка қадам босган захоти менга эмас, ухлаб ётган соқчи-санитарга қаради. Палатамнинг эшиги қия очқлиги эса капалагини учуриб юборди.

— Эшонқулов! — бўқирди у.

Соқчи жойидан сакраб турди. Турдино ўзига қараб лўқиллаб келётган ҳамкасбининг ортида — бурчакда пусиниб ўтирган менга кўзи тушди.

— Эшик нега кулфланмаган? Тирикмисан иш-қилиб? — деди ҳамкасби.

— Чикиб кетибди... Ана! — Соқчи менга қараб югурган эди, ҳамкасби ҳам ўтирилди.

Ихтиёримда икки сония вақт бор эди. Ёввойи мушукдек эшикка отилдим. Сўнгра шиддат-ла ёпиб, кулфладим-да, калитни жойида қолдириб, зинадан пастга — ҳозиргина оқ халатли эркак чиқиб келган дунё сари шошилдим. Бугун озонлиқдан нафас олиб, фарбга, янада фарбга — менга жумбоқ, рўё, даҳшатли туш бўлиб қолаётган ўша мулҳиш ерга боришни истардим. Аслида нималар бўлган эди? Шунча йилдан бери қаердаман ўзи? Ўтмишимнинг қанчаси ҳақиқату қанчаси ёлгон? Ҳозир ўз келажгимда яшаётган эканман, бу кунларга ўтмишимдан нималар етиб келган?

Биринчи қаватдаги эшик ҳам очық эди. Йўлакдаги хизматчи аёллар қичқириб юборишди. Куролли соқчилар уларга «Қочинглар!» дея бақириб, менга қараб чопдилар. Ҳадемай қўлга тушишим тайин эди. Бирок танимга ғайритабиий куч қайтиб келаетганини ҳис этдим. Ҳа, бутун ҳаммасига нуқта қўйилганган кун эди. Кечами, бутунми Эргашнинг хонасидаги дераза ойнасида ўз аксимни кўрдим. Мендан нафақат озодликни, юзимдаги ниқобни ҳам тортиб олишган эди. У хижоб деб аталадими, чимматми, чачвонми, шунчаки рўмолми, менга номланишининг фарқи йўқ эди. Муҳими — мавжудлик. Шифокорларнинг ўзлари микробга қарши оқ ниқобларни қандай тақиб юришса, мен ҳам имонимни сақлашим учун шундай ниқобда юришим шарт эди.

Йўлакнинг иккинчи томонига қочдим. У ердаги эшик қулф эди. Юракёраар ваҳм аралаш овозда чинқириб ўзимни эшикка урдим. Эшик қулфи қарсиллаб синниб, икки табақаси ҳам шарақлаганча икки ёнга урилди. Йўлимда учраган ҳамшира қизнинг елкасидан туттиб улоқтирдим. Бечора қиз ҳавода айланиб, ортимдан қувиб келаетганларнинг устидан учиб ўтиб, кўздан йўқолди.

Дарвозадек каттакон темир эшикка етдим. Бахтимга қулфланмаган экан. Эшикни ёпиб, туткичларга темир ҳассани қистиридим. Туткичлар сингунча тепишса, кейин очиладиган бўлди.

Қаршимда ер қарбига элтүүчи яна бир зинапоё туради. Ерўлага тушдим. Чироқлари хира нур сочган нимқоронғи йўлакдан югуриб кетавердим, кетавердим, бир неча марта гоҳ ўнганга, гоҳ сўлга бурилдим. Шифтини ўргимчак ини қоплаган, бир ёнидан газ ва сув қувурлари, иккинчи ёнидан электр, телефон ва алдамбалоларнинг симлари ўтган, тобора торайиб бораётган йўлак мени боши берк манзилга бошлаб келди. Хар қандай гўзал бинони хунук

тошлар ва бетонлардан иборат пойдеворлар туттиб туришини авваллари ўйлаб кўрмаган эканман.

Сувнинг чақиллаши эшитилди. Оёғим остига боқдим ва панжарали қопқоқ тагидан сув жилдираб оқаетганини кўрдим.

— Тасанно, — дедим мен.

Канализация қопқоғи устида эдим. Тўйим кунни сочилган тангалардан бири ўтмишдан думалаб келиб, канализация қувурига жиринглаб тушгани хотирамда уйғонди. Тўёки у менга йўл кўрсатиб, хурлик сари ишора қилганди. Озодлик кўжда эмас, озодлик оёқ остида эди. Алагҳусус, оёғинг ости озод эмас экан, кўждаги озодликка термўлгандан не наф.

— Шукр, — дедим ва энгашиб қопқоқни кўтардим. Чоқинди сувлари яримлаб оқаетган қувурга хилвираган қичик жуссам зўрға сизди. Жароҳатларим тириналиб азоб берса-да, бир амаллаб қувур ичида эмақладим. Судрала-судрала номаялғум дунёга йўл олдим. Бадбўй сув аъзон баданимни музлатиб манзилга мендан олдин шошилиб ўтарди.

Анча жойғача судралиб бордим. Қувур ичи зим-зиё бўлиб қолди. Нафас олиш қийинлашди. Қудуққа ўхшаш зиндонсимон жойдан чиқиб, секин пастга тушдим. Ортга энди йўл йўқ эди. Бу қудуққа мен келган қувурдан сув қуйилиб, оёғим остидаги панжара ортидаги ўпконтга тушиб, аллақажларга оқиб кетарди. Ўтган умримда ёлдан кўтарилган айрим воқеаларни эслаб, тўхтадим. Мен нима қилипман? Қаламуш каби ўтмишимни ташлаб қажққа қочапман? Қудуқни масжид деб тасаввур қилиб, бир зум икки дунёمنى ўйлаб олсам бўладими? Бошим устидаги чўян панжарадан тушаётган хира ёруғлик менга тирикликни эслатапти-ку. Нима қилай?

...Бўри ўшанда Гулчини шифохонанага ётқизиб келиб, ҳеч нима юз бермагандек хўмайиб чой ичди. Кўзларига қарадим, у нигоҳларини олиб қочди.

Ибоднинг гапида жон бор эди. Мен ўз вазифамни бажаришим керак. Эрни дўзахдан тўсалиган парда — завжаси. У шундай завжаки, ўзини ҳам дўзахдан сақлайди.

Шундай қилиб, орадан ойлар ўтиб, хонадонимизда Қизалоқ дунёга келди. Унга қайнотам Зиеда деб от қўйди. Бутун оила жажжи Қизалоқнинг бошида парвона эдик. Фермадаги ишлар яхши кетаётганди. Халқ ўзгараётганидан ҳам шод эдим. Қўплаб байрамларимиз қайтиб келганини, хатто давлатнинг ўзи тантанали байрам қилганини кўриб кўзларимга ишонолмасдим. Гарчи Бойжанжал кишлоғи аҳли орасида Рамазон хайити ва Қурбон хайити кунлари «Хайит тушгача! Тушдан сўнг ичса бўлади» дегувчилар ҳар қадамда учраса-да, яхшилар кўпаяётганини кўрмаслик мумкин эмасди. Улар ватанни севмоқ имондандир деб тушунишарди. Улар оилани севмоқ, илмни севмоқ, яхши амалларни севмоқ, яхши одамларни севмоқ ҳам имондандир деб тушунишарди. Бироқ ўзлари тилга олган тушунчалар нисбий эканини ҳамisha ҳам англаб етмасдилар. Менга ҳақиқий ватан Жаннат эканини айтишган чоғдаёқ, биринчи инсон — Одам Ато пайдо бўлган маконни, яъни Жаннатни ватаним деб билиб, унга муносиб бўлишга ҳаракат қила бошлаганман ва қачонлардир фоний дунёдан қайтсам, чин Ватандан абадий макон топшимдан умид қилганман. Ердати мен тугилган бу ўлка эса мажозий ватаним бўлиб, шу иккинчи ватанга ҳам ҳар жиҳатдан муносиб фарзанд бўлишга уринардим. Атрофимдагилар севадиган оила, илм, яхши амаллар, яхши одамлар ҳам ўз дунёқарашим ўлчовларидан келиб чиқиб ЯХШИ деган номга сазовор бўлмоқлари даркор эди. Масалан, эримнинг уйдагилар тўй-матракада елиб-югуриб хизмат қиладиган Бардани яхши йигит деб ҳисоблашарди, менинг тушунчам бўйича эса у ароқ-

хўр, мунофиқ ва кўшмачи эди. Харҳолда, Бойжанжал аҳлининг кўпчилиги комил бўлолмасалар-да, баҳодир кудрат ҳаракат қилишарди. Айнқса, кўп йиллар ичиб, чекиб, рўзғорнинг пулини совурганлар шайтоннинг кучли васвасаси остида ўтмишдаги базму жамшидларини қаттиқ кўмсаб қолишса-да, «астафидулло» деб ўзларини тиярдилар. Кўпчилиги ниҳоятда инсонпарвар, ҳалим, очиккўнгил кишилар эди. Улар Худони эмас, инсонни хафа қилиб қўймаслик керак деган қоидага амал қилишиб, мўътабар меҳмонлар ташриф буюрганда, дастурхонларни турли май ва шароб шипаларига тўлдиривар, гарчи ўзлари ичишмаса-да, меҳмоннинг иззатига қадах чўқиштиришарди. Шунда улар ҳақиқатан ҳам Яратганнинг айрим қонунлари инсонни инсонга қарши қилиб қўяди, бир оз ичишга руҳсат бўлганида-чи, деб кўнгилларидан ўтказишарди. Майхўрлик иллати билан мурося қилиб бўлмаслигини англаб етмаётганларидан куйинардим. Агар дин бир пиёла ичишга руҳсат берса борми, минг йилдан кейин шу бир пиёла май уммонга айланишини, ҳеч ким, ҳеч қайси қонун уларни кўза-кўза, хум-хум шаробдан тўхтатиб қололмаслигини тушуниб етмасдилар. Энг яхши чора — бир томчисини бўлса-да таққилаш. Бошқа йўл йўқ эди. Бўлмагай ҳам.

Қайнотам юқорида зикр этилган майта ошна тоифадан эди. Мендан ва кишлоқнинг бошқа намозхонларидан яшириб гоҳо жигилдонига юз-икки юз грамм ароқни уриб оларди. Ҳажга йўллар очилганида, кўшни кишлоқлардан икки-уч чоғлар бориб келгач, вазият ўзгарди. Кечагина совхоз раиси, омборхона мудирини, бош ҳисобчи сифатида тўйларнинг тўрида обрў қозониб ўтирганлар эндиликда «Ҳожи бова» мартабаси ила яна бир поғона кўтарилдилар. Қайнотам тадбирли одам эди. «Бозор иқтисодиёти», «тадбиркорлик», «ишбилармонлик», «бизнес» деган

истилоҳлар истеъмол қилингач, қайнотам ҳам қараб турмаганди. Кишлоқда биринчи бўлиб ферма очгани катта ютук эди, ammo қайнотам бошқа соҳаларни ҳам егаллашни истарди. Пулни сандикда сақлагувча шифер ёки спирт шаклида сақласа, фойда тугади, деб ҳисобларди. Шифер келганда, ҳовлига машина-машина шифер туширтириб кўяр, спирт келганда, тонналаб спиртни бостирмаларга ғамларди. Уйга ароқ олиб келманг, деганимда Бўрининг устидан ғалабага эришгандим ва ароқни маънавий жиҳатдан «бомба» деб атагандим. Қайнотам бизнести муккасидан кета бошлаб, канистр-канистр, бочка-бочка спиртни уйимиз тагидаги ертўлада сақлаб кўйганидан сўнг шайтон сувини ҳақиқатан ҳам бомба деб атамасдан иложим қолмаганди. Битта ўт туташса, биз — ҳаммамиз кулга айланардик.

Хаждан яна гап чикқан кунларнинг бирида қайнотам ўз қарорини айтди:

— Шифер билан спиртни сотиб, ҳажга кетаман.

— Ҳажга борган одам бир умр қанда қилмай намоз ўқиши керак экан, — дарҳол эътироз оҳангида сўзлади Бўри, — сиз-чи, ота? Бир ўқийсиз, бир ташлаб кўясиз. Кейин яна бир гап. Али ҳожини яхши танийсиз. Шу кишининг ўғиллари тўйларда ичиб юрарди, дабдала маст бўлиб. Отаси хаждан келганидан кейин ҳам ичиб юришганди, ҳожилар «ўғилларинг ичмасин, бўлма-са, ҳажинг қуяди», дебди. Акам ичади, мен ҳам ҳар замон тўй-пўйда отаман. Шунча шифернинг, шунча спиртинг пулига, буям етмагандай фермадаги турт-беш молнинг пулига Арабистонга бориб келсангиз, биз тўйда ичиб кўйсак, нима бўлади? Пачка-пачка пуллар Арабистоннинг банкларига фойда келтиргани қоладими? Ўша пулларга араблар кўша-кўша хотин олса майлию, мен...

Бўри «Битта манави билан яшаб юрибман» дегандек

олайиб қараганида, баданимни совуқ тер босди. Ўнга хотинга уйланмайдими? У ўзини муслмон деса-да, исломни тушунмас, бешинчи фарзни ошқора ҳақорат қилиб, тилини оғир гуноҳга ботираётганди. Худди шу қондасини ўзига қарши қўлласам, қандай хулоса чиқади? У ҳажга боришни Арабистон банкларини бойитиш ва арабларнинг кўша-кўша хотини олишига шароит яратиш деб тушунар экан, нега отаси суннат қилдирганини маломат этмапти? Ким уни никоҳ ўқитиб, ҳалол оила қуришга мажбурлади? Жанозасиз дафн этилишга-чи, розими? У насронийликни қабул қилса ва бирорта насроний майхўр бўлиб чиқса, бу бутун бир насронийлик маданитини, ахлоқини белгилаб берадими? Жўн айтганда, Бўрининг тасаввурича, шундай. Аслида унинг оғзидан чиқаётган гапларнинг қонуниятларга мос бошқа ўнлаб теранроқ мисолларни кўндаланг кўйиш мумкин эди.

— Итмос, — шивирладим титраб, — Аллоҳ иродасига тил теккизманг. Ер шарининг қайси минтақасига бориб, ҳаж амалларини бажаришни Худо хоҳлаган. Агар Худо хоҳламаганда эди...

— Қанақа минтақа? Арабистонми? — энсаси қотди Бўрининг. — Унинг нимаси бизнинг ердан ортиқ?

— Яратган Эгам қирқ йил тарки дунё қилиб, ибодатдан бўшамаган одамга ҳам жамолини кўрсатиши дарғумон, — дедим мен. — Сизу биздекларга кўринмаслиги аниқ. Шунингдек, Ер шарининг ҳамма мамлакатига, ҳамма тилига, ҳамма одамига Китоб юбормаслигини ҳам ўзингиз яхши тушуна-сиз. Русларга, инглизларга, ҳиндларга, туркларга, японларга эмас, араблардан бирита юборди. Аллоҳ ҳар бир ишни ўзи билдиб қилади. Қайси миллат, қайси юртга юборсам, бандаларга ёқаркан демайди. Одамнинг ўзи ўйлаб, мушоҳада қилишига, танла-шига имкон берилган.

— Қисқаси, Худони кўшма! Мен буюк араблар ҳақида эмас, ҳозирги айрим хотинбоз араблар ҳақида гапиряпман!

— Э, ади-бади айтишманглар, — жеркиб берди қайнотам. — Бу йил жой йўқ экан, янаги йилга ҳужжат тўғрилаб, пулни ҳам тўплаб турамин. Сен, Бўри, отага қарши чиқишни бас қил! Аканг иккинчиганларинг учун ҳажимни кўйдираман деб хомтаъма бўлманглар. Бир култум ичсаларинг, уйга бир километр ҳам яқинлашмайсанлар. Уқдларингми?

— Нега?

— Негга дейсан-а? — гапта аралашди чойни хўриллатиб ичаётган қайнонам. — Ароқ гуноҳ деб отанг минг марта айтган-ку сента!

Бўри кулиб юбориб, мента пиеласини узатди.

— Ковоқ уйганча, чойдан куй-е, дин пешвоси!

— Бунга ақл кирмайди, — деди қайнотам.

— Ақлим оз бўлса ҳам, бир нарсани мушоҳада қилгилти, — лабининг чети истеҳзоли кулимсиралди Бўрининг, — ҳажга спиргларни сотиб бормоқчимисиз? Унга озроқ сув кўшилса, нима бўлади? Ароқми? Сув кўшмаса ҳам спирт, бу — ароқ дегани! Бундан чиқди, спирт сотиб, ҳажга бориш гуноҳ!

— Сен савдогарликнинг ҳақоллигини қаёқдан билардинг, ўқимаган! — дея қайнотам ўзига сочик отди.

— Ҳадисда айтилганки... — деб офиз очгандим, қайнонам жеркиб берди.

— Отин ойи, Ҳадисингизни «мулла папаша»нгизга айтасиз, хўпми? Эркакларнинг тапига кўп ҳам жиртилгаб кўшиглавермай, боринг, чой ичиб бўлган бўлсангиз, қизингизга қаранг.

Мен ноилж бошқа хоната чиқиб кетдим. Ўша йилги ҳам, кейинги йилда ҳам қайнотамга ҳажга бориш насиб этмади.

— Порани қаттароқ бериш керак-да, — деди Бўри.

— Ақл ўратгунча ферманинг ҳужжатларига қарасанг ўласанми? — койиб берди қайнотам. — Барданинг номига ўтказсанг ўтказдинг, бўлмаса, солиқларни ўзингнинг чўнтагингдан тўлайсан.

— Бардага пул берганман, ота, югурипти.

— Сен ҳам кўшилиб югур, аҳмоқ! У такасалтанг эглаёлмайди!

Фермани нима учун Барданинг номига ўтказиларига хайрон қолганман. Билсам, ўша кезлари янги фермерларни уч йил солиқдан озод қилиш ҳақида буйруқ чиққан экан. Солиқдан қочиб учун қайнотам ўз фермасини Барданинг номига расмийлаштириб, уни давлат идорасига янги фермер қилиб кўрсатмоқчи, солиқсиз яшамоқчи эди.

Оилада иккинчи қиз туғилди. Унинг исмини ҳам қайнотам кўйди. Нурухон бўлди иккинчи қизим. Ўраб турган қишлоқ муҳити эътиқодимни иззат қилмасда, фарзандларим мени англаб етдиган бўлишларига ишонардим. Икки боламни — Зейда ва Нурухонни ўз Роббисини таниган солиҳа қизлар қилиб воғта етказиш орузўйим эди. Ҳомилдорлигимдаёқ бунга киришган эдим. Мента нима ёмонликларни раво кўришса кўришсин, аммо қизларимнинг тарбиясини кимдир бўзишга уринса, танимда қандайдир исён уйғонишини юрагим ўшандаёқ сеза бошлаганди. Зейда тили чиққандаёқ «Фотиҳа», «Ихлос» сураларини ёддан билар, чуқуқ тили билан бидиртаб дуолар ўқир, саловатлар айтарди. Бўри улфатларига «Бизнинг хотин қизларимни ваҳҳобий қилиб тарбиялапти» деб кулганида жанжал кўтармасдим, сабр қилардим ва Аллоҳдан эрим учун инсоф сўрардим. Бойжанжал қишлоғи аҳли қизларимнинг саводи чиқаётганини кўриб, «мулланинг неваралари-да» деб уларнинг ақлу заковатини отамга нисбат беришарди.

Ўша йиллари мамлакатнинг бир неча жойида диний экстремистлар билан отишмалар бўлиб ўтди.

Хавфсизлик чоралари кучайтирилганида, мени ҳам Кишлоқ идорасига чақиртиришди. У ерда ички ишлар ходими ва милий хавфсизлик хизмати вакили куттишаётганини айтишди. Қайнотам Сирдарёдаги бир танишидан ўша кунлари бир тонна спирт келтирганди. Бир қисмини фермада, қолганларини уйимиздаги ертўла ва омборхонада сақлаётганди.

— Бўри! — хитоб қилди қайнотам. — Тез чиқ! Идорага милиция келиб, келинни чақиршибди. Ҳамма спиртларни ариққа тўк! Бирорта ашёвий дағил қолмасин!

— Шунча спиртни-я? — кўзлари ола-кула бўлди эримнинг.

— Келинни чақириб, алдаб сўрашади! Уйдан битта канистр топилса ҳам масаламиз ҳад, тушундингми?

— Э, ота, келиннингиз рўмол ўрайди-ку! Рўмол ўраганларни битталаб текширишпти деб эшитгандим. Спиртингиз билан кимнинг нима иши бор?!

Ҳақиқатан ҳам идорада кутаётган вакилларнинг дарди спирт эмас, рўмолим экан.

— Қачон бошлаб ўрангансиз?

— Ўн ёшимдан, — деб жавоб бердим мен.

— Ҳозир ҳам намоз ўқийсизми? — сўради кўк кўзли, озгин киши.

— Аллоҳта шуқр, ўранганимдан бери деярли қазосиз ўқийман.

— Бойжанжал Кишлоғидаги аёллардан яна кимлар ўқийди?

— Афсуски, ҳеч ким.

— Нега афсусланяптисиз? Ҳамма хотин-қизлар ўраниб юришини, намоз ўқишини, зикр тушишини хоҳлайсизми?

— Саволингизга қандай жавоб кутаётганингизни тушундим, — дедим вазминликни бой бермай. — Майлими мен ҳам савол берсам?

— Ҳўш, эшитайлик-чи?

— Сиз қачондан бери ўғрилар шайқасига аъзосиз ва нега бунча кўп ароқ ичасиз?

— Мен-а? — ғазабдан бўғриқди ходим. — Кимлигимни айтганимда ҳаёлингиз жойида эмасмиди?

— Бу киши ҳеч қандай ўғри эмас, ароқ ҳам ичмайди, — деди милиция ходими.

— Узр, ташқи кўринишингизга қараб ўғрилар тўдасига аъзо ва ҳар кун ичяди, деб ўйладим, — дедим мен. — Демак, янглишибман. Шўни унутмангки, сиз ҳам менинг ташқи кўринишимга қараб адашдингиз. Костюм-шим кийган, ситарет чекадиган, о3-моз ичиб турадиган ҳар қандай киши ўғрилар тўдасининг вакили ва пиёниста бўлмаганидек, рўмол ўраган, ибодатни қанда қилмайдиган ҳар бир аёл ҳам экстремист эмас. Хоҳлаганингизча сўраб-суриштиринг, мен чумолга ҳам озор бермайман. Маъхабим — қон тўккишга қарши.

Улар қайтиб безовга қилишмади. Бирок тақдир оиламига етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган синовни юборди. Мусибат оиламизнинг дам сокин, дам пўртанали кечаётган ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу мусибат сабабчилари қайнотам ва қайнонам эди. Ўша йили биринчи қор октябрнинг охирида тушди. Дағалардаги экинлар тўлиқ йиғиштирилмаганди. Тонгда уйғониб, сарфайган маккажўхори фарми устидаги оқликни кўриб, Аллоҳ мўъжизасига ҳамду санолар айтдим. Неки кун кўрсатса, ўзининг иродаси, қандай об-хавони воқе қилса, ўзи ёзган тақдир эди. Кундалигим баҳонасида мен — ожиз банда ҳаётда англаб етганим бир ҳақиқатни айтиб ўтаман. Биз — бандалар илму фан боида қанчалик жавлон урмайлик, коинотта не қадар ичкари кирмайлик, Яратганининг олаmidан ташқарида чиқиб кетолмаймиз. Бунга мисолларим

жула кўп. Масалан, Худойим таоло тулпроқ ва сувни яратиб кўйгач, иккисини аралаштирсанг, лой бўлади, деган қонуниятни ҳам унга эш қилган. Бир замонлар қадимги дунё кишилари тулпроқ ва сувни аралаштириб, лойни кашф этишиб, ундан фишт, хайкалча, идишни ихтиро қилганида, фақат ўз ақлига тасанно айтган бўлса бордир, аммо тулпроқ ва сувни ҳам, лой ва хайкалду идишларни ҳам бандадан аввал бунёд этган кўринмас Зотни унутмаслик даркор эди. Кимегарлар, физиклар, биологлар, об-хавони олдидан айтувчилар — буларнинг бари Парвардигори оламнинг яратган олами ҳамда қонуниятлари ичиде ҳаракат этишарди, бирортаси мутлақ бошқа оламга ўтиб, мутлақ бошқа нарсаларни бунёд этолмасдилар. Қилинган ҳар бир кашфиёт, ихтиро ва лойиҳа илоҳиёт олдиде эски, олдидан маълум олдий, жўн ҳолиса эди. Бунни мусулмон амалга оширадими, насронийми, яҳудийми, мумкин ва муқаррар бўлиб, ожиз бандалардан билгим, ҳаракат ва закийлик таглаб этишарди. Ким илм-фанни чуқур эгалдаса, Аллоҳ яратган табиат ичиге чуқурроқ кира оларди. Табиат бошқа нарса эди, Арши аъло бошқа. Америка ва Европада охириги юз-икки юз йил ичиде барча соҳалар ривожланиб кетганини мен — олдий келин олдий ақлим билан тўғри тушунардим, ҳечам хайрон қолмасдим, зеро ким, қаерда ҳаракатда бўлса, ўзгариш қила олиши файритабийий эмасди. Даррий олимлар ҳам табиатнинг ичиге чуқурроқ кириб боришлари мумкин эди, албатта. Табиат шундай бир молдий неъмат эдики, ундан фойдаланиш учун мусулмонми, хиндми, оташпарастми, насронийми, фарқи йўқ, тирик одам бўлса бас. Мен, ҳатто, кимдир май ичиб, сархушликда илоҳ ҳақида ажойиб шеър битса, бунга ҳам хайрон қолмасдим. Зеро, онгу шуурим билан барчасини англаб етандим.

Кечки овқатни еган одам билан ифторликни еган одам — иккиси ҳам бир хил неъматни тановул қилишади. Шунингдек, боқинчига ҳам орден беришади, ватан ҳимоячисига ҳам. Табиатан бир хил кўринган ҳодисалар жаннат билан дўзахнинг йўлини белгилаб беради. Шундай экан, тановул қилинган неъмат билан неъматнинг ва сазовор бўлинган орден билан орденнинг анча фарқи борлигини тушунмоқ ва ҳақ йўлга шак-шубҳасиз риюя қилмоқ керак эди. Ибодатим ва рўзаларим, яхши амалларим ва чиройли сабрим мени қандай саодатга элтишини юрагим сезарди. Мана бугун қор ёғди. Бойжанжал кишлоғи аҳли ичиде ким тўй-маърака қилаётган ёки экинни далада қолган бўлса, фалакка фарёд уришини ҳам билардим. Улар ўзларини омадсиз ҳисоблаб, Яратганини айбашлари ҳеч гап эмасди.

Кайнона-Кайнотам учун таҳоратга сув тайёрлаб, ўзим бир зумда ювиниб, ибодатимни адо этдим. Кайнонам ҳам ҳажга борадиган бўлиб қолгани учун бир неча ойдан бери намоз ўқирди. Бироқ тийрамоҳнинг фожиа юз берадиган мулҳиш кунинда улар намозга туришмади. Мен сўт пишириб, эндигина айвонни супураётгандим, кайнонам уй-фониб, ховлига чиқди.

— Кайнотанг бугун тўйда бир байрам қилай, деб намозга турмаганига мен ҳам ухлаб қолибман, — деди юз-кўлини юваркан. — Ҳечқиси йўқ, тўйдан келиб, «олтом» қилиб ўқиб оламан. Бўри қани? Яна кеч келдимми?

Ферма учун кеча пичан рамлаган Бўри ўз ишчиларига зиёфат бериб, ярим кечаси қайтган, хонасидан ароқ ва сигаретнинг бадбўй ҳиди сизиб чиқаётганди.

— Сал кечроқ келди, ухлаб ётибди, — деб жавоб бердим.

— Кор ёжжанини карант, Хуло ҳам шу бугунга корни тўғрилаб кўйганини, — тўнғиллади қайнонам.
— Тўйга келганлар совқотиб қолади-ёв. Оқбой ота кишлоғи тоғнинг энг салқин кишлоғи. Хозир у ерда гулгиллаб қор ёғатганмикан, а?

— Енгил ёғиб ўтган, ҳали киш бошланмади-ку, — дедим мен.

— Каякка қараб фол очяпсиз?

Олисада кўринган тоққа ишора қилдим. Кўнғир тусдаги пастак тоғни ола-чалпоқ қор қоллаганди.

— Ховлини тозалаб, саранжом-сарипшталаб кўйиш керак, — деди қайнонам неғадир.

Қайнотам ҳам уйғонди. Иккиси бирга чой ичишди. Бу уларнинг охири марта дастурхон атрофида бирга ўтиришлари эди. Яқинда «Дамас» сотиб олишганди. Қайнотам «Дамас»ни қиздирар экан, менга Бўрини чақирини буюрди. Чоғиб кириб, эримни уйғотдим.

— Ота, мен тўйга бормаيمان, — деди у бош оғриқдан азоб чекиб, уф тортаркан. — Салим тоғалар сизларга туғишган тоға, менга эса бир авлод нари, узоқроқ қариндош, бормасам хафа бўлишмайди.

— Кўп гапирма, бола!

— Узингиз ҳайдашга қизиқаётгандингиз-ку, нега рулга ўтирмайман деяпсиз?

— Бўлмаса, Бардани чақир! «Права»си уйдамаи ё яна «ГАИ»та тушдимми?

— Уйда, — деди Бўри дарвоза сари оёқларини судраб босаркан.

Қайнонам ошхона олдида эримнинг йўлидан чиқиб, деди:

— Нега бормаيمان дейсан? Ичганмисан?

— Ха, эна, унқиб боряпман. «ГАИ» тўхтатса, дабдаламни чиқаради. Отам нега ўзи ҳайдаб бормаяпти?

— Отанг икковимизнинг ҳажимиз ҳал бўлди-

ку, ойна. Шунга отанг бугун тоғаларнинг тўйида бир ичай деяпти. Охиргиси эмиш. Ҳажга бориб келганидан кейин ичиб бўпти. Хожилар ўз ўтиришларига кўшмай кўярмиш.

Ҳаял ўтмай спорт кийимидagi Барда шангиллаганча етиб келди. Овози бугун хирқироқ эди. «Хойнаҳой, кеча кўп отиб кўйган бўлса керак», деб гумон қилдим.

— У ҳам ичганми? — сўрадим эримнинг ёнига бориб.

— Э, каякдан билай! Кеча биз билан ўтирмаганди, — жавоб берди Бўри жержинганнамо.

Қайнотам уйдан чиқди. У кишининг бу уйдан охири марта чиқиши эди. Ховлига, яъни бир неча соатдан сўнг туманот одам тўпланадиган майдонга қараб, деди:

— Томорқата одам солиш керак. Кузда ҳаммаёқ алқашнинг уйидек расво бўлиб кетади. Анави маккажўхори фарамини сомонхонага босинглар деб ўтган кунни айтгандим. Қор эриб, ер қуригандан фермадан ишчи чақир, Бўри, эшитдингми? — Кейин у ўз тобути кўйиладиган ерни босиб, иморатларга кўз югуртирди. — Дераза-эшикларни оқлаймиз. Ҳаждан келганлар тўй қилиб беришяпти. Бўёқлари эскирган уйга меҳмон чақиринишга уялади одам.

Барда бу гапни эшитиб, «Дамас»дан тушиб, гап қотди:

— Сизни ҳалитдан «ҳожидево» десам бўлаверадими? Волийда ҳажга бормаганларни ҳам «ҳожидево» дейишганини кўрганман. Яхши ниятда «ҳожидево» дейишадиде.

— Сенга мумкин, — деди қайнотам киборларча кеккайиб.

Шунда Барда қайнотамни умрида биринчи ва охири марта «ҳожидево» деб атади:

— Тўйдан қайтганимиздан сўнг «Дамас»ни ҳам

Менинг номимга ўтказсангиз, ҳожи бовал Биринчидан, рудда кўрқмай юраман. Иккинчидан, давлат сиёзинг мол-мулкларингизни текшириб қолса, номингизда фермам йўқ, «Дамас» ҳам. Қиёматги кўшни шунанқа бўлади-да.

— Сен бизга тасодифан кўшни бўлиб қолгансан, Барда, — деди қайнотам. — Жуда қасамқўрсан-да. Битта нарсадан хурсандман, қабристонда менга кўшни бўлмайсан. Мендан кейин қирқ йил яшасанг, унганча қабристон тўлиб қолади. Сени бошқа ерга кўмишади.

Нимасидир ичкарида қолиб кетган қайнонам «Хозир» дея уйга шшилди. У кишининг ҳам уйга охири марта ўз оёғида кириши эди. Ҳаял ўтмай чиқиб, эшикни ёғди (охиригимарта ёғди). Соаттўққизлар эди. Аввал ёганимдек, тўйлар кўндүз ўтказиларди. Тушгача қарияларга, тушдан сўнг ёшларга.

— Бутун уйга кимдир келадими, чап қовоғим учди, — деди қайнонам «Дамас»га ўтираётиб.

— Ҳеч ким келмайди, — ишонч билан деди қайнотам Барданинг ёнига ўтираркан. — Талбир-падбир бўлмаса, ким келарди қарз сўрайдиганлардан бошқа. Одамлар ҳолингдан хабар оладиган замонлар ўтиб кетди, энди ҳамма таъмағир, ҳамма муттаҳам.

Ваҳоланки, кўп ўтмай бутун қишлоқ, жамики қариндошлар, узоқ-яқин барча танишлар тўпланиши хаёлларида ҳам йўқ эди. Қардан ҳам билгишин. Бандла олган нафасини чиқарадими, йўқми, мудом тумонда.

Қизларим Зиёда ва Нурухон ичкарида бўлгандари учун катта отаси ва катта онаси билан видолашиш насиб этмади. Машина юрди. Бўри ота-онаси дарвозадан чиқишларини кутмасдан уф тортиб ичкарига шшилди. Унинг видолашуви шу эди. Антик эслайманки, қайнотам ҳам, қайнонам ҳам юзларига

фотиҳа тортишмади. Мени-да фафлат босди. Хар доим оқ йўл тилаб, омин қиладиган содик келин қизларимга чалғидим ва дарвозани ёпа солиб, уйга югурдим.

Улар кетишди.

Улар қайтмас йўлга кетишди.

Барда бир кун аввал бўкиб ичган экан. Яп-янги «Дамас»да тўйга бориш, қолаверса, Бўрининг илтимосига йўқ деймаслик уни рудга ўтиришга ундаганди. Хайдовчилик гувоҳномаси йўқ экан. Бир ҳафта олдин мастликда қўлга тушиб, олдириб қўганини фожадан кейин эшитдик. Барда ўзини ҳамма ишни эглайдиган чаққон йигит деб ҳисобларди. Ўйлаб қарасангиз, у на табиат илмини, на илоҳий илми эғаллашда чаққонлик қилганди. Уни америкалик, европалик деб бўлмаганидек, мантиқан олганда, «Ўзбекистонлик эмас» дейиш ҳам мумкин эди. Ўзбекистон фуқароси ҳам шунанқа бўладими? Алдарди ва ўзи ҳам алдовларга учиб яшарди. Барда нафақат бировнинг автоуловини конунларни ортда қолдириб елдек учирди, у битта буюқ харид қилмасдан ўзини давлатга «ферма хўжайини» деб таништирди ва қайнотамдан пора олиб яшарди. Алалхусус, танасидаги жонга-да мутлақ хўжайинлик даъвосида бўлиб, қаттиқ адашди. Балки қачонлардир тавба қилишни кўнглига туккандир, эҳтимол, ўн йил ўтиб, эҳтимол, пенсияга чиққанида, истиффор айтмоқчи, Аллоҳни, ўзини, давлатни алдашга нуқта қўйишни режалаштиргандир. Ҳолбуки, ўлим қутилмаганда келди ва Бардага кексалик насиб этмади. Унинг инсоният билган-билмаган жамики режалари тўпироқдан ташқарида қолдирилди.

Уша кўни «Дамас» тўйга эсон-омон етиб келган. Одатга кўра, тушгача келган меҳмонларнинг орасидати чолларни ва аёлларни стол-стулларга

эмас, ичкарига таклиф этишарди. Қариялар орасида майхўрлар бўлса, ароқни чойнакка қуйиб келтиришарди. Қайноғам ҳам икки-уч пиёла ичган. Бир пайт қараса, ташқаридаги столнинг бир четини банд этган Барда ҳам қадах кўтарыпти. Бир бола орқали Бардани чақиртирган қайноғам «Нега ичяпсан? Рўлдасан-ку», деган. Барда «Ичганим йўқ, у минерал сув эди» деб алдаган.

Туш чоғи улар уйга қайтиш тапшишига тушишган. Тинимсиз сигарет чекаётган Барданинг ранги қизиллигини кўрган қайноғам уни сўккан. Барда эса: «Минерал сувга ҳам маст бўламанми?» деб қасамларни қалаштириб, гапни аскияга олган. Тўй-эгалари меҳмонларни кўчагача кузатиб қўйиб, ҳайдовчи тап тортмай ичиб олганига кула-кула тўйнинг ёшларга аталган иккинчи қисмини давом этиришга шўнғиб кетишган. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, тўйхонага совуқ хабар етиб келган. «Бойжанжаллик жиянларнинг «Дамас»и катта йўлга чиқиб, рўпарадан келаётган «Икарус»та тўқнашиб кетибди. «Дамас»даги учала одам жойида ўлибди».

Хабар бизниккига етиб келганида, мен қизларимни овқатлантираётгандим, эрим бошоғриққа бир оз отиб олиб, ухлаб ётганди. Юзида ташвиш қотиб қолган икки-уч киши дарвозадан бостириб кириб, «Бўри! Бўри!» деб ваҳимали овозда чақирганида, даҳшатли воқеа содир бўлганини фаҳмладим. Қўлимдан қошиқ тарақлаб тушиб, эрим ётган хонага отилиб кирдим.

— Дадаси!... — дедим ва бошқа бирор сўз айтолмадим.
Бўри ҳам фожиа юз берганини сездди. Фалати мунғайиб чиқди эшикка.

— Бардам бўл, Бўри, — деди эркаклардан бири. — Тўйдан қайтаётиб Барда «Дамас»ни авария қилибди.

Отангдан ҳам, энангдан ҳам ажраб қолдинг, ука. Аллох сабр берсин...

Эрим мурдадай оқариб, бир мента, бир ичкарида овқатланаётган қизларимга қаради. Бир сония ўтди, икки сония, уч сония... Дарвозадан эримнинг акаси югуриб кирди ва: «Худо урди! Уйимиз қуйди, уйимиз! Ота-энамиздан ажраб қолдик!» деб фарёд кўтарди. Бўри бошини чангаллаб: «Вой отажон! Вой онажон!» дея уввос солиб йиғлаганча акасига талпинди. Менинг ҳам кўзларимдан шашқатор ёш қуйлиб, рўмолимни тишладим. Сўнг ичкарига чопиб кириб, қизларимни кучоқлаб, унсиз йиғладим. Норасидалар катта отаси ва катта энасидан бир умрга ажралганларига ақллари етмай ташқаридаги шовқиндан хайрон қолиб, мента жавдирашарди.

Кўшнилар, қайнопамлар, қариндошлар тўпланиб, таъзия овози бутун қишлоқни тутди. Барданинг уйи томондан ҳам аёл-эркакларнинг фарёди кўкка кўтарилди. Бойжанжал қишлоғи куттилмаган хабардан тошдек қотди. Уч кишининг бирйўла ўлганини фафлагдани миёлар қабул қилолмади. Мастларнинг маслиғи, даҳрийларнинг даҳрийлиғи, юз ёшга қираман деганларнинг юзлаб кибрлари тарқаб кетди. «Нахотки?! Бўлиши мумкинмас! Эрталаб ўз кўзим билан кўргандим-ку!» дейишарди одамлар худди ўз кўзи билан кўрса, ўлмаслиғи керакдек.

Бир соатлардан сўнг уч майитни туман шифохонасидан келтиришди. Иккиси бизнинг уйга, бири Барданинг хонадонига киргизилди. Тирик одамлардан қолган етмиш, саксон ва тўқсон килоли жонсиз жасалдар Бойжанжал қишлоғини буткул даҳшатга солди.

— Майитларни маҳтал қилмай бутуноқ, асрдан сўнг чиқарамиз, — деди мул्ला.

Кўчага одамлар ва машиналар сизмай кетди.

Маҳалла йигитлари ҳовлини бир зумда саранжом-саришта қилишди, маккажўхори гарамини сомонхонага ташишди. Ҳовли чиннидай озода бўлди-қўйди. Стол-стуллар келтирилди, кўрпачалар тўшалди. Эрим, акаси ва бошқа қариндошлар чопон, дўши кийиб, белни боғлаб, бир сафта тизилди, ҳамма бараварига отамлаб, онамлаб йиғладилар. Хотинлар ҳам шўровий либосларини ечиб, оқ рўмол, беқасам тўн, енги узун кўк кўйлақларини кийиб, махси-қалишда фарёд уриб, айтиб-айтиб йиғлашда эркакларга жўр бўлишди. Эркаклар дарвоза олдида тик туришса, аёллар оломони ҳовлида тўпланишган эди.

Кайнонам «Дамас»нинг орқа ўриндиғида ўтиртани учун юзи бузилмаган эди, шунинг учун фақат кайнонамнинг бетини очишди. Кейин яна оқ сурпни ёлдилар. Мен ҳар иккисининг пешанасидан ўпиб, розилик сўрадим. Хотинлар ичидла битта мен фарёд урмаётгандим. Кимлардир турткилаб: «Хой келин, овозингиз қанчалик баланд чиқса, шунча яхши, бўлмаса, таъзиядан кейин маломатга қоласиз», — дейишди. Мен эса кайнота ва кайнонамни бошқалар каби «меҳрибоним», «суюнган тоғим», «бизни кимга ташлаб кетишсиз» дея алқамадим, етти маҳаллага етадиган овозда чинқирмадим. Шундай тарбияланган эдимки, меҳрибоним ҳам, суюнган тоғим ҳам Аллоҳ эди. Қачонки, банданинг ажалли ўз ниҳоясига етиб, Аллоҳ таолонинг топшириғи билан жаноб Азроил жонини оларкан, нега мен бундай олтий фармонга қарши исён кўтариб, қонунларни бузишим керак экан? Қизалоқлигимдаёқ сочини юлиб, ёқани вайрон этиб йиғламасликни, маййитни қучоқлаб, уни маҳтал этмасликни, тушқунликка тушиб, тақдирни азалга қарши сўзлар айтмасликни отам ўргатганди. Тирик банда келгусида албатта

ўнглаб жанозаларни кўриши отамга беш қўлдай аён эди. Падари бузрукворим биз — қизларини ўз жанозасига ҳам тайёрлаб, барча руҳий хужумларга қарши мулофани шакллантирганди...

Кундалигимга бу сатрларни ёзар эканман, отам менга қанчалик билим ва тарбия берганига қарамай, келгусида мулофамни ёриб ўтадиган қудратли кучлар кўтаётганини билмаганимни ҳам қаламга оламан. Йўқ, қайсибир маънода умуман кутмаганман десамайман, билганман, лекин уни олис уфқларни тўзитиб ўтадиган дайди бўрон деб ўйлаганман. Балки кайнотам ва кайнонамнинг фожиясидан кейин ундан-да катта фожия ўз эрим томонидан содир этилишини миям қабул қилолмай, эсимни йўқотгандирман, қўлимга курол олгандирман, йўлимдан чиққан тирик жон борки, бир бошидан отиб кетавергандирман, террорчи деган ном олгандирман...

Шундай қилиб, кайнота-қайнонамнинг таъзия маросими якунланиб, тобутлар ҳовлига чиқарилди. Эркаклар жаноза намозини ўқиш учун сафландилар. Таҳорат олган-олмаган, намоз ўқишни билган-билмаган дўшпили кишиларнинг сафи пайдо бўлди. Уларга юзма-юз турган мулда намоздан аввал дунёнинг ўткинчилиғи, Аллоҳнинг иродаси ҳақида бир оғиз гапириб, қайноғамни ёнига чақирди. «Отангиз тириклигида кимдан нимаки қарз бўлса, тўлайсизми?» деб сўради, қайноғам бошини сил-киб, «Тўлайман», деди.

Жаноза намози ўқилиб, тобутларни кўтаришга руҳсат берилгач, оломон гувава талпинди. Хотинлар оху нола чекканча ҳовлида қолишди, эркакларнинг елкаларида эса лопиллаб икки тобут кетарди. Юз қадам ҳам юрмай, уларга иккинчи тўда қўшилди ва энди уч тобут сўнгги манзил сари лопиллаб кета бошлади. Уч одамнинг ҳаёти тўтади, умри тўтади, ҳеч қачон қайтмас тириклик фасли хотима топди.

Биринчи қабрга қайнонам кўйилди, иккинчиси-га кайнотам, учинчиси-га Барда. Шундай қилиб, кайнотам Барда билан то Қисматгача кўшни бўлди. Эртасига худойи қилинди. Дошқозонлар тўлиб таом пиширилди. Кимсан — бадавлат фермер оламдан ўтган, деб қирқигача — ҳар бир маръака дабдаба-ли ўтказилди.

Уй хувиллаб қолгандек эди. Намозларим юпанч бўлди, сабрим мени ёлғизлатиб кўймади, фарзандларимга овундим. Аввал қандай келин бўлсам, фожадан кейин ҳам ўзлтигимни сақладим. Қайно-там ва қайнонамнинг бундайин вафот этишлари-дан афсусда эдим, албатта. Уларнинг хатоларини билсам-да, тиш ёриб, бирорга сўз айтмадим, шама ҳам қилмадим. Ғийбатчи хотинлар маръакаларда роса оғзимни пойлашди, «ичган олам гуноҳга ботиб, бирор фалокатга учраши аниқ эди», дейишимни куттишди. Куръон тиловат қилишимни, дуолар ўқишимни эшитган кўпчилик эса мени тушунди, хайрихоҳ бўлишди. Бирок Бўри тушунмади. Бўри-нинг назарида, ота-онасининг ўлимида мен мутлақо айбсиз эмасдим.

Дарҳақиқат, мени йўлдан суриб ташлаб, қиз-ларим билан жарликка аяларадиган даҳшатли куч ақинглашиб келмоқда эди. Кунларнинг бирида кимдир деразамизни оҳиста тақиллатди. Ким экан дея ўрнимдан туриб, пардани очдим. Очдиму сексаниб тушдим. У Ибод эди.

— Келин, иккита пиёла узатинг, — деди тиржайиб. Туш чоғи қизларимни ухлатиб, ўзимнинг ҳам кўзим илинганидан бошим гувиллаб, гапига ту-шунмадим, кўзимга кўринаётганидан хайрон эдим. Ибоднинг тандирхонадаги қилғилигини Бўрига айтганимда, «Ҳазиллашадид-да, мен ҳам хотинига ҳазиллашганман» дея давосларча жавоб

берганди. Бирок Ибоднинг фаҳш таклифи жиддий айтилганди, бундай гапнинг ҳазили бўлмасди, шу боис хонадонимга қадам босмай кўйганди. Хотини эса поччасининг дўсти билан дон олишиб юргани ҳақида эшитсам-да, бировга миқ этиб ғийбатини қилмагандим.

Пардани ёлдим. Дераза кучли тақиллади.

— Сизга нима керак? — дедим қайта юзланаркан-ман. — Жўнанг уйингизга!

— Иккита пиёла беринг, хўжайка, дарров қувиб соласиз-а?! — шилқимлик қилди Ибод. — Ана, эрингиз ҳам шу ерда. Ёмон феълингиз қолмади-қолмади-да.

Уйимиз орқасида кичик полиз бор эди. Бўри уватда ўтирган экан, бир кўлини баганд кўтариб, хитоб қилди:

— Деразани оч, гап бор!

Ибод ортга чекинди, мен деразани очдим.

— Кампир! — деди Бўри. — Иккита пиёла отвор биз — фақирларга!

— Сизларга пиёла нега керак? — сўрадим мен.

— Минерал сув ичмоқчимиз, шпашада турибди, — деб жавоб берди эримнинг ўрнига Ибод. — Қаранг, кун ёндирыпти, чанқадик.

Бўри кўлини кулоғига кўйиб:

— А-а? Нима дейди? — деб мени мазах қилди. — Минерал сув эмас, эчки сүти ичмоқчимиз, де, Ибод! Хозир кўчадан ўтаётган эчкиларни биттадан соғиб, бир шишани тўлдирганимизни айт! Эчкилар ҳам роса миннатдор бўлиб, бизни мақташди!

Иккаласи пик-пик кулишди. Қайфиятлари чоғ эди, демак, ароқхўрлик қилишмоқчи. Ота-онаси вафот этганидан кейин Бўри спиртли ичим-ликлардан тийилганди, аммо бу хурсандчилигим узокқа чўзилмаслигини билардим. Бойжанжал кишлоғида шундай одаг хўкмрон эди: ароқхўрнинг

Үйида жаноза бўлса, қирқ кун ичмасди. Уларнинг «эътиқодид»та кўра марҳумнинг хурматиغا чилла чиққунча ичилмаслиги, телевизор кўрилмаслиги, рўмоллар ечилмаслиги, тўйларга борилмаслиги керак эди. Қирқ кун ўтиб, «эътиқод» ароқ ичишга ва телевизор кўришга рухсат берарди. Тўйларга бориш ва рўмоллар ечилиши кейинроқ, асосан, марҳумнинг олти ойлик маъракасидан сўнг ҳал бўларди.

Мана, Ибоднинг қалами етиб, Бўрининг эски ҳаёти изига тушмоқда. Улар пиёдаларни дарҳол тўлдириб, полизда чордона куриб ўтирган кўйи ичишди. Газагига палак орасидан бодринг олиб ейишди.

— Ҳ!.. Анча енгиллашдим... — деди Бўри.

— Ма, чек, — ситарет тутди Ибод. — Ҳадеб пахан билан мамашкани ўйлайвериб, куйинма, жўра. Улар ҳозир жаннатда юришибди. Барда ҳақида бир нарса дейиш қийин. У тентак фельди эди, ўпкасини босиб ололмасди. Мотоциклда мени ҳам уриб кетай деган. Икки-уч марта айтдим, «бола, кўзингга кара» деб.

— Барда дўзахга тушгани аниқ, — деди Бўри тутун пуфлаб.

— Отанг билан энанг ҳозир бизни кўриб туришибди, — Ибод кўкка бокди, — лекин биз уларни кўролмаймиз.

— Хмм... — мингиллади Бўри осмонга қараб.

Шу пайт ёввойи каптар ҳаводаёқ хожатни амалга ошириб, Бўрининг пешонасини бежади.

— Ҳе ифлос! — сўкиниб юборди Бўри бодринг баргини юлиб, манглайини тозаларкан.

— Бойиб кетасан! Бойиб кетасан! — кулди Ибод. — Худо нимадир берадиганга ўхшаппти. Эҳтимол, ўғилли бўларсан.

Эрим бодринг баргларини фикимлаб нари отди.

— Куй! Ичамиз!

— Отанг жуда ишбилармон одам эди, биринчи

бўлиб ферма очгани катта гап, тўғримми? — деди фитначи шиша оғзини пиёдаларга энгаштириб, иблис сувини кустираркан.

— Тўғри.

Улар қайнотамнинг шарафига қадаҳ чўқиптиришди. Қайнонам иккисининг жойлари жаннатда бўлишини тилаб, ичдилар.

— Худо бекорга чақириб олмаган, — бурнини ишқалади Ибод. — Отангнинг ишбилармонлиги у ёқда ҳам керак бўлиб қолган.

Дин ҳақида қанча ножўя гапирсалар ҳам сабр қилардим, чидардим, лекин эндиликда менда нимадир ўзгараётганди, илк бор кўнглим ағдарлиб деразадан узоқлашдим. Бу гапни биринчи марта эшитишим эмасди. Кимга ёлгон, кимга чин, Бойжанжал қишлоғи аҳли ҳақиқатан ҳам қайнотамни Худо ўз хузурига бирор тадбиркорлик учун чақирган, деб ишониларди, давраларда тез-тез шу ҳақда гапиришарди. Дардимни кимга айтаман? Ўз-ўзидан ғазабланидиган, чап қўлим қалтирайдиган бўлди.

Ибод кетгач, мен ҳовлига чиқдим. Бўри чорпоғта ўтириб, ола қаради.

— Нега одамга ўхшаб муомала қилмайсан? — деди у. — Ибод арпантгни хом ўрганми, нима учун терс гапирдинг? Тарбиясизлигинг жонимга тегиб кетди!

— Пиёла керак бўлса, ўзингиз сўрамайсизми? Нега ўз хотинингиз ва қизларингиз ухлаб ётган хона деразасини номаҳрам эркакка тақиллаттириб, томоша қилиб ўтирдингиз? Тарбиясизлик ҳақида гапиришдан аввал сал ўйлаб кўринг.

— Нимани ўйлаб кўраман? Ибод дераза тақиллатиб, пиёла сўраганига, бирор жойинг камайиб қолдими?

— Бу даюслик.

— Даюс деб хотинини бошқа эркакка кўшганга

айтылады, қызғанмағанға айтылады. Қачон сени қиз-ғанмадим?

— Диндан хабардор бұлғаннигизда эди...

— Томи кеттан арабпараси! Ибод менинг ұртоғим-ку! Сента билим берган араблар ұз хотинини дўсти-га ишонмайди, мен ишонаман, чўнки кўнглимизда кир йўк, хотинбоз эмасмиз, дўстиниг хотинига кўз олайтирмаймиз! Бўни тарбия дейдилар! Араблар бўни тушунармиди!

— Уша ұртоғингиз мени «район»даги бир уйга таклиф этди. Эшитиб нима делингиз? «Хотинига хазиллашаман, у хам сента хазиллашади». Мен-ку рад этдим. Дўстингизнинг хотини-чи? Таклифингизни йўк демагандир? Сиз ва дўстларингизда имон, гурув, инсоф деган нарса борми ўзи?

— Вой, аблах диндор-ей! Сента ўхшаганларни давлат бекорға қамамаётган экан-да! Мени Ибод билан уриштирмоқчимисан? Эртага қишлоқни ик-кига бўласан: кофирлар ва диндорлар! Индин соқол-ди амакинглар билан бирга мамлакатни хам иккига ажратасанлар! Максалларинг шуми? Ўрта асрдаги қолоқ мамлакат қилишми? Электр йўк, телевизор йўк, түй-пүй йўк! Уруш, қон тўкиш, қалда узиш!

— Масгиз! Ыйламай гапиряпсиз!

— Билмасанг билиб күй! Ибоднинг тўйи бел-гиланибди! Ўғилларига суннат тўй қилипти! Шунни айтишга ва ювишга келди. «Жўра, ота-онангдан бир кунда айрилиб эзлиб кетлинг, ма, ич, ен-гиллашасан», деди. Ростдан енгиллашдим. Агар ароқ одамни енгиллаштирмағанида, кайфитини кўтармағанида, ичмасдим. Ибоднинг уйи бўлак. Сен-чи? Шу хонадонда яшаб, шу оиланинг келини бўла туриб ота-онам ұлганда овоз чиқариб йиғлама-динг! Ибод кўчанинг бошидан «вой, бовам-ей!» деб бўкириб келди. Унинг бўкирити халиям қулоғим

остида жаранглаб турибди. Сен-чи? Ота-онамнинг шунчалик хурмати йўқмиди?

— Овоз чиқариб йиғлаш марҳумға енгиллик келтирса эди, мендан бошқа аёлнинг овозини эшитмасдингиз!

— Сен — ваххобий неға бақириб йиғламағанинг-ни айттайми? Отамнинг ичганини эшитдинг! Ха, тоғаларининг тўйида отам қиттай-қиттай ютган. Сенингча, ичган одам дўзахға тушади. Ичган-чеккандан уруг-аймоғинг билан нафратланасанлар! Ичмаган-чекмағандарининг қанча қасамхўрлари-ни, тулқиларини, судхўрларини, иккита хотин ол-ганларини кўриб қорибмиз! Ичган деб отамдан иргандинг! Нима хәққинг бор ирганишга?! Хозир хам ичингда шундай ұйлапсан! Битта сен эмас, отанг, онанг, амакиларинг, қим намоз ўқиса, хам-манг шунәқа ұйлапсанлар! Гўёки сизлар жаннаги, қолтан жамики одамзот гүнохқор! Нотўғрими?

— Аллох билгүвчи! Унинг ишларига аралашманг!

— Балки Аллох сени хам билар?

— Бу нима деганингиз, дадаси? Ширк келтирманг! — Шунча намоз ўқийсан, рўза тутасан, неға унда ўғил бермади? Сени билар экан, ўғиллар бериб, қозингги ёруғ қилиб кўймайдимиз? Ибоднинг хотини мен билан валъсга тушган, вино ичган, намоз ўқимайди, рўза тутмайди, яғло қилиб яшайди. Қа-ра, унға нечта ўғил берди! Яқинда тўй қилипти! Мен тўй хам қилолмайман, элу юртға мана шу ховлимда ароқ хам беролмайман! Сени деб! Фақат сени деб!

Асаб торларим узлиб, санқли иллар қолгани-ни хис этдим. Қачонлардир Бўри Бойжанжаддаги қалтафахм хамқишлоқлари қаби ұз қизларидан юз буриб, менға «ўғил туғмадинг!» деб маломат қилишини кутардим, бирок иккита қиздан кейин бунча тез, бунча хакорат билан, осийлик билан...

Очиги, ғазабдан қалтираб, гапиролмай қолдим.

У нафақат мента ва фарзандларига, Роббисига ҳам тил тежкисаётганди. Уйлаб одамлар маст бўладиган дабдабали тўй қилолмаётгани учун ўқинаётганди. Икки дунёси куйиб бораётганини кўрмаслик учун кўзим ва қалбим сўқир бўлмоғи керак эди.

— Тавба қилинг, дадаси, тавба қилинг... — йиглаб юбордим мен.

— Ибод ўзига тўй қилгитти, бошқа синфдошларим ҳам тўй қилишди... Мендан кейин уйланганлари ҳам... Битта мен... Битта мен сени деб бўйним қисик...

— Сабр қилинг!

— Йиглаб енгаман демал! Мен кўрган-билганимни гапиряпман! Ҳаёт мен кўрганимдек, асло сен кўрганингдек эмас! Сенинг дунёқарашинг ёлғон! Ҳаётни идеал тутиб, атроф-оламни кўрмаяпсан! Ҳаёт қобилига ўралиб қолган зомбисан! Эртага бирор диндор «бунақа кофир эрни портлатиб юбор» деб, белингга бомба боғласа, мени ҳам, синфдошларим-ни ҳам портлатиб, камикадзе бўласан! Шахидлик шу, деб жаннатга тушишни истайсан! Мана шу ҳақиқий қиёфани! Билдинг!

— Шахидликни кўйинг, ўзимиздан гаплашайлик! Ҳаёт сиз кўрганингиздек экан, дадаси, наҳотки, қизларингиз кўзингизга фарзандларингиз бўлиб кўринмаяпти?

— Тобутимни қизларинг кўтарадими? Қариганим-да ёлғиз сўшпайиб қолишни хоҳламайман!

— Уйлаб гапиринг! Ҳар кимга ҳам тобут насиб этмайди, кексаллик насиб этмайди! Пешонангизда нима ёзилганини билмасдан қибрланманг! Қанча одамлар самоётларда портлаб, океанларда йўқолиб кетяпти. Ким кўтаришидан қатъи назар, ҳар кимга ҳам тобут насиб этсин!

— Айтмоқчисанки, мени бир овлоқда ўлдириб, мурдамни ёқиб юборишди. Шундайми, совуқ нафас?

Оғзингдан ҳар доим беҳосият гаплар чиқади! Нариги дунё, қабр азоби, дўзах. Биров билан хайрлашаётсанг, «жаннатда учрашайлик» деб ўлим тилайсан...

— Ўлим тиламайман! Сиз жоҳилсиз, холос. Ҳамангиз кафандан, тавъядан, тобутдан кўрқасизлар. Ҳали кафанга ўралиш, тавъия, тобут насиб этадими, йўқми, бунча кериласизлар, мен шунга айтмоқчиман. Ахир, дом-дараксиз йўқолиб кетиш, ўлиги ҳам топилмаслик — қанча-қанча фожиадар юз беряпти.

— Учир!

— Тобутни қизлар кўтармайди дейсиз. Агар кафанга ўралиш, жаноза, тобут насиб этса, кўрқманг, ҳеч қачон тобутингиз ерда қолмайди, кўтарадиган мўмин у мусулмон эркаклар албатта топилди...

— Учирасанми, йўқми?! — Бўри устимга бостириб келиб, ёкамдан бўғди. — Кимга ўлим тилапсанг?! Мента кўп яшаш насиб этмайдими? Сендан кўп яшайман! Кунинг тезроқ битса, тавъиянгни кўрсам, армоним йўқ!

— Охирги кунингизни ўйлаб, ўғлим йўқ дедингиз, мен ҳам охирги кунингиздан гапирдим! Бир кун келиб қизларингизнинг дуоси у дунёда сизни жаҳаннам оловидан қутқарганида, хурсандлигингиздан хўнг-хўнг йиғлайсиз! Ёлғон дунёда озор берганингиз учун виждонингиз шунчалар қийналадики, кўзимизга қараёлмайсиз! Сабр қилинг, Аллоҳ ўғил беради. Агар бермаса ҳам шукр қилиш керак!

— Бермаса ҳам шукр қилиш керак? Нималар дейяпсан, савдойи?!

— Ҳар бир олган нафасимиз учун ҳам Аллоҳимга шукрона айтсак арзийди...

— Бўпти, икки қизингга шукр қилиб, хурсанд бўлиб, дуолар ўқийвер! Устингга хотин олиб, ўғил туғдириб, суннат тўйлар қилганимда, аҳволингни кўраман!

— Икки хотин олиш хукми сизга эмас. Худота фақат ўғил берсагина шуқр қилиш керакми?

— Мента мен хоҳлаган нарсаларни берса, шуқр қиламан! Мукулмон бўлмаган қай гўрдаги кимсаларга миллиардлаб доллар, ўғил-қиз, ёш-ёш машшукларни бериб...

— Бас! — дея эримнинг оғзига кафт босдим.

— Торт кўлингни-е! — силтаб ташлади Бўри.

— Сиз касалсиз...

— Нима дединг? Ким касал? — У мени устма-уст дўшпослади, бошимдан рўмолим учиб кетди. — Касал сенсан! Ҳали ўғил туғмаётганингга мени айблапсанми, хайвон?! Балки ота-онасига қўшилиб ўлиб кетмади-да, деб афсусланаётгандирсан? Барданинг ўрнида рулда мен бўлмаганим учун сочингни юлаётгандирсан? Сизларда эри ўлса, кўп аза тутмай, илдаси туғатгандан бошқасининг тушлагига кириш одагини эшитганман! Бир маърақада отанг тапирган-ди. Мен ўлсам, сен ҳар доим ижирғанадиган замонавий аёллардай садоқат сақламай, илдани соатлаб кутасан! Кейин бирорта пағат соқолли муллаваччага иккинчи хотин бўласан! Мулавачча ҳам жон-жон деб никоҳига олади, чунки манави бойликлар сенга мерос қолади! Ичинглагиларни тўғри топдимми, отинча?! Касалсан эмиш! Жонимдан тўйдириб юбординг-ку! Мана энди кўрасан ким касал эканини! Рўмолимга тармашиб, бошимга ўрашга уриндим, шу аснода кимдир келиб қолса, шарманда эдим-да. Аммо рўмолимни ўраётганимда ҳам бир неча тепки эдим, кўзларимдан учқун сачради.

— Жисмоний касалсиз демалдим, сизнинг руҳингиз касал... — зорландим мен. — Ҳеч бўлмаса, рўмолимни ўраганимча тепмант, дадаси...

Бўри ёқамдан бўғиб, жойимдан турғазди.

— Ким руҳий касал? Ким псих? Гапир, ифлос!

— Руҳий касал эмассиз... Қалбнингиз касал демоқчи эдим...

Тарсаки тушириб, ерпарчин қилди. Шовжин-суронни эшитган қизларим уйдан чиқиб, чинқириб йиғлаганча мени кучиб, ўзларининг жажжи таналари билан зарбаглардан Ҳимоя қилишди.

— Сени ҳам, қизларингни ҳам, ўқийдиган Курьонингни ҳам... — деди Бўри ва гапини қандай давом эттиришни билмай, тишларини фижирлатди.

Бошимни кўтариб, саз нарида ётган тошни кўрдим. Агар у гапини давом эттирса, тошга қоллондек ташланиб, Бўрига яшин тезлигида ҳамла қилиб, миясининг қатигини чиқариб юборишимни ўйладим. Нима қилсам-да, вужудимни қотилликдан тўхтатиб қолишим зарур эди. Бўрини бутун ўлдирмасам, эртага инсофта келиши мумкин. Қолаверса, қизлариннинг кўз ўнгида хунрезликка қўл урмаслигим даркор.

Қизларимни кучиб, судралганча ортга чекиниб, атрофга аланг-жалаң бoқдим. Кўз ёшларим қуриб, тез-тез нафас олардим. Қизларим ҳам, Бўри ҳам мендаги ўзаришдан тахтадек қотиб қолишди. Юзимданми, кўзимданми қон томаётганди. Мен мен эмас, йўлбарс эдим. Вужудимда қандайдир ёввойи куч тўпланаётганидан ўшанда тушунолмай, кутуриятман деб ўйладим. Қандай қилиб бўлса ҳам, танимни бу куч тарқ этишини куттишим керак эди. Ишқилиб, Бўри Курьонимни ва қизларимни ҳақорат қилмасин... Ишқилиб, у мени уриш учун яқин келмасин... яқин келмасин... Агар бир қадам ташласа, мажаклаб ташлайман...

— Яқинлашма!.. Бир қадам ҳам яқинлашма!.. — чинқирдим Бўрига.

Қизларим «аяжон» деб йиғлаганча бўйнимдан кучишди. Эримга аждарҳодек вишилладим:

— Нарй кет!.. Кет дедим сенга!..

Танам шундай титрай бошладикки, иягим шакиллар эди. Атрофга аланглаб, қоронғи хонани ахтардим. Кўнглим зулматни тусаётган эди. Ҳозир бирор хонага кириб, пардаларни тушириб, кўксимни захта бериб ётсам, ҳаммаси ўтиб кетадигандек эди.

— Эй худойим, нима бўлди сизларга? — деганча кўшни хотинлар хай-хайлаганча келиб қолишди. Бирни мени қизларимдан ажратиб, маҳкам кучоқлади, иккинчиси оғзимга сув тутди, учинчиси Бўрини итариб-суриб дарвозахона томон олиб кетди.

— Яқинлашманглар... яқинлашманглар... — телбаларча такрорлардим мен.

Ўша кунни руҳиятим ўз қолипидан чиқиб, ўрнига қайтиб тушмади. Менда қандайдир тушунарсиз холатлар рўй бераётганли. Кўзуга қарасам, ўзим эмас, бегона аёл кўринарди. У «Нега бундай ҳаётга кўниб яшапсан? Озолликка эриш! Ўз эътиқодинг билан яшаш — озолликдир!» деб уқтирарди.

Эрим гўмон қилганидек мен бошқа эркакка, хусусан, диндорга турмушга чиқиш ҳақида ҳаёлимга ҳам келтирмаётгандим. Илда ҳақида ўн ёшимдан бери билардим, лекин нафақат ўша пайтларда, Бўрининг ичкиликка муқкасидан кетганида ҳам у ўлиб, бошқа эрга тегиш хусусида ўйламагандим. Бўрининг кўнгли кир эди. Мени ҳам ўзидек деб ўйлаб, хулоса чиқарганди.

Кечкурун қайноғам ва қайнопамлар тўпланишди. Бу — умримда кўрганым Учинчи терговхона эди. Улар марҳумларнинг қирқи ўтиб, Бўри ичшини бошлаганини, мени ва динимни ҳақорат қилганини, тепиб-урганини эмас, бутунлай бошқа масалада тергов иштини очилди.

— Ўзларинг гапиринглар, чарчаганман, охирида кўшимча қиламан, — деди қайноғам. — Мен судьяларингман.

— Келин, — деди қатта қайнопам, — «ўзинг пиширган ошни ўзинг ейсан» деган мақолни эшитгансиз. Рўзгорларингда нима муаммо туғилса, ҳаммасига сиз айбдорсиз. Бунга ўз укамни оқлаш, ён босиш учун айтмапман. Четдан бир қаранг, кимсиз? Характерингизни ҳеч ким тушунмайдиган, ярим ёввойи, кўрс, муомаласиз, фалати хотинсиз. Укам чидаб яшаётганига раҳмат денг. Ҳеч замонда ўйингизга келган меҳмонга, ўз эрингизнинг ўртоғига ҳам «Нима керак? Уйингизга жўнанг!» дейсизми? Бўри йўқ бўлса ҳам майли, унинг кўз олдига шундай дебсиз. Иккита пиёлани узатиб юбориш шунчаллик қийинми?

Миям гувиллаб, ҳаммага анграйиб қарадим. Бу хонадонга иблис яшириниб олган эди. Мен иблисни топмоқчи бўлдим. Иблисни олдий кўз билан кўриб бўлмасди. У қопқонга тушиш ўрнига, аксинча, одам боласининг ўзини осонгина илинтирарди. Аллоҳнинг лаънатига учрагунга қадар фаришталарга дарс берадиган ўта билимдон муаллим бўлганини ҳам унутмаслик керак эди. Жаннатдан қувилгач, билимини мақр, фитна ва ёвузликка қаратди. Йўлдан уришга шунчалар ажбир эдики, билимсиз, аиниқса, имони суст оддий одамларни осонгина алдаб, гуноҳга ботирарди. Унга қарши туриш учун одам боласи чуқур билимга эга бўлмоғи ёки имон ва виждон, одоб-ахлоқ ва инсофни маҳкам тутиб, мақрларга чап бериш мумкин эди. Шайтон на одам, на хайвон шаклида эди. Катта-катта кўзли, шохли, думли, түёғи бор деб тасаввур қилганлар инглишгандилар. Унда кўз, шох, дум, түёк нима қилади? Бундай аъзолар Ерда яшовчи одам ёки бошқа жонзотларгагина зарур эди. Шайтон одамнинг қонида қандайдир модда шаклида яшайди дейиш ҳам тўғри эмасди. Гап иблисининг қандай

шакл-шамойилда яшашида эмас, ҳаётда воқе бўлишида эди. Фикримча, иблис ҳис-туйғу шаклида одамларнинг ҳаётига кириб, фикрга айланарди. Бекорга баъзи олимлар фикр туйғудан келиб чиқадди дейишмаган. Энг катта курул — мафкура эди. Иблис одамзотнинг мафкурасини ўзгартириб, мураватини бураб қўйса бас, кейин шахсан бирор бандани йўлдан уриши шарт эмас, барча ёмонликларни одамларнинг ўзлари қилаверишадди.

Тушундимки, иблис уйнинг бирор кунжагига эмас, шу оилада тугилиб, тарбияланиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган қизлар ва ўғилларнинг — ҳозир қаршимда кап-катта эркак ва хотинлар қиёфасида ўтирганларнинг дунёқарашида яширинганди. Улар бирор сурани эглаб айтолмасдилар. Биз маймундан тарқатганимиз деб ишонардилар. Қайнотамнинг отасининг отасининг отасининг... қисқаси, юз минг йил аввалги отаси дарахтга тирмашиб чиқиб, банан ейдиган эси йўқ, иптонсиз, балбашара маймун бўлган эди. Ўша маймун фақат бугунини ўйлаган шекилли, қаршимдаги инсонлар ҳам ҳозирги дами билангина яшарди. Улар учун ўтмиш ҳам, келажак ҳам йўқ эди. Ўтмишни ҳам ушлаб бўлмайди, келажакни ҳам, нимадан кўрқиш керак?

— Нега жимсиз? — тергади катта қайнопам. — Иккита пиёлани узатиб юборсангиз бирор жойнингиз камайиб қолармиди?

— Ибод ўртоғи тандирхонада хиралик қилган, — дея сирни очдим. — Укангизга айтсам, ҳазилга йўйдди. Нахотки, шундан сўнг ҳам уни мен ва қизларим ётган хонанинг деразасини тақиллатишга юбордиди?

— Ибод ҳазиллаган, аҳмоқ! — шангиллади Бўри. — Жўраглар бир-бирининг хотинига шунақа ҳазиллар қилишадди. Опаларим, сизларга почамларнинг жўраглари ҳазиллашмаганми? Ака, сиз-чи? Дўстин-

гизинг хотинига ҳазиллашмасангиз, шу ҳам жўрачилигимки? Яна бу отинча ўзини телбаликка солиб, эси оққанга ўхшаб кўрқитишни билди! Ундан кўра эс-хушни йигиб, ҳаётга оптимистик қарасин! Еки рухий касаллар шифохонасида даволаниб келсин!

— Бўрижон, сenga сўз берилмади, жим тур, — деди катта қайнопам. — Аввал биз гаплашайлик.

— У ҳазил эмас эди, — дедим куйиниб. — Аллоҳ ҳар кимга инсоф берсин. Куйиб гапиратганимнинг сабаби, пиёла керак экан, дадасининг ўзи келса ёки менга айтмай, пиёлаларни ошхонадан олиб келса бўлмасмиди? Ароқ ичадиганларга пиёла ташишдан ўзи сақлашни дуоларимда сўрашимнинг маънисиди...

— Маънини қўйиб туринг, — деди кичик қайнопам. — Биз диний ваззларингизни эшитишга келганимиз йўқ. Укам ичадими, чекадими, шахсий иши! У ёш бола, сиз эса ота-онаси эмасиз таққилаб? Ким ичмайди? Деярли ҳамма ичди. Эшаклар даврасида эшак бўл, деган гапни эшиттанмисиз?

— Мен одамман, опа, эшаклар даврасида ҳам одамлигимча қоламан.

— Тушунмадим, бу билан бизнинг оилани эшак демоқчимисиз?

— Эшак бўл деганингизга фақат ва фақат ўзим ҳақимда гапирдим, холос, опа. Ҳеч бирингизга тили теккизмадим.

— Мен ҳам сизни эшак бўл дедим, рамзий маънода айтдим! — ўшқирди кичик қайнопам.

— Минг марта эшитдик ҳар бир гапга ўнга жавоб қайтаришингизни! Энди пичоқ суякка қадалди. Ё динни дейсиз, ё оилани! Тушунарлими?

— Иккисидан бирини танла дейиш сизга ярашмайди, — дедим вазиятни юмшатиш илпинжида. — Бундай савол қўйган одамнинг охираги куяди...

— Э, қўйса қуяверсин! Ўлганимдан кейин пишириб емайдимми?!

— Тұхта, тұхта, қизишмантлар!.. — Кайноғам хам камлик қилди. — Келин диндор оилада ўстан. Унга буннақа муомала қилиш — оилани бузиш дегани. Ажраштириб юбориб, Зейда билан Нурхоннинг уволита қоласизлар.

— Ака, юмшоқлик қилманг, синглим тўппа-тўғри айтди, — деди катта кайнопам. — Хамма жанжалларга диндорлиги сабабчи. Диндан жа юз фоиз воз кечмаса хам, ярмидан кечиши керак. Масалан, худо кўнглида яшасин, етади шу. Намозни йиғиштирсин, пенсияга чиққанда ўқийди. Хижобни ташлаб, кичик зар рўмолга ўтсин. Ичганими, чекканми, уйига келган мўмонга одамдай муомала қилсин. Бу билан биров унга сен хам ич, чек, дегани йўқ. Мана, биз юрибмиз-ку. Бир машойих кўнглинг худода бўлсин, кўлинг мўнатда деган, тўғрими? Айнан келин-боп хикмат! Келин мўнатни қилаверсин, кўнгли худони эслайверсин. Хўш, шунга келишамизми, Нигора? Биз хам чарчаб кетдик-ку фельдингиздан.

— Баховуддин Нақшбанднинг хикматини нотўри талқин қилипсиз.

— Уф, яна ваз, насиҳат, дин! — пишқирди кичик кайнопам. — Қачон одамга ўхшаб гаплашамиз, бара-ка топгур?!

— Судьяга кулоқ солинглар-е! — тиззаглаб ўтирди кайноғам. — Аёллар барибир бир тұхтага келолмайди. Келин билан мен гаплашаман, сизлар жимгина кулоқ соласизлар. Хулоса охирида бўлади.

— Хўп, гаплашиб кўринг-чи, нима каромат кўрсатар экансиз, — деди катта кайнопам.

— Фойдаси йўқ, унинг томи кетган, — ҳафсаласиздик билан кўл силтади Бўри. — Бошида ажрашиб кетмадим-да. Бугун томи қандай кетишини битта мен эмас, кўшинлар хам ўз кўзлари билан кўришли.

— Сен жим ўтиргин, менинг рухсатимсиз га-

пирматин, — деди кайноғам эримга. Кейин менга юзланди. — Келин, диндан кечасизми?

— Йўқ, — деб жавоб бердим мен.

— Оилангиз нима бўлади?

— Аллоҳ ўз паноҳида асрайди. Мен хам, қизларим хам кўчада қолмаймиз. Худо хоҳласа, уларни солиха қизлар қилиб тарбиялайман, ҳеч ким онгларини заҳарлаб, имонларини сусайтиролмайди. Ақлга сифмас шарт кўйиб, оғир гуноҳга ботлпсизлар.

— Хижобни хам ташламайсизми?

— Ташламайман. Хижобдан кейинги либосим кофта-юбка эмас, кафан бўлади.

— Вой ўлмасам... Ниятини қаранглар... — ёқаларига тўфлашди кайноपालарим. — Кафан дейди-я! Тавба, тавба! Бўрига ҳақиқатан хам ачинади киши. Бунчалар совуқ нафас, бунчалар қора ниятли хотин билан яшаш бечора укамизга осонми?!

— Хижоб арабларнинг диний кийими, — давом этди кайноғам. — Эл катори юриш сизга шунчаллик шармандалими, келин? Атлас кўйлак, зар рўмол деган миллий кийимлар бор-ку! Сизга айнан алламбало кийимларда юринг дейилмайтти. Кайноға сифатида бу гапларни гапириш менга уят...

— Кайноға сифатида тугул, мусулмон сифатида хам уят, ака, — дедим мен. — Арабларга тақлид қилиб эмас, тарбиямдан, дунёқарашимдан келиб чиқиб кийинаман, имонимдан келиб чиқиб кийинаман. Майли, бошқаларни тарғиб қилмайман. Ким кофта-юбка кийса, ўзининг хоҳиши бўлганидек, хижоб хам менинг хоҳишим. Бундан чиқди, бошқалар ўзининг маданиятига мени мажбурламаслигини илтимос қиламан. Мен хам уларни хижобда юринглар деб мажбурламайман. Бўладими?

— Унда сизга маслаҳатим, хижобингизда хам юраверинг, намозингизни хам ўқийверинг, ле-

кин... — Кайноғам агрофидагиларга кўз югуртирди. — ...Лекин тинч-тотув яшаш учун бир-биримизга халақит бермайлик. Тўғри гапиряпманми? Мисол учун, Бўри ичасан деб келинни мажбурламайди, келин эса нега ичдинг дегандек Бўрига қарши бормаиди. Қалай? Ўзи гап шунга бориб тақаляпти-да. Ё хато гапиряпманми?

— Хато эмас, — деди катта кайнопам. — Чидаса бўлади.

— Бу кўнармикан? — Кичик кайнопам мента қош учирди. — Диндорлар жим қараб турмайди. Бундайлар дарров бир камчилигининг топиб, юзингга айтгади, гаплашмайман, бирга ўтирмайман, бирга яшмайман ва ҳоказо ғавғоларни яхши кўради.

— Жим қараб туради, — менинг номимдан гапирди кайноғам. — Битта мисол — Европа! Ҳозир Европа биздан юз йил олдинда. Нега? Европа диндан воз кечиб, ривожланиб кетди. Кўчалари чиннидай тоза, аҳолиси йўл белгиларини отасидай хурмат қилади, писта ташламайди, сигарет қолдиргани улоқтирмайди, ҳатто асфальтга туфламайди. Электр токи ҳам Европада келди, машинаю самолётлар ҳам, автомагу танклар ҳам, футбол дейсизми, баскетбол дейсизми, э, ҳамма-ҳаммаси Европая Америкадан келган. Эркагино аёли тинимсиз билдим ўрганади, бир нималарни ихтиро қилади, тажрибалару изланишлардан чарчамайди. Фазога учган ҳам шулар, Ойга борган ҳам шулар, об-ҳавони олдиндан айтган ҳам шулар. Биз-чи? Улар ўйлаб топган нарсалардан фойдаланиб гердайиб юрибмиз. Хўш, нима учун муулмон бўлмаганлар ривожланиб кетди? Чунки диндан кечиб, эркинликка чиқди. Бир вақтлар инквизиторлар тараққийга роса тўсқинлик қилган, черков тараққийни гиппа бўғиб олган. Энди-чи? Епископлар давлат ишига аралашмайди,

кийинишга, юриш-туришга тумшугини тикмайди, илм-фанга тўсқинлик қилмайди. Биз-чи? Электр лампочкани кўрганлар «шайтон чирок» деганми-ей, велосипедни «шайтон арава» деганми-ей... Йиғлагим келади. Халигача хурофот, бидъат, иллат, ирим-сирим. Бир қарасанг фалон мамлакатда бир мазҳабдаги муулмонлар иккинчи мазҳабдагиларнинг масжидини портлатган, бир қарасанг халқнинг олдига дорга остан, автоматда тариллатиб отган. Тўғрисишни айтсам, ўл бу кунингдан дейман. Яхшиям, бизни руслар босиб олган экан, акс ҳолда ҳозир энг қашоқ ва қолоқ мамлакатда яшардик.

— Фикрингизга юз фоиз кўшигман, — деди кичик кайнопам. — Бечора муулмонларимиз бор жойда жанжал тинмайди, ғийбат тўхтамайди, қачон қараманг уруш, отишма, портлатиш, тошбўрон.

— Бунинг соқолли амакилари ҳам пайт пойлапти, — ярим ҳазил, ярим чин қилиб сўйлади Бўри. — Мабодо террорчилар бостириб келишса, биз аввалдан сизларни кутаётгандик, кофирлар намоз ўқимизга қарши эди, ҳижобга руҳсат беришмасди, деб бир бошдан бизни ўлдиришди, дорга осиди, деб бир бошдан бизни ўлдиришди, дунёни вайрон қилиб, вабони тарқатиб, илм-фанни йўқ қилиб, кейин тинчишди.

Вужудимга сабр мадалга келди. Титроғимни зўрга босдим.

— Сизларга саволим бор эди, — дедим бошимни кўтариб. (Овозим қалтираб, ички тўфонларим сезилиб қолди.)

— Нима савол? — сўради кайноғам аҳволдорухиямдан хавотирланиб.

— Сизлар муулмонмисизлар, насронийларми, яхулларми ё Худога ишонайдиганларми? Раҳматли кайноғам билан кайнонам-чи? Фақат гапни олиб қочмасдан очик жавоб беринг.

— Ис, қизиқ савол-ку! — қулди қайноғам. — Бизни инжилта ўтиб кетган, шунинг учун мени ёмон кўради деб юрибсизми? Биз албатта мусулмонлармиз, раҳматли ота-онам ҳам мусулмон эди. Бу билан нима демокчисиз?

— Мусулмонлар нима фойдали, нима зарарли эканини яхши билгншади. Сизлар айтган нарсаларнинг ҳаммаси зарарлар! Агар мусулмонлар урушни севувчилар бўлганида, нега Биринчи Жаҳон урушини улар бошлагнмади? Иккинчи Жаҳон урушининг бошида турганлар ҳам мусулмонлар эмаслигини билмайсизларми? Афғонистонни ҳар доим мисол келтирасизлар. Афғонистонга қайси асрда, қачон мусулмонлар ҳужум қилган? Инглизлар мусулмонниди ё Шўро раҳбарлари мусулмонниди? Америка раҳбарлари ҳам мусулмон эмас! Бир мазхабни иккинчисига гиж-гижлаётганлар қимлар? Қайси диндаги одамлар уларга бомба, автомат, танк, граната ясаб беришти? Россия босиб олматганида хароб бўлардик, дейсиз, унда Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Туркия, Қатар, Эрон — қанчадан-қанча мусулмон давлатлар шўроларсиз қандай ривожланди экан? Энг қизиги, мусулмон бўлган Беруний, ал-Хоразмий, ибн Синолар қадим замонларда Европада ўқитганми? Америкада таълим олганидан кейин олим бўлиб етишганми?

Бўри уф тортиб оёққа қалқиди-да, деди:
— Бу отин ойи ўлса ҳам тапни мавқулламайди. Мияси захарланган, тамом! Менга қисқа қилиб айтинглар, ажрашайми, йўқми?

— Яхшиси, пойга ўйанглар, — деди қайноғам. — Бўри, сен ўзингнинг маданиятингдан қолма, келин, сиз ўзингизникидан. Қани, ким ютаркин?

— Вой, бу нима деганингиз? — анграйишди қайноғамлар. — Бўри янада кўп ичиб алкаш, бу эса янада чуқур кетиб отинча бўлсинми?

— Бошқа нима дейман? — терс бурилиб ўтирди қайноғам. — Ким ўз йўлидан тезроқ кетиб, нима бўлишини башорат қилдиган фолбинманми?

— Раҳмат сизларга, мен бундан кейин ичаман, давру даврон суриб яшайман, — деди Бўри. — Менга ҳеч қим хўжайин эмас.

— Ана! Ана-а-а!.. Битта хотинни деб укамиз пиёнистага айланади-қолади! — дейишди қайноғамлар.

— Намозхон хотин билан яшаб шунча ичяписиз, бенамоз билан яшасангиз ҳолингиз нима кечар экан-а? — деб эримга аламли нигоҳ ташладим. — Аслида сизга баҳона керак, дадаси. Нега нуқул мени баҳона қилиб ичяписиз? Уйланмаганингиздан олдин сўфи эдингизми? Ўртоқларингиз-чи? Уларнинг хотинлари намоз ўқимайдилар-ку! Нимадан куйиб ичадилар?

Шунда Бўри кўзларини бақрайтириб жавоб берди:
— Агар сен нафратланадиган ўша бенамоз хотинлардан бирита уйлансам, ичини ҳам, чекишни ҳам ташлайман! Сендайлар бор экан, ҳаёт қоронғи! Чунки сен ва жамики қариндошинг, жамики Мулласой аҳли — баринг ёқимсиз одамларсиз! Тўғриси айтсам, таъзияларда керак бўласанлар, холос. У эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди.

— Дадаси фақат таъзия кунларигина Курьон эшитган, бошқа кунларда ўз улфатларидан ортмагани учун шундай деярти, — изоҳладим Бўрининг гапини.
— Хуллас, ўзаро келишиб яшайсизлар, — деди қайноғам. — Уруш-жанжал чикса, биз бошқача чора қўлаймиз, кейин хафа бўлманг, келин.

— Охири огоҳлантиришимиз, — пўписа қилди катта қайноғам. — Укамнинг хотинимсиз, ўртада икки фарзанд борми, энди ваъзларга нуқта қўйиб, оилани ўйлайсиз! Қандай қилиб бўлмасин укамнинг кўнгилини топиб, тинч яшайсиз! Тушунарлими?

— Аммо... — деб оғиз жуфтлагандим, кичик қайнопам:

— Аммо-паммони йиғиштиринг! — деди. — Бизнинг тапимизга кирмасангиз, оилангизни ўз кўлингиз билан бузиб, йиғлаб юрасиз!

— Ади-бади тугади, омин, Оллоху акбар, — юзита нари-бери фотиҳа тортган қайноғам ҳам эшикка юрди.

Шу тарзда Учинчи тергов муваффақиятсиз якунланди. Олти ой ўтиб, марҳумларнинг аза очди маросими ўтиб, рўмоллар ечилди, тўйларга боришга рухсат берди. Шу орада Ибод ўғилларига суннат тўй қилди. Бўрининг дўстларининг хотинлари бир тўрух бўлиб келиб, мени кўярда-кўймай тўйга етаклашди. Яна ўша аҳвол, ўша шармандалик ҳукм суради. Ичган, чеккан, суюлган, қилпанглатган, сўкинган оломон, ҳатто уй орқасидаги икки қатор қад ростлаган тераклар тагида ўспиринлар ҳам пиеда чўқиштириб, сопол товоқда ош еб ўтиришарди. Хув наридаги ўтинлар ортида икки йигит оёқда зўрға туриб, бир-бирининг ёқасидан тортганча жанжаллашишар, уларни ажратмоқчи бўлганлар ҳам фирт маст эдилар.

Биринчи овқатни еяр-емас, қизларимни баҳона қилиб, тўйхонани тарк этдим. Уйга қайтар эканман, қарнайлاردан жаранглаётган табрик мени уйгача татқиб қилиб келди. Сўзга чиқувчининг жаги тинмасди:

— ...шу фурсатдан фойдаланиб, Ибод билан Замирани фарзандларининг суннат тўйлари билан табриклар эканман, узок умр, бахт-саодат тилайман! Топган-тутгани ана шундай тўйларга буюрсин! Энг ёмон кўни мана шундай бўлсин! Шу болачалар уйданганида, никоҳ тўйларида ҳам маза қилиб еб-ичиб, юзга-юзга олиб ўтирайлик, ароқлар дарё бўлиб оқсин...

Юрагим маҳзун эди. Юрагим шу қишлоқ аҳли учун маҳзун эди. Улар ҳаётдан завқланишининг гада-говур тўй шаклига ўрганиб қолгандилар. Қачон кўзлари очилиб, пулларини базму жамшиддан орттириб, илму фанга, гўзал ҳаётга сарфлашади, ақлим етмасди. Кўпчиликнинг уй-жойлари харобага айланганди. Кўчалари шундай ўнқир-чўнқир, туппроқ ва лой эдики, юриб бўлмасди. Бироқ тўй қилишга келганда, не тонгки, қарзга ботиб ҳам тўйни ўтказишарди. Ўша пайтларда битта тўйга уч юз-тўрт юз кило туруч, яхнани ҳам кўшиб хисоблаганда, ярим тонна тўшт, фляга-фляга ёғ, сон-саноксиз нон, бир неча ҳўкизининг пулига харид қилинган матолар, энг даҳшатлиси, сад кам бир эскироқ «Москвич»нинг пулига олинган тўрт юз-беш юз шиша ароқ сарфланарди. Мен шундай одамлар орасида яшардимки, улар тўйда ароқ мўл бўлиб, мастлар кўп эди, деб эс-лашларини исташарди. Мен шундай одамлар орасида яшардимки, улар тўйда хотинларга энг чиройли, камёб матолар ҳадя этилди, деб гапиришларини хоҳлашарди. Мен шундай одамлар орасида яшардимки, улар тўйда олоб сақлаб, ақлу хушини йиғиштириб ўтирганлардан «тўйимни қизитмадинг» деб умр бўйи хафа бўлиб юришарди.

Бўри уларнинг атоқли вакили эди. Алламаҳалда дарвозадан бир аҳволда кириб, юзини ювди. Кейин сўнгги сигаретини оёзига қистириб, кутисини ёй-жимлаб, қўланса сўзларни қалаштирганча улоқтирди.

— Нигора! — бўкирди у уй томонга.

Мен остона ҳатлаб, унга рўпара бўлдим.

— Нега биринчи овқатни еб, индамай кетиб қолдинг? — сочимдан бураб, кўзларимга тикилди.

— Дастурхонга ароқ қуйилган экан, — дедим эримнинг кўлидан сочимни халос этишга уриниб. — Мастлар орасида қандай ўтираман, дадаси?! Мени тушунинг...

— Опамлар келган кунни нимани келишгандик?
Муросаними?

— Ха...

— Муроса қилмадингми, мен ҳам сенинг усулнинг тутаман! Бугундан бошлаб уйимда бирорта диний китоб бўлмайди! Битта қолдирмай йўқотаман!

Танимда яна файригабийи куч уйғонаётганини хис этдим. Бир силтаб бурчакка итқитиб юбормоқчи эди, кучи етмади, мушук каби оёқда тик қолдим. Бўри ҳар доимгидек нозикниҳол вужудим ерпарчин бўлмаганини пайқамай, чайқалганча олға юрди.

— Кўрасан! Мана энди кўрасан! — хириллади у.

Қизларим ухлаб ётибди, шовқин-суронни эшитиб чўчишади демай, йўлда учраган нарсаларни улоқтириб, синдириб, тепиб, сўқиниб, ўнглаги хонага кирди. Китобларим, тасбеҳим, жойнамозим сақланадиган жавон шу ерда эди. Курьони карим, тафсирилар, ҳадислар — бари жигдоланиб турарди.

— Тўхтанг! Ундай қилманг! — деб изилдан бордим.

— Одамдай еб-ичишимга, ўйнаб-қулишимга, бошқалардай тинч яшашимга шу китоблар тўсқиндик қилиптими, ҳозир кўрасан!

У бир ҳамлада жавоннинг жойнамозлар қаторини тўзғитиб юборди. Иккинчи ҳамласи муқаддас китобларимга йўналганида, қўлига чанг солдим.

— Айбни китоблардан эмас, ўзингиздан ахтаринг! — чинқирдим ғазаб билан. — Хайвоннинг иши-ку бу!

— Ким хайвон?
— Сизни хайвон демадим! Хайвоннинг ишини қилмаслигингиз кераклигини айтдим! Айб китобларда эмас!

— Бекорларнинг бештасини ебсан, ваҳҳобий! Ҳам-масига шу китобларинг айбдор!

— Мусулмонмисиз, демак, булар сизнинг ҳам китобларингиз! Ҳеч қанақа ваҳҳобийларники эмас! Билмасдан ҳар бағони гапираверманг!

Йўлдан сурмоқчи эди, билакларидан ёввойи куч ила чангалладим. Бўри қўланса сўзларни қалаштириб, мени отиб юбормоқчи эди, куч бермадим. Унга зулукдек ёпишиб, қанча силтаса-да, ажралмадим. Биз хона ўртасигача олишиб бордик. Алаמידан икки-уч тепди, лекин тепкилари кор қилмади. Мушт ёғдирди, рўмолим бошимдан учиб, сочим тўзғиб кетса-да, қўйиб юбормадим.

— Уз эрингга қарши чиқипсанми, ифлос?! — Бўри томоғи йиртилгудек бўкирди. — Ҳозир барига ўт қўяман!

— Китобларга қўлингни теккизсанг ўласан! — дедим сенсираб.

— Нима?!

— Қасам ичиб айтаманки, сени ўлдираман, мияси айнитган ароқхўр!

— Вой аблах, террорчи-ей!

— Шунчаки гапирмадим! Афсусланадиган иш қилма, иблис мағайи! Муқаддас китобларни хўрлаб, ўзингга қўшиб оилангни ҳам бахтиқаро қилмоқчимсан?! Хонадонингга қандай тавқи лаънат ёпишишини ўйлапсанми?! Қизларимга касофатинг уришига ҳеч қачон йўл қўймайман! Ахир, нега айбни китоблардан ахтарасан?! Ўзингга бир боқ!

— Сенсирақлагинг! Иблис мағайи дегинг! Ҳақикий башаранг очилипти! Хатто мени урмоқчисан! Ўлдирмоқчисан! Устингга хотинг олганим ёки пулларингни ўғирлаганим учун бўлса ҳам майли, бир тўп китоблар учун-а?! Бўлди! Тушунарли. Сенга жавоб! Сендай хотин билан бир кун ҳам яшайман! Бўри бирдан бўшашиб, эшик сари юрди. Кейин ховлига чиқиб, дарвозага йўналди.

— Нарсаларингни йиғиштир, кетасан! — деди у хириллоқ овозда. — Китобларингдан хавотирланма,

иззат-икром билан бирга жўнагаман. Бир варағи йиртилса, нон урсин!

Мен ҳам бўш қолдек шалвираб қолдим. Миямдаги тўфон босилди, ёвзулик чекинди. Хаял ўтмай Бўри қишлоқ таксичиси билан кириб келди.

— Ука, кайфинг бор, ундай қилма, — дерди таксичи эримга. — Қоронғи тун бўлса. Углаб, дамингни олсанг, эртага ўйлашиб кўрарсан.

— Агар хозир кетмаса, эркак эмасман! — бақирди Бўри. — Қачон хотинимни ҳайдаб юборганман? Бирор марта ҳам! Кечаси сизни чақириб келдимми, иш жилдий! Бекорга эмас!

У уйқусираган қизларимни кўтариб, машинанинг орқа ўриндиғига ўтирғизди. Маккажўхори солнинган қопни ағдариб, қарсиллатиб қокди.

— Чангини қоқяшман! — деди мента. — Китобларинг отантаникига боргунча кир бўлмайди, кўркма!

Ичкаридан қопни тўлдириб чиқди-да, машина юкхонасига жойлаштирди. Таксичига пул тутқазиб, амр этди:

— Буларни тўпша-тўғри қайнотамникига элтиб кўйинг!

— Ота-онам, қариндош-уруғим, қишлоғим олдидан нафақат мени, ўзингизни ҳам шарманда қиляпсиз, — дедим эримга.

— Худди сенга ўхшаб! — деди у. — Қишлоқнинг олдидан уятга қолишни ўзинг ҳам татиб кўр! Қачонгача Кавму қариндош, жўра-йўлдош олдидан менинг бошим эгилади?!

— Ким ёки нима учун биздан кечаётганингизни ўйлаб, ўзингизга савол беринг!

— Ўзимга эмас, ибтиста савол бераман! Иблис «менинг малайим эмассан, эркин одамсан» дегитти. Эркин фикрлаб, эркин яшатган одамни сенлар атеист деб атайсанларми, кофир дейсанларми, муртадми,

ишим йўқ. Уйланганимдан бери мени алдаб келганинг очилиб қолди. Аслида истатган вақтингда қурқ қоялар учун одам ўлдиришга ҳам тайёрсан! Қури бу уйдан! Энди диний қоидаларинг эмас, демократия ҳукмронлик қилади! Халифалигинг қулади! Уйимда ичиш мумкин, чекиш мумкин, севишиш мумкин, эртадан кечгача дискотека қилиш мумкин! Яшасин озодлик! Тум-палақи-тутам, тум-палақи-ту-у!.. Чао, хижобли отин ой!

Биз жўнаб кетдик. Таксичи «ароқни ўйлаб топган одамнинг уйи куйсин» делию йўл бўйи оғзидан бошқа бирор гап чиқмади. Қизларим пинжимга тикилиб, углаб қолишди. Турмуш кўрганимдан бери илк бор ота уйимга ҳайлаб юборилгандим. Шу вақтгача ота-онамга оилавий муаммоларимнинг шивирини ҳам сездирмадим. Энди нима бўлади? Ота уйига қайтиб келиш ўлимдан оғир эканини туйиб, ета-етгунча таксичига сездирмасдан унсиз йиғладим.

Онам бошимни силди. Отам эса эрталаб ўз хўзурига — намозхонасига чақирди. Бу — умримда кўрганим Тўртинчи терговхона эди.

— Нега бундай юрибсан, кечаси қизларингни етаклаб? — сўради отам.

— Куёвингиз тўйдан ичиб келиб, китобларимни ёқиб юбормоқчи бўлди, отажон, — деб бошимни эгдим, кўзларимда ёш ҳалқаланди.

— Турмушни шу даражага келтириб қўйдингми?

— Куёвингиз уйланмасдан аввал ҳам ичган, ҳалигача ичади, сигарет чекади. Бойжанжал қишлоғидаги ҳамма эркаклар шунақа. Уларнинг тўйларини биласиз. Халқини тўй бузган.

— Халқни тўй бузмайди, аксинча, тўйни халқ бузади. Улар хагна тўй, келин тўй деб аталган муқаддас вожиб тўйларни ароқхўрлик базмларига айлантиришгандан хабарим бор, албатта. Хатто

«пайғамбар түй»ларда ҳам майхұрлик қилишганини ўз кўзим билан кўрганман. Аммо бұтун мамлакатда, бұтун дунёда шұнақа эмас-ку. Мени бир нарса ўйлантирарти. Сен ўзинг уларнинг орасида яшаб йўлингдан адашмадингми?»

— Йўк, отажон, йўлимда ўла-ўлгунча собитман.

— Балки неға Бойжанжал қишлоғига турмушга берди деб мөндан хафадирсан?

— Хафа эмасман.

— Яширма, — деди падали бұзрукворим оқарган соқолини сглаб. — Сен ўзингги бўрилар орасига тушиб қолган кўзичоқдек тасаввур қилиб, ҳар бир куннингги таҳликада ўтказдинг. Бу сенинг хатойинг эди, қизим. Бегоналар орасига эмас, бундан кейин уйинг, оиланг, ҳаётинг ҳисобланадиган маконга боргандинг. Оқила қизим ўз ўрнини топиб кетади, иншааллох, деганман. Билим, имон, севги билан неға довдираб қолдинг? Одамлар сени кўриб мус-лима эканлигингдан ҳайрағланишлари керак эмас-миди? Солиҳа аёл мана бұнақа экан, биз ҳам солиҳа қизларга уйланайлик, қизларимиз ҳам солиҳа бўлишсин дейишлари керак эмасмиди? Неға улар сенга ҳавас қилишмади, ўзларини олиб қочишди, ғийбатингги қилишди, ғалати хотинга чиқаришди, ўйлаб кўрмадингми?

— Улар учун бұзукчилик биринчи ўринда.

— Каттик янглишарсан. Улар учун ҳаётдан завқланиш биринчи ўринда. Шаробхўрлик қилиб, ўзларини сархушлик билан қалғитсагина ху-зурланамиз деб ёшлиқдан ўрганиб қолишган, холос. Азонни эшитгандаги хузури, намоздаги хушуни, рўзанинг қандай ҳаловатлигини, фарзандлари тиловат қилгандаги мастликни тушунишмайди. Билиб қуй, атеистларнинг қатта қисми қаердан келиб чиқади? Диндорларнинг хато ишларидан,

ўзларини тутишларидан, турмуш тарзларидан, тор фикрларидан. Худди тақводорларга аччиқ қил-гандек ўзларини атеистларча тутадиганлар, лекин кўнглининг бир четида имони борлар жуда кўп. Худо художўйлар тасаввур қилгандан сал бошқача экани-га ишонадиганлар-чи? Бундайлар куёвнинг қишлоғи-да ҳар қадамда учрайди. Ароқни Худота ишонамагани учун эмас, ишониб туриб ичади, «ўзи кечирсин» деб ичади. Куёв ва унинг қишлоқдошларининг туноҳларига сен айбдорсан, демаяпман, бошқача йўл тутишингги хоҳлаяпман. Ҳар бир тугилган гўдак мусулмон ҳолида дунёга келади, кейинчалик ота-онаси қандай тарбияласа, муҳити қанақа бўлса, шунга кўра ё мусулмонлигича қолади, ё насроний, яҳудий, хинд, оташпараст, атеистга айланади, деган гапларни ёшлигингдан сенга уқтирганман-ку, ахир.

— Шундай, отажон.

— Раҳматли қудаларим, қайноғанг, қайнопадаларинг, энг муҳими, куёвим, умуман олганда, Бойжанжал аҳли атеистлар эмас, мусулмонлар. Тўғри, битта-иккита атеист ёки инжилга ўтганлар бўлса бордир, аммо ҳеч бири сенга, диннингга, ки-тобларингга ёмонлик қилишни хаёлларига ҳам келтирмаган, мөн бунга ишонаман. Вазиятти ҳам ранглаштирмасдан, аксинча, сен уларни гўзаллик билан энгишинг керак эди. Фейлинг, гап-сўзинг, хатти-ҳаракатинг гўзал бўлмоғи шарт эди. Қайси мусулмон мамлакатига уруш кечаётган бўлса, уларни четдан келиб бомбардимон қилишга ўз-лари сабабчи, шунни унутма! Босқинчи қанчалик сабаб тугдирганлар ҳам шунчалик ёмон. Сен ишни китобларингга хужум қилишга, уйдан хай-дашларигача олиб боргансан. Уқдингми?

— Уқдим...

— Атеистлар нима дейди, айтайми? Хар бир туғилган бола атеистдир, дейишади. Иббот сифатида гўдак Аллоҳнинг борлигини англаб етмаслигини далил сифатида кўрсатишади. Наҳотки, онги Хали Яратувчини англаб етмаган мурғак бола атеист бўлса? Бола балоғатга етган, гапиришни, ўқишни биладиган тайёр ақл билан дунёга келса, фонийликнинг синови қасрда қолади? Атеизм — билиб туриб тан олмаслик! Қачонки, бола ақлини таниганидан сўнг ҳам Аллоҳни танимаса, кейин уни атеист деса бўлади.

— Тўғри, отажон.

— Яқинда эшитдим, бизда ҳам агност деган тоифа пайдо бўлибди. Эҳтимол, эшитгандирсан?

— Йўқ.

— Уларнинг ишонган тоғи Дарвиннинг ғояларини давом эттирган европалик бир олим экан, лақаби «Дарвиннинг бўльдоғи», яъни «Дарвиннинг ити» эмиш. Агностларнинг фикрича, одамлар эътиқодига кўра мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар, оташпарастлар, буддавийлар, атеистлар, эркин фикрловчилар каби гуруҳларга бўлинармиш. Агностлар шуларнинг охиригиси эмиш, яъни эркин фикрловчилар. Кўрдингми, улар олдий атеистлар тоифасини менсимапти, ўзларини даҳрийларнинг янги тури — худосиз файласуфлар қилиб кўрсатишти. Хар бир агност дунёни ҳеч қачон билиб бўлмайди деб ҳисоблайди. Мусулмонман деб калиман шаҳодатни келтирсанг ҳам, сенинг мусулмон эканлигида ишонмайдим, «мусулмон эканлигини исботла» дейишади. Қилган амалинг ўтмайди. «Бундай амални мен ҳам бажаришим мумкин, нега мусулмон бўлмай, агностлигимча қолдим?» дейди. Айтган сўзинг ҳам ўтмайди. Сўз билан исботламоқ улар учун қийматга эга эмас. Бир одам иккинчи

одамни ўлдирдим, агностлар уни «қотил» деб атайдилар. Ўша қотилга «уни ўлдир» деб бюрган бюртмачини айбалабмайди, чунки иббот йўқ, «уни ўлдир» деган сўзларга агност ишонмайди. Буларни сенга айтаётганим, шусиз ҳам ҳаётда адашганлар сон-мингта. Масликда аччиқ қилаётган мусулмон кувёни ширин сўз, эзгу сўз, ойдин сўз билан тўғри йўлга соломмай, у билан ит-мушук бўлишинг хато, қатта хато! Муҳими, кувёни хар жиҳатдан дўзахдан тўсиб қолишинг керак, хотинлик вазифанг шу! «Кувё исломий тарбия олмаган экан, сен-чи?» деган савол кўндалангдир. Ўзинг ҳам туноҳқорга айланаётганингни тушунапсанми?

— Тушунапман...

— Кувёнинг кўзларидан, сўзларидан имонли эканини сезганман, Нигора қизим, — анча юмшади отам. — Уни шайтон йўлдан уриб, адаштирган, илло бутунлай диндан чиқарганига ишонмайман. Сени имонсиз йигитга бермаганман. Унинг бойлиги, уй-жойи, отасининг мартабаси — ҳеч бири қизиқтирмаган. Йигит ўзи туғилиб-ўсган қишлоқнинг таъсирида бўлиши табиий ҳол, сен билан турмуш кўрганидан кейин эса ўзи кўриб турган ҳаётнинг бошқа томонини ҳам кўриши керак эди. Акс ҳолда бизнинг илтимиз, амалимиз қаяқда қолади?

— Раҳмат, гапларингизни англадим.

— Охиригисини, сен эрингга ёқадиган хотин бўл. «Ажрашган» деган гап сену менга ярашмайди. Атеистлар орасида яшайсанми, яҳудийлару насронийлар муҳитида, тарбиямининг тузаллигини ғолиб этмоғинг лозим. Бунинг учун сен тузалликка суян ва тузаллик имондан бошланишини унутма! Одамлар сендан ўрнак олишга ҳаракат қилишлари-га эришолмасанг, ютказасан. Меҳнат, одоб-ахлоқ, интилувчанлик, оғир-босиқлик, қалтис вазиятларда

Оқилона қарор қабул қилиш, ҳамиша ҳалол-поқ юриб, ҳамиша ширинсуханликни бой бермаслик — қанча-қанча жиҳатларни ёдингга қайта солишим шарт эмасдир?

— Кечиринг, ўғитларингизни унутиб, хато қилдим. Шундан сўнг отам оқ фотоға берди. Бир кунлик меҳмондорчилик хотима топиб, эртасига Бойжанжал Кишлоғига қайтдик. Юз берган воқеа ҳақида эшитган қайнопаларим вазиятни ўрганишга келишган экан, бизни кўриб, «ўзи кетар ёр-ёр, ўзи келар ёр-ёр» дея пичинг таплар билан қаршилашди. Бирок мен энди отамнинг ўғитлари катъий амал қилмоғим даркор эди. Шу боис дарҳол жилмайиб, қайнопаларимни қучоқлаб, чин дилдан ҳол-аҳвол сўрашдим, оёғим олти, кўлим етти бўлиб, дастурхон тузаб, чой дамлаб, овқатга унадим. Зиёда ва Нурухонни аммалари роса гашга солишса-да, сир олишолмади. Зеро, онам ортиқча гапирмаган, отам ёлғиз ўзимгагина панд-насихат қилган эди.

— Бўри, келинни уйига қувиб, мулла минган эшакдек қилиб кўйибсанми? — деб кулди кичик қайнопам.

— Кўзи очилиб қайтибди, — деди катта қайнопам, — Улай агар, уни таниёлмашман.

Ошхонада қалашиб ётган ароқ бутилкаларига кўзим тушиб (мен йўқлигимда улфатларини йиғиб, бўжиб ичган эди), ҳаммасини қазноққа ташиб, тахлаб кўйдим.

— Аввалроқ ҳайдаб юбормаган эканман, — бошини кашиди Бўри шиша идишларни кўтариб юрганганини кўриб.

Ҳаётим яна изиғга тушиб кетди. Мен Бўри айтган демократия ичида яшардим. Бўри байрамларда уйга ўртоқлари ва уларнинг хотинларини тақлиф этар, майхўрлик базмларига ва сигарет тутунларига, де-разадан нос туфлашларига чидардим ва номаҳрам

эркаклар номаҳрам хотинларни қучоқлаб, вальс тушишларини кўришга, бетарда ҳазилларни эшитишга маҳкум эдим. Ғубор босган давраларни ҳижобимда оралаб юрардим, ўзим асло қадаҳ тутмасдим, ўйнамасдим, жилмайиб кўйсам-да, кўшилиб кулмасдим. Ўтирсам, бир четда, даврата кўшилмасдан ўтирардим. Кўл-оёғим шундай чакқон, тилим шундай ширин эдики, бора-бора қишлоқ аҳли ростдан ҳам менга ҳавас қила бошлашди. Рўзани хатосиз тутиб, ибодатимни казо қилмасдим. Қизларимга исломдан ўзим дарс берсам, ўқиш ва ёзишга шахсий муаллим — репетитор ёлладим. Эри мастликда мушгташган, хиёнат қилган, жанжал кўтарган жувонлар дардини менга айтиб, биз ҳам сиздек намоз ўқиб, ҳижобда юрсак, Худо ҳалол ҳаёт берармиди, барака кирармиди, дейдиган бўлишди. Бўри ҳам охири пайтларда мендан уялганидан уйда ичинни тўхтати, тўйларда алжираб қолишга чек қўйди.

Саодатга эришаётганим ҳақиқатдек туюлса-да, нимадир етишмасди. У нима эканини бошида туншунмадим. Сўнгра англадимки, менга етишмаётган нарса ҳаловат эди. Турмуш шу тарика давом этар экан, хоҳлаган ишни қилишга изн берадиган демократия никоби остидаги бошбошдоқлик бор экан, кунларимни осуда ўтказолмаслигим аниқ эди. Жарлик устига қурилган омонат кўприкдан ўтиб борардим. Исталган вақтда наҳс босиб, жарлик тубига кулашим мумкин эди. Баайни қизларимнинг бошига тўпланаётган таҳдид менинг қисматимдан-да оғирлигига кўп куйинардим. Уларни қанчалик солиҳа қилиб тарбиялаётган бўлсам, бошқалар ўз ўғилларини шунчалик ичувчи, чекувчи, жанжалкаш, илмдан йироқ, севи деб аталадиган, аслида ишқдан йироқ фахш кайфиятида тарбиялаётган эдилар. «Ҳаққингни талаб қил!» деган

Кичкириклар замирида «Бировнинг ҳаққини юлдан ол!» деган амр ҳам ётарди.

— Чидайман ва умид қиламан... — дедим мен кўзгута боқиб. — Сен мағлۇб бўлмаслигинг шарф, фермада эди. Ёлғиз қолдим. Шунда мени чежкадан хонага кимдир чақирди. Ким эканини билолмадим. Хонага кирсам, ўртада бир хижобли аёл тескари қараб турибди. «Кимсиз?» деб яқинлашганимни биламан, мента ўтирилиб қараб, хахолаб кулди. Мен эдим. Мен иккита бўлиб қолгандим. Иккинчиси мен тушиб, хонани чир айланиб ўйнадик. Кейин йин хона ўртасига ўзимизни ўликдек ташлаб, кўзларимизни юмдик.

— Алвидо, Нигора, — деди у. — Сен яна хато қилдинг. Демократия билан иблиснинг фарқига бормадинг.

...Бир неча кун касал бўлиб ётдим. Шифокор теовирди ва мен фарзанд кутаётганимни айтди. Етти ой ўтиб, ўғлим дунёга келди. Унга Нурмухаммад деб исм кўйдик. Бўри ўғлим йўқлигига куйиб ичашман деганида, Яратган эгани ва мени алдаган экан, ўғили бўлдим деб улфатларига роса «Ҳақ бердинг», ўзиям қирқ кечая қирқ кундуз майхўрликдан бошини чиқмади.

Нурмухаммад отасидек бакуват, онасидек имонли бўлиб ўсаётганида, хонадонимизга ақл бошир қилмас фалокат яқинлашди. Нурмухаммад беш ёшга тўлганида, биз хатна тўй қилишни режалаштирдик.

— Тўйда арок кўймайлик, — дедим мен.

— Не, мен арок кўймасам, умрбод юзимга қора балчиқ чапланади-ю! — кулди Бўри. — Одамлар ўлганимча ўпқалаб юришса, яхшими, отин ойи?

— Худо-чи?

— Худо кечирар энди, хотин. Тўй баҳорга режалаштирилди. Фалокат эса ҳеч биримизга сездирмай тобора яқинлашиб келарди.

Кунларнинг бирида, ўшанда сентябрь эди, киринибскам, чежкадаги хонада нимадир тарақлаб кетди. Кўлларим кирни фикимлаган кўйи тўхтади. Кўнгим ёмонликни сезди: чап юзим бошимнинг орқа томони аралаш вижирлаб музлади, миям қувиллаб, бир лаҳза қаердалигимни, нима қилаётганимни унутдим, кўзим тинди.

Нурмухаммад! — чақирдим ўғлимни.

Ҳеч ким жавоб бермагач, кир тоғорани ташлаб, чежкадаги хонага гандираклаганча талпиндим. Лаборанам ҳам музлаб, шалвираганини, рангим мурдоникидай оқарганини тасаввур қилдим. Афтидан тасаввурим алдамаётганди. Девлар мени енгаётганми, ўғлим қани? Нега у ҳеч қаерда кўринмапти? Боз мента чежкадаги хонада кимдир минг йил аввалги бандикни очиб ё унга кирди, ё чиқди. Бугун қайси кун? Мен қандай воқеани кутяпман?

Эшик қия очик эди. Махлук уйда эканлигига шик-шубҳа қилмадим. Хўжизга ўхшаб пишқиргани, парел-буюмларни тўнғиздек титқилагани, одамдек тапирингани кулоғимга чалинди.

— Нурмухаммад... — пичирладим кўрқа-писа. — Қаердасан, болам?

Кейин ўғлимнинг ҳаётини барчасидан устун кўниб, олга юрдим. Агар ўғлимни тополмасам қаҳ-қаҳ уриб кулишимни кўнгим сезди.

— Нурмухаммад!.. Қайдасан?

Қия очик эшикдан мўраладим. Тахмонни ағдариб, олдликка тумшугини тикиб, жон-жаҳди билан титқилаётган баҳайбат махлук ўз эрим — Бўри эди. Ишита шунчалик берилиб кетгандики, ўғлимни чежранимни эшитмади, хонага кирганимни ҳам нафқамди.

— Сизмисиз? — деб эшикка ҳолсиз суяндим.

Гамданнинг оғирлигидан эшик табақаси тарақлаб ёнилиб, Бўри сесканиб тушди.

— Күзінгта қарасанг-чи, Нигора?! Хужжатлар қани?

— Қанақа хужжатлар?

— Барданинг номига ёзилган... Барда кұл күйган...

— У ұлтан-ку, — дедим мен.

— Барда ұлган бұлса, имзоси тирик-ку! — үшқирди Бүри. — Нега менга фалати қарайсан? Фермани прокуратура босди! Милитсия ҳам ұша ерда, солиқ ҳам! Кунимиз битадиганга ұхшапшти!

— Нега босади?

— Нега бұларди, товукмия! Фермани Барданинг номига ұтказгандикми? Ұтказгандик! Солиқ тудамадикми? Тудамадик! У ұлгандан кейин ҳам давлатни алдандикми? Алдандик! Чунки замон шунга мажбур қилган бизни, замон! Агар халол ишласанг, бор топганинг давлатта кетарди! Нималарнидир ұйлаб топмасанг, бұлмасди, бұлмасди!

— Конуни алдаш гуноҳ, дадаси.

— Нима-а-а?

— Сохта хужжатларсиз ишлаш мүмкин эди-ку.

— Яна бошладингми? Кимнинг тарафини олапсан?

— Сизинг.

— Устимдан куляпсанми?

— Йўк. Сизга хозиргидан яхши бұлсин учун ёлгон хужжатлардан кечинг дедим, дадаси.

— Сендек хотиним бор экан, душман керак эмас! Билиб күй, сента ұхшаган ичмайдиган, чекмайди-ган насли тоза одам мөндан пора олиб турарди. Афсуски, у камалиб қолиб, ичувчи, чекувчи, лекин пулга кўнмайдыган таги паст эшак мансабга ўтирди. Фермани таг-томири билан ағдар-тўнтар қилипти. Йиллар давомида алдагансан дегпти! Молларга кўшилиб мен ҳам кетиб қолмасам эди!

— Сизга ёмонликни раво кўрмайман, — деб эшикка суянган күйи гиламга чўк тушдим. — Истасангиз

хамма айбони ўз буйнигта оламан, ўрнингизга мен камаламан.

— Алжирам! Боя кимни чақирдинг?

— Нурмухаммадни.

— Кимни?

— Нурмухаммадни.

Шу пайт ташқарида машина сигнал чалиб, Бүри полни мушталадио эшикка отилди.

— Барданинг имзолари ҳам фойда бермайди, қоч йўлдан! — деди у устимдан хатлаб ўтаркан. — Кеч! Жудаям кеч!

Хақиқатан шундай бўлди. Ұша кунни Бүри хибста олинди. Фермани ҳам, уйимизни ҳам тафтишчилар босди. Гарчи уч кун ўтиб, эримни шартли равишда күйиб юборишган эса-да, хонавайрон бўлган эдик. Тергов ва суд жами хисобда саккиз ой давом этди. Бүри бор-будидан айрилиб, нафақат фермадаги молларни, унинг биносини, ерларини ҳам сотиб камқудан кутулиб, уйга сўшпайиб кириб келди.

— Энди дуоларинг ҳам кутқаролмайди, — дея музлагтич сари юрди. — Сен ҳар доим умид борлигига ишонасан. Кўрсат менга умидни? Кўрсат менга илоҳий куч-қудратни?

Музлагтичнинг эшигини очиб, телбаларча кўз югуртирди. Ахтарганини тополмагач, шкаф орқасига кўлини тикиб, пишани олди.

— Тавбада хикмат кўп, — дедим мен. — Ҳар ишда яхшилликни кўринг.

— Гадо бўлдим, гадо, — Бүри пиётгани тўлдирди. — Гуноҳим нима эди?! Тавбанинг каромати шуми? Хону моним куйганининг нимасида хикматни кўраман, хой тирик ҳайкал?!

— Гуноҳингиз нима эканини ўзингиз яхши билдасиз. Бунчалик куйинманг. Мол-давлат топилади. Йикилган бўлсангиз, устингизни қоқиб, ўрнингиз-

дан туриб кетинг, мусулмончилик шу. Сабр олтин беради.

— Гуноҳим нима? — тишларини фикрланган Бўри ва қалаҳни жиғилдонига куйди. — Ганни айлантирасан, холос.

— Астағфируллоҳ, — дедим мен.

— Фермани Барданинг номига ўтказиб, солиқлардан қочипдан мақсад сенларни кам-кўстсиз боқини эди. Биримни икки қилмоқчи эдим. Нима гуноҳим учун айнан мен кафангадо бўлдим? Одам ичгани, чеккани, юртани учун мол-мулкидан айрилиб, Америка билан Европа бошдан-охир Африкада, Кашок, хонавайрон, хароб қитъаларга айланаркан да. Нега улар гуллаб-яшнапти? Ҳам кайфини сур-япти, ҳам ишлапти.

— Улар ана шундай яшашни кашф этиб, қонунларидан бир қадам ҳам чекинмайдилар. Сиз-чи? Давлатнинг қонунларини бузишни кашф этдингиз. Бунинг оқибати ёш болага ҳам маълум. Ким нима экса, шунни ўради.

Шундан кейин бурқуситиб сигарет тутатадиган, арзон ароқларни бўкиб ичадиган, ўзининг бахта-сизлигидан, омадсизлигидан нолийдиган, сал нарсанга асабийлашиб сўжинадиган фариб кимсага айланган. Унга ҳеч ким моддий ёрдам кўрсатмадими, дўстлари, уфатлари қаерга кетди, дерсиз? Кариндошлар, синфдошлар бошида ул-булдан қарашди, аммо ётнб еганга тоғ чилармиди. Бўридан ҳақ қайтмаслигининг тушуниб, ўзларини олиб қочадиган бўлишди. Тез орада ҳақиқатан ҳам Бўри бир тийинсиз қолди.

Кариндошларим ҳам йўқлаб туришарди. Ичувчи куёв биз томоннинг намозхонларидан ўзини олиб қочиб, тутқич беравермагач, улар ҳам келмай қўйишди. Бир кунни отам ташриф буюрди. Бўри тоифасидагилар гоҳида шунанқа олатга амал қилишадилар:

мушди, эшон ва бошқа уламолар қаршисида ўзларини олобли, ҳаттоки, сал бўлмаса, тақводор тутишадилар. Агар ичиндан гап чиқса, «ташлаш керак, фойдаси нўқ нарса» деб бошини лиқиллатиб тураверишадилар. Бўри отамнинг олдида ҳам шундай мутеларча тутди ўзини. Падари бузруқворим куёвига панд-насихат ўқимди.

— Баракани кетказадиган нарса — ароқ, — деди, холос.

Ҳамма гап Бўрининг ўзида эди. Биргина гапдаги фойдасини уқса бўларди. У эса ҳаётдан кўпроқ лаззатланиш, кўпроқ еб-ичиш, базмларнинг гулида ўнгриш учун солиқлардан қочди, хужжатларни юхташга тирлиди, аслида ҳалол фермерлик орқасидан кам бойиш имконияти катта эди. Хўкўмат уч йиллик солиқдан кечиб, барча шарт-шароитларни қилиб берган экан, аллақачонлар, қайнотам тирикчилидек, ферма ривожланиш сари юз тутмоғи лозим эди. Нанлож, Бўрига давлатдан яшириб қолинган лўнда нўл хўзур бахш этарди. Раҳматли қайнотам Шўролар дунрида ўрганган одатини негалир Бўри эволюциядек, бир оз ривожлантириб давом эттирарди. Бу нўлдин у осмондан тушган, лотериядан чиққан, ердан топиб олинган маблағ деб ҳисоблаб, ичи ачипмай тўкиб-сочиб сарфларди. Худди шу иллат Барда билди тил бириктиришга олиб келганли. Оқибат эса...

Мен бир мулҳиш кун эшик қоқипдан аввалти воқеа эсимда. Кўнларнинг бирида Бўри ҳар доимтидек кайфиятсиз ҳолда кирлаган бошини чангаллаб ўнгриганида, телефон жиринглади.

— Олвор анавини, — шанғиллади у.

Мен гўшакни кўтардим.

— Э, қалайсиз, яхши қиз? — суюлди Ибод. — Хў-жайини уйдларми?

— Ҳа, хозир чақираман...

— Тўхтанг, тўхтанг, тўхтанг! Сизга айттар бир гапим

бор. Нигора, икки болади бўлсангиз ҳам, худди турмушта чиқмаган қиздек юрасиз-а, сизга ҳавасим келади.

— Икки болам эмас, уч болам бор. Аллоҳ сизга инсоф берсин. Қилмишларингиз қизларингизга қайтмаслигини сўрайман.

— Уэр, кайфим ошиб, Бўрининг нечта кўзичоғи борлигини унутибман шекилли. Сизда ҳам кайф йўқми мабодо? Менда қиз нима қилади? Бари ўғил-ку!

— Соё бўлинг!

Шарта гўшакни кўйдим.

— Ким экан? — хириллади Бўри.

— Дўстингиз. Аниқроғи, шайтоний дўстингиз.

— Ҳамма дўстим шайтоний. Айнан қайси бири?

— Ёш келинчагини сиз билан вальсга тушириб, ўзи четдан томоша қилган даос ўртоғингиз бор, ўша.

— Ибодми? Нега унга соғ бўлинг, дединг?

— Соғ бўлинг эмас, соё бўлинг, дедим. Миясидаги курт кўпайибди шўрликнинг. Куртлари тезроқ соё бўлса яхшийдди.

— Ҳозир қайтиб қилади, — деб Бўри телефоннинг ёнига судралиб келди. Телефон жиринглагач, гўшакни кулоғига тутди. — Нима дейсан?

Ибод масхараомуз ҳол-аҳвол сўрашиб, қаердадир ўтирмақчи эканликларини айтди.

— Кимлар бор?

Ибод энг яқин улфатларни санаб, қанча ичимлик, газаклар ва егуликлар олинганини мактанди.

— Йўғ-е?! Кетишдан аввал айтсаларинг бўлмас-миди?

Бўрининг сўлагини оқизган Ибод байрамни қутимлаганда йўлда ташкиллаштиришга тўғри келиб қолганини айтиб, «келасанми?» деб сўради.

— Узоққа кетиб қолибсизлар-да. Амалларман.

178

Улфатлар тоғ томондаги булоқ бўйига жўнаш олдидан ўша агрофдаги кишлоқ дўқондаги симли телефондан кўнғироқ қилишган экан. Ўртада саккиз чакиримли масофа ястаниб ётарди. Бир қисми уэумзор, бир қисми яйдоқ даштлик. У ёқларга автобус қатнамайди. Кишлоқ таксичилари эса бориб келиш учун қанча бензин сарфлашларини ҳам, йўлнинг ўнқир-чўнқирлигини ҳам, қайтишда йўловчи уч-рамаслигини ҳам билгишади. Бўнинг устига Бўри охирги вақтларда даярли насияга иш қиларди.

— Барданинг мотоциклини тузатаман, — деди у.

Кўшнининг эгасиз шадоқ мотоциклини уч-тўрт кун аввал келтириб, юргизолмаган, Ҳозир икки филдиракли темир тулпор молхонада чанг босиб ётарди. Бечора Бўри кайф-сафо ғамида шундай шижоат кўрсатдики, бахтта қарши бир соатда мотоцикл тариллаб ўт олди.

— Йўл бўлсин, дадаси? — дарвозага чиқдим мен.

— Кабристонга! — деди эрим зарда билан.

— Ҳадемай кеч бўлади. Зарилми хонин дўстининг кўлидан бир пиёла шайтон суви ичаман деб шунча йўл юриб?

Кўйинг ўша бевафоларни.

— Шахсий ишларимга аралашма! Мен ҳам одамман! Одамдек яшашга ҳаққим бор! — бакирди у топиқлини ўқдек учираккан.

Коронги тушди. Қазноқдаги ёғнинг сўнгги том-чисигача қиздириб, охирги картошқаларни ва пиёзни тўғраб, болағаримга кечки овқат тайёрладим.

Мабодо корни тўймай келса, овқат ва нон сўрайди, деб Бўрига ҳам олиб кўйдим. Эртадан бошлаб далага ишга чиқишга қарор қилдим. Молдомики, Бўри пул топмас экан, рўзғор юки энди менинг зиммамда эди.

Бир пайт кўзим илинган экан, дарвозамиз тагида машина тўхтаб, сигнал чалди. Соат миллари 22:00 ни кўрсатарди.

179

— Бұри! Хой!.. — қиққирди маст-аласт ұлфатлари. — Волк! Инингдан чиқ! Урмондан жұраларинг келди! Қардасан, алвастижон?

Мен тўдага рўпара бўлиб, эрим мотоциклда базм-гоҳга айнан уларни ахтариб кетганини айтдим ва:

— Кўрмадиларингизми? — деб хавотирландим.

Дўстлари қаҳқаҳ отиб кулишди. Сўнгра кетма-кет хитоб қилишди:

— Сентябрда «маёвка»га нима бор? Бизнеси баҳона қилиб, «район»га сурворганга ўхшайди! Гүл хидлагиси келганмикан-а?

Ибоднинг гапи ҳаммасидан жирканчроқ эди.

— Алдагани хижобли хотин яхши! — кулди у. — Мулгасойнинг диндор қизлари эрларининг ҳар бир гапини қонун деб билишади. Қонун ҳам майли, ҳақиқат дейишади. Мана сизга ҳақиқат! Бўривой ошнамиз бизни баҳона қилиб, парникларни кезиб юрганмикан?!

— Эркак кишида лафз бўлади, — дедим жавобан. — Ахли оиласини алдаган эркак ҳам эркакми? Тўғрисини айтсам, қишлоқларингизга келин бўлиб тушганимдан кейин билдим дунёда лафзсиз эркаклар борлигини. Сал мард бўлинглар, акалар! Нега бу қишлоқ йигитларида лафз ҳам, тутуруқ ҳам йўқ, ҳеч тушунолмадим. Бундай иккиюзламачилик сизларга ярашмайди. Кейин яна бир гап: хотинларингизни бир-бирингиздан қизганмайсиз. Бундай даюсликнинг нуқси хотинларингизга уриб, улар шармсизликка ўрганишади, эртага бошқа номаҳрамлар суйкалса ҳам, йўқ деймайди.

— Тфу! Болағлар, кетдик! — Ибод шартта машинага ўтирди.

Улар жұнаб кетишгач, қайноғамга одам юбордим. Қайноғам ваҳимага ҳожат йўқлигини айтиб, чорпо-яда ўтирганча уқасини кутди. Бироқ Бўри кечки ўн иккигача ҳам қайтмади.

— Ростдан ҳам жұралари йўл-пўлда кўрмаганми-кан? — дея қайноғам Ибодниккига отланди.

Ҳаял ўтмай дарғазаб ҳолда қайтиб келди.

— Аблаҳлар! Ҳеч қанақа булоқ бўйида ўтирмаган экан! — деди у фикриниб. — Бердибойниккида ичишибди. Барибир Бўри боролмайди деб ўша ёқларни айтиб, ҳазиллашганмиш, ярамас, эшаклар!

Қишлоқ таксичисини уйғотиб, Бўрини ахтаргани жұнаб кетди. Оралан икки соат ўтиб, телефон жиринглади. Қайноғам шифоҳонадан кўнғирок қилаётган эди.

— Келин, — бурнини тортди у, — Бўрини топиб, балнисага ётқиздик. Дашт йўлида мотоциккли ағдарлиб, оёғи синибди. Ҳозир аҳволи яхши, хавотирланманг. Уйда қанча пулларинг бор?

— Бир тийин ҳам қолмаган, ака.

— Врачларга бериш керак, дори-дармонга ҳам анча кетади. Қарз топинг! Ҳозирмас, эртага!

Отам мента пул берди, лекин Бўрини тўлиқ тузатиш илжосиз эди: у бир умрга оксоқ бўлиб қолди. Майхўрлик учун ҳар доим тақдиридан баҳона қидиради. Эндилликда баҳоналардан зиғирча муаммо йўқ эди. Ота-онасидан бир кунда жудо бўлди, хотини ўғил ўрнига, аввало, икки қиз туғиб, асабинни синади, фермасидан айрилди, оёғи синиб, ҳасасиз юролмай қолди. Булар учун Бўридаги феъл-атвор ва дунёқараш умрбод арокхўрлик қилишга изн берарди.

Мудхуш кундан бурунги воқеа шу эди. Энди ҳаётимни чилпарчин қилган фожиага тўхталсам. Бу кун менинг озодликдаги сўнгги дамларим эди.

Кечкурун Бўри ғалаги бир ҳассага суяниб, ичкарига кирди. Октябрнинг охири эди. Худди қайноғам ва қайнонам ҳаётдан кўз юмган кундагидек кун совуқ, қор учқунлаётганди. Электр ўчгани боис хира чирок липиллаб ёниб турарди.

— Хаво совиб кетганини кара, — деди Бўри кўр-пачага ўтириб, халиги Ҳассани деворга суярган. — Расво... жудаям расво... Узи октябрда қор ёғишини жиним сўймайди.

— Нима у? — деб «Ҳасса»га яқинлашдим.

— Ён олгинчи қалибр, — деди Бўри. — Ўз нарсамни жанжал билан кўлга киритдим. Аслида бизники бўлиши керак эди. Отам ферма учун олган.

— Милтиқни нима қиласиз?

— Сотаман. Пулсизлик жонга тегди.

— Бекор қилибсиз.

— Қачон гапимни маъқуллагандинг?! Асабимга тегма! Ма, сўнгги чақамни ол-да, Барот аканикидан спирт опкел! Узим борай дедиму оёғим оғриди, боролмадим. Сой томондаги қияликдан чиқиш қийин.

— Мени биласиз, сиз айтган нарсани кўлимга ушламайман.

— Одам эмассан... — пўнғиллади Бўри. Кейин болаларимга олайиб қаради. — Зиёда ухлаб қолдимми?

— Аммаси Сапия опадан бериб юбор деган экан, кечқурун икковини жўнатдим.

— Сапи тентакка ишониб бирга юбордингми қизингни?

— Сапия опа анча соғайиб қолган. Аммаси кўчага чиқиб қараб турганди, чорраҳага чиқиб, узоқдан кўрдим.

Ичкари хонага кириб намозимни ўқидим. Қайтиб чиқсам, Нурухон билан Нурумухаммад йўқ, ташқарида итлар безовта хурапти.

— Болалар қани? — сўрадим Бўридан.

— Барот аканикига юбордим, ҳозир келади, — юзини четта бурди у.

Гапини тутатар-тутатмас аллақарда бўрилар увиллагач, итларнинг уни ўчди. Ўшандаги ҳолатим-

ни тасаввур қилиш қийин. Мен уйда эдим, эрим ҳам оёғини узатиб, кўзларини лўқ қилганча қаршимда ўтирарди. Беш маҳал намозимнинг бешинчиси — хуфтонни ўқиб бўлгандим. Ташқари зим-зиё эди, аёз эди, тентак қор учқунларди. Шундай беҳосият кечада икки норасида болам сой бўйидаги сўқмоқдан уйга қайтишарди, бир-бирининг кўлидан ушлаган, пинжита тикилган. Кўлларида оталарининг берган идиши, ичида спирт, сассиқ спирт, шайтоний спирт, барча фожияларга доялик қиладиган ҳаром суюқлик. Ақалли бирор фойдаги юмуш билан кетишган бўлишса ҳам майли эди. Ақалли ҳимоя қиладиган каттароқ одам билан, бир онгсиз ит ҳамроҳлигида кетган бўлишса ҳам майли эди.

— Болаларимни нега бемаҳал жўнатдингиз?! — Коним қайнаб эримга тармашдим. — Бўрилар!.. Ташқарида бўрилар!.. Туринг жойингиздан!.. Эшит-яписми овозини?!

Бирок у имиллаб туриб, эшикка етгунча умрбод кеч қолишимни англаб, ҳаттоки оёғимга кавуш киймай, ялангоёқ, ҳеч қандай калтаксиз, паншахасиз ховлига отилиб чиқдим. Эримнинг тўрт мўчаси соғ бўлиб, сакраб турган тақдирда ҳам мента етолмасди. Болаларим дарвоза эшитгани очик қолдирган экан.

— Нурухон! Нурумухаммад! — фарёд урдим шу атрофда келишяётганмикан деб.

Афсуски, болаларим сас-сало беришмади. Қайтганга сой бўйдан яна бўриларнинг увлаши эшитилди. Мен овоз келган томонга чопдим. Кулоғим остида шамол гувиллар, ўқдек учиб бораётсам-да, кечикаётганимни англаб, даҳшатга тушмоқда эдим. Назаримда, бир лаҳзадан сўнг йиртқишлар болаларимни қуршаб олишади, яна бир лаҳза ўтиб, тамом, ҳаммаси тамом! Бир неча сония кечикканим учун умр бўйи армонда яшайман, сочимни юлиб яшайман...

Йўк, улгураман!
Улгурмасам бўлмайди!

Бўрилар қанчалик ёвуз ва қудратли бўлмасин, агар мен етиб борсам, фарзандларимни Ҳимов қи-
да оламан! Улсам ўламанки, қизим билан ўғлимни
— фоний дунёда топган бойлиқларимни сақлаб
қоламан. Менга шундай куч берилдики, инсон
зотига хос бўлмайди.

— Ё Аллоҳ!..

Кўча тутаб, сой бўйига энган сўқмоққа етдим.
Зулмат кўннидан қизимнинг «Аяжон!» деган чин-
қирғи келди.

— Нурхон! — Жон ҳолатда олға отилдим. — Ка-
ердасан?

Қордан оқарган сой бўйига тушаётиб, оёғим то-
йиб йиқилдим. Икки-уч умбалок ошиб тушдим.
Яна оёққа қалқиб, бош яланг, ёқа вайрон ҳолда
қизимнинг овози келган жойга етиб бордим.

У ёлғиз эди. Нурмухаммад ҳеч қаерда кўринмас-
ди. Кўзим кинидан чиқаёзди.

— Уканг қани? — сўрадим титраб.

— Аяжон... — йиғлади қизим кўркувдан тили ай-
ланмай.

— Уканг қани дедиман?! — Бу гал шундай чин-
қирдимки, овозим сой бўйига ёйлиб, жарлиқларда
ҳам акс садо янтради.

Жавоб ўрнига қизим хўнтраб йиғлаб юборди.
Кўлида спиртли бақлашка борлигини кўрдим.
Илшини юлиб олиб:

— Минг даъват! — дея сойга отдим. — Нурмухам-
мад қани?! Гапир!..

Ё алҳазар, шу он бақлашка учиб тушган томон-
дан тўрт-беш йиртқичининг фикиллашиб, ит каби
ириллаши алланимани талашиб нимталаётгани
эшитилди.

«Нурмухаммад!» деб ўйладим мен.

«Нурмухаммад!» дея фарёд урди юрагим.

— Нурмухаммад!.. — қичқирди тилим.

Бу ёққа югуриб келаётганимда танимда таъ-
риф этиб бўлмас ёввойи куч пайдо бўлганди.
Кейинчалик Бешинчи терговхонада ҳам, камера ва
қамқоқхона йўлақларида ҳам мени ва бошқаларни
абор қилган куч шу эди. Бу куч дуонинг қудратига,
телепатиянинг мавжудлигига, гипнознинг мод-
дийлигига ишонмайдиغانлар учун номаялум эди,
файритабий эди.

Онаизор каби эмас, ёвуз жангчи мисоли таш-
ландим йиртқичлар тўдасига. Биринчи бўри ор-
тига ўтирилиб, болдиримга тиш ботирганида, ке-
тига ўтирилиб, олдим. Иккинчиси шопганидан
бўйнимдан тишлаш ўрнига сочим аралаш бошимга
оғиз солди. Бир ҳамлада жағини айириб, учинчи
бўрига ташландим. Унинг дағал терисини икки
кўлаб фикимлаб, бошимдан айлантириб сойга
улоқтирдим, худди копток сингари шувийлаб
учиб кетди. Тўртинчиси устимга ташланиб, мени
ерга ағанатди. Биз думалашиб олиша бошладик.
Чап билатимни оёзига туттиб, ўнг кўлимнинг тир-
ноқларини кекирдагига боттирдим. Томоғимдан шун-
дай бир фарёд отилиб чиқардики, на инсон зоти, на
бўри зоти бундай хайқирқиқни эшиттанди.

Қонли жанг узок чўзилмади. Уқ овози эшитилди.
Менга ҳамла қилган бўри ва атрофимда айланишаёт-
ган шериклари ўзларини қоронғиликка урди.

— Нурмухаммад... — дея ўғлимнинг жасади ёнига
тиз чўқдим. — Кўзингни оч, болам... Онангни
кўрқитма, жон болам...

Ўғлим қилт этмади.

— Сен ислом чирогисан-ку, болам! — йиғлаб
юбордим мен. — Маккага имом бўладиган боласан...
Кўй бундай ётма, кўзингни оч... Энди сени ҳеч ким
ароққа юбормайди... Бундан кейин сен, мен, икки

опант — баримиз жаннатдай пок кишлоққа күннің кетамиз... У ерларда Ҳамма яхши, Ҳамма меҳрибон...
 Ұғлимни сизлаб гапиря бошладим:

— Отамдай меҳрибон болам, кўзингизни очини, ўтинаман... Сигарет чекиб, сақич чайнаб, арок ичиб, маст-агаст бўлиб юрган кимсаларни учратмайдингиз жойларга кетамиз... Отам дедим сизни... Отажоним дедим... Кўзингизни очинг... Онангизни кўрқитман, жоним болам...

Аммо ўғлим кўзини очмади, кипригини ҳам кимирлатмади. Мен Нурмухаммадни бағримга босиб, юзидан ўлдим. Унинг қони билан менинг қоним кўшилди.

Ортимдан оёқ товлуши келди. Биаламан, Бўри милтигини кўтариб, чўлоқланганча яқинлашпти. Ұғлимни асгида йиртқич хайвонлар — табиат бўрилари эмас, жамиятнинг мана шу Бўриси ўлдирди. Ҳа, жигарбандини кечаси спиртта юбориб, хайвонларнинг хукмига ҳавола этди. Ҳа, чин хайвон у! Бир пиеда ичсам, чарчоғим ёзилди, деган хайвон шу... Хайвон шу... Яқин-яқинларгача «ўғлим йўқ» дея еқасини йиртиб тўполок кўтаралдиган, куйганимдан ичяпман деб баҳона қилалдиган шу хайвон... шу хайвон... Боласини ароққа юборалдиган оталар бор экан, ҳали-вери дунё ўнганмайди... Дунёни, аввало, оидалардан бошлаб наҳс босади... фалокат босади... ўлим босади...

— Нима бўлди, Нигора? Шу ердამисан? — сўради Бўри.

Мен ўғлимни ерга ётқиздим.

— Дўхтир чақирайми? Нима бўлди сенга? — Бўрининг овози қалтираб чиқди.

Мен тош устидаги юпқа қорни силдириб яладим, сўнг қонли, юзим, қонли кўзим билан эримга тикилдим.

— Ни... ниго... ра... — фўлдирради эрим ортига тибарилди.

Унга ташландим. Бўри мувозанатини йўқотиб турсиллаб йиқилди. Дёвсиз мушт ёлдирдим. Мен ҳалим бир аёл бўлганимга, умуман, аёл зотидан бўлганимга ишонмасдим. На аёлу эркак, на одамۇ хайвон эдим.

— Нятингга етлингми, ҳаромхўр! Шуни истаганимдинг, даънати?!

У милтигининг икки учидан тутиб, томоғимга тираб мени ўзидан нари итарди. Табиат бўрисига кучим етса-да, жамият Бўриси олдида барибир оқиша эдим. Қарасам, белига болта қистириб олибди. Шартта болгани белбоғдан сугуриб, бошига бир тўширдим. Нурухоннинг аччиқ фарёди янгради:

— Отажон!.. Ота!..

Мен болгани кўтарганча тек қотдим. Иккинчи нарбани уролмадим. Қизим бизни кузатиб турарди. Бўрини бир зумда ерпарчин қилолмаганимнинг сабабларидан бири ҳам шу эди: харҳолда, у болаларимнинг отаси, мен каби фарзанд доғини таниётган шўрпешона.

— Нурухон... — шивирладим мен, аммо овозим ўзимга ҳам бетона, ғалати эди.

Қизим мenden қочиб уй томон югурди. Негадир мен ҳам унинг изидан чолдим. Уст-бошим қонга беланган, кўлимда болта, гўёки Нурухонни юпатиш учун эмас, тутиб бирор зарар етказиш учун шошилардим. Бир қарасам атроф қалин ўрмон. Куёш уч соат аввал сой томонга — ғарбга боғганини сезгиларим айтди. Мен ғарбдан шарққа қараб югураётгандим, боғтан куёшдан қанчалик уюқлашсам, чиқалдиган куёшга шунчалик яқинлашардим. Кўрқинчли тушларда кўринадиган миконга қачон, қаердан келиб қолганимни ҳам интилолмадим. «Қаердман? Нималар қиляпман?»

деб ұйлардим. Ұйлардимү ұй бор, фикр йүк эди. Эсимдан оққанымни бир тушуниб, бир тушунмай, гоҳ йиглаб, гоҳ кулиб, бир енгил тортиб, бир огирлашиб, кутурган кучүкдек чопиб борардим.

Қарсиллаб үк узилди. Ұк өнімдан бир парча чүт бүлгүб учиб ұтди. Нурхон йикилди. Нурхон қалқиб йикилди. Нурхон тош кўчада бир чизик бүлгүб қолди. Қўзларимга ишонамай таққа тўхтадим. Хозиргина Нурмухаммаддан айрилган эмасмидим? Нега Нурхонни отиб ташлади? Менга отилган ўққа чап бердимми?

Ұтирилдим. Бўри милтигини ўқлаётган эди. Қандай етиб борганимни, қандай чопиб ташлаганимни кейинроқ, қамоқхона ертўласида эсладим...
Бойўғли сайради.

Қизимнинг ёнига қайтдим. Унинг кўзлари юмүк эди, нафас ҳам олмасди. Қўлимдаги болта ўрнида эса милтиқ пайдо бүлгүб қолганди. Куролни ташладим. Қизимни мен отмаганимни ҳеч кимга исаботлаёмасдим, аммо хозир бу ҳақда ўйламаётгандим. Қичқирай десам, энди овозим ҳам йүк эди, дармоним ҳам. Қизимнинг ёнига йикилдим. Сўнгра ёнбошлаб ётиб, елкасидан кучиб, кўзларига тикилдим.

— Шу ерда ётамиз... Қисмат яқин... — пичирлади лабларим.

Қизим жим эди. Шўрлик Нурхонни у дунёда қўролдайдигандек туюлди менга. Шунда бу фожиаларга аслида ўзим сабабчи эмасмиканман, деб илк бор айбни Бўридан эмас, ўзимдан қилдирдим. Нимага эришдим?

Шуми ароқхўр эр устидан ғалабам?

Қани мен кутган саодат? Ичүвчи эрта қарши қурашшимнинг мукофоти?

Савобим куйиб кетса-да, ароққа ўзим борсам бүлмасмиди?

Қаерда хато қилдим?
Қандай яшашим керак эди?

...саволлар жавобсиз қолди. Бир кунда боримдан айрилдим. Неча йиллар панжара оргидаги дунёда ёлғиз, бахтсиз, бенаво яшайман. Қайтганимда, мени Бойжанжал ҳам, Мулласой ҳам қабул қилмайди. Мен ҳам уларни қабул қилмайман, қилолмайман.

Гавдам ўз-ўзидан кўтарилди. Оёқда тик турди. Еру осмон чайқаларди. Вужудим уй сари юрди. Канистрдаги мойни сепди. Гүгүртни чақди. Уйга олов ўрлади...

Ховлида телбаларча серрайдим. Қаердандир одамлар тўпланишиб, қий-чүв, бақир-чақир қилишиб, биров суя сепишга, биров қимматбаҳо нарсаларни ташқарига ташнишга киришди. Бозор дунёга ўт кетган эди.

— Хаммаси ёнади... Худди умрим қаби... Сизлар ниятларингизга етдиларингиз... Мен кетаман... Зиёдага қийин бўлади... Дадасидан айрилди, Нурхон синглиси ва Нурмухаммад укасидан жудо бўлди, онаси қамалади... Зиёда учун уйни ёқмасам яхшимиди... Йүк, бу уйда Зиёда ҳам яшамаслиги керак... Яшамайди ҳам...

Бир пайт уй ертўласи гүмбурлаб портладю, ҳаммаёққа ойна, ёғоч ва қипиқлар сачради. Одамлар ховли ўртасига қочишди. Олов шундай авж олдики, дераза ва эшикларда худди тандирдагидек гүлхан тиллари ўйнади.

— Спирт портлади, спирт! — деди кимдир бўғик овозда.

— Бовадан спирт қолган экан! Нар и туринглар! Яна портлаши мумкин! — хитоб қилди бошқаси.

— Барда айтарди, бованинг ертўласида яширин омбори бор деб! — гапиринди ёнимда бири.

— Шунча вақт Бўри топиб ичмаганига қаранг!

— Билмаган-да! Бўлмаса, спиртни ичмасдан кўярмиди у! Барот академдан ҳам спирт тиланмасди...

Оёқларимдан мадор кетиб, тиззалаб ўтириб қолдим. Бўрини ўлдириб, уйга ўт кўйиб ҳам энгил тортмаган эдим. Менда қасос ҳисси йўқолганди. Хону монимдан айрилганим етмагандек имонимдан ҳам мосуво бўлаётганимни англаб, инграб юбордим. Ўз фарзандларини спиртта юбориб, ўлимга дучор қилган Бўри уйи тагида бочкалаб спирт борлигини билмаганди. Кайнотамга юғурдаклик қилдиган Барданинг хабари бўлган, ammo у спиртфуруш билан бирта аллақачон нариги дунёга жўнаб кетганди. Қачонлардир айтганман, «спирт — бомба» деб. Ҳа, у ҳеч қандай бомбадан фарқ қилмаган ҳолда портлади. Нафақат моддий дунёни, руҳий оламни ҳам хароб этди.

Зулматли осмон ёришди. Ёнаётган бахтнинг шуъласи булутларда ўйнади.

— Нега?.. Нима учун?.. — дедим алам билан.

Тақдирнинг менга аталган зарбалари бу билан ҳам тутаматган экан. Бир аёл уй олдига бўзчиннинг моқисидек у ёқ-бу ёққа югураётганини кўрдим. Игитлардан бири сенсираклаб қойилди:

— Ув, Сапи тентак! Қоч-е! Жўна тез!

Тўйим кўни Сапи тентакнинг айтган тапи ёдимга тушди: «Агар эрингнинг табаррук уйига муносиб келинчак бўлмасанг, ёнасан! Бутун турмушинг ша-рафига ёқилган шу оловда ёнасан...»

Модомики, эътиқодим бу элники билан муносиб тушмаган экан. Сапи тентак ҳақ эди. Икки хил эътиқод, икки хил маданият бир уйнинг куйишига, уй-ку жонсиз нараса, бутун оиланинг фалокатига оталик қилди, оналик қилди.

— Қани?... Зийда қани?... Ув-в... Ий-й... — изиллади Сапи тентак.

— Кетинг даяпман! — дўқ урди бир йигит.

Жойимдан туриб, Сапи тентакни тутдим-да, ёқасидан гиппа бўғиб, кўзларига кўз қадаб, хирилладим:

— Зийда демал! Зийда дема даяпман!...

— У кетаман деди... Йиглади... — бошини телбаларча чайқайди Сапи тентак. — Менда айб йўқ... айб йўқ... — Каяёққа кетди?!

— Аммасининг ўғилчаси хафа қилган экан, шунга... Аммаси уйига ташлаб кел, деди... Келсак ҳеч ким йўқ экан... Ўзинг ўтириб тура қол, хозир чақириб келаман деб... Кўшниларикидан сизларни сурштирдим...

Мен Сапи тентак нима демоқчи эканлигини англаб, кўйиб юбордим.

— Зийда... уйдимди? — сўрадим «йўқ» деган жавоби кутиб.

Афсуски, Сапи тентак йиглаганча бош силкиди. Бу дунёда оиламдан қолган ёлғиз жигарбандимни ўлдирганимни тушундим. Ўз уйимга, ўз ватанимга ўт туташтирганимда, ўз фарзандимга ҳам ўт кўйган бўлиб чиқдим. Икки дунёим куйиб, барча тоат-ибодатларим кулга айланди. Отам айтганидек, соли-ха эмасдим. Дунёдаги энг ваҳший қотил аёл эдим.

...Ўқириб йиглаганча ўзимни ёнаётган уйга урганимда, кимдир мени ушлаб қолиб, ерга ағларди. Яна бир марта қичқирдим у хушимдан кетдим.

VII БОБ

Сендан сабр сўраб гадо келади,

Берсанг эҳсон, бахтдан садо келади.

Кундалигимнинг янги саҳифаси устида қалам юргизаман...

Сиз мендан юз бурманг, ирганманг, нафратланманг, зеро ҳақиқатни биламан, деб адашгувчилар сафига кириб қолишингиз мумкин. Ҳақиқатни тўла англаш учун сабр ҳам керак. Кундалигимни

ёзаёттан эканман, демак, мен тирикман. Инсон қачонлардир қаердандир қайтиб, ёзув столпига ўтирмас экан, ундан кундалик қолмайди.

Қора ўтмишим хотирамда тўлиқ жонлангач, нега қамоқхонага келтирилганимни эслаб, кўз ёшларим қурди. Ҳақиқатан, ўтмишимдан қочиб қаерга ҳам борардим.

...Канализация қувуридан сирғалиб тушиб, қудуқдек жойдан чиқиб, шуларни эсладим. Юқорига қарадим. Шифтдаги тўйнуққа панжара қўйиб, бетонлаб ташлашганди. Боядан бери хира ёруғлик тушиб турарди. Бадбўй, шилта макон бўлса-да, умримнинг охирини шу ерда ўтказаман, деб бир бурчакка қунишиб ўтирдим-да, бетон деворга суяниб, тиззаларимни қучоқладим.

Соқчиларнинг тепадан қадам саслари ва гўнғир-гўнғир овозлари эшитилди. Энди озодликка чиқишимнинг ҳам, қамоқхонага қайтишимнинг ҳам маънисини йўқ эди.

— Канализация қувурига тушган, — деди бири. — Бу ерда бошқа йўл йўқ.

— Ҳамма эҳтиёт чоралари кўрилсин! — ҳукмфармо хитоб янгради. — Сувни ўчиришлар! Ҳар эҳтимолга қарши бинонинг биринчи қаватдаги одамлар эвакуация қилинсин.

Умрим охирилашиб бораркан, мен бир ожиз бандда — ҳеч ким учун хавфли эмаслигимни, теграмдаги-лар мушукдан йўлбарс ясаганини аниглаб етдим. Дарҳақиқат, уларнинг наздида зарарли бир махлук эдим. Аслида мен эмас, Бўри хавфли эмасмиди? Барда ҳам хавфли эди, Бойжанжал қишлоғининг ичувчи халқи ҳам. Аммо ҳамма мени ёмон кўрди, чўчиди, ўзини нари олиб қочди, фожаия юз бермагунча кўймади. Ахир, менинг эмас, уларнинг танлаган йўли ўн минглаб оидаларни бебахт қилди, автоҳалокатлару қонли муштлашувларга сабаб бўл-

мадими? Ароқ сабаб касаллик орттирган минглаб мажруҳлар нега кўзларига кўринмади? Улардек очиқ-сочиқ кийинмаганим қанақасига айб эди? Гап кийимда эмас, кўнгли тозалигида деб ўзлари лоф урмادиларми? Ҳа, гап либосда эмас экан, нима учун менинг рўмолимдан айб ахтаришди? Намоз ўқишим уларга фалати туюлганини қандай изоҳлай? Муаммо ибодатда экан, нима учун пенсияга чиққан кекса оталари, оналари намоз ўқиса, тўғри қабул қилишадими? Балки улар одам ўлими яқинлашганида, намоз ўқиса бўлади, деб кексаларнинг ибодатини меъёр деб хисоблашар? Унда автоҳалокат, муштлашувлар, касаллик ва бошқа сабаблар билан ҳаётдан кўз юм-ган пенсия ёшита етмаганлар нима учун ўлимларидан бир неча йил бурун ибодат қилишни бошлашмади? Қачон ўлишларини билмаган эдиларми? Буни ҳеч ким билмаслиги ҳаммага маълум-ку. Ҳеч ким ҳеч қачон ажали ўз якунига етмоғини айтиб беролмайди. Шундай экан, қани мантқиқ, қани мени айблашга асос?

Хуллас, дунёга тушунмадим, дунё ҳам мени тушунмади. Уруш давом этар эди, қириш давом этар эди. Ҳақиқат ўз саҳифаларини очиб бораркан, энди ҳеч қасққа йўл йўқлигини аниглаб, дунёнинг ишлари-дан хайрона қолдим. Тўхтадим. Қочиб-қочиб, топган жойим канализация қудуғи бўлди. Қаламушдек хорликда ўлишим пешонамга ёзилгандек туюлдию, хўрлигим келди.

— Нигора, қотил эканлигини эсладингиз, бу — яхши, — деди назоратчи хотин.

Ногоҳон унинг овозини эшитиб чўчиб тушдим. Бу ерда ёлғиз эдим-да.

Кейин қулоқларимни бекитдим, кўзларимни чирт юмдим, аммо овоз миям ичида ҳам акс садо берди:

— Қотил эканлигини эсладингиз, бу — яхши... Қотил эканлигини эсладингиз, бу — яхши...

Ниҳоятда чарчаганимни ҳис этдим.

— Нимаси яхши? — сўрадим истар-истамай.

— Эрингиз оилангиз эмасди. Ойла «аҳил жамоа» дегани. Бўри сизга умуман бегона шахс эди. Шунча ил эр-хотин бўлиб яшаганингизга ҳайронман. У менга ҳечам ёқмаган. Биласизми, ҳозир тепада қандай воқеалар рўй беряпти?

— Қандай воқеалар?

— Одамлар икки турухга бўлинди.

— Қандай турухлар?

— Оқлар ва қоралар.

— ...

— Нега жимсиз? Айни дамда оқларнинг ҳам кўп-лаб турлари бор, қораларнинг ҳам. Тушуниб учун шунга айтмоқчиманки, сизга ён босаётганларни оқлар, танқид қилаётганларни қоралар деб атайман.

— Улар азалдан бор эдилар...

— Оқлар айтишяптики, сиз мутлақо ҳақ экансиз. Болалик даврингизда отангиз исломдан таълим бериб, фақат ўз дунёқарашингизни ҳақ деб билдиш, унга заррача шубҳа қилмасликни тўғри ўрлатибди. Эр уйдаги бемазагарчиликларни қабул қилмаганингиз, имон-эътиқодингизни бузмаганингиз, оғир шароитларга бардош берганингиз жаннати аёл эканлигини англатади.

— Ким жаннати эканлигини Аллоҳ билди... Мен ҳеч кимга ёқмасдим... Қилиқларим оиламининг бошига етди...

— Бировга ёкишга уриниб шартми? Қолаверса, оилангизнинг кушандаси, аввало, сиз эмас. Сиздек муслима аёллар кўпайса, ҳаёт ўз-ўзидан яхшиланиши керак эди. Мисол келтираман, азиям! Оддий қилиб айтганда, сиз ОДАМсиз. Агар ёлғиз одам итлар тўласига дуч келса, ўртада уруш қаттиқ бўлади, чунки одам ўзини жон-жаҳди билан ҳимоя қилади, бақиради, тош отади, қалтак ўқталади. Итлар «одам

ёмон экан» деб ўйлашади. Мабодо ўнглаб одамларга ёлғиз ит дуч келса, ҳеч қандай уруш бўлмайди. Одамлар бақирмайди, тош отмайди, қалтак ўқ-талишмайди, ниҳоятда хотиржам, ниҳоятда гўзал бўлиб ўтиб кетишади. Ит «мен ёмон эканман, уларга хурдим» деб ўйлайди.

— ...

— Аввалдан дўстингиз эдим. Нигора. Бабзан қамқоҳона назоратчиларини, айниқса, мени ёқтирмасдингиз. Сиз кимсиз? Мен учун бир маҳбуссиз, яъни ишмининг объекти. Сизни мен қамамаганман, лекин худди ўзим ҳибсга олгандек қарасда авайлаб-асрайман, ҳеч қаяққа қўйиб юборгим келмайди. Ҳаётининг мазмуни шу. Сиз кетганингиздан сўнг мен ҳам пенсияга чиқаман. Пенсия — узоққа чўзгилмайдиган умр.

— Қисматингиз меникидан оғир экан.

— Итлар ҳақида бежиз айтмадим. Атрофингизда ўзингиздек фикрлайдиганлар кўпайганида, уруш ҳам бўлмасди, қурбон ҳам. Қайнота-қайнонангизчи? Келинга ўратиш ўрнига ўзлари адашганлардан эди. Эрингизни-ку айтиш ҳам шарт эмас. Хотинини севмаган эрлар ўз оиласининг бошини ейди. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, муллага турмушга чиққанингизда шу қўйга тушардингиз?

— Бошқа бировни эр ўрнида тасаввур қилиш — гуноҳ.

— Тўғри гап. Сизга ҳавас қиламан. Мен эса биологик тўқималардан иборатман. Агар шайтон йўлдан урса, ҳар бало бўламан. Гоҳида ўйлаб қолам: нега бундай яратилганман? Гуноҳларим иширин камерада суратга олиниб, умримнинг охирида барини битта фильм қилиб, намойиш этишса, мендек мавжудот Ерда яшаганидан ҳайратга тушишади. Мен ҳаминша камерадан кўрқаман. Бу гапдан сўнг назоратчига раҳмим келди.

— Гуноҳлар чап елкадаги фаришта томонидан ёзиб борилишини эшитмаганмисиз? — дедим унга.
— Яширин видеокамерадан минг баравар кучли, биз тасаввур қилолмайдиган илоҳий ёзув тури.

— Сизнинг қалбингиз пок, — мента хавас қилди назоратчи. Шу билан бирга хатойимни ҳам айтиб ўтди: — Аммо фақат поклик билан саодатга эришиб бўлмайди. Бўни унутманг, Ниғора.

— Қўлимга қурол олган кўним уйим куйди. Фақат покликнинг ўзи яхши эмасмиди?

— Саодатнинг қалити поклик ва эзгу амал димоқчиман. Қурол кўтаришни айтмадим...

Қўнгим ибодатни тусадди. Қўзимни очдим. Канизация қувуридан оқётган сув тўхтаган, аммо кўланса томчилар чақиллаб турарди. Тепадаги қалин чўян панжара орасидан тушаётган хира шўьлани кимдир тўсди, сўнг фонарь тўтди.

— Шу ерда, — деди тепадаги кимса.

Назоратчи уларнинг кўзига кўринмаётган эди. Бўни Эргаш билан учрашганимдаёқ билгандим.

— Ниғора, илтимос, — дейишди мента, — девор орасидаги қувурга қайтиб кириш, тортиб оламиз. Пастдаги панжарага яқинлашманг, униси ёмон, жудаём ёмон.

Бир оғиз ҳам жавоб қайтармадим.

— Кимсиз? — деб сўрадим назоратчи хотиндан.

— Жисмингизман, — деди у.

— Унда мен кимман?

— Рўҳимсиз.

— Улганманми?

— Улимда рух ва тана бир маконда бўлмайди. Сиз тириксиз. Азоблар танангиз ва руҳингизни ажратди. Биз бир-биримиз билан гаплаша бошладик. Бойжанжалдагилар сизни тегба дегани эсингиздами? Кўп ўтмай сиз чиндан ҳам савдойи бўлиб қолдингиз.

— Йўқ, сошпа-соғман.

— Соғлар ўз вужуди билан гаплашмайди. Умуман, сиз билан тортишмоқчи эмасман. Сўнгги сўзим — мени тарк этиш. Унутманг, рух ёлғиз қолмайди, рухга ёлғизлик ярашмайди. Мени айтса бўлади ёлғиз қолган деб. Мени тарк этиш учун пастдаги қувурга кирсангиз кифоя. Ахир, ҳамма нарсадан чарчагансиз, борингизни йўқотгансиз.

Тепада одам кўпайди. Мен келган канализация қувуридан қамоқхонанинг озгинроқ ходимини туширишни маслаҳатлашишди. У қувур орқали мен ўтирган «уя»га етиб келиб, ёнимга тушармиш, кейин мени кўтариб қувурга жойлаштирармиш.

— Бўнингни у ўлдириб қўяди, — деди дўриллоқ овоз. — Қутуриб кетса, қанақа кучга эга бўлишини биласизлар.

Бошқаси тақлиф айтди:

— Барибир қувур орқали бориш керак. Ухлатадиган укол қилиш учун қулай имкон туғилиши аниқ.

— Айнан ухлатадиганми? Қачонгача? Уйғонгунчими? — кесатди бири.

— Уйғонгач, бу унинг охириги марта уйғонгани бўлади.

— Бекорни айттибсан! Унинг охириги уйғонгани сенинг сўнгги уйғоқлигинг бўлиши мумкин.

Ходимлардан бири деди:

— Ичганда эди, қотиб қолгач, ушлардик.

Дирҳол жерқиб беришди:

— Ҳазилингни кўй! Сента у совет халқимидики, ароқ билан динидан чиқарсанг! Айнан сен айтган усулларга қарши қурашаётган маҳбус ҳақида зигирча тушунчанг йўқ экан!

— Имомни чақириб, азон айттирсак-чи? Азонни эшитиб, намоз ўқийди. У ибодати фафлаг ўрнини босади.

— У ифлос қуджуда намоз ўқийди, демоқчимисан?

— Бу аёл намозни қанда қилмайди. У намоз ўқиётганда, тапша босиб, укол қиламиз.

— Яхши фикр, лекин бадбўй жойда ибодат қилармикан? Шу саволимга жавоб бермаяпсизлар!

— Ҳозир ўзидан сўраймиз.

Шундан сўнг бири худди сажда қилаётгандек пешонасини панжарага теккизиб, менга дели:

— Нигора, биз сизга ҳижобда юришга рухсат бердик. Бу камоқхона тарихида бўлмаган. Энди эса қайтиб чиқмоқчи эмассиз. Бироқ намоз ўқишдан voz кечмайсиз-ку, тўғрими? Сизга қудук ичида ҳам, ёп-ёрғу, шинам хонада ҳам шароит қилиб берамиз. Азон айтишга мулла ҳам келади.

— Менга расмиятчиликнинг кераги йўқ, — дедим зарда билан. — Ҳар бир хатонгиз сизларни ўлимга олиб келади. Қандай яшаган бўлсам, ўзимни шундай қабул қиламан.

— Менга очик жавоб беринг! Намоз ўқишни рад этишсизми ё...

Ҳеч нима деб жавоб бермадим. Улар жимгина кутишди.

— Қибла қаёқда? — сўрадим мен.

Улар алланималарни шивирлашди. Қулоғимни динг қилиб, барини эшитдим.

— Қибла фарб томондами? — сўради бири иккинчисидан.

— Ҳа. Қиблани билмайсанми? — деди шериги.

— Ота-онам атеист эди, худогоа ишонмасди. Куёш ботиш томон қибла эканини кўча-кўйда эшитганман.

— Барибир қиблани билгилинг керак-ку.

— Ўзингиз-чи?

— Бунни ким билмайди! Қибла кун ботиш томонда.

— Кўрсатинг-чи?

— Ташқарига чиқсак, куёш ботишига қараб айтаман. Бино ичида қиблани билолмайман.

Гапга бошқаси аралашди:

— Кўп минғир-синғир қилманглар. Қувурга тескари томонни қибла деб ишонтириш керак, шунда маҳбус адашади ва қўлга олишимиз осон бўлади.

Кимса яна панжарага пешонасини теккизиб, нагта — чоҳ тубидаги каминлага гап қотди:

— Қибла ҳозир турган жойингиздан чапда.

Қўзимни юмдим. Бўронда адашган йўловчилар қибласини йўқотса, қораги қаёққа талпинса, ўша томонга ибодат қилмоғи жониз эди, менда ҳам шундай бўлди. Ҳақиқатан, қибла қувурга тескари томонда эди. Қалбимнинг кўзларини каттароқ очдим. Гавжум шаҳар ўртасидаги тўзал анҳор бўйида қад ростлаган оппоқ масжид кўз олдимда жонланди. Асфалт йўлдан юриб, «зебра»дан ўтиб, масжидга шопилдим. Дарахларда кушлар сайрар, йўлакнинг икки томонини турфа ранг гулларга бурканган эди. Намозхоналар масжидга шопилишарди. Милитсия ходимлари уларни ибодатдан қайтариш учун эмас, тартибни сиклаш, масжидга келганларни террорчилардан ҳимоя қилиш учун хизмат қилишмоқда эди. Ум-ҳимода бундай тўзал манзарани кўрмагандим. Дериждан ташқаридаги дунё аллақачонлар ўзгариб, ҳаёт рўзаллашган эди. Агар шу менинг мамлакатим бўлса, қандай бахтлиман. Жаннатнинг бир парчасига ўхшатдим уни, ҳақиқий хур ислом диёрига ўхшатдим уни. Эътиқодлар эркинлиги ҳукм сураар, киши истеъзоли либосини кияр, тўй дастурхони шаробсиз қим чиройли эди.

Бироқ тирикчилигимга шубҳа қилдим. Фоний дунёда бундай имкониятлар берилгишга ишонмай қўлландим. Тўйим бўлгандан бери тавқибда яшаганим.

Ноҳақим чоғида душман қувурга тушди. Бир қўлдан шприц, иккинчисидан ўргимчаклар тўқиб берган чингир. Яқинлашаверди, яқинлашаверди... Уни ёнимга салом бердим.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи баракотуҳ. Чап ёнимга салом бердим.
— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи баракотуҳ... Душман бир қадам қолди. Шу пайт таниш овоз янгради.

— Тўхтанглар! Ундай қилманглар!

Мен тўзал шаҳардан нимқоронги, бадбўй қудуқ тубига қайтиб қолдим. Овоз отамники эди. Отам Худодан пастда, мендан тепада эди.

— Нигора... қизим... — Падаримнинг ҳаяжонли овози юрагимни дарзага солди. — Жажжи қиза-лоқлигиндан бери гапимни икки қилмагансан... Сўнги насиҳатимни ол... Ўтиниб сўрайман сендан... Аҳмоқлик қилма...

Бошимни кўтарганимда, пешонамга отамнинг бир томчи қайноқ кўзёши тушди.

— Ассалому алайкум, отажон, — дедим мен. — Насиҳатингиз нималигини айттайми? Сабр қил, дейсиз. Сабрим чексиз, чунки ҳақ маконимиз жаннат эканидан неча бор дарс ўтгансиз. Қачонлардир йўқотганларимизни жаннатдан топамиз, шундай экан, сабрсизлик ортидан келадиган бахтсизликка йўл кўелмайман. Зейда, Нурхон, Нурмухаммад... уларнинг руҳлари тирик... улар мени кутмоқда... Мен умрбод сабр қиламан, бундан ташвишланманг.

— Валайкум ассалом, жон қизим. Иншааллоҳ, уларни кўрасан. Насиҳат борасида бу гал бир оз адашдинг. Насиҳатим сабр эмас. Сенга сабрдан ҳам кучли бир сўзни айтмаганман. Бу сўзни эшитиб, амал қилсанг, албатта бахтли бўласан.

— «Албатта» деб нега бунчалик ишонч билан гапиряпсиз?

— Юрагимга қулоқ солишман, қизим.

— Ҳаётни севиш керак демоқчимисиз? Мен ҳаминша Ҳаётни севишман, ота... Ўзим билган Ҳаётни...

— Шошмасанг-чи!

— Одамлардан ҳам аслида нафратланмаганман... Одамларни ҳам севаман... — дея хўнграб йиғлаб юбордим. — Аллоҳнинг яратган бандаларидан нафратланолмайман, отажон... Жаҳл устида қоним қайнаб нималар қилиб қўйганимни билмадим... Уларни ваҳший махлук деб ўйладим... Ҳеч ким мени тушунмаса ҳам, сиз... сиз тушунинг, отажон...

— Насиҳатимни эшитишни истамаляпсан! Қулоқ солсанг-чи, жон қизим!

— Айтинг, отажон, айтинг...

— Токи хотиржамликка эришолмас экансан, икки дунё саодатига ҳам эришолмайсан. Неки ўй келса, сўз келса, амал келса, ички сокинлик билан қабул қил. Сен бир умр хавотирда, ҳадикда яшаб келдинг. Ичингда ғазаб деган янги куч шаклланди. Хотиржамлик дегани — бепарволик, лоқайдлик, ҳифсаласизлик эмас. Чуқур нафас олиб, кўзларинг-ни юм ва дунёни англа. Сен тўғри йўлдан кетаётган экансан, нега безовтасан? Нима учун жазаватга тушибсан? Оғир бўл ва ҳар бир ишни хотиржамлик билан қабул қил. Ваҳимага тушиб, бақириб, уриш, тирнаш, жазават, бу — мусулмон фарзандига ярашмайди, болам!

Отам айтганидек, кўзларимни юмдим, ўпкамини тўлдириб нафас олиб, асаб торларимни бўшаптирдим. Мен ҳақ йўлда эдим, ҳақ йўлдан кетишим керак. Жазаватга тушиб нимаики гуноҳларга қўл урди бўлсам, Аллоҳ кечирсин. Йўқ нарсадан бор келган қолдир Худо аслида мендан ҳеч нимани тортиб олмаган, бари ўткинчи армонлар, ўткинчи умр инетасени.

— Қизим...

— Дабдин, отажон, — деб жавоб бердим.

— Сенга хушхабарим бор.

— Айтинг, отажон.

— Эсингдами, бир кўни сента Нурмухаммад хакида бир қисса сўзлаб бергандим. Шу қисса охирида бола ўз онасининг бағрига қайтади.

— Йўқ, эслолмадим, — дедим мен хувиллаган хаёлот саҳросига назар солиб.

Тепадан яна отамнинг овози эшитилди:

— Кўнларнинг бирида онаси Нурмухаммад деган болани қудуқдан сув олиб келишга юборади. Қудуқ худди сен ҳозир тушган мана шу канализация шахтасига ўхшарди. Бола сув тортаман деб ногоҳон қудуққа йиқилади. Қайтиб келавермагач, онаси ахтариб уйдан чиқади. Қудуқ бошида боласининг бир жуфт калиши ётарди, ўзи ҳеч қаерда кўринмасди. Онаси нима воқеа содир бўлганини дарров айтгайди. Қудуқнинг қоронғи тубига қарайди, ўглини чақиради, лекин ҳаёт давом этар, боласидан дарақ йўқ эди. Она бошқалардек фарёд уриш ўрнига сабр қилади. Фарёд ҳеч қимга бир умр ҳамроҳлик қилмаган, сабр, аксинча, ишончли ҳамроҳдир. Минг бир фарёд урганлар ҳам охир-оқибат сабрдан ўзга чора йўқлигини тушунишди. Бўни кимдир ўлган ёки бошига қандайдир бошқа оғир синовлар тушган одамлар мисолида кўришинг мумкин. Сабр кўпинча кимдир вафот этганда, оғир касалликда, қамоқхонада синалади, умуман, бошқа ҳолатлар, вазиятлар-чи? Сабр ҳеч қачон, ҳеч қаерда синмаслиги керак. Сабрни одамнинг ҳаракатига, интилишларига кишан қилиб тақмаслик ҳам шарт. Шундай экан, жазавата тушиб, фарёд ургандан кўра бирийўла сабрга етишган афзал эмасми? Бу ҳикматни Нурмухаммад қиссасидаги аёлга ўз отаси айтганди. Она боласини топиш, қутқариш учун кўп ҳаракатлар қилди, аммо сабрни бир даҳза ҳам унутмади. Бўлар иш бўлгач, тиз чўкиб, кўзларини юмди ва сабрнинг олий даражасига — хотиржамликка эришди. Отанинг ўғити дунё

ғамларидан устун келди... Қизим, эшитяпсанми мени?

— ...

— Қизим... — умидвор сўзлади отам.

— Болага нима бўлган? — сўрадим мен. — У... ўлганми?

— Бола қудуққа йиқилган, лекин ўлмаган, — дедим отам. — Улим аслида йўқ нарса. Бу дунёдаги одамларнинг ўлими у дунёга кўчиш ҳодисаси, холос. Йўшлар кун келиб жаннатга учрашадилар ва абадий маконларида мантуликка дохил бўлишди. Ўткинчи, майда, кир-чир, арзимас дунёни эслаб, ўзлари ҳам қанчалик содда яшашганидан, ҳатто жаннатга жону жаҳонни билан интигмай, умрнинг чанг-ғуборларига ўралашиб қолишганидан уялишди. Жаннат асл ватанимиз деганим эсингдами? Биз бир кун келиб таналаримизни мажозий ватанимизга ташлаб, руҳ ҳолатида чин ватанимизга кетишимиз лозим. Сенинг чекингта фоний дунё билан боғлиқ сал бошқачароқ қисмат тушган. Мени диққат билан тингла! Аввал қиссанинг қисқача мазмунини сўзлаб берай. Нурмухаммад деган бола қудуқ тубидаги қаттақон қизил тул устига йиқилган бўлиб, у тирик қолганди. Тул болани бағрига олиб, баргларини ёпиб, гўнча шаклига кирганди. Вақти-соати етгач, тул ўсади ва қудуқдан бўй кўрсатади. Офтоб чарақлаган, қушлар сайраган, халқ севинган ажойиб кўнларнинг бирида гўннинг гўнчаси очилиб, Нурмухаммад соғ-саломат чиқиб келади. «Она, мен бу ёқдаман» дейди у... Сен боланга нима деб жавоб берасан, қизим?

Мен... — дея ёқамни фикимладим. — ... мен нима дедимин?

Уйлаб кўр.

Мен бетонаман унга.

Уйлаб кўр, — такрорлади отам.

- Нимани ўйлайман?
- Сен онаси ўрнида бўлсанг, нима қилардинг?
- Тилим айланмай, ҳаво етишмай қолди. Гўё мен ит эдим, ухлаб ётганимда отам думимни босганиди.
- Аллоҳга шукр дердим.
- Кейин-чи?
- Кўзларимдан ёшлар қуйиларди, ота.
- Хўш, ундан кейин-чи?
- Бағримга босардим, — деб жавоб бердим юрагим гуп-гуп уриб.
- У сенга нима дерди?
- Она, мен келдим, дерди.
- Шундай дейишга ишонасанми?
- Ўйганиб қолдим. Қиссадаги Нурмухаммад нима деган бўларди?
- Жавобингни кутяпман, қизим, — деди отам.
- Билмайман...
- Нима учун?
- Бошим оғриятти... Уни эслолмапман, ота...
- Кимни?
- Болани.
- Нурмухаммад қиссасини қачон сўзлаб берганман, эсла.
- Эслаётмапман.
- Кўрипманки, ўша онанинг ўрнида сен бўлганимда, роса севинардинг, Аллоҳга шукрона айтиб, болани маҳкам қучиб, юз-кўзларидан ўпардинг, сабринг учун мукофот қанчалик улғу бўлганидан бошинг кўкка етиб, Яратганга ҳамду санолар айттардинг, тугримми?
- Ҳа, отажон.
- Сабр қилиш ўрнига онаизор ўзини қудуққа ташлаганида, оқибат не кечишини ҳеч ўйлаб кўрганмисан? — сўради отам юзини панжарага босиб.
- Йўқ, — бош чайқадим мен.
- Агар она чидаёлмай ўзини қудуққа ташлагани-

- да, ҳалок бўлиб, гўл ҳам униб чиқмасди. Буни унутма, Нигора!
- Унутмайман.
- Аммо сен... аммо сен ҳозир қудуқдасан, қизим. Мен сенинг отангман. Ота қудуқ лабида боласини ахтариб бўзлаб турибди. Қиссадаги она ўзини қудуққа ташлаганида, боласи ҳам, ўзи ҳам ҳалок бўлиб, қа ташлаганида — менга ўхшаган отаси ахтариб уларни бир одам — менга ўхшаган отаси ахтариб келарди. Тақдир чархалаги қандай айланишини қара! Мен қудуқ лабидаман! Сен эса унинг тубида бўлсанг-да, ҳаммамизнинг бахтимизга тириксан, қизим.
- Сергак тортиб, оёқ учида турганча қўлларимни чўздим, аммо панжарага етмади. Отанинг қўллари-ни тутгим, ўпгим, юзимга босгим келди. Оғир дамларда саодат йўлини кўрсатганларгина энг қадрли инсонлар эканини юрак-юракдан туйдим. Бироқ қудуққа сувга кетган Нурмухаммад деган бола ҳақини қиссани отам қачон сўзлаб берганини ҳақиқатан эслаётмадим. Балки ҳеч қачон ҳикоя қилмагандир, балки Нурмухаммад воқеасини қачондир гапириб берганман деб отам адашётгандир...
- Мен кўрқдим.
- Мен боламни эмас, отамни йўқотишдан кўрқдим. ...Отам адашмайди. Отам улғу инсонлигича қолади. Ҳамма гап менда. Мен осий бандаман, касалман, билишганиман, телбалик ботқоғига ботганман.
- Ҳа, ҳамма гап менда эди! Охириги дамларда вақт, борлиқ ва одамларни бир маконда кўра олмай, реал ҳаёт ҳамда ҳаёлотни чалкаштириб юборётгандим, ҳа, шундай, шундай, шундай. Буни эртароқ тушуниб етмадим. Йўқ-йўқ, эртароқ деганим нимаси? Эртароқми, кечми, мен ўзи тушуниб етаманмикан? Эҳтимол, ҳозир ҳам отанинг рўёси билан гап-лашяётгандирман?
- ...Ҳаётим тушда кечар эди.

Кўрганларим рўё, туш, алаҳсираш...
Шу тобда кундалигимнинг илк саҳифалари кўз
олдимда живирлади:

«Бағанд деворлар... Тиканли симлар... Минораларда
соқчилар... Аллакаердан мента ўхшаган хотинлар-
нинг фарёди эшитилади, аммо мен хотиржамман...»

Бу тушим эмасмиди? Бағанд деворлар, тикан-
ли симларни, соқчи минораларини ростдан кўр-
ганманми? Хотинлар фарёди маҳбустларники эмас,
беморларники эди шеклиди...

— Отажон, бу сизмисиз? — ваҳима аралаш қички-
риб юбордим.

— Ха, менман, Нигора! Шу ердаман, кўрқма! — де-
ди отам тепамдаги панжарага юзини кучлироқ босиб.

— Мен... мен қаердаман?

— Канализация шахтасидасан, ҳозир чиқариб
оламан, қизим! — отамнинг овозида ҳам ҳаяжон
сезилди. — Энди ўзингнинг овозингда гапирдинг,
Аллоҳга шукр, аслингга қайтысан. Яна бир оз чида,
бир оз кут, ана бир неча оғиз мен билан гаплаш...

Устимга совуқ сув қўйилгандек сесканиб, кўз-
ларимни катта-катта очдим.

— Ота, фақат алдаманг, сиз... сиз ростдан шу
ердамисиз? Канисиз?

— Шу ердаман, қизим, — деган эди, отамнинг ҳам
овози титради. — Қайтысан, ўзлгингга қайтысан.
Тилинг отажон деса-да, қалбинг мени танимасди.
Энди танидинг, овозингдан билдим, қизим. Овозинг
аввалги Нигораники... ўзимнинг Нигорамники...
Кечир, хотиржамликдан дарс бериб, ўзим хотиржам
бўлолмапман...

Падари бузрукворим муқаллам мента Нурмухам-
мад ҳақида гапириб бермаганини англаб етдим.
Мен Нурмухаммадни танимасдим, у ҳақда мутлақо
эшитмагандим.

Ҳақиқатни англаб, ваҳм аралаш тўрт томонимга

алянгладим. Деворларига фишт урилган қудуққа
қандай келиб қолганим ёдимда, аммо қандай чиқиб
кетишга ақлим етмасди. Оёғим тагида — зулмат
қабрига қўзайлган қувур кўринди. Бу қувурга кирсам,
тамом. Қиблага тесқари томондаги одам бўйи
бағандликлдаги қувурдан эса ҳамон сув томчилаб
турарди.

— Ҳато қилдимми, ота? — сўрадим бошимни кў-
тариб.

— Ха, ҳагога йўл қўйдинг, қизим. Ягона йўлинг
— ички безовталигингни қувиб солиб, хотиржам
бўлинг. Ҳозир ҳам кеч эмас. Шундай хотиржам бўлди,
сирининг энг гузал ҳолатига эриш ва саодатга етиш.
Содиқ — мени фарзанд доғида қон йиғлатиб, қайт-
мас йўлларга қочиб кетишинг эмас, истиқболим-
га чиқиш, учрашиш, оила бағрига қайтишингдир.
Шундай қиламизми, қизим? Сента ёрдам бераман!
Кўрқма! Мени сўзда эмас, юракда таниганлигинг
биринчи катта ғалабани! Бу ғолибликни қўлдан бой
берма, жон қизим! Эс-Хушинг энди умрбод ўзингга
бўлади!

— Айтинг, нима қилай?

— Ҳозир гапирадиган гапларимни бор ақлу шу-
уринг билан қабул қил!

— Хўп, отажон.

— Нигора, сен агар қудуқ тубидаги анави қувурга
кирсанг, зулмат тубига сирғалиб кетасан ва ҳалок
бўласан. У дўзах билан яқунланайтган йўл. Булар
панжара ва бетонни бузиб, сени тортиб олгунлари-
ча, дунёнинг ифлос чиқинди сувлари ичида ҳаётдан
кўз юмишингни истамайман. Қаяққалир қочиб
кетиб учун канализация қувурига киргансан. Шунга
унутмаки, қизим, одамлардан қочиб, ҳеч қандай
муаммо ҳал қилинмайди, қилинмаган ҳам. Эҳтимол,
қачон замонларда тарқидунё қилиб, форга кирган
урулар ҳақида эшиттандирсан. Аммо сен тарқидунё

Килишинг учун ортда қолган муаммони ечининг керакчилигини тушунгин.

— Тушуняпман, ота...

— Аслида бўлун сенга сўнгги сирларни очиб учун келиб, бу воқеанинг устидан чиқдим. Менга ҳаммасини айтишди. Сени вақт даволайди, деб ўйлагандим. Бирок вақтга ёрдамлашмасам бари бекор экан. Қуруқ вақтнинг ўзи қалампирдан ҳам аччиқ. Яна бир гапимни эшитишга тайёрмисан, қизим?

— Тайёрман, отажон.

— Танлаган йўлинг тўғри эканига ва Аллоҳ сени ҳеч қачон хор қилиб қўймаслигига ишонсанг, хотиржамлик дилингга мустаҳкамроқ ўрнашадиган ва сен соғасан.

— Қайси йўлим?

— Ҳозирги эмас, ўзимизнинг уйимиздаги йўлинг. Қулоқ сол, манави қўлимдаги қалипчаларни бўлун онанг сандиқдан олиб берди, — деб отам панжара устига жажжи оёқ кийимларини қўйди. — Буларни бир вақтлар сен кийгансан. Митти қалипчаларингнинг уйимиздаги сандиқда қолдириб, қудуққа тушиб кетганинг бағримни вайрон қилди. Ўйлайманки, менинг — ўз отангнинг овозини эшитиб, ўзини кўриб, ёруғликка — саодат майдонига чиқасан, ҳали мен билан озода маконларда, озода либосларда намозлар ўқийсан, рўзалар тутасан, ҳажларга борасан. Бу қалипчаларни энди тугилажак ўғлингга берасан... —

— Худо хоҳласа, отажон... Лекин... лекин мен... —

— Сен кетган қувурларга мен сизмайман, — деди отам вазмин тортиб, — ходимлар ҳам сенгача етиб бориши мушкул. Аммо кўринмас арқонларим билан

бу чоқдан ҳалос егаман. Бунинг учун рост сўзлашинг керак. Рост сўзлайсанми?

— Ҳа, ота...

— Қурқяпсанми?

— Ҳа... Жудаям...

— Бу — яхши. Сенга ақл ва имон қайтиб келяпти. Нақтин бой бермайлик! Менга айт, Нурмухаммад ҳақидаги қиссани сенга қачон сўзлаб берганман.

— Ҳеч қачон... сўзлаб бермагансиз...

— Рост гапирдинг. Сенга Нурмухаммад ҳақида бирор марта ҳам ҳикоя қилмаганман.

Отам кўзёшларини артди, юрагини музлатиб юборилган гапни айтди.

— Сен ҳам Нурмухаммад ҳақида гапирмагансан, қизим. Бу ҳақиқатни ҳам тан ол. Шунда ҳаммаси яқин бўлади.

— Мен гапирмаганманми?

— Қиссадаги Нурмухаммадни ҳам гапирмагансан, бошқа Нурмухаммадни ҳам.

— Бошқа Нурмухаммад?

— Ўйлаб кўр-чи, мен яна қайси Нурмухаммадни назарда тутдим?

— Нурмухаммад... Нурмухаммад... — Қудуқ деворига турса этиб урилдим. Бошимни чангалладим. Миям олдиди бир масалани ечолмай, жунбушга келди. — Ўй, ким у?...

Қизим, қудуқдан соғ-саломат чиқиб, оппоқ, пок либосларда, ўзингнинг гўзал хижобингда мен билан бирга унга кет, бирга ибодат қиламиз, сахарликка турганим, бирга Маккаю Мадиналарга борамиз, ашшо, қариндош-уруғларни эиёрат қиламиз. Менинг келим илоҳий соқинликка, илоҳий хотиржамликка эришди. Дунёнинг ғамлари, дунёнинг хасталикларини ўқинчи-ку, ахир! Шундай эмасми?

Шундай, ота, шундай... Лекин Нурмухаммад... Нурмухаммад...

Бошимни чангаллаб, кўзларимни чирт юмдим. Ким эди у? Ким?

— Оёгинг тағидати панжарадан узоклаш, ортингта ўтирил. Рўпарангда, сал баландроқда яна бир кубурни кўрасан. Унга кирсанг, мен кутиб оламан. Сени шунчалар соғинганманки...

— Нурмухаммад ким? — чинқириб юбораёзим мен.

— Ҳеч ким, ҳа, аслида у ҳеч ким.

— Ота! Гапингизга тушунмапман!

— Нурмухаммад деган ўelim бор, дегансан, лекин уни мен кўрмаганман, Бўри ҳам кўрмаган, бошқалар ҳам.

Шу пайт сой бўйига чопиб кетаётган бола кўз олдидан лип этиб ўтди.

У Нурмухаммад эди!

У менинг ароққа кетиб, қайтиб келмаган болам эди...

Кўзларимдан дувиллаб алам ёшлари тўкилди. Йиғлаётганимни отам дарров билди.

— Агар Нурмухаммад қиссасидаги онанинг эмас, ўелининг ўрнида бўлганингда нима қилардинг, болам? — деди отам. — Ўз ота-онангнинг бағрига қайтиб, уларни сулонтирлишни ўйламасмидинг? Ўйлардинг, сентга ишонаман. Бугун шу ишни амалга ошириб, бизни хурсанд қиласан. Уйда онанг йўлларингга қанчалик интизор ўтирганини тасаввур ҳам қилолмайсан.

Отамнинг кўзларидан ҳам ёш томчилади. Юрагим хавотирдан потирлаб уриб, аччиқ юттиндим. Мен олис уфқлар ортидан хушхабар жарчиси келаетганини ҳис этдим, аммо маъноси мавҳум эди. Отам шу вақтгача кўзёш тўкмаганди, боягина ўзи айтганидек, хотиржам эди, донишманд эди.

— Ота... отажоним... Йиғламанг... — дедим мен гоҳ отамни, гоҳ Нурмухаммадни ўйларканман.

— Бугун сени кулук тубида кўриб, ўзимни ўша ривоятдаги она деб билепман... Ота бўлиб, эркак киши бўлиб, юрагим қандай чил-парчин бўлганини кўрмапсан. Онанг келганида бардош беролмасди. Шусиз ҳам сенинг неча ойдирки, бу ёқда эканингдан шам каби сўнди. Яна бир марта сени бундай қолда кўрса, юраги чидамайди...

— Нурмухаммадни онам кўрганми?

— Йўқ, кўрмаган. Сенинг Нурмухаммад деган ўелинг бўлганини нафақат онанг, дунёдаги ҳеч бир тирик жон кўрмаган. Онанг сени ўйлади, соғинганидан қаттиқ хавотирда эди. Холингдан хабар олишга келдик. Ўшанда ақл-хушинг ўзингга эмасди. Қўлларингга, оёқларингга кишан урилган бир ақволда эдинг. Онанг бу ерларга қайтиб келмади, бошқаларга ҳам сен билан учрашиш тақиқланди.

— Судим қачон ўтди?

— Судинг бўлмаган. Бўлмайди ҳам. Сен билан учрашишни врачлар тақиқлашди, холос. Яқинларингни кўрсанг руҳиятингда қучли тўфон тургани учун шундай қилинди.

— Нурмухаммадни ҳеч ким кўрмаган деманг, ингимос! Бундай бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас! У Маккага имом бўладиган ислом чироғи эди, акхир!

— Сен бўрилар еб кетди деган ўелинг Нурмухаммадни ростдан мен ҳам кўрмаганман, эшитманган, билмаганман.

— Қ... қанақасига, ота? Бу — ёлғон!

— Нурмухаммад сенинг хаёлот маҳсулинг, Ниго-ру, Мана шу ҳақиқатни ҳам қилолсанг, у ёни бир қолди қолади.

— Хаёлот? Бу... бу нима деганингиз?

— Сен ўйлиги бўлмагансан, охирти пайтларда кўрингга кўринган бола оғир руҳий зўриқшинг

Оқибатида миянгда юз берган ўзгаришлар оқибати. Унга сен Нурмухаммад деб исм кўйгансан.

— Кизларим... Кизларим қаерда?

Отам яна кўзёшларини артди, чўян панжарага юзини босди ва шундай деди:

— Улар ҳақида билишни истасанг бу ёққа чиқ, демайман. Шусиз ҳам барибир оргингга қайтиб, ёруғликка етасан, биз билан кўришасан. Бунга ишонаман, Кизим...

Панжарага тикилдим. Бўғзимдан илҳақ саволи учди:

— Кизларим қаерда, ота?

Падари бузрукворим кўп култирмай жавоб берди: — Улар Аллоҳнинг паноҳида, жоним болам. Кўп қайғурма. Бари яхши бўлади.

— Кизларим... шу дунёда... мен яшётган мана шу дунёдами?..

Баданим титрарди, овозим титрарди, юрагим титрарди.

— Ҳа, — деди отам, — невараларим соғ-саломат... «Болаларинг ҳаёт!» — деди коинот.

«Болаларим тирик...» — дедим мен.

— Сен эса жигарбандларингни ташлаб, дийдорларини бошқа ёқлардан қидириб кетаётган эдинг, — давом этди отам. — Уша ёқларда улар йўқ эди.

Кизларимни йўқотмаганимни, аммо нимадандир қаттиқ хавотирда яшаганимни туйдим. Ҳақиқатан, охириги пайтларда бошимга оғир мусибатлар тушганди. Бу фарзандни йўқотиш, оилани йўқотиш, ватанни йўқотиш билан баравар азоб эканига шак-шубҳа қилмасдим.

У нима эди?
...эътиқодни, имонни, исломни йўқотиш азоби эди.

...эрим қачонки болаларимни ароққа юборганида, одамийликни йўқотиш азоби эди.

...Ундан ҳам аввал мени... ўз хотинини... ярим илдинғоч либосда омма олдига чиқишга мажбурлаш азоби эди.

...Ҳамиша мени террорчи, ваҳхобий, телба деб уйлаш, бошқалар ҳам шундай тушуниш азоби эди. ...дунёда эркинлик ҳукми сураётганида, кийиниш эркинлигидан маҳрум этиш азоби эди.

— Мента... кўп нарсалар тесқари эканини сезганиман, ота, — дедим аччиқ ютиниб. — Аммо бахт уюқларда қолиб кетаётганини тўғри англаганман... бежиз кўрқмаганман...

Кўркув мени бахтсиз яшшган бандалар охири вой замонга элтарди бизни... Ишонмайсизми?

— Сента-ку ишонаман, Кизим, — деди отам меҳрибонлик-ла. — Аммо бахт ҳамиша ёнингда эканлигини ҳам унутма. Сен уни йўқотмагансан. Мента ҳам ишон.

— Ишонаман...

Холбўки, қалбимда ишончсизлик ҳукм суради. Ҳитто, отамнинг шу ердалигига ҳам тўлиқ ишонолмай гаранг эдим. Балки ҳаммаси тил бириктириб, мени қулуддан алдаб чиқармоқчидир, деб ўйладим. Ахир, қатл этиш учун охириги кунимгача соғ-саломат авайлаб-асрашлари керак эмасми? Ҳа, албатта. Ҳалоскорликдан мақсад — ё узок йиллар қамоқда ёлғаш, ё қатл этиш. Шундай бўлиши мумкин-ку. Отамга «телба қизингиз канализация қувури ичиндан ўрмалаб, хавфли нуқтада, ўлим лабида турибди, илтиб чиқарсангиз чиқардингиз, йўқса, ундан аж-раласиз» дейишгандир, эҳтимол...

— Фарб томонга кетаётган эдим, ота.

— Киблагамми?

— Йўқ, қачонлардир қон тўкилган жойларга. Мен у ерда оиладан ажралганман, ҳа, оиладан, бормидан...

— У ернинг йўқ эканлигини эшитдинг, қизим. Ўзинг ўйла, сен айтган сой бўйидаги воқеа, бўрилар, қоронғи ўрмон... булар йўқ экан, демак, сен ҳам, оиланг ҳам соғ-саломат.

— Мен... — дедиму кўп нарсага ақлим етмаслигидан гангиб, тилимни тишладим.

Модомики, яна бир қадам ташлаб, панжарани кўтариб, пастки қувурга кириш ўзини қаслдан ҳалок этиш ва оқибати дўзах экан, ҳақиқатан ҳам фарб томондаги мен интилган макон йўқ эди. Маконнинг йўқлиги воқеанинг ҳам йўқлигига дағолат эмасми? Қолаверса, мен ўтмиш деб ўйлаган воқелик аслида келажак бўлиб чиқмоқ-да. Еруғ ўтмишга қайтиб, келажатим билан дийдор кўришганим аълороқ-ку...

Ҳаелмида гавдаланган чиройли озода шаҳар, уни кесиб ўтган анҳор бўйидаги оқ минорали Тожмахалга ўхшаш оқ масжид, тўзал боғи, саодатга элтувчи йўлаклари — булар ҳам йўқ эди. Йўқ бўлса-да, менга хузур-ҳаловат бахш этганди.

— Даҳрийлар фақат ўз кўзи билан кўрган, ушлаган нарсасигагина ишоннади, — деди отам. — Шундоққина тепангга турибман, қизим. Овозимни эшитипсан, ўзимни кўряпсан, лекин нафақат тап-ларимга, назаримда, ҳатто шу ердалигимга ҳам ишонмапсан, тўғримми?

— Тўғри, — дея тан олдим.

— Илоҳийликка ҳам ишон, молдийликка ҳам. Иккисини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Сенга Аллоҳ бирор неъмат берар экан, уни ҳамманинг тувоҳлигида кўкдан туширмайди, балки кишилар молдийлик ва реаллик деб атаган борлик орқали беради. Кўкдан нимадир тушириш учун сен жуда-жуда олдийлик қиласан. На тайғамбар, на авлиёсан. Ҳозир ўзингни чимчида. Оғрийди. «Эй Худо, чимчиласам, оғримасин» деб муножот қилиб,

кефини чимчиласанг, барибир оғриқни сезасан. Нети? Даҳрийлар айтганидек, Худо йўқми? У нима учун сенинг ўтинчингни инобатга олмай, оғриқни туҳтигаб қўймади? Жисмоний оғриқ нима ўзи? Биологлар, анатомлар, шифокорлар, экстрасенслар тушунириб берган оғриқ ҳодисаси ишончли хулосамми? Бош мия, асаб тодалари, тўқималар... Ҳа, даҳрий олимларнинг илмий изланишларидан чиққан хулосалар тўқсон тўққиз фоиз тўғри. Чиндан ҳам одам организмни олимлар айтган тузилгишлардин иборат ва биз олимлар аниқлаган сезгилар орқали оғриқни сезамиз. Ҳатто, минг йиллар давомда одамнинг ташқи кўриниши анча-мунча ўзгариши ҳам рост. Жонзотлар эволюциясини йўқ деб бўлмайди. Энг қизиғи, сўнгги бир фоизда. Шу бир фоиз ҳаммасини Аллоҳ яратганини билдирувчи кичик нуқтада яширинган катта сир. Олимлардан бирортаси бош мияни, асаб тодаларини, оғриқни, бошқа барча сезгиларни яратмаган. Улар яратилган нарсанинг қандай тузилгани ва қандай ишлашини аниқлашган, холос. Бу Яратган Эгамга қарши қўйилган илмий хулоса бўла олиши мумкинми? Даҳрий олимлар Худо йўқ деб илмий исботлашга уринганларида, улар Аллоҳ яратган борлик ичиде фикрлаётганларини, Аллоҳ яратган молдийлик ичиде эканликларини тан олишни исташмайди, борлиги шу. Койнот ўз-ўзидан пайдо бўлган, миллиард-миллиард йил аввал газ портлашларидан коинот шу жуда келган, газ эса ўз-ўзидан йўқдан бор бўлган, деб қулгига қоладилар. Уларнинг илмий «исботлашлар» ўзларига мослаштирилган молдийлик ичиде бўлгани учун уларнинг йўлдан бориб Худонинг борлигини исботлашнинг иложи йўқ. Қизим. Шунинг учун бечораларнинг барча илмий исботлари қисқилар маънода тўғри, лекин ўзлари учун тўғри,

Маблум бир доира ичида тўғри, махдудликда тўғри. Мен даҳрийлар борлигидан, уларнинг илмий ютуқларидан ҳечам ташвишланмайман. Қизим, бу дунёда юз берган барча воқеаларнинг сиртига эмас, ичига боқ. Бино емирилгани учун Кулайди. Дунё яратилгаётганда, емирилиш ҳодисаси ҳам яратилган. Ундан аввал емирилиш ҳодисаси йўқ эди. Емирилиш нималигини фаришталар ҳам билмаган. Худо моддий дунёдаги бирор бинони йиқитишни емирилиш ҳодисаси воситасида амалга оширади. Шундай экан, бинонинг кулашини текшириб кўриб, «у Худонинг хоҳиши билан эмас, емирилиш натижасида Кулайди» дейиш қанчалик кулгили эканини сенга такрорлашимга ҳожат йўқ. Мактабда молекулалар ҳақида ўқиб қайтган кунингги эсла. Менга қанчадан-қанча саволлар бергандинг. Сенга ўшанда ҳам айтганман, молекуладек, атомдек зарралар ортида ҳам Яратган Эгам турибди. Физик олим молекулаларни ўрганаётиб, бу дунёнинг қолим нуниятларини кашф эта борали ва ҳайратланади. У ўз илмий изланишларидан сўнг исломга қарши бориши қанчалик мантиқсизлик бўлса, художўй, тақводорларнинг физикага қарши бориши ҳам шунчалик мантиқсизликдир. Сен булардан сабоқ олган менинг энг ақлли Қизим эдинг.

— Энди-чи? Даҳрийларнинг бошқача тури бўлиб қолдимми, ота?

— Йўқ. Айтмоқчиманки, сен уларга ўхшаб бир ёқлама фикрлама.

Мен деворга суюниб, бошимни чангалладим.

— Рухий касалман, ота...

— Даволаняпсан, жон қизим. Мени таниганинг, илму амалинг ўзингга қайтаётгани шифо топаганингдан дарак. Мухими, сен рост сўзлагдинг. Ўзингни ҳам, мени ҳам алдамадинг.

— Бирибир ўзимни чиқолмас чоҳдаман деб тасаввур қилганиман...

— Йўқ, йўқ, Нигора, — деди отам, — сени кутяпман. У ердан чиқишнинг йўли бор. Айт, яна нима брдам керак?

— Дингосёқман, калишчаларимни ташланг, — дедим мен.

Отам қалин панжаралар орасидан калишчаларини тикиштирди. Бўйим етмади. Отам уларни ишга ташлади. Иккиси ҳам кафтимга тушди. Мен калишчаларимни ҳилладим, бағримга босдим. Сўнг шундай фарёд урдимки...

Аmmo овозимни ўзим эшитмадим.

...Қушимни очганимда, ёруғ хонада ётардим. Ҳавода қориларнинг иси эмас, райхон хиди кезиб юрарди. Ўзиним тоза либосни, узун либосни, ҳалол либосни кие этиб, яйради.

Қаравотим ёнида қадрдон гавда ростланди. Қўз қоримни ташламасдан танидим: у отам эди, ўзимнинг тирик отам, ҳеч қачон ароқ ичмаган, сигарет чекмаган, рўзасини қанда қилмаган, ибодатини ўзмаган, бизга кўпол тапирмаган, онамни хафа қилмаган, оиласини зориктирмаган, гўдаклигимиздан илм берган отам, ўзимнинг меҳрибон отажоним, ҳеч қандай рўёга айланмаган отажоним. Юзидан нур ёнгиб турарди.

Аmmo отамнинг эмас, онамининг овозини эшитдим:

— Қизим... Нигорахон...

Бошимни бурдим. Отамнинг панасидан онам чиқиб келиб, жилмайди.

— Бари ортда қолди, — деди волидам киртайган куйларида ҳалқаланган ёшни артиб бошимга энгаширкан. — Бу ўтган кунлар сенга қирқ йилдай туюлган бўлсаям, иродангги ишга солдинг, чидадинг, азоблар сувдай оқиб кетди. Сени бизга қайтарган Аллоҳимга минг қатла шукр.

Кафтларим бармоқларим аралаш дока билан болаб ташлантанди. Бармоқларим букилмаса-да, онамнинг кўлларидан түтишни, силашни истадим. Улар кўлларини узатишти.

— Энди бизни кўрkitмайсанми, қизим? — Ҳазин овозда зўрга сўзлади онам.

— Кўрkitмайман, эна... Сизлар учун ҳаммасига чидайман...

— Ҳазингни яхши хис қилапсанми?

— Ҳа... Лекин бу ерга қандай келиб қолганимни эслолмапман.

— Кўй, ёмон кунларни эслама. Нима ейсан? Нима ичасан, қизим? Отанг олиб келиб беради. Айтавер.

— Шартмас, она.

— Кўнглинг бирор нарсани тусаеттандир? — дея отам кўлимга Курьони қаримни тутқазди.

Мен китобни ўпиб, пешонамга суртдим.

— Ҳаётимни кўргим келяпти, — дедим мен.

Онам йиғламоқдан бери бўлиб отамга термудди.

— Ҳазиннинг ҳаётингни кўришдан аввал дунёнинг ҳаётини кўр, — деб отам тирсагимдан тутди.

Кейин онамга имо қилди: — Нариги томонидан тушди. Ташқарига олиб чиқамиз. Қизимизни охирти марта ўн саккиз йил бурун етаклаганмиз.

Мен гавдамни кўтардим. Оёғим ерта тегди. Мадорим йўқ эди, ота-онам суяди. Рухим ин қурган биологик танамнинг оёқлари остида улкан Ер шарининг кўйида муаллақ айланмоқда эди. Озода ва ёрғу хонанинг бурчагига кўйилган кўзгута боқдим.

Этнимда аввалги кўкиш либос йўқ. Мен Мадина опадан ҳам чиройли кийиниб олгандим. Оқ рўмолим бирам ярашганки, пайғамбарларнинг аёллари кийдиган ҳижобага ўхшайди, фақат юзим очик...

Сўлгин, касалманд, тушкун рухсоримни кўриб, бир зум тўхтадим.

— Бу — сен, — деди онам.

Мен онам каби жилмайдим. Юзимда сезиларсезилмас нур жилваланди. Абу Манноп юзингни кўрсатсанг жаҳаннамда қуясан, ароқхўр эр билан ишасанг жаҳаннамда қуясан, мен каби ҳақиқий мусулмонга тан маҳрами бўлмасанг жаҳаннамда қуясан дегандек туюлди. Бироқ воявоста тушмадим. Отамни ҳақ деб билдим.

— У кўзгуда ўзини кўрдими? — сўради соқчилардек босаялат эркак шифоқор.

— Ҳа, ҳаммаси жойида, — деб жавоб берди отам.

Эшик ланг очик эди. Темир панжаралар, бетон поллар, нимқоронги йўлаклар ғойиб бўлганди. Мухими, ҳеч ким менга даҳшатли қотил аёл деб қармаётган эди. Одамлар ўз ишлари билан хотиржам ҳолда у ёқ-бу ёққа ўтиб-қайтишарди.

Беморларни етаклаган ҳамширалар саломлашиб ўтишти.

— Хўш, қизимизнинг аҳволи қандай? — сўради эришга ўхшаш шифоқор кўзойнагини бурни устига олиб кўнлараркан.

— Нигора яхши, у бутундай уйғонди, — деди отам. Қурганлари туш каби ортда қолди.

Шифоқор менга эмас, отамга хайрагланиб қаради.

Сўнгра мамнун кўз қисиб кўйди-да:

— Бутунлай уйғонгани рост бўлсин, ҳожи ака, — деди.

Шифоҳона боғини кўриб, тўхтадим. Енгил, ҳафиф шамол аввал боғни, кейин менинг юзимни оғиб ўтди. Юрагим ҳаприкиб кетди ва бу дунёдаги қонсизлар, ҳислар, манзаралар у дунёда содир бўлишларнинг мингдан бир бўлаги, деган ўйи кўнглимдан. Қачонлардир биз шундай кўнглимиз ва шундай бир хурликка чиқиб, шундай бир боғларни кўриб, абадий макон тутамиз. Фақат энди абадиётга дохил бўлади ва ҳозиргисидан минг, эҳтимол, ўн минг, юз минг баравар севинч-

та долгик қилади. Биз у қадар улғе севинччи Хозир түелмаймиз, юрагимиз кўтаролмайди. Ожиз-лигимиз ҳам шунда.

Бое ичидати ўриндикка чўкдик.

— Эслапман, — деди мен ва кўзларимдан дув-дув ёш оқди. — Ҳаётимни эслапман... Соғиндим... Кизларимни соғиндим... Зиёда, Нурухон... Улар нега келишмади?

— Бўри бутун олиб келади.

— У... у киши ҳам ҳаётми?

— Ҳаёт, — деди отам. — Сен бу ерда давола-наётганингда, у ҳам шифохонадан чиқиб, фар-зандларини талаб қилди. Болта зарбидан омон қолгани омадларинг. Кунун Бўри томонда эди, чунки сен касалликка чалингандинг. Болаларинг отасининг қарамоғига ўтди. Ҳозирда Бўри айб-ларини тушунган, тавба қилган. Норасида болани ароққа юборадиган гумроҳ энди йўқ.

— Нурухонга ўқ тегмаганмиди?

— Йўқ, Бўри ҳавога ўқ узган. Кейин қолиб келганида, Нурухонни кучоқлаб йиғлаётган бўлгансан. Неварам қаттиқ йиқилиб хушини йўқотган. Уша кеча бўрилар йўқ эди. Нурухон бечора сен билан куёвнинг жанжалидан кўпроқ азият чеккан.

— Зиёда ҳам соғ-саломатми?

— Уни ҳам тез орада кўрасан. Кизингни ўз вақти-да кутқаришди. Сени эса зўрға саклаб қолишди. Узингни олов ичига отиб ҳалок этишинг ҳеч гап эмасди. Шифохонага олиб келишганида ҳам неча кунлар ўзингни билмай алаҳсираб ётдинг. Очради, сени одам бўлмайди, бир умр ўзининг кимлигини билмай рухий касаллигича ўтади, дейишганди. Раҳматли Эргаш сенга катта яхшилик қилди... Тоғамизнинг ўғли...

— Эргаш... У... қачон вафот этди?

— Рухий касаллар шифохонасига тушиб қолганинг, қандайдир қамоқхона, Бешинчи терговхона,

Нурумуҳаммад деган бола ҳақида гапирганинг, кун ботиш томондан бўрилар келиб, ўғлингни еб кетгани ҳақида бакириб-чакириб сўзлаб, агрофинглатгиларга пармашганинг унга етиб борган. Киш эди, йўллар муз. Тошкентдан келаётиб, ҳалокатга учради. Эргаш касалингни кўрмасдан туриб ташхис кўйган экан, ўғри чиқди. Бу ердаги шифокорлар унинг ёнидан топилган қоғозлардан фойдаланиб, сени даволашди. Юзимга фотиҳа торгудим.

— Шифохонага тушиб қолганимдан кейин орадан қанча вақт ўтди?

— Етти ой. Сен октябрнинг охириг кунидан бери шу ердасан.

— Кизларимни нега мента бирор марта ҳам кўрсатишмади? Ахир, мен уларни ўлган деб ўй-лаётгандим. Қанчалар қийналаётганимни билмас-лик мумкин эмасди...

— Уларни икки марта олиб келишди. Биринчиси-да сен танималинг, иккинчисида «сизлар ўлган-сизлар» деб фарёд урдинг. Шундан кейин врачлар кизларинг билан учраштиришни таққиқлашди. Бўри ҳам кизларинг қаттиқ кўрққанини, сенинг боғор ахволингдан эзилмаслигини ҳисобга олиб, учраштирмасликка қарор қилди.

Мен чуқур нафас олиб, ўз вужудимни қислород билан таъминладим. Асаб торларимни бўшашти-ришга уриниб, бир зум жим ўтирдим. Эрим ва икки кизим тирик эди, Нурумуҳаммад эса хаёлимдаги бола... йўқ бола...

Инш эгиб кўз олдимдан оқ сурпга ўралган икки майит ўтди. Улар фарзандларимнинг майитлари эмасди, катталарники, ҳа, катта ёшли кишиларнинг майити эканлиги бўй-бастларидан маълум...

— Қайнотам билан қайнонам... — пичирладим мен. Уларнинг ҳам жойлари жаннатда бўлсин, — деди ошнам.

— Эргаш ака бир гал мени ботқоқдан кутқарганди, — дедим ух тортиб. — Иккинчи ботқоқдан ҳам кутқарибди-да...

— Ха, унинг ўзи келолмаган бўлса ҳам, қогозларининг фойдаси тегди, — деб хомуш торти отам.

— Илм-фан моддий дунёда катта аҳамиятта эга.
— Ўзи келолмаган бўлса ҳам... — тақрорладим хаёлга толиб. — Балки... унинг руҳи... Мен руҳи билан гаплашгандекман.

Ота-онам менга хавотириланиб тикилишди.

Шу пайт Бўри ва икки қизим шифохонага келганларини хабар қилишди.

— Ана, келишди, — ўрнидан турди онам. — Ҳозир уларни бу ёққа бошлаб келаман.

— Нурмухаммаднинг йўқлигига чидашим осонмас, эна, — зорландим онамнинг ортидан.

Онам тўхтаб, менга қараб кулимсиради. Кейин ёнимга пилдириб келиб, деди:

— Ким айтди уни йўқ деб? Отангми? Бекор гап!

— У... у борми?

Онам кулоғимга шивирлади:

— Кейинги йил келади, кўнглим сезапти. Уни ҳаммамиз биргаликда имом бола қилиб тарбиялаймиз, хўпми?

— Хўп, — дедим бўшашиб.

Биз уйни қайтадан тикладик. Фермани ҳам сотиб олдик. Бўри чага мусулмончиликдан кечиб, поклар сафига кўшилди. Нурмухаммад туғилганида, эски улфатлари тўпланиб келишиб, «Ювасан!» дейишди. Бўри эса:

— Қачонгача фариштадай пок болаларимизни спирт билан ювамиз, яхшиси, жонлиқ сўйиб, бир ош қилиб берай, — деди.

Шу-шу Бойжанжал қишлоғида ҳеч ким ўз боласини ароқ-сигаретга юбормайдиган бўлди. Хотинларини очиқ-сочиқ кийинтириб, номаҳрам эркаклар билан вальсга тушириш одати ҳам йўқолди. Тўйларда ароқ қўйилмаса, илгарилари биринчи оврагати еб, аразлаб кетиб қоладиганлар ҳам эндиликда йўқ эди. Улар «биз мол эмасмиз-ку молчасига фикрлаб», дейишганмиш.

Йил ўтиб, ўғлим Нурмухаммаддон ўз фикрларини янги бошлайдиган бола бўлиб етишди. Мен унга қилинчларни кийдириб, тай-тай қилиб етаклаб юргиздим.

— Нурмухаммад, келажакда ким бўласан? — деб сўрдим кунларнинг бирида меҳмонларнинг олдидан мактаниб.

— Менми? — ҳаммамизга қора кўзчаларини йиллаблатиб қаради у. — Аямди, дадамди, опалайди кўнглимдиган зўй одам бўламан.

Бизни кимлардан кўриқлайсан? — хайрон бўлдим мен. Чунки унга «Макага имом бўламан» деган гапни ўрнатган эдим.

Бўйиладан кўйиқлайман, бўйиладан, — деб жавоб берди Нурмухаммад.

Мен чой дамлаш баҳонасида меҳмонхонадан чиқиб, ошхонага кирдим-да, хўнграб йиғлаб юбордим...

Кундалигимга нукта қўймайман. Ҳаждан қайтиб, ҳақиқий дафтарга кўчираман. Сизларнинг муслиманнинг тирик. Сизларнинг муслимангиз соппасиз. Ўзингизга икки дунё саодатини тилайман.

Адабий-бадiiй нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

ТЕЛБА КЕЛІННИНГ КҮНДАЛИГИ

Қисса

Муҳаррир: *О.Қанаев*
Дизайнер: *Р.Ташматов*
Мусахҳих: *М.Ҳалиқова*
Саҳифаловчи: *Г.Қурбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АІ №270

Босилга 30.08.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

«Vitec Times UZ» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табоғи 14,0 Адаги 4000 Буюртма №72

«JOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«Dizaul-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: book@jodpress.uz
www.jodpress.uz